



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛТЕТ**

”ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

“Миллий иқтисодиёт” фанидан



ГУЛИСТОН

М.Қ. Аллаярова. "Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти" фанидан ўқув-услубий мажмуа. - Гулистон. 2015. 325 бет.

Ўқув - услубий мажмуа 5230100-иқтисодиёт таълим йўналиши бўйича ўқиётган бакалаврларга ихтисослик фанлар доирасида ўқитишга мўлжалланган бўлиб, унда "Ўзбекистон миллий иқтисодиёти" фани предмети ва методлари, унинг тармоқ хўжалиги сифатида намоён бўлиши, бозор иқтисодиётининг шаклланиши билан вужудга келиши ва ривожланишига оид маълумотлар келтирилган.

Ўқув - услубий мажмуа педтехнология талабларига мос равишда тайёрланиб, унда ўқув мақсадлари, мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар, назорат саволлари ва мустақил иш топшириқлари келтирилган. Ўқув - услубий мажмуада ўқув дастур, ишчи дастур таълим технологияси, амалий машғулотлар учун масалалар тўплами, назорат турлари учун топшириқлар вариантлари, 200 тадан иборат тест саволлари, фандан умумий назорат саволлари, тақдирот материаллари, глоссарий, фойдаланган адабиётлар рўйхати, таянс конспект, ўқув материаллари ва хорижий адабиётлар ўз ифодасини топган.

Ўқув – методик мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаши томонидан («_____» _____ 20 йил, 1-баённома) нашрга тавсия қилинган.

Масъул муҳаррир:

Тақризчилар: Иқт. фанлари номзоди, доц. О.Т. Сатторқулов
Иқт. фанлари номзоди, доц. О.Р.Райимбердиева

Allayarova M. K. Training aid on Economy of the infrastructure of agriculture.- Gulistan, 2015 325 p.

The training aid is prepared on the base of Economy of the infrastructure of agriculture course program, the branch of education is 5230100 - economic.

The manual is about economic activities of infrastructure spheres of serving to agricultural production and their external economic relations.

The manual is designed for bachelor, master students of higher educational establishments majoring in economics as well as for professors, teachers and scientific researchers.

Аллаярова М.К. Учебно-методический комплекс по курсу «Экономика инфраструктуры сельского хозяйства».- Гулистан 2015. 325 стр.

Учебно - методический комплекс подготовлен на основании программы курса «Экономика инфраструктуры сельского хозяйства» по специальности 5230100-экономика. Освещены основные стороны развития инфраструктуры сельского хозяйства, его место и значение в развитие экономики страны

Учебно-методический комплекс предназначен для студентов, магистров и аспирантов экономического направления.

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг мамлакатимизда ислохотлар амалга оширилмоқда. Уларнинг натижалари иқтисодиётимизда сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.

Фаннинг мақсади: мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш жараёнларини амалга ошириш. Ўзгариб бораётган бозор муносабатларини такомиллаштириш, бозор инфратузилмасини институтлари фаолиятини рағбатлантириш, ҳақиқий мулкдор синфини шакллантириш, эркин тадбиркорликни ривожлантириш, чет эл сармоясини жалб этишни кўпайтиришдан иборатдир.

Эндиликда миллий иқтисодиётимизнинг турли йўналишлари, уч таркибий қисмларини жаҳон бозори билан қиёсий ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти - жами соҳалар, ассоциациялар, корхоналар, ташкилотларнинг йиғиндиси бўлиб, улар иқтисодий тизимга умумий қонунлар ва ривожланиш мақсадларига асосланган ҳолда бирлашган.

Ўзбекистон миллий иқтисодиёти бозор иқтисодиёти муносабатларини ўрганувчи барча аниқ фанлар назариясига ва услубига таянади.

Фаннинг вазифалари: миллий иқтисодиёт, иқтисодиёт ривожланишининг макро кўрсаткичлари, иқтисодиёт тармоқларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни тартибга солиш, меҳнат бозори ва уни тартибга солиш, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиниши, иқтисодиётни бошқаришда молия кредит дастаклари, миллий иқтисодиёт ривожланишининг макроиқтисодий дастурларни тузиш, бозор инфратузилмасини такомиллаштириш йўналишлари ва жаҳон иқтисодиётига интеграцион йўналишини ёритиш.

Ўқув услубий мажмуа “Ўзбекистон миллий иқтисодиёти” фанидан бўйича тўлиқ маълумотларни қамраб олган бўлиб 15та таркибдан иборат. ЎУМнинг асосий қисми фан бўйича ўқув дастур, ишчи ўқув дастур, таълим технологияси, амалий машғулотлар учун масалалар тўплами, назорат турлари учун топшириқлар вариантлари, 200 тадан иборат тест саволлари, фандан умумий назорат саволлари, тақдимот материаллари, глоссарий, фойдаланган адабиётлар рўйхати, таянс конспект, ўқув материаллари ва хорижий адабиётлардан ташкил топган.

Талаба учун зарур бўлган барча материаллар тўлалигича баён этилган.

МАЪЛУМОТНОМА

Аллаярова Мастура Қудратуллаевна



У 2006 йилнинг 2 сентябридан буён:

**Гулистон давлат университети «Умумий иқтисодиёт»
кафедраси катта ўқитувчиси лавозимида ишлайди.**

Туғилган йили:
05.10.1967 йил

Туғилган жойи:
Сирдарё вилояти

Миллати:
ўзбек

Партиявийлиги:
йўқ

Маълумоти:
олий

Тамомлаган:
1989 йил, Москва Давлат
Университети (кундузги)

Маълумоти бўйича мутахассислиги:

иқтисодчи, иқтисодиёт
назариясидан ўқитувчи

Илмий даражаси:
йўқ

Илмий унвони:
йўқ

**Қайси чет ва МДХ давлатлари тилларини билади (тўлиқ кўрсатилиши
лозим):**

рус (мукамал) ва инглиз (луғат ёрдамида) тиллари.

Давлат мукофотлари билан тақдирланганми:
йўқ

**Халқ депутатлари, республика, вилоят, шаҳар ва туман кенгаши
депутатими ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ
кўрсатилиши лозим):**

йўқ

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

1984-1989 йй. - Москва давлат университети талабаси

- 1989-1990 йй. - Тошкент давлат педагогика институти “Сиёсий иқтисод” кафедраси ўқитувчиси
- 1990-1992 йй. - Сирдарё давлат педагогика институти “Сиёсий иқтисод” кафедраси ўқитувчиси
- 1992-1998 йй.- Гулистон давлат университети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси ўқитувчиси, катта ўқитувчиси
- 1998-2006 йй. - Гулистон давлат университети «Иқтисодиёт» кафедраси катта ўқитувчиси
- 2006 й .ҳ.в. - Гулистон давлат университети «Умумий иқтисодиёт» кафедраси катта ўқитувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИ ФАНИ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТ ВА ТАВСИЯЛАР

Билим олиш жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар: дарсни юқори илмий-педагогик даражада ташкил этилиши, муаммоли машғулотлар ўтказиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўлланмалардан фойдаланиш, тингловчиларни мустақил фикрлашга ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдида қўйиш, ижодкорликка йўналтириш ва бошқа тадбирлар таълим устуворлигини таъминлайди. Таълим самарадорлигини орттиришда фанлар бўйича таълим технологиясини ишлаб чиқишнинг концепцияси аниқ белгиланиш ва унга амал қилиши ижобий натижа беради. Фанни ўқитишнинг мақсади ва таълим бериш технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий концептуал ёндашувлар қуйидагилардан иборат.

Фаннинг мақсади. 5340100-иқтисодиёт таълим йўналишида таҳсил олаётган талабаларга мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар бевосита миллий иқтисодиётнинг тармоқ хўжалигини ривожланишига боғлиқ эканлиги билан таништиришдир.

Фанни ўқитишнинг вазифалари. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг моҳияти, таркиби, туркумланиши, агросаноат мажмуасида моддий-техника таъминотининг ташкилий ва иқтисодий омиллари, транспорт хизматини ташкил этиш, электр энергиясидан фойдаланишни ташкил этиш, тайрлов тизими ва унинг ташкилий-иқтисодий асослари тўғрисида тушунчалар беришдир.

Шахсга йўналтирилган таълим. Ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутади. Таълимни лойиҳалаштирилаётганда келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошишга эътибор қаратишни амалга оширади. Ҳар бир талабанинг шахс сифатида касбий такомиллашувини таъминлайди. Таълимнинг марказига билим олувчи қўйилади.

Тизимли ёндошув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги билим олиш ва касб эгаллашнинг мукамал бўлишига ҳисса қўшади.

Фаолиятга йўналтирилган ёндошув. Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятини жадаллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида барча қобилият ва имкониятларни, ташаббускорликни очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди. Эгалланган билимларнинг кўникма ва малакага айланиши, амалиётда татбиқ этилишига шароит яратади.

Диалогик ёндошув. Бу ёндошув ўқув жараёни иштирокчиларининг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги таълимий фаолият юритишига замин яратади.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Демократлилик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради. Таълим жараёнида “субъект-субъект” муносабатлари таркиб топади.

Муаммли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларида бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усуллари, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни таъминлайди. Муаммоли савол, вазифа, топшириқ ва вазиятлар яратиш ва уларга ечим топиш жараёнида онгли, ижодий, мустақил фикрлашга ўргатилади.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш - ҳозирги ахборот коммуникация технология васиталари кучли ривожланган шароитда улардан тўғри ва самарали фойдаланиш, ахборотларни танлаш, саралаш, сақлаш, қайта ифодалаш кўникмалари ҳосил қилинади. Бу жараёнда компьютер саводхонлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқитишнинг методлари ва техникаси. Маъруза муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, лойиҳа ва амалий ишлаш усуллари. Интерфаол усулларни мавзунинг мазмунига мос ҳолда танлаш ва улардан самарали фойдаланишга ўргатади.

Ўқитиш васиталари: ўқитишнинг анъанавий воситалари билан бир қаторда – компьютер ва ахборот технология воситалари кенг қўламда татбиқ этилади.

Коммуникация усуллари: тингловчилар билан оператив икки ёқлама (тескари) алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатларнинг йўлга қўйилиши.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



**Талабаларнинг фанлардан қолдирган
дарсларини қайта ўзлаштириши тўғрисида
НИЗОМ**

Гулистон-2013

Талабаларнинг фанлардан қолдирган дарсларини

қайта ўзлаштириши тўғрисида

НИЗОМ

1. Умумий ҳолатлар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги “ОТМга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 118-сонли Қарорининг 30-банди, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 1999 йил 29 мартдаги 99-сонли “Олий ўқув юртларида ўқув ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида”ги буйруғи, “Олий ўқув юртининг факултети тўғрисида Низом”, 2010 йил 25 августдаги 333-сонли буйруқ билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 26 августда 1981-1 сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом”нинг 2, 23, 24, 25, 26, 33, 34-бандлари, “Талаба мустақил ишини ташкил қилиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги намунавий Низом” ҳамда 2010 йил 29 августдаги “ОТМнинг кафедра ва деканатлари иш юритишда бўлган асосий ҳужжатларни соддалаштириш тўғрисида”ги 340-сонли буйруғи талабалари асосида талабаларнинг сабабсиз дарс қолдиришлари олдини олиш ва фанлардан қолдирган дарсларини қайта ўзлаштириши тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг мақсади талабаларда касбий малакаларни мустаҳкамлаш жараёнида фанлардан билим олиш самарадорлигини янада ошириш ҳамда ўқув ва меҳнат интизомини яхшилашга қаратилган.

3. Мазкур Низом:

- фан ўқитувчиси, гуруҳ мураббийси, кафедра мудири ва факултет деканининг талабалар томонидан ўқув фанларидан сабабсиз дарс қолдирилишини камайтириш ва қайта ўзлаштиришни ташкил қилиш бўйича ҳуқуқ ва масъулиятларини белгилаш;
- қайта ўзлаштиришнинг ўз вақтида бўлишини таъминлаш;
- фанлардан қолдирилган дарсларни қайта ўзлаштиришда ҳозирги кунгача шаклланиб қолган эски (семестр якунида қайта ўзлаштириш каби) салбий услублардан воз кечиш, талаба ва фан ўқитувчисининг мазкур жараёнга масъулият билан ёндашиши ҳамда қайта ўзлаштириш жараёнида илғор инновацион услуб ва тажрибаларидан фойдаланиш каби асосий вазифаларнинг бажарилишини кўзда тутати.

II. Фанлардан қолдирилган дарсларнинг қайта

ўзлаштирилишини қайд қилиш тартиби

4. Ўқув фанларидан қолдирилган дарслар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 29 августдаги 340-сонли буйруғи асосида юритиладиган

академик гуруҳ журналига “й” ёки “нб” белгиларини қўйиш орқали қайд қилинади. Узрли сабаб билан қолдирилган дарс доирага олинади (одатда қора ёки кўк сиёҳда). Сабабнинг узрлилиги деканат маълумотномаси асосида белгиланади.

5. "Ўқитувчи журнали" ва "Гуруҳ журнали"даги “й” ёки “нб” белгилари қайта топширилган дарс мавзуси мос санада қизил сиёҳ билан (иккинчи) доирага олинади.

6. Ўқув фанларидан қолдирилган дарслар ва уларни қайта ўзлаштириш "Ўқитувчи журнали" ва "Гуруҳ журнали"да бир хил кўринишда қайд қилинади. Бу борадаги маълумотларнинг аниқлигига ўқитувчи масъулдир.

7. Дарсдан сўнг фан ўқитувчиси кафедрада юритиладиган махсус журналга дарс қолдирган талабалар ва фан мавзуси бўйича тегишли маълумотларни ўрнатилган тартибда қайд этади ва бу тўғрисида талабани огоҳлантиради.

Қайта ўзлаштиришдан сўнг ўқитувчи томонидан талабанинг дафтарига ва кафедрада жорий қилинган махсус журналга дарснинг қайта ўзлаштирилганлиги қайд қилинади.

8. Қолдирилган дарсларни тўлиқ ўзлаштирамаган талабалар фанни ўзлаштириш бўйича юқори баллга даъвогарлик қила олмайди.

III. Қолдирилган дарсларни қайта топшириш ва қабул қилиш тартиби

9. Қолдирилган дарсларни (маъруза, амалий, семинар, лаборатория) қайта топшириш учун талаба мавзу бўйича ўқув материални тегишли турдаги машғулот дафтарига тайёрлаб келади ва ўқитувчининг қисқа суҳбатидан ўтади.

10. Қолдирилган лаборатория машғулотларини қайта топшириш учун талаба ўқитувчига коллоквиумни топшириб, лаборант назорати остида ишни бажаради ва ҳисоботни расмийлаштириб ўқитувчига топширади.

11. Қайта топширишлар Вазирликнинг 340-сонли буйруғи иловасининг 11-шакли ("Рейтинг қайдномаси") бўйича белгиланган **3 та муддат** ичида қабул қилинади. Муддат ўтганидан сўнг деканат рухсати билан қабул қилинади.

12. Қолдирилган дарсларни қабул қилиш, рейтинг кўрсаткичларини баҳолаш юктамаси ҳисобидан амалга оширилади.

13. Қайта топширишни ўз вақтида бажармаган ва фанни ўзлаштирамаган талабага семестр якунида қолдирган дарсларини қайта топширишига рухсат берилмайди.

14. Қолдирилган дарсларни узрли сабаб билан (касаллик маълумотномаси **ТМК** тасдиғи билан ёки касаллик тарихидан кўчирма) ўзлаштира олмаган талабаларга ўрнатилган тартибда деканат томонидан қайта топшириш ташкил этилади.

IV. Дарсларнинг қолдирилишини камайтириш ва қайта ўзлаштирилишини ташкил қилиш бўйича белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар

16. Талаба фанлардан қолдирилган дарсларга ва уларни белгиланган муддатларда ўзлаштиришга шахсан жавобгар ҳисобланади.

17. Дарсдаги даволат ҳамда қолдирилган дарсларнинг ўзлаштирилиши учун фан ўқитувчиси ҳамда гуруҳ мураббийси масъул ҳисобланади.

18. Гуруҳ мураббийси гуруҳ талабаларининг фанлардан қолдирган дарслари сабаблари ва уларни қайта ўзлаштирилиши ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши, гуруҳнинг ҳар бир мажлисида ва ахборот таълим-тарбия соатида талабаларнинг даволати ҳамда фанлардан қайта ўзлаштиришларни муҳокама қилиб, тегишли чоралар қўриши ва сабабсиз дарс қолдирилмаслигини ҳамда фанлардан қолдирилган дарсларни ўз вақтида ўзлаштирилишини таъминлаши зарур.

19. Кафедра мудири **қайта топширишларни қабул қилиш жадвалига мувофиқ профессор-ўқитувчилар фаолиятининг ташкил этилишини** назорат қилади ва фанлар

бўйича қайта ўзлаштириш натижаларини ҳар ойда бир марта кафедра мажлисларида муҳокамадан ўтказиб, дарс қолдирган талабалар ва уларнинг қайта топширишлари натижалари юзасидан деканатга маълумотнома тақдим этади.

20. Талабаларнинг давомати учун масъулият Вазирлик томонидан тасдиқланган "Олий ўқув юртининг факултети тўғрисида Низом"нинг 6-бандига асосан факултет декани зиммасига юклатилади. Декан сабабсиз кўп дарс қолдирган талабалар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиши, фан ўқитувчилари ва гуруҳ мураббийларининг фаолиятини узлуксиз назорат қилиб бориши ва талабаларнинг сабабсиз дарс қолдирмаслиги учун кескин чоралар кўриши лозим.

Фан ўқитувчиси тақдим этган билдиришномага мувофиқ 3 маротабадан кўп дарс қолдирган ёки кўпол тарзда университет ички тартиб-қоидаларини бузиб, дарсга халақит берган талабанинг дарс қолдириш сабаблари ўрганилиб, чора кўрилганидан кейин факультет деканининг рухсати билан талаба дарсга киритилади.

21. Талабаларнинг ўқув фанларидан дарс қолдириш ҳолати бўйича факультет деканлари томонидан тақдим этилган маълумотлар маъмурият йиғилишларида муҳокама қилиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

23. Ушбу Низомга ўзгартириш киритиш университет Илмий Кенгаши қарори асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 14 августдаги 286-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Талабаларнинг фанлардан қолдирган дарсларини қайта ўзлаштириши тўғрисида НИЗОМ”и асосида тайёрланган “Гулистон давлат университети талабаларининг фанлардан қолдирган дарсларини қайта ўзлаштириши тўғрисида Низом” Гулистон давлат университетининг 2013 йил 25 январдаги Илмий Кенгашининг 5-сонли мажлисида муҳокама этилиб, университетнинг 2013 йил __ январдаги __-сонли буйруғи билан қайта тасдиқланган.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

Гулистон Давлат университети



**Талабаларнинг фанлардан мустақил
ишларини ташкил этиш, назорат қилиш
ва баҳолаш тартиби тўғрисида**

Низом

Гулистон-2013 йил

Гулистон давлат университетида талабалар мустақил ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида Низом

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001-йил 16-августдаги "Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 343-сон қарори, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005-йил 21-февралдаги "Талабалар мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги намунавий низом тўғрисида"ги 34-сонли буйруғи, 2009 йил 14 августдаги 286-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома" асосида талабалар томонидан фанларни ўзлаштириш сифатини яхшилаш ҳамда талабаларда мустақил фикрлаш, ахборот манбаларидан олинган маълумотларни таҳлил этиш, хулосалаш, татбиқ этишга йўналтирилган кўникма ва малакаларни ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

1.2. Фанлардан мустақил ишлар намунавий ва ишчи ўқув режалари асосида муайян фанни тўла ўзлаштириш учун белгиланган ўқув ишлари ҳажмининг бир қисми сифатида, ўқитувчи назорати остида талабанинг фан учун тутган умумий дафтарига (маъруза, амалий, семинар, лаборатория) фанлар кесимида келтирилган мустақил таълим мавзулари мустақил тарзда бажарилади. Мустақил иш мавзуларини бажаришда асосан фаннинг ишчи дастурида келтирилган асосий, қўшимча адабиётлардан, университет АРМи манбаларидан ҳамда Интернет тармоғида мавжуд материаллардан, кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган ЎУМ, ўқув-услубий қўлланма ва кўрсатма, маъруза матнлари, шунингдек бошқа манбалардан фойдаланилади.

1.3. Талабаларнинг мустақил ишларни бажариш бўйича тўплаган рейтинг баллари ўқув семестри давомида ҳар бир фан бўйича аудитория ўқув ишларига берилган рейтинг баллари билан биргаликда академик гуруҳларнинг рейтинг қайдномасида қайд этилади.

II. Талабалар мустақил ишининг мақсад ва вазифалари

2.1. Талаба мустақил ишининг асосий мақсади - талабаларда, фан ўқитувчисининг раҳбарлиги ва назорати остида, муайян фан бўйича маъруза, амалий (семинар) ва лаборатория машғулотларидан берилган ўқув топшириқларини мустақил равишда бажариш жараёнида зарур билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришдан иборат.

2.2. Талаба мустақил ишининг вазифалари:

- фанлардан маъруза (амалий лаборатория) машғулотларида берилган билимларни мустақил тарзда пухта, мукаммал ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- тавсия этилган адабиётларни университет АРМида ва интернет сайтларидан топиш, мавзуларни ўрганиш жараёнида керакли маълумотларни излаб йиғиш, қулай усуллари ва воситаларини аниқлаш;
- ўқув ва илмий адабиётлар, илмий, илмий-методик журналлар ҳамда меъёрий хужжатлар билан ишлаш, электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банкидан фойдалана олиш ва зарур маълумотларни тўплаш ҳамда таҳлил қилиш;
- интернет тармоғининг тавсия этилган сайтларидан мақсадли фойдаланишга ўргатиш;
- ўқув машғулотларида берилган топшириқларнинг рационал ечимини топиш ва таҳлил этиш;
- фанлардан мустақил иш топшириқларни, ҳисоб чизма ишларини, курс иши ва курс лойиҳаларини бажаришда тизимли ва ижодий ёндошишга ўргатиш;
- мустақил иш топшириқларини бажариш жараёнида ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояларни асослаш ва мутахассислар жамоасида ҳимоя қилиш;
- фан бўйича талабанинг мустақил фикрлаш, билим, кўникма ва тасаввур оламини ҳамда муаммоларни мустақил ҳал қила олиш қобилиятини шакллантиришдан иборат.

III. Талаба мустақил ишининг ташкилий шакллари

3.1. Талаба мустақил ишини ташкил этишда муайян фан(курс)нинг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- Ўқув-услубий мажмуалар асосида маъруза мавзулари материалларини мустақил ўзлаштириш;
- семинар ва амалий машғулотлар бўйича уйга берилган топшириқларни бажариш;
- лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриш ҳамда ҳисоботлар тайёрлаш;
- Техникавий, табиий фанлар бўйича ҳисоб-график ишларни бажариш;
- курс иши (лойиҳаси)ни мустақил бажариш;
- илмий мақола, Республика ва халқаро миқёсидаги анжуманларга маъруза тезисларини тайёрлаш.

Фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, кафедра йиғилиши қарорига кўра фанлардан талаба мустақил ишларини ташкил этишда бошқа шакллардан ҳам фойдаланилиши мумкин.

3.2. Ўқув фанлари бўйича намунавий ва ишчи дастурларда талаба мустақил ишининг шакли, мазмуни ва ҳажми ҳамда баҳолаш мезони кўрсатилади;

3.3. Кафедралар томонидан талаба мустақил иши учун ажратилган вақт бюджетига мос равишда ҳар бир фан бўйича мустақил ишининг ташкилий шакллари, топшириқлар ишлаб чиқилади ва кафедра йиғилишида муҳокама этилиб, факультет ўқув-услубий кенгашида тасдиқланади. Кафедранинг рейтинг ойнасида ҳар бир фан бўйича мустақил таълим мавзулари таништириш учун эълон қилинади.

3.4. Кафедра томонидан мустақил ишларни бажариш бўйича фанлардан талабаларга зарурий методик қўлланма, кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

IV. Фанлардан ўқув машғулотлари бўйича топшириқлари

4.1. Фанлар бўйича маъруза (амалий, семинар, лаборатория) машғулотларидан мустақил иш топшириқлари кафедраларнинг етакчи профессор–ўқитувчилари (профессор, доцентлар), фан ўқитувчиси билан биргаликда ишлаб чиқилади, кафедра йиғилишида муҳокамадан ўтказилади ва тегиши қарор билан тасдиқланади.

4.2. Фанлардан мустақил иш топшириқлари фан бўйича ишчи дастурга мос ҳолда мавзулар келтирилади ва мустақил иш топшириқларини бажариш муддатлари кўрсатилади.

4.3. Фаннинг ишчи ўқув дастурига киритилган ва маъруза шаклида ўрганиши белгиланган мавзуларни тўлалигича мустақил иш сифатида бажарилишига рухсат этилмайди.

4.4. Амалий, (семинар) машғулотлар бўйича аудиторияда бажарилган топшириқларга мазмунан ўхшаш мураккаблиги мос келувчи топшириқлар мустақил тарзда уйда ишлашга тавсия этилади.

4.5. Лаборатория ишида назарий тайёрлик кўриш, натижалар олиш, таҳлил этиш ҳамда ўлчаш хатоликларини аниқлаш мустақил иш топшириғи ҳисобланади, лекин лаборатория иши бажарилиб, тўла топширигандан сўнг ҳисобга олинади.

4.6. Кафедралар томонидан фанлардан мустақил иш топшириқларини бажариш учун зарур бўлган ўқув адабиётлари, методик адабиётлар, методик тавсиялар, кўрсатмалар, интернет сайтлари ва ҳ.к.лар аниқ кўрсатилади. Мустақил ишларни бажариш жараёнида фан ўқитувчиси томонидан талабаларнинг талаблари асосида консултациялар уюштирилади.

4.7. Талабалар томонидан курс иши (лойиха) ларини тайёрлаш жараёнида зарур ҳолларда марказий АКМ, АРМлардан коллежлар, лицейларнинг АРМларидан, интернет тармоқларидан фойдаланишга амалий имкониятлар яратиб берилади.

V. Талабалар томонидан мустақил ишларни расмийлаштириш топшириш тартиби

5.1. Фанлардан мустақил ишлар бўйича тайёрланган материаллар талабанинг фан бўйича тугган маъруза ва амалий (семинар) машғулотлари дафтарига ёзилади, ўқитувчи томонидан кўриб чиқилади ва қисқа оғзаки сўров орқали баҳоланади.

Лаборатория машғулотларида мустақил иш топшириқларини бажариш натижалари ҳам лаборатория дафтарига ёзилади. Талаба ҳар бир лаборатория иши бўйича коллоквиум топширигандан сўнг лаборатория ишини бажаришга рухсат этилади ва ишни тўла топширигандан сўнг баҳоланади.

5.2. Ҳисоб-чизма ишларини ҳамда курс иши ёки курс лойихаси ишларини мустақил бажариш натижалари белгиланган тартибда ёзилади ва ҳимоя қилинади, баҳоланади.

5.3. Кафедралар томонидан фанлардан маъруза, амалий (семинар) ва лаборатория машғулотлари бўйича мустақил иш топшириш графиги семестр бошланишида кафедранинг рейтинглар ойнасига осиб қўйилади.

5.4. Фанлардан ўқув машғулотлари кесимида мустақил иш топшириқларини график асосида машғулот дафтарига қайт этиб бажариш ва муддатида топшириш масъулияти талабага, назорати фан ўқитувчиси зиммасига юклатилади. Белгиланган муддатда топширилмаган мустақил иш топшириқлари факультет деканатининг рухсатномаси асосида ЖНдан кейинги ЖНга қадар, ОНдан кейинги ОНга қадар муддатларда топширишга рухсат этилади.

VI. Талабалар мустақил ишларини бажарилишини назорат қилиш ва баҳолаш

6.1. Фанлардан талабалар мустақил ишларининг бажарилиши фан ўқитувчиси томонидан назорат қилинади. Фан ўқитувчиси мустақил иш топшириқларини муддатида бажармаган ва топширмаган талабалар тўғрисида кафедра йиғилишида ахборот беради. Кафедранинг йиғилиш қарорига асосан деканатларга ўзлаштирмаган талабалар тўғрисида маълумот берилади.

6.2. Фанлардан талабалар мустақил ишларининг бажарилиши кафедра йиғилишларида ҳар ойда бир марта, факультет кенгашида семестр давомида камида уч марта муҳокама этилади.

6.3. Фанлардан талабаларнинг мустақил ишлари ўқув режада фан бўйича ажратилган соатлар ҳисобидан ишлаб чиқилган рейтинг ишланмага кўра рейтинг жадвалида қайд этилган бўлиб, ЖН ва ОН учун ажратилган балларга қўшиб баҳоланади.

6.4. Фанлардан ЖН ва ОН ҳамда мустақил иш топшириқларини бажариш бўйича тўпланган баллари кафедранинг рейтинг ойнасида ёритиб борилади.

6.5. Фанлардан талабалар мустақил ишларини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари кафедралар томонидан ишлаб чиқилади ва тегишли тартибда тасдиқланади.

Мустақил ишларни баҳолаш мезонлари талабаларга ўқув семестри бошланишида эълон қилинади.

Ҳар бир мустақил ишнинг мавзусига баллар ажратиш, фаннинг рейтинг ишланмасига асосланган ҳолда фан ўқитувчиси томонидан ишлаб чиқилади ҳамда кафедра йиғилишида муҳокама этилиб, кафедра мудирини томонидан тасдиқлашга тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 21 февралдаги “Талабалар мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби ҳақидаги намунавий низом тўғрисида”ги 34-сонли буйруғи, 2009 йил 14 августдаги 286-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома”си асосида тузатишлар киритилган “Гулистон давлат университети талабаларининг мустақил ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида Низом” Гулистон давлат университетининг 2013 йил 25 январдаги Илмий Кенгашнинг 5-сонли мажлисида муҳокама этилиб, университетнинг 2013 йил __ январдаги ____ -сонли буйруғи билан қайта тасдиқланган.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

Гулистон Давлат университети



**Олий таълим муассасаларида талабалар билимини
назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими
тўғрисида**

НИЗОМ

Гулистон-2013

Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида *НИЗОМ*

(Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 11 июндаги 204-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 10 июлда 1981-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.)

Топшириққа мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги буйруғи билан Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 26 августда 1981-1-сон билан давлат рўйхатидан қайта ўтказилган.)

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг [“Таълим тўғрисида”](#)ги ва [“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”](#)ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимини тартибга солиди.

Ушбу низом қуйидаги 6 та бўлимдан иборат:

- I. Умумий қоидалар
- II. Назорат турлари ва уни амалга ошириш тартиби
- III. Баҳолаш тартиби ва мезонлари
- IV. Назорат турларини ўтказиш муддати
- V. Рейтинг натижаларини қайд қилиш ва таҳлил этиш тартиби
- VI. Яқуний қоидалар

I. Умумий қоидаларга киритилган ўзгартиришлар

2-банд:

а) талабалар билимини холис ва адолатли баҳолаш ҳамда унинг натижаларини вақтида маълум қилиш;

б) ўқув жараёнининг ташкилий ишларини компьютерлаштиришга шароит яратиш.

в). Фанлар бўйича талабалар билимини семестрда баҳолаб бориш рейтинг назорати жадваллари ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади. [4--Reyting Адлиядан 2-09-2010.doc](#)

II. Назорат турлари ва уни амалга ошириш тартиби

Назорат турлари, *уни ўтказиш тартиби ва мезонлари* кафедра мудири тавсияси билан олий таълим муассасасининг (факультет) ўқув-услубий кенгашида муҳокама қилинади ва тасдиқланади ҳамда *ҳар бир фаннинг ишчи ўқув дастурида* машғулот турлари билан биргаликда кўрсатилади.

Рейтинг назорати жадваллари, назорат тури, шакли, сони ҳамда ҳар бир назоратга ажратилган максимал балл, шунингдек жорий ва оралиқ назоратларнинг саралаш баллари ҳақидаги маълумотлар фан бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Оралиқ назорат – семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралиқ назоратнинг сони (*бир*

семестрда мартадан кўп ўтказилмаслиги лозим) ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади;

Яқуний назорат – семестр якунида муайян фан бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули. **Яқуний назорат асосан таянч тушунча ва ибораларга асосланган “Ёзма иш” шаклида ўтказилади.**

Оралиқ назоратни ўтказиш жараёни кафедра мудури томонидан тузилган комиссия ишгирокида даврий равишда ўрганиб борилади ва уни **ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, оралиқ назорат натижалари бекор қилинади** ҳамда оралиқ назорат **қайта** ўтказилади.

Олий таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан **ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида** тузилган комиссия ишгирокида яқуний назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, яқуний назорат натижалари **бекор қилинади** ҳамда яқуний назорат **қайта** ўтказилади.

III. Баҳолаш тартиби ва мезонлари

Талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг **рейтинг тизими асосида** талабанинг ҳар бир фан бўйича **ўзлаштириш даражаси баллар** орқали ифодаланади

- Ҳар бир фан бўйича талабанинг семестр давомидаги **ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик** тизимда **бутун сонлар** билан баҳоланади.
- Ушбу 100 балл назорат турлари бўйича куйидагича тақсимланади:
- **яқуний назоратга** – **балл**;
- **жорий ва оралиқ назоратларга** – **балл** (фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда 70 балл кафедра томонидан жорий ва оралиқ назоратларга тақсимланади).

Талабанинг рейтинг дафтарчасига алоҳида қайд қилинадиган **курс иши** (лойихаси, ҳисоб-график ишлари), **малакавий амалиёт**, фан (фанлараро) бўйича **яқуний давлат аттестацияси, битирув малакавий иши** ва магистратура талабаларининг илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлари, магистрлик диссертацияси бўйича ўзлаштириш даражаси – 100 баллик тизимда баҳоланади.

Талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичини назорат қилишда куйидаги намунавий мезонлар тавсия этилади:

а) 86-100 балл учун талабанинг билим даражаси куйидагиларга жавоб бериши лозим:

- хулоса ва қарор қабул қилиш;
- ижодий фикрлай олиш;
- мустақил мушоҳада юрита олиш;
- олган билимларини амалда қўллай олиш;
- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш.

б) 71-85 балл учун талабанинг билим даражаси куйидагиларга жавоб бериши лозим:

- **мустақил мушоҳада юрита олиш;**
- **олган билимларини амалда қўллай олиш;**
- **моҳиятини тушуниш;**
- **билиш, айтиб бериш;**
- **тасаввурга эга бўлиш.**

в) **55 -70 балл** учун талабанинг билим даражаси куйидагиларга жавоб бериши лозим:

- **моҳиятини тушуниш;**
- **билиш, айтиб бериш;**
- **тасаввурга эга бўлиш.**

г) куйидаги ҳолларда талабанинг билим даражаси **0-54 балл** билан баҳоланиши мумкин:

- **аниқ тасаввурга эга бўлмаслик;**
- **билмаслик.**

Намунавий мезонлар асосида муайян фандан жорий ва оралиқ назоратлар бўйича **аниқ мезонлар** ишлаб чиқилиб, кафедра мудирини томонидан **тасдиқланади** ва талабаларга эълон қилинади.

Намунавий мезонларга мувофиқ мутахассислик фанлар бўйича таянч олий таълим муассасалари томонидан **яқуний назорат учун баҳолаш мезонлари** ишлаб чиқилиб, олий таълим муассасаси **Илмий-услубий кенгаши томонидан тасдиқланади** ва турдош олий таълим муассасаларига етказилади.

Талабаларнинг ўқув фани бўйича **мустақил иши** жорий, оралиқ ва яқуний назоратлар жараёнида тегишли топшириқларни бажариши ва унга ажратилган баллардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

Талабанинг фан бўйича бир семестрдаги рейтинги куйидагича аниқланади:

$$R_f = \frac{v \cdot o'}{100}$$

бу ерда:

V – семестрда фанга ажратилган умумий ўқув юкмаси (соатларда);

o' – фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

Фан бўйича жорий ва оралиқ назоратларга ажратилган умумий балнинг **саралаш балл** ҳисобланиб, ушбу фоиздан кам балл тўплаган талабалар яқуний назоратга **киритилмайди**.

Жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича **55 ва ундан юқори бални** тўплаган талаба фанни ўзлаштирган деб ҳисобланади ва **ушбу фан бўйича** яқуний назоратга **кирмаслигига** йўл қўйилади.

Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган **умумий бали** ҳар бир назорат туридан белгиланган қоидаларга мувофиқ **тўплаган баллари йигиндисига** тенг.

IV. Назорат турларини ўтказиш муддати

Оралиқ ва яқуний назорат турлари **календарь** тематик режага мувофиқ **деканат** томонидан тузилган **рейтинг назорат жадваллари** асосида ўтказилади. Яқуний назорат семестрнинг охириги **2 ҳафтаси** мобайнида ўтказилади.

Талаба фан бўйича **курс лойиҳаси (иши)ни** ушбу фан бўйича тўплаган баллари **умумлаштирилишига қадар** топшириши шарт.

Жорий ва оралиқ назоратларда саралаш баллидан **кам балл тўплаган** ва **узрли** сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага **қайта топшириш** учун, **навбатдаги шу назорат туригача**, сўнгги жорий ва оралиқ назоратлар учун **яқуний назоратгача** бўлган муддат берилади.

Касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда **жорий, оралиқ ва яқуний** назоратларни топшира олмаган талабаларга **факультет декани фармойиши** асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг **2 ҳафта** муддатда топширишга рухсат берилади.

Талабанинг семестрда жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича тўпланган баллари ушбу назорат турлари **умумий балининг 55 фоизидан** кам бўлса ёки семестр якунида

		Мустақил таълим	2	2	2	2	2	4	4	2	20
2	ЯН – 30%										30
	Жами		25			25			20		100
	Жами Гп бўйича		25			50			70		100

Баҳо	5	4	3	2
Рейтинг	86-100	71-85	55-70	< 55
Фанни ўзлаштириш кўрсаткичлари	48-56	40-48	31-39	<30

БАҲОРГИ СЕМЕСТР

№	Феврал	Март						Апрел					Май			Июн						
		18-23	25-2	4-9	11-16	18-23	25-30	1-6	8-13	15-20	22-27	29-4	6-11	13-18	20-25	27-1	3-8	10-15			17-22	
		15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31			32	
1	ЖН 70%																					
	Амалиёт	3	3	3	3	2	2	3	3	3	3	2	2	2	3	3	3	3	2			50
	Мустақил таълим	1	1	1	1	1	1	2		1	1	1	2	2	2	1	1		1			20
2	ЯН – 30%																					30
	Жами	23						24					23									
	Жами Гп бўйича	23						47					70					100				

Баҳолаш мезони

1.1. Берилган сўз ва бирикмаларнинг ёзилиши, таржимаси, уларни оғзаки нутқда ҳамда ёзма нутқда раво қўллаш олишига – 2 балл;

- Сўз бирикмаларини оғзаки ҳамда ёзма нутқда қўллаб, ёзилиши ва таржимасида имло ва услубий хатоларга йўл қўйилса – 1 балл;

- Сўз ва бирикмаларнинг талаффуз қилиши, таржимаси ва ёзилиши, оғзаки ва ёзма нутқда қўллашда камчиликларга йўл қўйилса – 0 балл билан баҳоланади.

1.2 Берилган матн ёзилишида имло, грамматик, орфографик хатоларга йўл қўймасдан, тушунарли ёзилган ёзма ишга – 3 балл;

- Матн ёзилишида айрим имло-хатоларга йўл қўйса – 2 балл;

- Ёзишда эътиборсизлик қилиб, имловий ва услубий хатоларга йўл қўйиб, ёзганларини тушунтиришда камчиликларга йўл қўйса -1 балл;

- Матн ёзилишида имло, грамматик ва орфографик хатоларга йўл қўйса – 0 балл қўйилади.

1.3. Берилган матнларни раво, тугилмасдан, ифодали айтиб, таянч сўз ва бирикмаларнинг барчасини қўллаб, ижобий жавоб берса – 3 балл;

Матнларни сўзлашда жузъий камчиликларга йўл қўйилса, яъни сўз ва сўз бирикмаларининг маълум қисминигина ишлата олмаса – 2 балл;

-матнларни гапиришда кўпол хатоларга йўл қўйиб, таянч сўз ва ибораларнинг ярмидан кўп қисмини нутқда қўлламаса ҳамда талаффузда хатолар қилса-1 балл;

-матнларни гапиришда кўпол хатоларга йўл қўйиб, таянч сўз ва ибораларнинг кўп қисмини нутқда қўлламаса ҳамда талаффузда кўп хатолар қилса -0 балл қўйилади.

1.4. 12 % нотаниш сўзлардан иборат бўлган матнни тўғри интонация билан ўқиш ва 1,0 академик соатда 1600 белгидан иборат матнни ўқиб берса – 3 балл;

- 12 % нотаниш сўзлардан иборат бўлган матнни интонация билан, 1,0 академик соатда мўлжалланган белгидан камроқ ишлатилса ёки талаффузда кичик хатолар билан ўқиб берса – 2 балл;

- 12 % нотаниш сўзлардан иборат бўлган матнни 1,0 академик соатда интонация билан, мўлжалланган белгиларни тўлиқ ишлата олмаса ёки нутқий камчиликларга йўл қўйиб ўқиб берса – 1 балл;

- 12 % нотаниш сўзлардан иборат бўлган матнни 1,0 академик соатда нотўғри интонация билан, мўлжалланган белгиларни ишлата олмаса ёки кўпол нутқий камчиликларга йўл қўйиб ўқиб берса – 0 балл қўйилади.

1.5. Талаба матнни ўқиш билан бирга чет тилидан ўзбек (рус) тилига ёки ўзбек (рус) тилидан чет тилига ёзма ва оғзаки таржима қилиш, атамаларни тўғри таржима қила олса, фразеологик бирикмаларнинг ишлатилишига эътибор қарата олса, таржимада сўз бойлигини тўлиқ ишга сола олса, луғатдан имкон қадар кам фойдаланган ҳолда мукамал бажарса – 3 балл;

- Талаба матнни ўқиш билан бирга чет тилидан ўзбек (рус) тилига ёки ўзбек (рус) тилидан чет тилига ёзма ва оғзаки таржима қилиш, атамаларни имкон қадар таржима қила олса, фразеологик бирикмаларнинг ишлатилишига эътибор қарата олса, таржимада сўз бойлигини ишга сола олса, луғатдан фойдаланган ҳолда мукамал бажарса – 2 балл;

- Талаба матнни ўқиш билан бирга чет тилидан ўзбек (рус) тилига ёки ўзбек (рус) тилидан чет тилига ёзма ва оғзаки таржима қилишда қийналса, атамаларни таржима қила олса, фразеологик бирикмаларнинг ишлатилишига қисман эътибор қарата олса, таржимада сўз бойлигини қисман ишга сола олса, луғатдан фойдаланган ҳолда бажарса – 1 балл;

- Талаба матн ҳақида умуман тасаввурга эга бўлмаса, ёзма ва оғзаки таржимани билмаса, атамаларни таржима қила олмаса, фразеологик бирикмаларини билмаса, сўз бойлиги ночор бўлса, луғатдан фойдаланишни билмаса – 0 балл қўйилади.

1.6. – Талаба 3-4 минут тинглаб тушуниш учун 120-140 сўздан иборат матнни ифодали тўлиқ баён этса, матн ичидан талаб қилинган маълумотни ажратиб бера олса- 3 балл;

- Талаба 3-4 минут тинглаб тушуниш учун 120-140 сўздан иборат матнни ифодали баён этиб, айрим талаффуздаги хатоларга йўл қўйса, матн ичидан талаб қилинган маълумотни ажратиб бера олса - 2 балл;

- Талаба 3-4 минут тинглаб тушуниш учун 120-140 сўздан иборат матнни ифодали тўлиқ баён этишда айрим талаффузда ва матн мазмунида хатоликларга йўл қўйса, талаб қилинган маълумотни ажратишда қийналса - 1 балл;

- Тинглаб-тушуниш учун берилган матнни мазмун ва моҳиятини тушунмаса, талаб қилинган маълумотни умуман ажратиб бера олмаса - 0 балл қўйилади.

1.7. ТМИлари учун танланган қўшимча адабиёт, ЭЎА, Интернет тармоғи, даврий матбуот ва бошқа ахборот манбааларнинг мураккаблик даражаси, улар асосида амалга оширилган ишлар (Берилган матннинг режасини тузиш, таянч сўз ва гапларни кўчириб ёзиш, матннинг айрим қисмларини ҳикоя қилиш, ифодали ўқиш, таржима қилиш, ўқиганлар юзасидан суҳбат ўтказишга тайёр бўлиш ва б.қ.), машқлар бажариш, суҳбат ёки мунозара ташкил қилса – 3 балл;

-юқорида қай этилганларнинг барчасини тўлиқ бажариб, уларни оғзаки нутқда баён қилишда камчиликларга йўл қўйиб, имловий ва услубий хатоларга йўл қўйса – 2 балл;

-ТМИлар учун берилган топшириқларни ёзма бажариб, оғзаки нутқда ўз фикрини баён қилишда қийналса ёки жавоб бера олмаса – 1 балл;

- ТМИ мавзулари умуман бажарилмаса – 0 балл қўйилади.

2.1 Якуний баҳолашнинг ёзма иши 3 та топшириқдан (янги сўзларни таржима қилиш ва улар иштирокида гаплар тузиш; грамматик мавзунинг ёритиш ва мисоллар келтириш; маълум бир матнни ёритиш) иборат бўлиб, ҳар бир топшириқ учун 10 баллдан ажратилган. Агар талаба учта топшириққа ҳам мукамал жавоб ёзган бўлса – 26 баллдан 30 баллгача;

- Берилган учта топшириққа талаба тўлиқ жавоб бериб, унда имловий, услубий хатолар мавжуд бўлиб, вази фалар тўлиқ ёритилган бўлса – 21 баллдан 25 баллгача;

- Берилган учта топшириқни бажаришда талаба имловий хатоларга йўл қўйса, мавзу тўлиқ ёритилмаган бўлса, мисоллар келтирилмаган бўлса – 16 баллдан 20 баллгача;

-берилган топшириқларнинг 50%и бажарилиб, камчиликлар етарли даражада бўлса, бундай назорат ишларига 8 баллдан 16 баллгача;

- Берилган топшириқлар умуман ёритилмаган бўлса ёки қисман бажаришга ҳаракат қилинган бўлса, у ҳолда бундай назорат иш 0 баллдан 7 баллгача баҳоланади.

қўйилади.

4.3 Талабанинг амалий машғулотларни ўзлаштириш даражаси қуйидаги мезон асосида аниқланади

Баҳолаш кўрсаткичи	Баҳолаш мезонлари	рейтинг бали
Аъло, 86-100%	Етарли амалий билимга эга. Топшириқларни мустақил бажарган. Берилган саволларга тўлиқ жавоб беради. Мавзунинг моҳиятига тўлиқ тушунади. Аудиторияда фаол. Ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қилади. Топшириқларни намунали расмийлаштирган.	4
Яхши, 71-85%	Етарли амалий билимга эга. Топшириқларни бажарган . Берилган саволларга етарли жавоб беради. Мавзунинг моҳиятини тушунади. Ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қилади.	3
Қониқарли, 55-70%	Топшириқларни бажаришга ҳаракат қилади. Берилган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилади. Мавзунинг моҳиятини чала тушунган. Ўқув тартиб интизомига риоя қилади.	2
Қониқарсиз 0-54%	Талаба амалий машғулот дарси мавзусига амалий тфйёрланиб келмаса, мавзу бўйича матн , луғат ва саволларига жавоб бера олмаса, дарсга суат қатнашса билим даражаси қониқарсиз баҳоланади	1

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“Умумий иқтисодиёт” кафедраси

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Гул ДУ ректори
Проф. А.Эминов**

«__» _____ 2013 й.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИ

фани бўйича

5230100 иқтисодиёт

ишчи ўқув дастури

Умумий ўқув соати	– 158
Шу жумладан:	
Маъруза	– 46
Амалиёт машғулотлари	– 50
Мустақил таълим соати	– 62

ГУЛИСТОН – 2013

Фаннинг ишчи ўқув дастури намунавий ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчилар: М.Қ.Аллаярова–Гул ДУ “Умумий иқтисодиёт”
кафедраси катта ўқитувчиси _____(имзо)
О.Сатторкулов – Гул ДУ “Умумий иқтисодиёт”
кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди,
доцент _____(имзо)

Тақризчи: О.Райимбердиева – Гул ДУ и.ф.н
доцент _____(имзо)

Фаннинг ишчи ўқув дастури “____” _____ даги ____ - сонли мажлисида кўриб чиқилиб, факультет Илмий-услубий Кенгашида кўриб чиқиш учун тавсия қилинди.

Кафедра мудири:

О.Т.Сатторкулов

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Ижтимоий-иқтисодий” факультети Илмий-услубий Кенгашининг 2013 йил “____” _____ даги “____” - сонли мажлисида тасдиқланди.

Факультет Илмий-услубий
Кенгаши раиси:

проф. А.Маматов

Келишилди:

Ўқув ишлари бўйича проректор

доц. Н.Баракаев

1. КИРИШ

Олий таълим тизимида юксак малакали, ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга, келажакда касбий ва ҳаётий муаммоларни мустақил ҳал қила оладиган, кадрларни тайёрлашда таълим жараёнини замонавий ўқув-методик мажмуалар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон миллий иқтисодиёти фанидан Ўқув-методик мажмуа (ЎММ) – давлат таълим стандарти ва фан дастурида белгиланган талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришни, ўқув жараёнини комплекс лойиҳалаш асосида қафолатланган натижаларни олишни, мустақил билим олиш ва ўрганишни ҳамда назоратни амалга оширишни таъминлайдиган, талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув –услугий манбалар, дидактик воситалар ва материаллар, электрон таълим ресурслари, ўқитиш технологияси, баҳолаш методлари ва мезонларини ўз ичига олади.

1. Фаннинг мақсади ва вазифалари

1.1. Фаннинг мақсади - Ўзбекистон миллий иқтисодиёти фанининг ушбу ўқув ишчи дастури Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиққан ҳолда Давлат стандартлари бўйича бакалаврият даражасидаги малакали иқтисодчи-мутахассислар тайёрлашни мақсад қилиб қўяди.

1.2. Фаннинг вазифалари - Қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда фанни ўқитиш орқали қўйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилади:
-талабаларни миллий иқтисодиёт ва унинг ташкил этувчилар тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш;
-миллий иқтисодиётнинг ривожланишига туртки бўлувчи зарур назарий ва амалий билимлар бериш;
-юқоридаги икки вазифалардан келиб чиққан ҳолда талабаларни ватанпарварлик тўйғуларини янада чуқурроқ қарор топтириш.

1.3. Фан яқунида талабалар – Ўзбекистон миллий иқтисодиёти фани бўйича талабалар билимига қўйиладиган асосий талаб ҳар бир мавзудаги муаммоларни ўзлаштириш ва улар бўйича мустақил фикр юритиш даражаси билан белгиланади. Бу дарслик ва ўқув қўлланмалар характердаги адабиётларни ўзлаштириш билан бирга Президентимиз И.А.Каримов асарларини, Республика Олий Мажлис томонидан иқтисодиётга тегишли бўлган қабул қилинган қонунларни ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ўрганишни ҳам тақозо этади

1.4. Фанни ўрганишда талабалар - Ўзбекистон миллий иқтисодиёти фанини ўрганишда Иқтисодий таълимотлар тарихи, Иқтисодиёт назарияси, Фалсафа, Микроиқтисодиёт ва бошқа иқтисодий фанлардан олган билимларга суянадилар.

1.1. Фанни ўзлаштирган талабанинг малакавий даражалари

Фанни ўзлаштирган талаба:

- Талабалар Ўзбекистон миллий иқтисодиёти моҳияти, унга таъсир этувчи омиллар, тармоқ хўжалигининг ривожланиши ва такомиллашувини ёрита олиши;

- Бозор иқтисодиёти шароитида миллий иқтисодиёт амал қилишини таъминловчи ташқи ва ички омиллар, миллат тушунчасининг мазмуни, миллий иқтисодиёт тармоқларининг таҳлили ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- Миллий бойлик тушунчаси, миллий бойликнинг таркиби, айланиши, ички тузилиши истеъмол қилиниши тўғрисида маълумотларни билиши ва улардан фойдалана олиши;

- Макроиқтисодий кўрсаткичлар, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, шахсий даромад, ялпи ички маҳсулотнинг харажатлар ва даромадлар бўйича ҳисоблаш усуллари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;

- Таркибий ўзгаришларни амалга оширишда инновациянинг аҳамияти, давлат бюджетининг харажатлари ва унинг устивор йўналишлари, бюджет тақчиллиги давлат қарзларини бошқариш самарадорлиги ўрганиш ва таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, аҳолини иш билан таъминлаш ва уни амалга оширишдаги ижобий ўзгаришлар, иш ўринларини ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларни билиши.

Фаннинг ўқув режасидаги фанлар билан боғлиқлиги

Бу ерда: OR -бюджетга солиқлар орқали тушадиган тушумлар;

ON -солиқ миқдори;


N^x -қулай солиқ миқдори, унда бюджетга тушадиган тушумлар энг юқори бўлади;

R_{\max} -бюджетга тушадиган тушумларнинг энг юқори миқдори.

Артур Лаффер гипотезасига кўра, солиқ миқдори ошиб кетса, солиқлардан тушадиган тушумлар камаяди. Бунда солиқлардан даромадни яшириш ҳоллари кучаяди.

12-Мавзу: Республикада бозор инфратузилмасининг асосий йўналишлари мавзуси бўйича тақдимот материаллари

1-слайд



2 – слайд

Бугунги кунда республикаимиз иқтисодиёти олдида турган энг муҳим масалалар қуйидагилардан иборат:


давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўли, янги пайдо бўлаётган нодавлат, яъни ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган ва аҳолига хизмат кўрсатаётган хусусий, акционерлик, жамоа ва бошқа корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан аралаш, кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш;

нарх-наволарни босқичма-босқич эркинлаштириш, монополияга қарши қаттиқ сиёсат ўтказиш, давлат корхоналарининг фаолиятини тижоратлаштириш ҳисобига рақобат муҳитини вужудга келтириш;

бевосита хўжалик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш, товарлар, сармоя, иш кучи ва бошқа бозорларни шакллантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш, бозор инфратузилмасини вужудга келтириш, бозор шароитида ишлай оладиган кадрлар тайёрлаш.

12.2. Бозор муносабатларининг республика иқтисодий мустақиллигига таъсири

3 слайд



13-Мавзу: Иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши мавзуси бўйича тақдимот материаллари

слайд 1.


сифатида давлатнинг қўйидаги иқтисодий фаолиятларини қараб чиқамиз.

Биринчидан, давлатнинг айрим иқтисодий вазифалари бозор тизими ривожланишини энгиллаштириш ва қўллаб-қуватлаш мақсадига эга. Бундай вазифалар сирасига қўйидаги икки фаолиятни киритишимиз мумкин:

- бозор тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлайдиган ҳуқуқий база ва ижтимоий муҳитни таъминлаш;
- рақобатни ҳимоя қилиш.

Иккинчи гуруҳ вазифаларини бажаришда давлат бозор тизими фаолиятини кучайтиради ва турлайди. Бу ерда давлатнинг қўйидаги учта вазифаси асосий аҳамиятга эга.

1. даромад ва бойликларни қайта тақсимлаш;
2. миллий маҳсулот таркибини ўзгартириш мақсадида ресурслар тақсимотини тартибга солиш;
3. иқтисодиётни барқарорлаштириш, яъни иқтисодий конъюнктуранинг эгилувчанлиги натижасида пайдо бўладиган ишсизлик ва инфляция даражаларини назорат қилиш ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш;
4. давлат бозор иқтисодиётининг самарали фаолият кўрсатиши учун асос бўладиган айрим хизматларни ва ҳуқуқий базани таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олади. Ҳуқуқий базани таъминлаш асосан хусусий корхоналарга ҳақ-хуқуқлар бериш, хусусий мулкчиликни аниқлаш ва шартномалар бажарилишини назорат қилиш, шунингдек, бошқаларда намоён бўлади.





13.3. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви

слайд 3.

14-Мавзу: Давлат сиёсатида ижтимоий мажмуа мавзуси бўйича тақдимот материаллари

1-слайд





слайд 3

Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги туб ислоҳотлар соғлиқни сақлаш тизимини жиддий равишда қайта ўзгартириш йўллари белгилаб берди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг амалга оширилаётган концепцияси жамиятни тиббиётни ижтимоий-иқтисодий категория сифатида идрок этишга йўналтиради. Бозор муносабатларининг холисона хусусияти аҳоли томонидан ўз соғлиғининг иқтисодий шартланганлигини англади, соғлиқни сақлашнинг тижоратлашувида, пулли тиббий хизматлар ҳажмининг кенгайишида, маркетинг операциялари ривожланишида ва тадбиркорликнинг турли шакллари жорий этилишида ифодаланади. Мулкчиликнинг турли шаклларидаги тиббиёт субъектлари фаолияти фаол ривожланади, мустақил хусусий врачлик амалиётининг кенг ривожланиши тенденцияси барқароррлашади.

14.4. Соғлиқни сақлаш ривожланишининг халқаро амалиёти

слайд 4

Соғлиқни сақлаш ривожланишининг халқаро амалиётини таҳлил этиш тиббиёт

тузилмасини ўз вақтида қараб чиқишни ва уни тартибга солиш масалаларини ҳал этиш зарурлигини кўрсатади.

Халқаро амалиёт таҳлили давомида умумий мавзулар кўтариб чиқилди. Улар асосида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг бир қанча йўналишлари белгиланди. Соғлиқни сақлаш хизматларини интеграциялаш усуллари, бу хизматларнинг мавжуд вакиллари ва уларнинг миқдорлари, молиявий рағбатлардан фойдаланиш ва уларни чеклаш, мониторинг учун ахборотни яхшилаш имконияти ва соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигини ошириш, тиббий сўғурта билан қамраб олиш тенденцияси шулар сирасига киради.

14.5. Соғлиқни сақлаш тизимининг истиқболи

слайд 5

Хусусий соғлиқни сақлаш ҳолисона сабаблар тўғрисида бу даврда давлат соғлиқни сақлаш тизими имкониятлари қисқаришининг ўрнини боса олмади.

Ғарбий Европа мамлакатлари ва ўтиш даври мамлакатлари тажрибаси:

1. демографик ўзгаришлар;
2. соғлиқни сақлашга сарфланаётган харажатларнинг кўпайиши;
3. аҳоли эҳтиёжининг ҳукуматнинг тиббий хизматлар билан таъминлаш имкониятидан юқорилиги;
4. даволаш ва технология янги шакллариининг доимий равишда пайдо бўлиши каби типик жиҳатлар билан характерланишини кўрсатади.

15-Мавзу: Меҳнат бозорини тартибга солиш ва аҳоли бандлиги муаммолари мавзуси бўйича тақдимот материаллари

15.1. Меҳнат бозорини шакллантириш ва иш жойларини барпо этиш

Меҳнат унумдорлиги юқори корхоналар, тармоқлар иқтисодиёт даражаси юқори суъратлар билан ривожланган бўлади. Шунинг учун бу масалага, яъни меҳнат унумдорлигини юксалтиришга республикамиз ҳукумати доимо катта эътибор бермоқда. Меҳнат ресурслардан фойдаланиш масаларини ҳал этишда унинг бир канча хусусиятларига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, унинг унумдорлиги об-ҳаво шароитларга бевосита боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг даврийлиги (мавсумийлиги), ундаги ишларнинг механизациялашганлик даражаси нисбадан пастлиги ҳам муҳим масаладир.

15.2. Қишлоқ хўжалигида меҳнат бозори

Меҳнат бозорида талаб ва таклиф қонунлари талабларининг бажарилишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолат шакллантирилиши лозим:

1. Меҳнат бозорида ҳар қандай бозордагидек, кишининг меҳнат қобилиятини олди-сотди жараёни эркин рақобат асосида амалга оширилиши (меҳнат қилиш қобилиятини сотишни хоҳлаганлар учун сотиш (бериш)га, уни сотиб олувчи корхоналарга эса олишга шароит яратилиши) керак.

2. Масалан, меҳнат қобилиятининг олди-сотди жараёни амалга оширилиши натижасида меҳнат қобилиятини берувчилар (сотувчилар) унга эгаллик қилиш ҳуқуқларини сотиш эвазига иш ҳақи (баҳосини) олишлари, меҳнат қобилиятини олувчиларга эса ҳақ тўлаш эвазига меҳнатга эгаллик қилиш ҳуқуқини сотиб олиш имконияти яратилиши зарур. Сотиб олувчи ишчининг меҳнат қобилиятига эгаллик қилиш, ундан унумли фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

15.3. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар

Меҳнат ресурслари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун улардан йил

давомида тўлиқ, самарали фойдаланиш лозим. Улардан қандай фойдаланилаётганлигини бир қанча кўрсаткичлар ёрдамида аниқлаш мумкин. Бунда энг аввало, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффициентидан фойдаланилади. У ҳақиқатда ишлаб чиқаришда ишлаган меҳнат ресурсларининг миқдори (кишилар)ни меҳнат ресурсларининг мавжуд бўлган миқдорига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Унда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин.

$$M P = \frac{M P_{и}}{M P_{м}};$$

Бунда: $M P_{и}$ - ҳақиқатда ишлаган меҳнат ресурслари(киши);

$M P_{м}$ - мавжуд бўлган меҳнат ресурслари.

15.4. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, меҳнат унумдорлиги

слайд 4

Меҳнатнинг мавсумийлик коэффициенти. У бир ой давомида энг кўп ишлаган кун энг кам ишлаган ой билан таққосланиши натижасида аниқланиши мумкин. Масалан, пахтачиликда сентябрь, октябрь ойларида ўртача 30-31 кун, январь, февраль ойларида эса 10-15 кун ишлаш мумкин:(30,31):(10,15)қ 2,3. Бунда меҳнатни мавсумийлиги шу ойлар (йил) ичида 2,3 га тенг деган фикрга эга бўлиши мумкин. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини меҳнат унумдорлиги ифодалайди. У маълум бир вақтда (1 йилда,1 ойда, 1 кунда) ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот қийматини, миқдорини шуни етиштириш учун сарфланган вақт миқдорига тақсимлаш натижасида аниқланиши мумкин. Бунда ушбу формулалардан фойдаланилади:

$$M_y = \frac{Y_{Mк} (Y_{Mи})}{C_v};$$

Бунда: M_y - меҳнат унумдорлиги даражаси (сўм,г,к...);

$Y_{Mк}(Y_{Mи})$ -ялпи маҳсулот қиймати (сўмда), миқдори(т,к);

C_v - сарфланган вақт (киши-кунда, соатда).

15.5. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш йўллари

слайд 5

қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан тўлиқ ва яхши фойдаланиш учун ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни янада чуқурлаштириш, агросаноат интеграциясини амалга оширишни ривожлантиришга эришиш лозим. Бунинг учун турли шаклдаги корхоналарни ташкил этиш орқали янги иш жойларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Бу жараёнда кўшма корхоналарни, кичик корхоналарни, цехларни ташкил этишга уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш керак. Улар ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида амалга оширилиши зарур.

16-Мавзу: Миллий иқтисодий ривожлантиришнинг макроиқтисодий дастурларини тузиш мавзуси бўйича тақдимот материаллари

слайд 1

Антиинфляция сиёсати фаол ва мослашувчанлик сиёсатларига бўлинади. Фаол сиёсат инфляцияни юзага келтирадиган сабабларни бартараф қилишга, мослашувчанлик сиёсати инфляция шартига мослашиш ва инфляциянинг салбий оқибатларини енгиллаштиришга йўналтирилади.

Слайд 2

Инфляция талабига қарши олиб бориладиган чоралар қуйидагилардир:

1. давлат харажатларининг камайтирилиши;
2. солиқларнинг оширилиши;
3. давлат бюджети тақчиллигининг қисқартирилиши;
4. қаттиқ пул-кредит сиёсатига ўтиш;
5. валюта курсини музлатиб қўйиш орқали уни барқарорлаштириш.

16.2. Антиинфляция сиёсатини амалга ошириш йўллари

Инфляция – нархлар даражасининг ошишидир. Инфляциянинг баҳолар индекси орқали кўришимиз мумкин:

$$P = \frac{P_t}{P_0} 100 \%$$

Инфляциянинг ўсиш суръатини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\text{Инфляциянинг ўсиш суръати} = \frac{P_t - P_{t-1}}{P_{t-1}}$$

16.3. Макростратегиялар танлашнинг хорижий тажрибаси

Америкача модель – тадбиркорлик фаоллигини тақдирлаш, фаол аҳолини бойитиш асосига тузилган. Кам таъминланганларни қисман таъминлаш ва уларга ёрдам беришни кузда тутати. Меҳнат унумдорлигининг юқори бўлишига ва шахсий муваффақиятга эришишга асосланади.

Японча модель - аҳолининг яшаш даражаси (шу жумладан, иш ҳақи даражаси)нинг меҳнат унумдорлигидан орқада қолиш билан характерланади. Шу асосда дунё бозорида нарх пасайишига эришилади. Бу модел миллий ўз-ўзини англашга, миллат манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўйишга асосланади.

Шведча модель – кучли ижтимоий сиёсатга асосланади. Унга кўра, давлат қўлида асосий фоидаларнинг 4 %гинаси бўлади, давлат харажатлари эса ЯИМнинг 70 %ини ташкил этади. Харажатларнинг яримидан кўпроғи ижтимоий эҳтиёжларга ишлатилади. Швецияда солиқлар миқдори жуда юқори, шунинг учун ҳисобига аҳоли турмуш даражаси энг юқори давлат ҳисобланади. Бундай модель «функционал ихтисослаш» деган ном олган. Аҳолининг юқори турмуш даражасини таъминлаш (бандлилик, таълим, ижтимоий суғурта) давлат зиммасида

16.4. Макростратегик дастурлар

Давлатнинг
ижтимоий
сиёсати бўйича
дастурлар

Аҳолини такрор
ишлаб чиқариш,
ишчи кучи ва
бандлик дастури

Илмий-техника
тараққиёти
дастурлари

Аҳолининг турмуш
даражасини
стратегик
ривожлантириш

ижтимоий соҳа
тармоқларини
ривожлантириш
дастури

Экология бўйича
дастурлар

17-Мавзу: Стратегик режалаштириш ва ҳудудий иқтисодиётнинг муаммолари мавзуси бўйича тақдимот материаллари

1 – слайд


Ҳудудий – инновацион стратегия макро ва микроинновацион стратегиялар оралиғидаги стратегия ҳисобланади. Унинг роли шундан иборатки, ҳар қандай ишлаб чиқариш ва инновацион жараён ўзининг ҳудудий жойлашувига эга. Давлат даражасидаги макростратегия марказлашган ресурсларни аниқ, ҳудуддаги қорхона ва ташкилотларга жойлаштириш йўли билан амалга оширилади. Бу қорхона ва ташкилотлар маҳаллий ашёлар, ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурслари, ишлаб чиқаради, илмий инновацион технологиялардан фойдаланади.

2 – слайд


Ҳудудий стратегияни шакллантириш омиллари



3 - слайд



3- слайд



18-Мавзу: Жаҳон иқтисодиётига интеграцион йўналиш мавзуси бўйича тақдимот материаллари

1 – слайд

18.1. Ташқи иқтисодий фаолият шарт-шароитлари

узок вақт давомида бирга яшаш натижасида юзага келган юксак даражадаги узаро алоқа охири-оқибат энг хилма-хил интеграцион шаклларда иқтисодий ҳамкорлик ва шерикчиликни ташкил этиш учун асосни тақдим этиш билан

1. ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва миллатлараро тотувликни саклаш билан;

коммуникацион инфратузилмаларнинг мавжудлиги – қачонлардир ягона булган электроэнергетика тизими, нефть ва газ утказиш тармоқлари, темир йул хужалиги, автомобиль транспорти ва алоқа, умумий ахборот майдони билан.

2 – слайд

18.2. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий сиёсатнинг ривожланиши

Иқтисодиётни модернизациялаш ва тузилмавий силжишлар экспортни рағбатлантириш ва экспортга йуналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантиришга шароит яратиши лозим. Бу ерда товар ва хизматларни ташқи бозорда муваффақиятли сота оладиган махсус ташқи савдо ташкилотларини ривожлантириш; сифатни бошқаришнинг халқаро тизимини амалиётга татбиқ этиш йули билан товарлар рақобатбардошлигини ошириш; экспортга чиқарилаётган юкларга транспорт хизмати курсатиш самарадорлигини ошириш; Божхона кодексининг янги тахририни ишлаб чиқиш вазифалари қуйилмоқда.


3 - слайд

18.3. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг инвестициявий, қонуний ва ҳуқуқий базаси

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги даврда иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларига алоқадор қонунлар ва меъёрий ҳуқуқий актларга ҳар томонлама асосланган тизим вужудга келтирилди. Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо муносабатларидаги ҳуқуқий база халқаро ҳуқуқлар ҳамда меъёрлар даражасида асослаб берилди.

19-Мавзу: Иқтисодий ривожланишда пуллик хизматлар мавзуси бўйича тақдимот материаллари

1 - слайд




Хизматлар соҳаси ишлаб чиқариш эментларининг ҳаракатига кўмак бериб келган бўлса, иқтисодиётнинг ўсиши ва мураккаблашуви илмий-техника тараққиёти жадалашуви билан бу соҳа жуда зарур, ҳаттоки, истиқболда иқтисодиётнинг асосий омилига айланади.

2 – слайд


Ўзбекистонда аҳолининг энг кўп таъминланган 10 фоизи ва энг кам таъминланган 10 фоиз қатлами даромадлари ўртасидаги тафовут 2012-йилда атиги 8,0 баробарни ташкил этганини алоҳида таъкидлаш керак. Бу жаҳондаги энг паст кўрсаткичлардан бири бўлиб, мамлакатимизда жамиятнинг кескин табақаланишига йўл қўймаслик борасида олиб борилаётган ижтимоий сиёсатимизнинг самараси бўлиб ҳисобланади.

**20-Мавзу: Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда
бизнеснинг ўрни мавзуси бўйича тақдимот материаллари**

1 –слайд




Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун объект қурилишига рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш






Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар динамикаси



**21-Мавзу: Миллий иқтисодиётни Марказий Осиё мустақил давлатлари
трансформацияси мавзуси бўйича тақдимот материаллари**

1 - слайд



**Трансформация - бу
иқтисодий тизимларни
қайта шакллантириш
асосида бир ижтимоий
тизимдан иккинчисига
ўтишдир.**

2 – слайд

**Иқтисодиёт бўйича 2001 йил Нобель мукофоти совриндори
Ж.Стиглиц ана шу ҳолатни таърифлаб бундай дейди:
«Россиядаги ва собиқ иттифоқ (СИ) таркибида бўлган бошқа
кўпчилик мамлакатлардаги ислоҳотларнинг
муваффақиятсизлиги фақатгина тўғри иқтисодий сиёсатни
амалга ошира олмаслик билан боғлиқ эмас. Уларнинг негизи
чуқурроқ бўлиб, бозор иқтисодиёти асосларини тушуниб
етмасликка, шунингдек, институтцион ислоҳотлар асосларини
етарлича англаб етмасликка бориб тақалади... Ушбу
давлатларнинг кўпчилиги жиддий ютуқларга эриша олмаслиги
самаралироқ иқтисодий сиёсат олиб бориш учун уларда
имкониятлар борлигидан ҳам далолат беради».**


Марказий Осиё давлатлари миллий бозорларининг институтчионал ва таркибий тайёрлиги, шунингдек: банк-молия тизимининг ривож топган институтлари етарли эмаслиги; экспортга йўналтирилган рақобатбардош қайта ишлов саноатининг маҳсулоти камлиги; ушбу мамлакатларнинг олдинги тизимдан мерос қолган ва ишлаб чиқариш кучлари технологик жиҳатдан жаҳон андозаларидан орқада қолган иқтисодининг таркиби; ташқи савдо, валюта сиёсати ва ташқи қарз муаммолари етарли даражада эътиборга олинмаган.

Ўрта Осиё мамлакатларида трансформация жараёнининг назарий негизлари

Ўтиш даври иқтисодиётини бошидан кечираётган мамлакатлардаги макроиқтисодий эркинлаштириш ва барқарорлаштиришнинг тайёр қолипларига ортиқча урғу беришини, шунингдек, иқтисодиётда ўтиш даврини бошидан кечираётган алоҳида олинган ҳар бир мамлакатда мавжуд бўлган ўзига хос шароитлар атрофлича ҳисобга олинмаслигини кузатиш мумкин. Бундан ташқари, иқтисодий ривожланишнинг узоқ муддатли стратегик ва истиқболли вазифаларини етарлича баҳолай олмаслик ва устуворлик қисқа муддатли вазифаларга берилган.

Ўрта Осиё мамлакатларида трансформация жараёнининг услубий негизлари

Услубий нуқтаи назаридан «институтцион қопқонлар» ибораси киритилган. бу ибора ўтиш даврида эволюцион тараққиёт қонунларини етарли эътиборга олмаслик натижасида иқтисодий сиёсат билан мавжуд иқтисодиёт ўртасида юзага келадиган қарама-қаршилиқлар оқибатларини изоҳлаш учун қўлланилади.



«Институтционал қопқонлар» иқтисодий сиёсат билан мавжуд иқтисодиёт ўртасида юзага келадиган қарама-қаршилиқлар оқибатларини изоҳлаш учун қўлланилади.

**22-Мавзу: Ўзбекистон миллий иқтисодиёти ва Марказий Осиё
давлатларининг глобал иқтисодиётга қўшилиш сиёсати мавзуси бўйича
тақдимот материаллари**

1 -слайд

**Ташқи савдо айланмаси бўйича мустақил давлатлар
босқичлари**

Биринчи босқич (1991 йилдан 1994 йилгача) собиқ иттифоқнинг парчаланиши ҳамда ўзаро савдо ҳажми ва улушининг кескин камайиб кетиши бартаараф этилиши билан боғлиқ.

Иккинчи босқич (1995 йилдан 1998 йил 18 августгача) анъанавий савдо шериклари билан оқилона муносабатни сақлаб туриш ва дунёнинг қолган қисми билан алоқаларни кучайтиришни давом эттиришга турлича уринишлардан иборат.

Учинчи босқич (1998 йил 18 августдан 2001 йилгача) жаҳон иқтисодиёти ва Шарқий Осиё молиявий инқирозларининг салбий таъсири билан боғлиқ. Уларнинг таъсири Россия пул бирлигининг девалвация қилиниши туфайли анча кучайди ва анъанавий бозорларда Марказий Осиёда ишлаб чиқарилган товарларнинг рақобатбардошлик даражасига ҳам таъсир этди.

1998 йилда Қирғизистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлди. Қозоғистон билан Ўзбекистонга ўзига Қирғизистондан қайта экспорт (ре-экспорт) қилинаётган истеъмол товарларидан саноат тармоқларини ҳимоя қилиш учун божхона - тариф чораларидан фойдаланишга мажбур бўлди. Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон бир вақтнинг ўзида Россия ва Белорусия Божхона Иттифоқига аъзо бўлиши, 2000 йил октябрида Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамиятининг шаклланиши Ўрта Осиёда минтақавий ҳамкорлик учун муайян қийинчиликлар келтирди.

Марказий Осиё давлатлари янада мустаҳкам минтақавий ўзаро боғлиқликнинг объектив зарурлигини тан олган ҳолда савдо соҳасида ҳам, ресурсларни (сув, энергия ва бошқалар) бошқариш ва инфратузилмалар соҳасида ҳам минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантиришга қатъий эҳтиёж сезди. Бу ҳақда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат бошлиқларининг 2001 йил 28 декабрдаги учрашувида яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Ушбу учрашувда Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамиятини қайта тузиб, Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилотига айлантириш ҳақида келишиб олинди.

23-Мавзу: Миллий иқтисодиётнинг глобаллашув ва валюта алмашув сиёсатидаги роли мавзуси бўйича тақдимот материаллари

1 - слайд

ХВФ маслаҳатчилари валюта алмашуви (конвертация)ни жорий этиш юзасидан шошилиш чораларини кўриш, ўтиш давридаги мамлакатлар учун энг яхши кўрсатмадир, деган яқдил фикрини билдирдилар. Валюта алмашуви эркинлаштирилиши бозор ислохотларининг бошланишида эмас, балки пировард нуқтасида амалга оширилиши кераклиги тўғрисида фақат санокли огоҳлантиришлар бўлган эди. Бу ёндашувлардан бири ўтиш даврини валюта алмашувини эркинлаштириш билан бошлашни, иккинчиси тугалашни тавсия қилади. Ушбу икки ёндашувдан фарқлироқ ўзига хос янгича ёндашув ҳам таклиф этилади.

2 – слайд

Марказий Осиё давлатларини валюта алмашув сиёсатига қараб икки гуруҳга ажратиш мумкин. Қирғизистон билан Қозоғистон биринчи ёндашувни танлади, Ўзбекистон билан Туркманистон эса ислохотларни аста-секин амалга оширишни афзал кўрди.

Ташқи қарз динамикасини баҳолайдиган тенгламалар

Биринчи - **соф ташқи қарзлар ҳажмини** (хорижий валютанинг келиши ва кетиши балансига қараб ижобий ёки салбий) аниқлайдиган тенглама.

$$BT = dD - rD \quad (1) \quad \text{ёки} \quad BT = (d - r) D \quad (1)$$

Бунда: D -тўпланган ташқи қарзнинг умумий ҳажми;
 d -ташқи қарзнинг кўпайиш фоизи;
 dD -соф капитал оқими ёки ташқи қарз умумий ҳажмининг кўпайиши;
 r -ташқи қарзга тўланадиган ўртача фоиз;
 rD -ташқи қарз бўйича йиллик тўловларнинг умумий миқдори.

Агар $d > r$ бўлса, мамлакатга валюта келади, лекин $d < r$ бўлса, хорижий валюта мамлакатдан чиқиб кетади.

Иккинчиси - **мамлакатнинг тўлов қобилияти ва қарзларини тўлашга қудрати етиши** кўрсатувчи тенглама

$$(Dt - Dt+1) = Yt - rDt - Ct - \Gamma t - Gt \quad (2)$$

Бунда: $(Dt - Dt+1)$ - t давридан $t+1$ давригача ташқи қарздаги соф ўзгариш;
 Yt - t давридаги ЯИМ (соф пул ўтказиш киритилган);
 rDt - t даври учун тўла фоиз тўлови;
 Ct - t давридаги истеъмол;
 Γt - t давридаги ички инвестиция;
 Gt - t давридаги давлат харажатлари.

Мамлакат қарз инқирозига учраганлигини ифодаловчи тенглама

$$C_t + T_t + Q_t - Y_t < dDt - rDt \quad (3)$$

Бунда: dDt - мамлакатга келган хорижий валютанинг t давридаги жами оқими;

rDt - ташқи қарзни тўлаш натижасида t даврида мамлакатдан чиққан хорижий валюта оқими;

$dDt - rDt$ - t давридаги ВТ.

Қарзнинг кўпайишини қуйидаги тенглама билан ифодалаш мумкин:

$$dD/D = \gamma D + M - E \quad (4)$$

Бунда: dD/D - қарз миқдорининг ўзгариши (биринчи ҳосила);

γ - фоизнинг ўртача меъёри;

M - импорт;

E - экспорт.

ГЛОССАРИЙ

АСМ - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан банд бўлган халқ хўжалиги тармоқларининг жамланмасидир.

Алоқа - хўжалик ва ижтимоий инфратузилманинг таркибий қисми бўлиб, аҳоли, хўжалик субъектлари, давлат идораларининг почта, телефон, тлеграф, радио ва ахборотнинг ўзга турларини узатиш ва қабул қилиш ҳамда алоқа тармоғи орқали жўнатилаётган ашёларни етказиб беришга бўлган эҳтиёжларининг кондирилишин таъминлайди.

Антиинновациялар – ўтмишга қайтишга, ҳаракатни орқага қайтаришга йўналтирилган янгиликлар киритиш, технология, экология, иқтисодиёт, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳалардаги инновацион оқимлар тадқиқотлари.

Антропоцентрик белги – кенг маънода инсоннинг (мамлакатнинг) яшовчанлиги ва келажакда доимий қўллаб-қувватланувчи (барқарор), узлуксиз узоқ ва мувозанатланган ривожланиш имконияти (қобилияти) тушунилади.

Базис технологик инновациялар – янги авлод техникаси (технологиялари) ва технологик укладларини ўзлаштиришга йўналтирилади.

Барқарор ривожланиш – жамиятнинг узлуксиз тараққиётини таъминловчи ҳамда атроф-муҳит ва табиатга зарар етказмайдиган барқарор ижтимоий-иқтисодий мувозанатланган ривожланиш сифатида белгиланиши мумкин.

Биосфероцентрик (умумий ҳолатда — экологик) белги – тушунча инсониятнинг келуси ривожланиши экофоб шаклда ўтмаслиги учун биосферани Ердаги ҳаётнинг табиий асоси сифатида сақлаб қолиш, унинг барқарорлиги ва табиий эволюция билан боғлиқ.

Бошқарилувчанлик омили – иқтисодий тизимда такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг бошқарилувчанлиги бошқарув объектига етарлича таъсир доирасини таъминловчи воситалар мавжудлигини назарда тутати.

Даврга хос инновациялар – инсон билимининг ривожланишидаги асосий ўсиш, улар узоқ муддатли ривожланишнинг асоси бўлиб, дунёда кенг тарқалганлиги учун уларни даврга хос янгиликлар киритиш деб аташ мумкин. Иқтисодий тарихнинг ўзгарувчан йўналишини улардан ҳар бири ўсиш тавсифномасига эга бўлган даврга хос янгиликлар киритиш билан ифодаланувчи иқтисодий даврларга бўлиш имконини беради.

Диффузия – бошқа истеъмолчиларнинг янги олинган билимларга кўшилиши ёки улардан янада фаол фойдаланилиши, бунинг натижасида

ташкилот ёки фирмалар бу билимлардан максимал фойда олиш мақсадида фойдаланади.

Ижтимоий-маданий инновациялар – фан, маданият, таълим, этика ва мафкура соҳасидаги инновациялар бўлиб, улар инновацион янгиликни манбаи бўлиб хизмат қилади ва шу билан бир пайтда унинг натижаси сифатида ижтимоий-маданий тузум ёки унинг ривожланишидаги навбатдаги босқични шакллантиради.

Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий соҳалардаги инновациялар – ижтимоий стратификация, синфлар таркиби ва нисбати, бошқа ижтимоий гуруҳлар, давлат ва ҳуқуқий институтларда ўзгаришларга олиб келади.

Илмий-технологик ўзгаришлар – меҳнат маҳсулдорлигини бир неча марта ошириш, бирламчи (табiiй) ресурслар истеъмоли ва атроф-муҳитга зарарли чиқитлар чиқаришни қисқартиришга имкон берувчи ишлаб чиқаришнинг постиндустриал гуманистик-ноосфера технологик усулига ўтишга имкон беради.

Инновационлик – даврга хос бўлган ва базис инновациялар рискига боришга мойиллик, консерватизм ва инерция таъсирини бартараф этган ҳолда самарали инновацияларни амалга ошириш қобилияти.

Инновация – инсон ақли эришган ютуқлардан (кашфиётлар, ихтиролар, илмий ва конструкторлик лойиҳалари ва б.) у ёки бу фаолият соҳасида самарадорликни ошириш учун фойдаланиш тушунилади. Мас равишда технологик, иқтисодий, экологик, бошқарув, ҳарбий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳуқуқий ва бошқа инновацияларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Инновация – ҳар қандай фаолият соҳасида киритилувчи янгилик.

Интеграл тузум – у ҳақиқат (фан), яхшилик (этика) ва гўзаллик (эстетика) уйғунлигини таъминлайди; чунки у /арб ва Шарқнинг цивилизация қадриятлар тизимини интеграциялайди, уларнинг бир-бирини бойитиши ва маҳсулдорлигини таъминлайди.

Ихтиролар – майда ва кичкина – чиқарилаётган маҳсулот ва фойдаланилаётган технологияларнинг айрим кўрсаткичларини яхшилашга йўналтирилади; микроинновациялар, айрим ҳолларда эса сохта инновациялар асосида ётади.

Йирик ихтиролар – уларнинг сони кўп эмас – янги технологик тамойилларни ишлаб чиқаришга жорий қилишга хизмат қилади, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технологиялар, янги авлод техникаси учун асос бўлиб хизмат қилади.

Мақсадли йўналганлик омили – инқирозга қарши тартибга солиш ва бошқарувнинг умумий мақсадлари иқтисодий тизимнинг барча ҳаётий функцияларини такрор ишлаб чиқариш ва узок муддатли барқарор фаолиятини таъминлаш ҳисобланади.

Миллат - ўз табиатига кўра, ўзининг келиб чиқишига кўра, ўз характериға кўра ва фаолият шароитларига кўра фарқланувчи фаолият марказини англатади.

Ноосфера — барқарор ривожланишга ўтишнинг етуклик ва яқунловчи босқичи, жамиятнинг келажакда кутилаётган, инсоннинг табиатга йўл қўйиш мумкин бўлган даражада таъсир кўрсатиши таъминланувчи ҳолати. Ноосфера барқарор ривожланиш магистрали бўйича ўтиш жараёни ривожланувчи мақсадли мўлжал ҳисобланади.

Ноосфера ривожланиш (ноосферогенез) ва «барқарор ривожланиш» - ўз моҳиятига кўра, бир-бирига яқин тушунса бўлиб, улардан иккинчиси фақат ноосфера ҳаракатланишининг бошини англатади ҳолос.

Самарадорлик омили – бошқарувчи таъсир кучи бошқарув мақсадларига эришиш учун етарли бўлиши лозим. Самарали бошқарув таъсири мувозанатни бузувчи омилларга қарши барқарорликни оширишга йўналтирилади.

Сохта инновациялар (псевдоинновация) – эскирган авлод техника ва технологиялари салоҳияти тугаб қолай деган ҳолларда уларнинг хизмат қилиш муддатини узайтиради.

Технологиялар трансфери – бозор шароитларида инновацион жараёнларни санаотда амалга оширишнинг асосий механизми ҳисобланади. Хорижий тажрибаларга кўра, технологияларни секторлар (ҳарбий ва фуқаро), санаот тармоқлари ва мулкчилик шаули турлича бўлган товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида мамлакат доирасида ўтказишда ҳам, халқаро (давлатлараро) илмий-и-й иновацион лойиҳаларини амалга оширишда ҳам давлат томонидан қўллаб-қувватланишга муҳтожлик сезади.

Технологияларни тижоратлаштириш – янги технологияларга йўл топиш замонавий рақобатли курашнинг муҳим омилларидан саналади. Бирок илмий-техник лойиҳаларнинг қимматлиги сабабли дунёдаги фирмаларнинг кўпчилиги технологияларнинг фақат тор доираларидан фойдаланиб, бу ерда рақобатбардош маҳсулот яратиш учун ўз устунлигини сақлашга ҳаракат қилади.

Трансфер (ўтказиш) – илгари яратилган интеллектуал мулкни тижорат асосида (мулк эгасига мукофот берган тарзда) бериш ёки янги мулкни паритетли асосларда (олдиндан келишиб олинган эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқлари) яратиш, бозорда талабга эга ва жамият эҳтиёжларига жавоб берувчи товар маҳсулоти сифатида кўриб чиқилади.

Энг йирик ихтиролар – ҳар ўн йилликда ҳам паайдо бўлавермайди ва даврга хос бўлган янгиликлар киритиш, янги технологик укладлар ва ишлаб чиқаришнинг янги технологик усуллари, жамиятдаги ўзгарувчан моддий-техника базаси учун асос ҳисобланади.

Ялпи миллий маҳсулот - мамлакатда бир йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларни бозор қийматидир.

Яхшиловчи инновациялар – бу авлод ва уклади технологияларни улар қўлланувчи турли талабларини ҳисобга олган ҳолда тарқатиш ва дифференциациялашга хизмат қилади.

“Ўзбекистон миллий иқтисодиёти” фанидан мустақил таълим мавзулари

1. Миллий иқтисодиётнинг ривожланиши.
2. Миллий иқтисодиётнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари.
3. Миллий иқтисодиётни таркиби ва уни такомиллаштириш йўналишлари.
4. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш мажмуи.
5. Агросаноат мажмуаси ва унинг соҳалари.
6. Кредит-банк тизимидаги ислохотлар.
7. Ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишлари.
8. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган комплекс дастурнинг моҳияти.
9. Қишлоқ жойларда замонавий хусусий уй-жойларни қуриш бўйича амалга ошириб келинаётган дастурни жадаллаштириш.
10. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўллари.
11. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича олиб борилган тизимли ишлар.
12. Янги иш ўринларини ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлашнинг устивор йўналишлари.
13. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолияти.

ТАЪМИНОТ

Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон республикаси Президенти И.А.Каримонинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлар ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” 19 январ 2013 йил
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”. “Халқ сўзи” 2011 йил 7 апрель, № 68 (5235).
3. Каримов И.А. Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. Президент И.А.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябр.

4. Каримов И.А. асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
5. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз - демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2011 йил 8 декабр.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009
7. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти.-Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. 2004 й.

Қўшимча адабиётлар:

1. Рахимова М. Минтақа ва маҳаллий хўжалик иқтисодиёти.-Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. 2004 й.
2. Тухлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. – Т. Ўзбекистон. 2002 й.
4. Додобоев А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Фарғона 2004й.
5. Йўлдошев З. Миллий иқтисодиёт.-Т: Молия институти. 2004.
6. Данилов Ю. Национальная экономика.-Т: Янги аср авлоди. 2003

1-мавзу: Ўзбекистон миллий иқтисодиёти” фанининг мазмуни ва вазифаси

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Миллий иқтисодиёт курсининг предмети.
2. Миллий иқтисодиёт жараёнлари объектларини иқтисодий баҳолашда макроёндашув.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: миллий иқтисодиёт, жаҳон бозори, халқ хўжалиги, халқ хўжалиги тузилиши, иқтисодий мустақиллик, истеъмол нархлари индекси, макроиқтисодий кўрсаткичлар.

Мавзу бўйича ечимини кутаётган илмий муаммолар:

- 1.1. Ўтиш даврида миллий иқтисодиётдаги иқтисодий ўзгаришлар башорат қилиш.
- 1.2. Ўзига хос бозор механизмини вужудга келтириш йўналишларини аниқлаш.

1-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиёти фанининг тадбиқ қилиш объекти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Миллий иқтисодиёт тушунчасини изоҳлаб бера олади.

1.2. Миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари ва жиҳатларини тушунтира олади.

1- савол баёни:

Республикамизнинг мустақилликка эришганлигига ва унинг деярли барча халқаро ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлганлигига қисқа вақт бўлди. Аммо шу вақт ичида Республикамизнинг ўзига хос хусусиятларини қамраб олган иқтисодий сиёсат шаклланиб, истиқбол йўналишлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида бозор муносабатларини тўлақонли ривожлантириш учун зарур шарт - шароитлар қайд қилиб ўтилган.

Эндиликда миллий иқтисодиётимизнинг турли йўналишлари, унинг таркибий қисмларини жаҳон бозори билан қиёсий ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон миллий иқтисодиёти-жами соҳалар, ассоциациялар, корхоналар, ташкилотларнинг йиғиндиси бўлиб, бунда улар ягона иқтисодий тизимга, умумий қонунларга ва ривожланиш мақсадларга асосланган ҳолда бирлашган.

Ўзбекистон Республикасининг халқ хўжалиги яқин ўтмишда умумиттифоқ халқ хўжалиги мажмуининг ташкилий қисмига кирарди. Шу билан бирга иттифоқдаги меҳнат тақсимотида асосан хом ашёни етказиб берувчи мавқеини эгалларди.

Бундай шароитларда халқ хўжалигини «миллий иқтисодиёт» тушунчаси билан тенглаштириш ҳуқуқига эга эмас эдик. Эндиликда Ўзбекистонда сиёсий ва давлат мустақиллиги камол топиши билан бирга унинг миллий иқтисодиёти шакллана бошлади. Лекин миллий иқтисодиёт бозор иқтисодиёти муносабатларини ўрганувчи барча аниқ фанлар назариясига, услубига таянади. Иқтисодиётни самарали тартибга солиш билан унинг шаклланишига қулай иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий вазият яратилади. Жаҳондаги барча ривожланган мамлакатларда миллий иқтисодиётнинг ўзига хос бошқариш моделлари мавжуд. Уни яратишда ҳар бир мамлакат ўзининг барча хусусиятларини ҳисобга олган. Албатта, бу ўринда ҳар бир мамлакатнинг географик жойлашиши, иқтисодий ва табиий ресурслари, иқлими, ва қолаверса, демографик тузилиши инобатга олинган. Бу ўринда кўп тилга олинаётган Жанубий Корея, Швеция, Туркия моделларини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Шу билан бирга иқтисодиётнинг умумий назарияси мавжуд бўлиб, уни чуқур билмай туриб, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириб бўлмайди. Шунинг учун миллий иқтисодиётда бозор шароитига мос инфратузилмавий такомиллашув, самарали бозор тузилмасининг шаклланиб бориш жараёни билан мос равишда янги бозор иқтисодиёти институтлари яратилиб борилади. Унда республика миллий иқтисодиётини тартибга солиш, истиқболини аниқлаш ва Ўзбекистон Республикасининг манфаатини халқаро кўламда ҳимоя қилиш вазифалари бажарилади.

Миллий иқтисодиёт фани мамлакат миллий-иқтисодий шаклланиш жараёнларини, унинг халқ хўжалиги комплекси билан бир бутунликда ўрганади.

Миллий иқтисодиёт курсининг предмети-бу халқ хўжалигини ягона бир система сифатида ўрганилиши тушунилади. Унинг вазифаларидан бири мамлакат иқтисодиёти таркибига кирувчи тармоқлар, соҳалар ва комплексларнинг ўзига хос хусусиятларини ва улар ўртасидаги алоқаларни ўрганишдан иборат. Халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғини ривожланиши, тартибга солиниши ва уларнинг ўзаро алоқасини ўрганиш ана шулар жумласига киради.

Бозор иқтисодиётининг шаклланиш жараёни эса миллий иқтисодиётнинг ўрганиш объекти ҳисобланади.

Миллий иқтисодиёт республика иқтисодиётини ислоҳ қилиш асосига қўйилган принципларни ўрганади. Курснинг навбатдаги вазифаларидан бири республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ бўлган қўйидаги ўзгаришларни ҳам ўрганади:

1. Бошқаришни эски тизимини қайта қуриш ва бошқариш тизимининг янги шакллари яратиш жараёнларини;
2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усуллари, воситалари ва йўллари ўрганади;
3. Республикани ривожланган давлатлар қаторига босқичма-босқич кўтарилиши жараёнларини ўрганади.

Назорат саволлари:

1.1. "Ўзбекистон миллий иқтисодиёти" фани нима учун ҳозирги кунда барча ўқув юртларида ўқитилмоқда?

1.2. Бозор иқтисодиётга ўтишда Ўзбекистон ўз йўли ва ўз моделига эга деганда нимани тушунаси?

2-асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда миллий иқтисодиёт жараёнлари объектлари иқтисодий баҳолаш ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Миллий иқтисодиётдаги жараёнларни изоҳлаб бера олади.

2.2. Миллий иқтисодиётдаги жараёнларни баҳолашда макроёндашувнинг ролини тушунтириб бера олади.

2-асосий савол баёни:

Миллий иқтисодиётда рўй бераётган жараёнларни баҳолашда, албатта, макроиқтисодий томонидан ёндашилади. Демак, бутун мамлакат миқёсида рўй бераётган ўзгаришлар кузатилади ва таҳлил қилинади.

Бозор иқтисодиётга ўтиш шароитида олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири иқтисодиётда жами ишлаб чиқариш натижаларини ҳисоблаб боришдир. Бунинг учун миллий ҳисоб-китоблар тизими борасида керак бўладиган баъзи муаммоларни ҳал қилиш лозим бўлади. Бир бутун иқтисодиёт учун ижтимоий ҳисоб-китобларнинг зарурияти ана шунга мисол бўла олади.

Миллий иқтисодиётни жараёнларини баҳолашда макроиқтисодий ёндашувда уни барқарорлаштириш, миллий валютаамизни мустаҳкамлаш, капитал қурилиш дастури, иқтисодиётнинг таркибий жиҳатдан янгилаш йўлини давом эттириш режасини янгилаш, қонунчилик ёки ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Республикада иқтисодиётнинг асосини ташкил этувчи ишлаб чиқариш соҳасига алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу соҳанинг энг асосий тармоғи саноатнинг анъанавий ривожланган турлари-қишлоқ хўжалик машинасозлиги, кимё саноати қабилар билан бир қаторда мутлақо янги саноат соҳаларини ташкил этиш зарур. Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Унинг асосий бўғини бўлган пахтачилик энг рентабеллидир. Шу сабабдан, пахтачиликни ривожлантириш, унинг тармоқ инфраструктурасидаги ҳажмини ва салмоғини аниқлаш, шунингдек тола сифатини тубдан яхшилаб, дунё стандартлари даражасига келтириш энг долзарб муаммодир.

Давлатимиз нисбатан катта ҳудудга эга ва унинг географик ўрни ҳам алоҳида хусусиятларга моликдир. Бу ҳолат қурилиш ва транспортни ҳам жадал суръатлар билан ривожлантириш вазифасини кўяди. Ялпи ишлаб чиқариш майдонларини, уй-жой, маданий-маиший муассасалар, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг мустақил моддий-техник пойдеворини яратиш қурилиш соҳасининг мазмунини ташкил этади.

3-асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда иқтисодий фанлар орасида “Ўзбекистон миллий иқтисодиёти” курсининг ўрни ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1. “Ўзбекистон миллий иқтисодиёти” фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлигини тушунтира олади.

3-асосий савол баёни: Миллий иқтисодиёт курсининг иқтисодий фанлар ичида ўрни беқиёс салмоқлидир. Барча иқтисодий фанлар иқтисодиётни турли жаҳаларини ўрганишса, миллий иқтисодиёт-халқ хўжалигини ягона бир система сифатида ёритиб беради. Миллий иқтисодиётдаги жараёнларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш, келгусидаги ривожланишини такомиллаштириш йўллари кўрсатиш ва иқтисодиётни тартибга солишни бевосита бизнинг курсимизда ўрганиш мумкин. Ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот, соф миллий маҳсулот, миллий даромад ва шахсий даромад каби кўрсаткичларни таҳлили асосида мамлакат иқтисодиёти хусусида миллий иқтисодиёт фикр юритади.

Миллий иқтисодиёт мамлакатдаги меҳнат бозорини ўрганади. Сиёсат борасида, мониторинг ва фискал сиёсатларни моҳиятини очиб беради. Шу билан бир қаторда давлат бюджети камомадини бартараф этиш йўллари кўрсатади. Иқтисодиётни тартибга солишда солиқлар тизими орқали тартибга солишни кўрсатиб, тадбиркорлик фаолияти аҳамиятини очиб беради.

Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёни миллий иқтисодиётда қандай ўзгаришларга олиб келганлигини рақамлар асосида ёритиб беради.

2–мавзу: Миллий иқтисодиёт ва уни тавсифловчи асосий кўрсаткичлар

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Миллий иқтисодиёт ва уни амал қилишини таъминловчи омиллар.
2. Миллий иқтисодиётнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: миллий ҳамжамиятлар, миллат, соф миллий маҳсулот, миллий даромад, шахсий даромад, ялпи миллий маҳсулот, соф миллий маҳсулот, шахсий ихтиёрдаги даромад.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1. Миллий иқтисодиёт тушунчаси ҳақида фикрларни билдириш.
2. Иқтисодий механизмларнинг иқтисодиётга таъсирини ўрганиш.

1-асосий савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда миллий иқтисодиёт тушунчасини ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Миллий иқтисодиёт тушунчасини изоҳлаб бера олади.
- 1.2. Миллий иқтисодиётга таъсир этувчи омилларни ёрита бера олади.

1 - савол баёни:

Ҳар бир мамлакат иқтисодиёти ўзига хос миллий, диний, сиёсий хусусиятларга эга. Шу мамлакат ичида миллий ҳамжамиятлар, яъни ижтимоий гуруҳлар ва кишилар ҳамжамиятлари иқтисодий алоқаларни ташкил қилишнинг ўзаро алоқалар билан боғлиқ бўлганлиги ва интеграциялашган шакли сифатида намоён бўлади.

Миллий иқтисодиётга таъриф бериб ўтдик, энди миллат ўзи нима эканлигига тўхталиб ўтсак.

Миллат икки маънода тушунилади:

1. Кишиларнинг тарихи таркиб топган шакли;
2. Мамлакат, давлат.

Иқтисодий таълимоти тарихи фани миллат тушунчасига ёндашув доимо ўзгариб туришини кўрсатади. Давид Риккардо миллатни табиий омилларига унумдорлиги нотекис бўлган тупроқга эга жўғрофи макон сифатида талқин билган.

Бу омиллар иқтисодий фаолият характерини белгилаб беради (Португалия вино, Буюк Британия эса газлама ишлаб чиқаради) деб ҳисоблаган.

Стюарт эса миллат бу-худуд, айти пайтда шундай худудки, унинг ичкарасида ишлаб чиқариш омиллари ҳаракатчан ва бу ҳаракатчанлик давлат чегаралари билан чекланган, деб ҳисоблаган.

Р. Бар эса иқтисодий жиҳатдан миллат тушунчасига янада мураккаблироқ таъриф берган, яъни миллатнинг иқтисодий концепциясини беради;

а) аввало бу ўз табиатига кўра, ўзининг келиб чиқишига кўра, ўз характерига кўра ва фаолият шароитларига кўра фарқланувчи фаолият маркази;

б) миллат бу - кучлар марказидир, унинг таъсири географик ва қиёсий макон доирасидан келиб чиқади;

в) миллат иқтисодий сиёсий ва маънавий сабабларга кўра имтиёз берувчи бирдамлик марказидир.

Шундай қилиб, миллат дунёнинг бошқа миллатларидан фарқ қилдирувчи ва улар билан ўзаро алоқада бўлиш заруриятини туғдирувчи сиёсий ва маънавий характери ўзига хос хусусиятга эга бўлган бир бўлагидир.

Миллий иқтисодиётга таъсир этувчи омиллар икки гуруҳга бўлинади: ташқи ва ички. Ташқи омиллар умумлаштирилган ҳолда қўйидаги гуруҳларга ажратилади: иқтисодий, сиёсий, демографик, маданий.

Ташқи иқтисодий омилларга: 1) Халқаро меҳнат тақсимоти; 2) У ёки бу давлат жаҳон бозорида доминантлик қилиш;

Ташқи сиёсий омиллар турига шаклларда намоён бўлади. Бунда: Эмбарго эълон қилиш; мамлакатнинг турли савдо иттифоқларига қабул қилиниши; қулай режамлилик; ҳарбий блокларга кириш; уруш ҳолати.

Ташқи демографик омилларга у ёки бу мамлакатнинг

а) ишсизлик ҳавфини келтириб чиқарувчи ишчи кучи миграцияси оқимини ўзгариши ёки аксинча;

б) мамлакатнинг тўлов баланси структурасини яхшилаш мисол бўла олади.

Ички омилларга фаолиятга қўйидагилар киради:

1. Миллий иқтисодий фаолият агентлари, яъни алоҳида шахслар, гуруҳлар ва давлат.

2. Бу фаолиятнинг ташкил этиш шакллари.

3. Мамлакат миқёсида ва доирасида иқтисодий фаолиятни таҳлил қилиш имконини берувчи омиллар.

2-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда миллий иқтисодиётдаги иқтисодий механизмларнинг ҳаракати ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Иқтисодий механизмларнинг моҳиятини очиб бера олади.

2.2. Иқтисодий механизмларнинг миллий иқтисодиётдаги ҳаракатини тушунтира олади.

2-асосий савол баёни:

Миллий иқтисодиётда мамлакат ривожини тавсифловчи асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар тоифасига ЯММ, СММ, МД, ШД ва ШИД киради.

ЯММ халқ хўжалигини моддий ҳамда ноишлаб чиқариш соҳалари бўйича иқтисодий фаолиятни якуний натижаларини тавсифловчи кўрсаткичдир. Бу кўрсаткич мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматларни ҳажмини тўғри ва аниқ кўрсатиб беради.

Ялпи миллий маҳсулот-мамлакатда бир йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларни бозор қийматидир.

ЯММ да фақат якуний неъматлар ҳисобга олинади, оралиқ маҳсулотлар ва хизматлар эса эътиборга олинмайди.

ЯММни харажатлар ва даромадлар усули бўйича ҳисобланганда бир хил натижа чиқади, чунки истеъмолчи маҳсулотни сотиб олиш учун қанча маблағ сарфласа, ишлаб чиқарувчига даромад сифатида шунча пул тушади.

1 чи усул бўйича ЯММ ҳисоблаш.

$$Y = C + I + G + X_n$$

бунда: Y-товарларни сотиб олиш учун кетган харажатлар;

C-шахсий истеъмол харажатлар;

I-бизнеснинг инвестиция харажатлари;

G-товар ва хизматларни давлат томонидан сотиб олиниши;

X_n-соф экспорт; (экспорт-импорт)

2 чи усул бўйича ЯММ ҳисоблаш.

$$Y = CCA + W + IR + I_r + P$$

Бунда: CCA-истеъмол қилинган капитал ҳажми:

W-ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи:

I_r-бизнесга бевосита солиқлар;

R-ижара тўлови;

I_r-% ставкаси- хусусий бизнес бўйича, бундай давлат мустасно;

P-корпорациялар даромади; Бу ерда P-корпорациялар даромади 2 га бўлиниб қўшилади, яъни P1-корпорацияларнинг тақсимланган фойдаси ва P2-корпорациялар фойдасига ва P2- корпорациялар фойдасига солиқ, бунда: P=P1+P2 бўлади.

Шахсий истеъмол харажатларига-уй хўжаликларини узок муддат давомида фойдаланадиган истеъмол буюмлари харажатлари киради;

Товар ва хизматларнинг давлат томонидан сотиб олинишига-давлат харажатлари инобатга олинади-бюджет ташкилотларига ойлик маошларини бериш, армияни боқиш, мудофаани мустаҳкамлаш ва бошқалар. Трансфертлар бундан мустасно.

Инвестициялар-станоклар, асбоб ускуналар сотиб олиш, бино-иншоотлар куриш билан боғлиқ харажатлар;

Умумий инвестициялар таркибида ички соф хусусий инвестиция + амортизация киради, яъни

$$I_{\text{ум.}} = I_{\text{ички соф хус.}} + \text{Амортизация}$$

Соф экспорт эса экспорт ва импортнинг айирмаси бўлади.

Рента тўловлар-уй хўжаликлари томонидан олинган даромаддан иборат бўлиб, улар иқтисодиётни шахсий ресурслар билан таъминлайди.

Бизнес бевосита солиқларга акция солиғи, қимматбаҳо буюмлар солиғи ва шунга ўхшаш солиқ турлари киради.

Корпорациялар даромадига солиқ ва корпорациялар фойдаси (инвестицияга мўлжалланган қисми) киради.

Ялпи миллий маҳсулотни икки усул бўйича ҳисобланиши ёпиқ эмас, балки очик иқтисодиёт учун ҳам характерлидир. Ёпиқ иқтисодиёт деганда, экспорт ва импорт харажатлари, яъни соф экспорт инобатга олинмайди. $Y = C + I + G$.

Очиқ иқтисодиётда эса, албатта, экспорт ва импорт, чет эл мамлакатлари билан алоқаси инобатга олинади. $Y=C+I+G+Xп$

Соф миллий маҳсулот -ЯММдан амортизация харажатларини айириб ташлаш билан аниқланади:

$СММ = ЯММ - Амортизация$

МД эса СММ дан бизнесга бўлган бевосита солиқларни айириб ташлаш билан аниқланади:

$МД=СММ-$ бевосита солиқлар.

$ШД=МД$ - корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси- суғурта ажратмалари корпорациялар дароматидан солиқ + трансфертлар +дивидентлар;

$ШИД = ШД$ - солиқ турлари (индивидуал).

$ЯММ$ дефлятори = Номинал ЯММ/Реал ЯММ $\times 100\%$

Номинал ЯММ-жорий йил баҳоларида ўлчанади.

Реал ЯММ- базис йил баҳоларида ўлчанади.

Миллий иқтисодиёт - миллий ҳамжамиятлар ва иқтисодий алоқаларни ташкил қилишнинг ўзаро алоқалар билан боғлиқлиги ва интеграциялашган шакли сифатида намоён бўлади.

Унинг амал қилишни ташқи ва ички гуруҳ омиллари таъминлайди. Миллий иқтисодиётда мамлакат ривожини тавсифловчи асосий макроиқтисодий кўрсаткичларга ЯММ, СММ, МД, МД ЯММ дефлятори ўқилади.

3–мавзу: Миллий бойлик - давлатнинг қудратини белгиловчи кўрсаткич

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Мамлакат миллий бойлиги ва унинг таркиби.
2. Иқтисодий ривожланиш даражаси ва миллий бойлик.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: мамлакат миллий бойлиги, миллий бойлик таркиби, моддий хом ашё ресурслари, иқтисодий тараққиёт даражаси, иқтисодий ривожланиш даражаси, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯММ, иқтисодий самарадорлик, аҳоли турмуш даражаси, моддий хом ашё ресурслари.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1. Миллий бойликни мамлакатнинг қудратини белгиловчи кўрсаткич сифатида ўрганиш.
2. Иқтисодий ўсиш ривожланишининг даражасини аниқлаш.

1-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда миллий бойликнинг иқтисодий моҳияти ва таркибини ёритиш ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Мамлакат миллий бойлиги тушунчасини изоҳлаб бера олади.

1.2. Миллий бойликнинг таркибини ўргана олади.

1-асосий савол баёни:

Миллий бойлик жамият ихтиёридаги меҳнат билан яратилган ва жамғарилган моддий неъматлар мужассами. Бу кўрсаткич мамлакат иқтисодий қудратининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб, ишлаб, чиқариш давомида барча истеъмол қиймати йиғиндисининг пул билан ифодаланишидир.

Миллий бойлик халқ моддий ва маънавий даражасининг негизи, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришдир, шунинг моддий асоси ва натижасидир.

Республикамизда миллий бойлик оғир саноат, шунингдек енгил ва озик овқат саноати, пахта, ипакчилик, қорақўлчилик, мевачилик, узум етиштириш, сабзавотчилик билан боғлиқдир. Жаҳон бозорида меҳнат тақсимоотида пахта толаси, ипак пояси, қаракул, пахта териш машиналари ишлаб чиқариш бўйича салмоқли ўринни эгалаб келмоқдамиз.

Миллий бойлик таркибига халқ хўжалигининг асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондлари (бино, иншоот, машина, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, материаллар, маҳсулдор ҳайвонлар, ёқилғи), муомала фонди (тайёр маҳсулот захиралари), эҳтиёт фондлари ва суғурта захиралари, хизмат қилувчи тармоқларнинг асосий фондлари (мактаб ва шифохоналар, уй-жой, маданият саройлари) аҳолининг шахсий мол-мулклари, ишлаб чиқариш жараёнида жалб этилган табиий бойликлар (ер ости қазилмалари, табиий экин майдонлари), шунингдек ишчи ва хизматчиларнинг ишлаб чиқариш тажрибаси, илмий-техника билимлари ҳам қиради. Миллий бойлик таркибида аҳолидаги хизмат муддати бир йилдан ошадиган узоқ вақт фойдаланиладиган предметлар алоҳида гуруҳни ташкил этади. Булар индивидуал транспорт воситалари, мебеллар, фото ва видеотехника, заргарлик буюмлари ва шу қабилардир.

2-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда мамлакат иқтисодий ривожланиш даражасини ўрганиш ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Мамлакат иқтисодий ривожланиш даражасини ўргана олади.

2.2. Иқтисодий ўсиш ва миллий бойликнинг ўзаро алоқадорлигини ўргана олади.

2-асосий савол баёни:

Миллий бойлик таркибининг асосий қисмини ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари ташкил этади. Ишлаб чиқариш асосий фондларига бинолар, иншоотлар, машина ва ускуналар, транспорт воситалари, асбоблар, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентари, маҳсулдор чорва, кўп йиллик экинлар қиради.

Миллий бойлик аниқланадиган баҳолар доимо бозор баҳоларига мос келавермайди. Миллий бойлик таркибига чет мамлакатлар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган чет эл активлари қирмайди.

Иқтисодий тараққиёт даражасини баҳолаганда кўпгина давлатлар АҚШ даражасини стандарт сифатида қабул қилиб, ишлаб чиқариш омилларини ва ривожланишни тур шароитлари иқтисодий ривожланиш даражасини қандайдир битта нуқтасидан туриб баҳолашга имкон бермайди.

Шунинг учун бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯММ (ЯИИ, МД);
- Миллий иқтисодиётнинг тармоқ структураси;
- Аҳоли жон бошига асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш;
- Аҳолининг турмуш даражаси ва сифати;
- Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

Улардан энг муҳими аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ (ЯММ) кўрсаткичдир. Бу кўрсаткичга мувофиқ мамлакат ҳалқаро стандарт бўйича ривожланаётган ёки ривожланган давлатлар категориясига киритилади. Ривожланган давлатлар категорияси йилига аҳоли жон бошига 5-6 минг доллар ва ундан ортиқ ЯММ яратаётган давлатлар киради. Жаҳон банки маълумотларига кўра, бу кўрсаткич 2001 йилда Ўзбекистонда 1010 доллар, Украинада 1180 доллар, Қирғизистонда 570 доллар, Грузияда 850 доллар, Арманистонда 620 доллар, Озорбайжонда 480 доллар ташкил этган. 2010 йили Ўзбекистонда бу кўрсаткич 1044 доллар бўлди. (Ўзбекистонда ўртача умр даражаси 73 ёш).

Мамлакатнинг ривожланиш даражасини, шунингдек, энг муҳим тармоқларнинг мамлакат иқтисодиётига қўшаётган ҳиссасига қараб ҳам белгиланади. Мустақилликка эришганимиздан сўнг аҳоли жон бошига ёқилғи энергетика ресурсларини ишлаб чиқариш бирмунча кўпайди.

Республика машинасозлигида таркибий силжишлар рўй берди, автомобил саноати вужудга келди.

Ҳар қандай давлат иқтисодиётини ривожланишини авваламбор унинг табиий ресурслари белгилаб беради, чунки табиий ресурслар барча тармоқларини ривожлантиришни асоси мамлакатни жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини самарадорлигини белгиловчи муҳим омилдир.

Ўзбекистон табиий ресурсларни улкан потенциалига эга. Олтин ишлаб чиқариш бўйича дунёнинг 8 чи аҳоли жон бошига ишлаб чиқаришдан эса 5 ўринни эгаллаймиз.

Ҳозирги кунга қадар Республикада 30 та олтин конлари аниқланган Республикада 94 турли минерал хом ашёнинг 850 дан ортиқ конлари очилган. Углеводород хом ашёнинг умумий запаслари республикада;

1. Газ - 1828 млрд. мет. кв.
2. Газ конденсати - 136 млн. т.
3. Нефть - 102 млн. т.

Республика ҳудудида 20 дан ортиқ тош кўмир конларини аниқланган. Уларнинг прогнозлик запаси 3499 млн. т. Ангрен запасини ўзи эса 1885 млн. т., 33 та нодир ва 32 та рангли металлларнинг конлари базасида 16 та тоғ кон саноати корхоналари ишламоқда. 5 та вольфрам кони бор.

Тасдиқланган минерал сувларнинг запаслари Республикани бир суткалик 8208 минг мт.куб. ташкил этади. Ҳозирда аниқланган минерал сувларнинг 32 та манбаи базасида 12 та курорт , 10 дан ортиқ минерал сувларни қуёвчи корхоналар ишламоқда.

Республикада 4,2 млн.га суғариладиган ер бор. Республиканинг фойдаланадиган сув ҳажми 62 - 65 км.куб бўлса, бунинг 36 км.кв.қисми Амударё ва Сирдарёдан қолган қисми эса ички манбалардан олинади. Ер ва сув ресурсларини мавжудлиги, қулай иқлим шароити 1,7 млн.т. пахта толаси етиштириш имконини беради. Бу соҳа республиканинг муҳим базаси.

Миллий бойлик жамият меҳнати билан яратилган ва мамлакат ҳудудига тўплаган моддий бойликлар йиғиндисидир.

Миллий бойлик таркибига авлодлар томонидан яратилган неъматлар киради, бу билан эса у, маълум давр учун ҳисобланадиган ЯММ ва МДдан ажралиб туради. Миллий бойлик ҳисоблаш методикасида айрим камчиликлар мавжуд:

миллий бойлик аниқланадиган баҳолар ҳар доим ҳам бозор баҳоларига тўғри келмайди;

Миллий бойлик таркибига чет элда яратилган неъматлар киритилмайди ва чет эл граждандари томонидан яратилган неъматлар айриб ташланмайди; олтин захиралари киритилмайди; илмий салоҳият киритилмайди.

Миллий бойлик жамият меҳнати билан яратилган ва мамлакат ҳудудига тўплаган моддий бойликлар йиғиндисидир.

Миллий бойлик таркибига авлодлар томонидан яратилган неъматлар киради, бу билан эса у, маълум давр учун ҳисобланадиган ЯММ ва МДдан ажралиб туради. Миллий бойлик ҳисоблаш методикасида айрим камчиликлар мавжуд:

миллий бойлик аниқланадиган баҳолар ҳар доим ҳам бозор баҳоларига тўғри келмайди;

Миллий бойлик таркибига чет элда яратилган неъматлар киритилмайди ва чет эл граждандари томонидан яратилган неъматлар айриб ташланмайди. Олтин захиралари киритилмайди; илмий салоҳият киритилмайди.

4–мавзу: Макроиқтисодий вазият ва унинг асосий йўналишлари

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг йил якунлари.
2. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устивор йўналишлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: макроиқтисодий кўрсаткичлар, устивор йўналиш, инқироз, иқтисодий ўсиш, миллий даромад, модернизация, диверсификация, дастур, инфратузилма, ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлаш.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1.1. Макроиқтисодий вазиятдаги барқарорликга олиб борувчи йўл иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш деб қаралади. Сизнингча бу қараш тўғрими? Ёки унга бошқача таъриф бериш керакми?

1.2. Жаҳон молиявий иқтисодий инқироз Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларига салбий таъсир кўрсатган деб ҳисобланади. Сиз ҳам шу фикрга қўшиласизми ёки бошқача фикрингиз борми?

1-савол бўйича дарс мақсади: Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг йил якунлари тўғрисида талабаларга тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини изоҳлаб бера олади.

1.2. Мамлакатнинг ижтимоий соҳадаги ривожланиши тушунтира билади.

1- савол баёни: 2012 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди.

Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланди.

Экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11,6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланиб бормоқда. Бунинг натижасида хомашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий салдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди.

Инфляция даражасининг ўсиш суръати прогноз кўрсаткичлари доирасида сақлаб қолинди ва 7 фоиздан ошмади.

2012-йилда солиқ юкини камайтириш сиёсати давом эттирилди. Кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга туширилди.

Давлат бюджетининг даромадлар қисми бўйича кўрсаткичлари тўлиқ бажарилди, эришилган профицит ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоизни ташкил этди.

Давлат жами харажатларининг асосий қисми, яъни қарийб 59,2 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилди, унинг 34 фоиздан ортиғи таълим, 14,5 фоиздан кўпроғи соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

2013-йилнинг 1-январ ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзлари миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16,0 фоиздан ошмагани, бу кўрсаткич эса халқаро мезонлар бўйича “ўртачадан ҳам кам” даражада баҳолангани буни исботлаб бермоқда.

Мамлакатимиз молия-банк тизими барқарор ва ишончли фаолият юритиб, юқори кўрсаткичларни намоён етиб келмоқда. 2012-йилда банк тизимининг жами капитали 24,3 фоизга, сўнгги уч йилда эса икки баробар кўпайди.

Бугунги кунда капиталнинг етарлилик даражаси 24,0 фоиздан ошиб, бу эса қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан 3 баробар ортиқдир.

2012-йил якунлари бўйича банк тизимининг ликвидлиги 65,0 фоиздан ортмоқда, бу эса талаб етиладиган минимал даражадан 2 баробар юқоридир. 2010-йилда мамлакатимизнинг атиги 13 та тижорат банки ижобий халқаро рейтингга ега бўлган бўлса, айти пайтда уларнинг сони 28 тага етди.

Банклар фаолиятида, ўтган йиллардаги каби, инвестиция фаолиятига катта эътибор қаратилди.

2012-йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми 2011-йилга нисбатан 1,3 баробар ошди. Ажратилган кредитларнинг 76 фоиздан зиёди уч йилдан ортиқ муддатга берилган узоқ муддатли кредитлар экани, айтиқса, эътиборга молик.

2012-йилда иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этди.

2012 йилда йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб етилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011-йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил етди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Шу борада фақат ўтган йилнинг ўзида умумий қиймати 1 миллиард 600 миллион доллардан ортиқ бўлган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, 205 та йирик инвестиция объекти қуриб битказилди.

2012-йилда қурилиши ниятсизга етказилган энг йирик объектлар ҳақида гапирганда, Навоий иссиқлик электр станциясида Япониянинг “Мицубиси” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 478 мегаватт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмасининг ишга туширилганини алоҳида кайд етиш лозим.

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши йилига қўшимча равишда 2 миллиард 800 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Шунингдек, бу лойиҳа ҳисобидан шартли ёқилғи истеъмолини 1,8-марта камайтиришга, ҳар йили 400 миллион куб метр газни тежаш ёки 110 миллион доллардан ортиқ маблағни иқтисод қилишга еришамиз.

Автомобил саноатида Германиянинг дунёга машҳур “МАН” компанияси билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида йилига 3 мингта юк автомобили ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги комплексни бунёд этишнинг иккинчи босқичи якунланди.

Муборак газни қайта ишлаш заводида 258 минг тонна суюлтирилган газ ва 125 минг тонна конденсат ишлаб чиқариш қувватига ега бўлган заводнинг биринчи навбати фойдаланишга топширилди, “Шўртаннефтгаз” корхонасида эса пропан-бутан қоришмаси асосида 50 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган қурилма ўрнатилди.

Яна бир йирик лойиха – умумий қиймати 250 миллион доллардан ортиқ бўлган Дехқонобод калийли ўғитлар заводининг иккинчи навбатини куриш ишлари давом эттирилмоқда. Бу борадаги ишлар якунига етгач, корхонада йилига 600 минг тоннагача калийли ўғит ишлаб чиқариш имкони пайдо бўлади ва бу махсулотнинг 350 минг тоннадан кўпроғи экспорт қилинади.

2012-йилда Сурғил кони базасида хатто дунё мезонлари бўйича ҳам ноёб бўлган, қиймати 25 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган Устюрт газ-кимё комплекси курилиши бошланди. Мазкур объектнинг курилиши 2016-йилда ниҳоясига етказилади ва бу корхона 4 миллиард 500 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 400 минг тонна полиетилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш имконини беради.

Ўтган даврда қарийб 500 километрлик тўрт полосали замонавий автомобил йўллари куриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди. Шундан 163 километри семент-бетон ва 335 километри эса асфалт-бетон билан қопланган йўллардир.

Узунлиги 116 километр бўлган Гулистон-Охангарон автомобил йўли, кўкон шахрини айланиб ўтадиган автойўл фойдаланишга топширилди, Самарқандни Тошкент, қарши ва Олот шаҳарлари билан боғлайдиган йўллар реконструкция қилинди.

Темир йўл транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ишлари, темир йўл тармоқларини электрлаштириш лойиҳалари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу ишлар пойездлардан фойдаланиш харажатларини 20 фоизга камайтириш, йўловчи ва юк ташиш тезлигини 1,3 баробар ошириш, 830 километрлик Тошкент-Термиз темир йўлини тўлиқ электрлаштириш имконини беради.

Янгитдан ташкил этилган “Навоий” ва “Ангрен” эркин индустриал-иқтисодий зоналари бугунги кунда мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини модернизация қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда алоҳида ўрин егалламоқда.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён бу ерда 12 та корхона курилиб, фойдаланишга топширилди. 2012-йилда улар томонидан қарийб 80 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди. Аккумулятор симлари, автомобил газ баллонлари, мобил ва стационар телефонлар, модемлар ва интернет учун қўшимча мосламалар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар ташкил этиш каби юқори технологиялар асосидаги яна йеттита лойиҳа амалга ошириш босқичида турибди.

Шу борада тўпланган тажрибани ва Тошкент вилоятидаги ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан фойдаланиш, Фарғона водийсидаги корхоналар билан барқарор иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишнинг келажакда муҳим аҳамиятга ега эканини ҳисобга олган ҳолда, “Ангрен” махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Мазкур индустриал зонада фаолият кўрсатаётган корхоналарга, киритилган инвестициялар хажмига қараб, 3-йилдан 7-йилгача бўлган муддатга кенг кўламли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар берилди, уларнинг инфратузилма объектлари ва коммуникацияларга кафолатли равишда уланиши таъминланмоқда.

Хозирги кунда “Ангрен” махсус индустриал зонаси худудида қиймати 186,0 миллион долларлик 8 та инвестиция лойихаси амалга оширилмоқда. Шулар қаторида зарурат ва эҳтиёж баланд бўлган турли тайёр махсулотларни ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш, шунингдек, янги шакар заводини куриш, тайёр чарм буюмлар ишлаб чиқарадиган комплексни барпо этиш алохида ўрин тутади.

Умумий қиймати 245 миллион долларлик яна 22 та рентабелли лойихани амалга ошириш масалалари кўриб чиқилмоқда ва бунинг учун зарур хужжатлар тайёрланмоқда.

Мамлакатимиз дехқонлари мўл хосил йетиштиришди – 3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта, 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ҳамда полиз махсулотлари йиғиб-териб олинди.

Бугунги кунда фермер хўжалиги ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг йетакчи бўғинига, уни ташкил етишнинг асосий шаклига айланди. Хозирги вақтда фермерлик ҳаракати ўз таркибида 66 мингдан зиёд фермер хўжалигини бирлаштирмоқда. Мамлакатимиздаги жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоиздан ортиғи, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги махсулотларининг асосий қисми айнан фермерлар хиссасига тўғри келмоқда.

2012-йилда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам юқори суръатлар билан ривожланди. Аҳолига кўрсатилган хизматлар хажми қарийб 15 фоизга ўсди, ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички махсулотидаги улуши эса бугунги кунда 52 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Коллежларни тугатган 450 минг нафардан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди, уларнинг 43 фоизи ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашди.

2012-йилда мамлакатимизда комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб 1 миллионта янги иш ўрни ташкил етилди. Бу иш ўринларининг 62 фоизга яқини қишлоқ жойларда яратилди. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 485 минг киши, касаначиликнинг барча шакллари кенгайтириш ҳисобидан эса 218 минг киши иш билан таъминланди.

2 - савол бўйича дарс мақсади: Талабаларни мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устивор йўналишлари тўғрисида маълумот билан таништириш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Устивор йўналишнинг моҳиятини тушунтира олади.

2.2. Иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги устивор йўналишларнинг шарҳлаб беради.

2- савол баёни: 2013 йилда мамлакатимиз иқтисодиётини 8 фоизга, саноатни 8,4 фоизга, қишлоқ хўжалигини 6 фоизга, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини 11 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасини қарийб 16 фоизга ошириш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улуши 53 фоизгача ўсишини таъминлаш вазифаси қўйилмоқда.

Солиқ юки даражасининг ошмаслиги таъминланиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан бу кўрсаткич 21,3 фоизни ташкил этади.

2013-йилда ҳам Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолинади. Унинг харажатлар қисмининг 60 фоиздан ортиғи ижтимоий эҳтиёжларни молиялаштиришга қаратилган.

Жорий йилда мутаносиб қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш давом еттирилади, инфляция кўрсаткичлари 7-9 фоизни ташкил қилади, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 12 фоиз даражасида сақланади. Бу борада банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, Республика молия-банк тизимини янада ривожлантириш ва унинг барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича қабул қилинган дастурда кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз амалга ошириш, банк назоратини кучайтириш, банк активлари ва кредит портфелининг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилади. Банк тизими жами капиталини камида 20 фоизга кўпайтириш мўлжалланмоқда.

2013-йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга оширишда иқтисодиётимиз ва унинг йетакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг қўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор.

Бу борада 2013-йил учун ишлаб чиқилган ва 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳани амалга оширишни кўзда тутадиган Инвестиция дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу мақсадлар учун ажратилаётган 13 миллиард долларнинг 75 фоизини ички манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган маблағлар, қолган қисмини жалб етиладиган хорижий инвестициялар ташкил этади.

Ишлаб чиқариш қурилиши учун мўлжалланаётган жами инвестицияларнинг қарийб тўртдан уч қисмини янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо етиш, реконструкция ва модернизация қилиш учун йўналтиришга тўғри келмоқда.

Инвестиция дастурини амалга оширишда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тобора муҳим ўрин тутмоқда. 2013-йилда фақат Жамғарма маблағлари ҳисобидан қиймати 780 миллион долларлик 34 тадан ортиқ муҳим лойиҳа, биринчи навбатда, хорижий шериклар билан ҳамкорликда барпо етилаётган объектларни молиялаштириш режалаштирилмоқда.

2013-йилда асосий мақсадимиз – қурилиши бошланган ва мамлакатимизнинг саноат ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартиришга хизмат қиладиган объектларни барпо этиш суръатларининг пасайишига йўл қўймаслик принципиал ахамиятга ега. Жорий йилда 115 та мухим объектни ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

Хамкорларимиз билан келишилган янги объектлар қурилишини бошлашни тезлаштириш зарур. Шулар қаторида қўнғирот сода заводининг иккинчи навбатини, “Резинотехника” очик аксиядорлик жамияти негизида автомобил шиналари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бир қанча қўшма корхоналарнинг қувватини ошириш лозим.

2013 йилда қишлоқ жойларда якка тартибдаги янги уй-жойлар қуришни 8,5 мингтадан 10 мингтага йетказиш кўзда тутилмоқда. 2013-йилда бу мақсадлар учун 1 триллион 400 миллиард сўм, яъни ўтган йилга нисбатан 54 фоиз кўп маблағ йўналтириш мўлжалланган.

Бугун мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, иқтисодиётимизнинг сифат жихатидан янги, замонавий таркибий тузилмасини шакллантириш, ҳудудларимизни комплекс ривожлантириш бўйича барча режаларимизнинг муваффақиятли амалга оширилиши инфратузилма тармоқларини юксак суръатлар билан ривожлантиришга узвий боғлиқдир.

Инфратузилмани ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларда яқин истиқболда янги энергетика қувватларини, электр энергиясини узатиш тармоқларини барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш бўйича 26 тадан ортиқ инвестиция лойихасини амалга ошириш кўзда тутилган.

Булар, авваламбор, Таллимаржон иссиқлик электр станциясида умумий қуввати 900 мегавольт бўлган иккита буғ-газ қурилмасини, Тошкент иссиқлик электр станциясида қуввати 370 мегавольтни ташкил этадиган буғ-газ қурилмасини, Ангрен иссиқлик электр станциясида қуввати 130-150 мегавольтдан иборат енергоблокни, Фарғона водийсида янги энергетика қувватларини барпо этиш, Сирдарё ва Янги Ангрен иссиқлик электр станцияларини бир-бири билан боғлайдиган юқори вольтли электр узатиш тармоғини қуриш, Устюрт газ-кимё мажмуасининг ташқи энергия таъминотини ташкил этиш каби мухим стратегик лойихалардир.

“Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси буғ-газ электр станцияларини қуриш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, электр энергияси истеъмоли хисобини юритиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, электр энергияси ишлаб чиқариш ва уни транспортировка қилишда технологик йўқотишларни қисқартиришга қаратилган лойихаларни амалга ошириш бўйича қўшимча чораларни кўриши даркор.

2013-йилда халқаро стандартларга жавоб берадиган 526 километрлик автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, қамчиқ довонида 71 километрлик автомобил йўли участкасида реконструкция ишларини якунлаш, шунингдек, қатор кўприк ва йўлўтказгичларни барпо этиш

режалаштирилмоқда. Ушбу мақсадлар учун 1 триллион 200 миллиард сўм, шу жумладан, Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 870 миллиард сўмдан ортиқ ҳамда халқаро молия институтлари – Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Араб Мувофиқлаштириш гуруҳининг қарийб 120 миллион долларга тенг маблағларини йўналтириш кўзда тутилмоқда.

“Ўзавтойўл” давлат-аксиядорлик компанияси, Республика йўл жамғармаси, қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари автомобил йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ҳамда йўллар бўйида тегишли инфратузилмани ривожлантиришга доир белгиланган вазифаларни сўзсиз бажариш юзасидан амалий чоралар кўриши лозим.

Кейинги 10-йилда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 3,2 баробар ошган бўлса, шу даврда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 20 баробардан зиёд ўсгани еътиборга сазовордир.

Стратегик хорижий инвесторларни жалб етиш мақсадида мамлакатимизда инвесторларнинг ўзи учун ҳам, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун ҳам ноёб қафолатлар тизими яратилди.

Аввало, давлат томонидан хорижий инвесторларнинг барча ҳуқуқлари таъминланмоқда, уларнинг сармоялари, мамлакатимиз ҳудудида улар томонидан яратилган мулкнинг дахлсизлиги қафолатланмоқда, яратилаётган имтиёз ва преференцияларни кенгайтириш ва либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Янги иш ўринлари ташкил етиш ва мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш 2013-йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган мақсадли вазифаларни ҳал қилишнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади.

Олий Мажлис томонидан маъқулланган дастурда 2013-йилда 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган. Муҳим ижтимоий аҳамиятга ега бўлган мазкур масалани ҳал этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу соҳаларда қарийб 500 минг иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

Банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашда касаначиликнинг турли шакллари, биринчи навбатда, касаначилар ва корхоналар ўртасидаги кооперацияни меҳнат шартномалари асосида кенгайтириш, оилавий бизнесни ривожлантириш катта резерв ҳисобланади. Мазкур соҳалар ҳисобидан 280 мингдан ортиқ кишини ишга жалб қилиш кўзда тутилган.

Иш ўринларини ташкил қилишда, биринчи навбатда, тармоқ дастурларини амалга ошириш, корхоналарни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, транспорт ва коммуникация қурилишини, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини

кенгайтириш масалалари муҳим ўрин тутади ва бу соҳаларда 250 минг кишини иш билан таъминлаш белгиланган.

5–мавзу: Республиканинг саноат мажмуи

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Республика саноат мажмуасининг иқтисодийда тутган ўрни.
2. Саноат мажмуаси тармоқлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: саноат ишлаб чиқариши, ижтимоий меҳнат тақсимооти, халқ хўжалиги тузилиши, саноат ишлаб чиқариши, иқтисодий самарадорлик, ялпи маҳсулот, товар маҳсулот, фойда, ишлаб чиқариш рентабеллиги.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

- 1.1. Янги хўжалик юритиш шароитида саноат ишлаб чиқаришнинг аҳамиятини очиқ бериш.
- 1.2. Саноат ишлаб чиқариш дастурининг шакллари ўзаро боғлиқлигини аниқлаш.
- 1.3. Ўзбекистонда саноат тармоқларининг қайси турлари ривожланганлигини ёритиш.

1-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда саноат мажмуасининг иқтисодийдаги аҳамиятини кўрсатиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Саноат мажмуасини иқтисодийдаги ўрнини ёрита олади.
- 1.2. Саноат тармоқларининг кўрсаткичларини изоҳлай олади.

1- савол баёни: Тармоқлар ичида асосий бўғин бўлиб саноат ишлаб чиқариш мажмуи ҳисобланади. Саноат мажмуининг муҳим хусусияти шундаки, унинг барча тармоқларида меҳнат воситалари ва истеъмол товарлари яратилади, илмий-техника тараққиёти ҳамда миллий даромаднинг катта қисми ишлаб чиқарилади ва яратилади. Айни пайтда Ўзбекистондаги меҳнатга яроқли аҳолининг асосий қисми ҳам саноат ишлаб чиқаришида банд. Саноат ишлаб чиқариши жамиятнинг объектив иқтисодий қонунлари ҳамда республикамизда сўнгги йилларда қабул қилинган қонун ва қарорлар асосида ривожланмоқда. Ўзбекистон саноати айни вақтда ўз тармоқлари ва бошқа ижтимоий тармоқлар учун моддий-техник воситалар ҳамда халқ эҳтиёжига керак бўладиган маҳсулотларни ҳам узлуксиз тайёрлаб бермоқда. Шу боисдан ҳам саноат ишлаб чиқариши даражаси ва самарадорлигининг ўсишни таъминлаш лозим. Чунки саноат ишлаб чиқариш даражаси қанчалик юқори бўлса, республикамизнинг иқтисодий пойдевори шунча мустаҳкам аҳолининг турмуш шароити ҳам яхши бўлади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, саноат мажмуи ҳар қандай тармоғининг ич тузилмасидаги ўзгаришлар амалда бошқа тармоқлар-қишлоқ хўжалиги, агросаноат мажмуининг бошқа соҳалари, қазиб олувчи тармоқлар билан узвий боғлиқдир.

Эндиликда саноатнинг аҳамиятли тобора ошиб бормоқда. Истеъмол бозоридаги танқислик туфайли саноат тармоқлари илгаригига нисбатан кенг кўламда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга йўналтирилмоқда ҳамда хусусийлаштирилмоқда. Истеъмол молларини кўплаб ишлаб чиқариш, Айниқса, четга хом ашё эмас, балки тайёр маҳсулот чиқариш ҳамда қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш нафақат саноат ишлаб чиқаришининг аҳамиятлини оширади, балки жаҳон бозорида Ўзбекистон иқтисодиётига бўлган ишончни ҳам мустаҳкамлайди. Ҳозирги кунга келиб саноат тармоғида ялпи ички маҳсулотнинг 30%и яратилади. Бу шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиётининг ривожланиши натижасида мамлакат иқтисодиёти индустриаллашган иқтисодиёт сари ривожланмоқда. Саноат тармоқларидаги 2012 йилги 8,2 фоизли ўсиш ҳам шундан далолат бермоқда.

Саноат тармоғида ишлаб чиқариш дастурларининг яратилиши алоҳида аҳамият касб этади. Ҳар бир корхона ихтисослашувига кўра, ишлаб чиқариш дастурида ўзининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ифодалаш лозим. Ишлаб чиқариш дастурларини шакллантиришда куйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- ялпи маҳсулот.
- товар маҳсулот.
- реализация қилинган маҳсулот.
- маҳсулот таннари.
- баланс фойда.
- соф фойда.
- ишлаб чиқариш рентабеллиги.
- маҳсулот рентабеллиги.
- меҳнат унумдорлиги.
- фонд қайтими.
- фонд сиғими.
- фонд билан қуролланганлик.

Саноат корхоналари фаолиятини характерловчи кейинги кўрсаткич – бу, қувватдир. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати корхонаги бириктирилган меҳнат воситаларидан унинг ихтисослашувига мувофиқ тўла-тўқис фойдаланилган ҳолда маълум давр мобайнида ишлаб чиқариш мумкин бўлган том даражадаги маҳсулот ҳажмидир.

Ишлаб чиқариш қувватларини аниқлашда қувват балансидан фойдаланилади. Бу балансда куйидаги элементлар мавжуд бўлади:

Йил бошидаги қувват.

Режалаштирилган даврда қувватларнинг ўзгариши, яъни эски қувватларнинг чиқариб юборилиши, реконструкция қилиниши, техник тадбирлар ўтказилиши ва бошқалар.

Ялпи ишлаб чиқариш қувватларининг киритилиши.

Йил охиридаги қувват.

Ўртача йиллик қувват.

		3	4						
1	Ялпи худудий маҳсулотнинг ўсиши	102,4	107,8	111,1	107,5	104,4	108,1	105,2	110,2
2	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши	98,9	103,8	103,7	113,8	105,1	103,5	103,3	111,6

Саноат тараққиётида ёқилғи-энергетика мажмуасининг ўрни алоҳида. Унинг таркибига газ, нефть ва нефтни қайта ишлаш, кўмир ва энергетика тармоқлари киради. Ўзбекистон жаҳондаги ўнта йирик газ ишлаб чиқарувчи мамлакатлар жумласига киради. Республикада қудратли гидроэлектр станциялари ва иссиқлик электр станциялари мавжуд.

Металлургия мажмуаси таркибига маъдан хом ашёсини, қора ва рангли металлларни қазиб чиқарувчи корхоналар киради. Олтин, кумиш, мис, кўрғошин, рух, вольфрам, молибден, литий, уран, алюминий хом ашёси, нодир металллар ва бошқа бир қатор қазилма бойликларнинг аниқланган захиралари кўп. Ўзбекистонда олтиннинг 30 та кони топилган. қазиб олинган олтиннинг умумий миқдори бўйича Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида иккинчи, кумиш, мис, кўрғошин, рух ва вольфрам бўйича учинчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида олтин ишлаб чиқариш миқдори бўйича саккизинчи, уни аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш бўйича эса бешинчи ўринда.

Кимё ва машинасозлик мажмуилари саноатнинг муҳим соҳаларидир. Янги иқтисодий шароитда бу тармоқларда чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Улар мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини мустақамлашга йўналтирилган.

Жами истеъмол молларининг учдан бир қисми енгил саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда анъанавий етакчи соҳа тўқимачилиқдир.

Энергетика Республика халқ хўжалигининг негиз тармоғи, республикада иқтисодиёт ва техника тараққиётининг мустақам пойдевори ҳисобланади. Ўзбекистон энергетика тизими умумий ўрнатилган қуввати 11,5 млн.кВт бўлган 37 иссиқлик ва гидравлик электр станцияларида йилига 55 млрд. кВт.с дан ортиқ электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятига эга. Ўзбекистон энергетика тизимининг барча кучланишлардаги электр тармоқлари умумий узунлиги қарийб 228 минг кмни ташкил қилади. Тармоқ трансформаторларининг умумий қуввати 42,6 МВА га тенг. Ҳозир республика энергетика тизимида 60 мингга яқин киши ишлайди.

Ўзбекистонда электр қувватидан асосан XX-аср бошларидан фойдаланила бошланди. Ўша даврда Тошкентда 2 электр станция қурилган бўлиб, бири (қуввати 1450 кВт, 5 дизель) трамвайни ток билан таъминлаш, иккинчиси (Павлов электр станцияси, қуввати 125 кВт) шаҳарни ёритиш учун ишлатилган. 1913 йилда Ўзбекистон худудида умумий қуввати 3 МВт

чамасида бўлган 6 кичик дизель электр станциялари бўлган, йиллик электр энергияси ҳосил қилиш 3,3 млн.кВт.с га етган.

Ўтган асрнинг 20-йилларида Ўзбекистонда иссиқлик энергетикаси дизель ва майда буғ турбинали электр станцияларини қуриш йўналишида ривожланди. Дизель электр станциялар умумий мақсадларда ҳамда иссиқлик энергиясига эҳтиёжи бўлмаган пахта заводлари, насос станциялари, каналлар ва бошқа корхоналар қошида қурилди. Республикадаги дастлабки буғ турбинали электр станциялари Фарғона ва Катақўрғон ёғ-мой заводлари қурилди. Фарғона ёғ-мой заводининг «Шарқ тонги» иссиқлик электр маркази (ИЭМ) умумий мақсадлардаги электр стацияси бўлган биринчи ИЭМ дир.

1934 йил 25 сентябрда Ўзбекистон энергия системасининг ташкилий асоси – «Ўзбекэнергия» энергетикаси бошқармаси, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги тузилди.

30-йиллар бошидан Чирчик-Бўзсув ГЭС лар каскади барпо этилди. Ўзбекистон биринчи гидроэлектрстанцияси Бўзсув ГЭС шу трактда қурилиб, 1926 йилда ишга туширилган эди. Чирчик - Бўзсув гидроэнергетика қурилиши тез суръатлар билан давом этирилиб, 1926 йилдан 1940 йилга қадар мазкур тракт гидроэлектрстанцияларида 67 минг кВт генератор қувватлари ишга туширилди.

Ўзбекистон Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги таркибида лойиҳа, қурилиш-монтаж, сошлаш, таъмирлаш ва ишлатиш ташкилотларининг тўла мажмуи энергетика тизимининг ишончли ишлашини ва истиқбол тараққиётини таъминлайди. Ўзбекистон энергетика тизими ҳозир республика халқ хўжалиги ва аҳолисининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини тўла таъминламоқда ва электр энергияси қисман қўшни давлатларга экспорт қилмоқда. 2002 йилда Ўзбекистонда жами 56,0 млрд. кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

Ёқилғи саноати. Республикада ёқилғи энергетика саноати ер қаърида топилган ва қазиб олинаётган кўмир, нефть, табиий газ конлари негизида шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Республикада 160 га яқин нефть-газ кони очилган, уларнинг 115 таси Бухоро-Хива геологик провинциясида, 27 таси Фарғона водийси, 10 таси Сурхондарё, 7 таси Устюртда жойлашган. Конларнинг газ, газ-конденсатли тулари мавжуд. Ҳозир 71 нефть, газ ва газ-кондисат конлари, 2 кўмир конидан фойдаланилмоқда. 50 дан ортиқ нефть, газ ва газ-конденсат кони эса келажакда ишга тушириш учун тайёрлаб қўйилган.

Ёқилғи саноати республика ёқилғи - энергетика мажмуининг асосий тармоғини ташкил этади ва барча ёқилғини қазиб олиш, табиий газни тозалаш ва етказиб бериш, нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналаридан иборат. Улар халқ хўжалигининг барча бўғинларида хизмат кўрсатади. Йирик корхоналари Тошкент, Фарғона, Бухоро, Кашқадарё, Сурхондарё вилоятларида жойлашган. Республика саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида ёқилғи-энергетика мажмуи маҳсулотлари 26,8% ни ташкил этмоқда (1980 йилда 8,8%). Республика саноатида банд бўлган ишчи-

хизматчилар (саноат ишлаб чиқариши ходимлари)нинг 6% ёқилғи саноати тармоқлари ҳиссасига тўғри келади (80 минг нафар ортиқ). Республикада 1992 йилда ёқилғи саноатида қазиб олинган ёқилғи (шартли ёқилғи – 7000 килокалория ҳисобида) умумий ҳажмида нефтнинг ҳиссаси 8,3 % ни, газнинг ҳиссаси 87,3% ни, кўмир ҳиссаси 4,4% ни ташкил этган. Кўкдумалок нефть-газ конденсат конининг очилиши ва ишга туширилиши билан нефть саноатининг ёқилғи саноати мажмуидаги маъқеи ортиб бормоқда.

Нефть саноати. Ўзбекистонда дастлабки нефть кони 1904 йилда очилган (Фарғона водийсидаги Чимён нефть конида 278 м чуқурликда суткасига 130 тонна нефть олинган). Ўша йили Ванновск (ҳозирги Олтиариқ) темир йўл станциясида нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди. Кейинроқ Фарғона ботиғида Ёркутон, Селроҳс конлари ҳам очилди, Чимён-Ванновск нефть қувури қурилди, нефтни қайта ишлаш заводи кенгайтирилди. Шу даврда рус ва чет эл капитали нефть қазиб олиш, уни қайта ишлаш, нефть маҳсулотларини сотишни тула ўз назоратига олди. «Санто»-Ўрта Осиё нефть савдоси ташкил этилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда нефтни қайта ишлаш саноати соҳасида Олтиариқ, Фарғона, Бухоро нефни қайта ишлаш заводлари ишлаб турибди. Фарғона заводи супков мойлари ва ёнилғи ишлаб чиқаришга ихтисослашган, ишлаб чиқариш бўйича 30 дан ортиқ технологик қурилмага эга. Кўкдумалок нефть-газ кони очилганидан кейин Франциянинг ТЕКНЕП фирмаси билан ҳамкорликда 1993 йилдан Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши бошланди ва бир йилда 2,5 млн. т газ конденсатини қайта ишлаш қувватига эга бўлган 1-навбати 1997 йил августида ишга туширилди. Нефтни қайта ишлаш заводларида юқори октанли бензин (шу жумладан, Б-92 авиабензини), дизель ёнилғиси, кокс, парафин, мотор мойларига қўшилмалар, енгил автомашиналар учун матор сурков мойлари (компрессор, турбина, урчук мойлари), керосин, битон, суюлтирилган нефть газлари (бутан техник пропанва), мазут каби 50 турдан ортиқ нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқди. Янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш дастурига мувофиқ янги технологиялар ўзлаштирилмоқда. Ҳозирги даврда республикамиз нефть саноати корхоналари қувватлари бир йилда 11 млн.т нефтни ишлаш имкониятига эга.

Кейинги йилларда қурилган кескин тадбирлар натижасида нефть (газ ва конденсати бирга) қазиб олиш ҳажми юқори суръатларда ўсди. Республиканинг нефть мустақиллиги таъминланади.

Газ саноати- ёқилғи энергетика мажмуасининг энг ривожланган тармоғи. Унинг республикада қазиб олинаётган ёқилғи балансидаги ҳиссаси 87,2% ни ташкил этади. Нефть билан йўлдош тарзда учрайдиган табиий газни қазиб олиш иккинчи жаҳон урушидан олдинги йиллардан бошланган. Нефть газидан саноат мақсадларида фойдаланиш учун 15 км узунликдаги биринчи газопровод «Андижонсаноат» - Андижон шаҳри ўртасида қурилган. Газни алоҳида саноат усулида чиқариб олиш ўтган асрнинг 50-60 - йилларида бошланди. Газ қазиб олиш саноати жойлашган асосий туманлар – Бухоро ва

Кашкадарё, шунингдек, Фарғона, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидир.

Республикада газ саноатининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги ва бошқа саноат тармоқларининг ўсиши таъминламоқда. Шахар, шахарча айникса қишлоқларни газлаштириш авж олди. Ўзбекистонда табиий газ билан 7,8 млн хонадон (жами хонадонларнинг 78%), шу жумладан, шахар ва шахарчаларда 3,85 млн, қишлоқ жойларида 2,98 млн. дан ортиқ хонадон таъминланган (2000 й).

Кўмир саноати. Ўзбекистонда кўмирни саноат усулида қазиб олиш 1930 йиллар охиридан бошланган. Тошкент вилояти Охангарон водийсида Ангрен кўмир, Сурхондарё вилоятида Шарғун, Бойсунтоғ тошкўмир конлари бор.

1990 йилда 10,4 млн. т. кўмир қазиб чиқарилди. Кейинги йилларда бу кўрсаткич сезиларли даражада пасайди. 2001 йилда республикада 3976 минг т кўмир қазиб олинди. Ангрен ва Янги Ангрен ГРЭСларининг тула каттик ёқилғига ўтказилиши билан республиканинг кўмирга бўлган эҳтиёжи ормоқда.

Металлургия саноати. Ўзбекистон ерларида рудадан металл олиш 4 минг йилдан зиёд тарихга эга. Қадимда мисдан турли безак буюмлар тайёрланган. Кейинроқ рудали металллар - қалай, кумуш, олтин ва бошқаларни эритиш, куйиш ва киздириб ишлаш ўзлаштирилган.

Қора металлургия соҳасида фаолият кўрсатадиган ягона корхона Бекобод шаҳридаги Ўзбекистон металлургия заводидир. Заводда қора металлургия маҳсулотларининг энг муҳим турлари (пўлат, чўян, пўлат қувурлар ва пўлат прокат) ишлаб чиқарилади, темир-терсак, металл чиқиндилари эритилади.

Ўрта Осиёдаги биринчи замонавий металлургия заводи қурилиши умумхалқ хашари йўли билан 1942 йилда бошланди ва 1944 йилда дастлабки металл эритмаси олинди. 1978 йилда заводда ишга туширилган электр қуввати ёрдамида пўлат эритиш цехи энг замонавий техника билан жиҳозланган.

Завод тамғали прокат маҳсулотлари, қувурлар билан бирга 50 га яқин турдаги халқ истеъмоли товарларини ҳам ишлаб чиқаради.

Рангли металлургия – республика металлургия саноатининг етакчи тармоғи. Бу соҳа маҳаллий минерал хом ашё ресурслари негизида ўтган асрнинг 30-йиллардан ривожланди. Республикада рангли камёб ва қимматли металллар (олтин, мис, қўрғошин, рух, вольфрам, молибден, симоб ва бошқалар) конлари, Қорамозор мис қўрғошин рух кони, Обирахмат, Бурчмулла, Октўз, Такоб, Ингичка, Қўйтош мис конлари ва бошқалар топилиб, улар саноат миқёсида ўзлаштирилиши билан рангли металлургия саноати шаклланди ва республика рангли металллар ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллаган мамлакатга айланди.

Кимё саноати республика иқтисодиётида муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистон кимё саноатида 750 дан ортиқ номда маҳсулот ишлаб чиқарилади. Мамлакат саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида кимё саноати корхоналари маҳсулотлари ҳиссаси 4,6% ни ташкил этади. Республика кимё

саноатида табиий газ, нефть, кўмир, олтингугурт, турли минераллар, охактош, графит, шунингдек, рангли металлургия, пахта ва канопни қайта ишлаш чиқиндиларидан хом ашё тарзида фойдаланилади. Ўзбекистон кимё саноатида ишлатиладиган хом ашёнинг асосий қисми (70%га яқини ёки 650 дан ортиқ турдаги маҳсулот) ҳамда эҳтиёт қисмлар ва асбоб ускуналар четдан олиб келинади (Россиядан толуол, ёғоч целлюлозаси, каустик сода, Козоғистондан фосфаритлар ва бошқалар). Айни пайтда кимё саноати маҳсулотлари (минерал ўғитлар, капролактама, кимёвий толалар ҳамда иплар, синтетик аммиак, лак-бўёқлар ва бошқалар) экспорт қилинади.

Машинасозлик саноати. Ўзбекистонда машинасозлик саноатининг дастлабки корхоналари XX-аср бошларида вужудга келди. Дастлабки пайтларда Ўзбекистонда металга ишлов бериш саноати асосан 14 та кичик таъмирлаш устахоналаридан иборат эди. Уларда темир йўл, пахта тозолаш ва ёғ заводларининг таъмирлаш ишлари бажариладди.

Автомобилсозлик. Ўзбекистонда машинасозлик саноатининг муҳим тармоғи ҳисобланган автомобилсозлик – автомобиллар, (Асака автомобиль заводи) двигателлари, (Тошкент мотор заводи) автомобилларга эҳтиёт қисмлар, турли жиҳозлар ва бошқа асбоблар ишлаб чиқариш республика мустақилликка эришганидан кейин шакллана бошлади. Ўзбекистондаги бир неча автомобиль тузатиш заводлари энгил машиналарга хизмат кўрсатадиган «Ўзавтотеххизмат», «ЎзавтоВАЗхизмат» ишлаб чиқариш бирлашмалари корхоналар, ташкилотлар ва автомобилларга техника кўрсатиб келган. Асакада энгил автомобиллар, Самаркандда йўловчи ва юк автомобиллари чиқарилмоқда.

Автомобиль саноатини барпо этишда, асосан, республикадаги концернлар, корпорациялар, МДХ корхона ва ташкилотлари, чет эл фирмалари сармояларини жалб этиш орқали акциядорлик жамиятлари ташкил этиш йўли танланган. Ишга тушириладиган корхоналарда ишлаб чиқариш босқичларини шакллантириш дастлаб автомобилларни қисм ва агрегатлардан йиғишдан то уларни шу корхоналарда тайёрлаш ва йиғишгача босқичма-босқич, тўлиқ ўтиш йўли билан олиб борилади. Корхоналарда автомобиль двигателлари (моторсозлик), подшипниклар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилмоқда.

6–мавзу: Иқтисодий ривожлантиришда транспорт мажмуи

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Транспорт коммуникациясининг тузилмаси.
2. Республика транспорт мажмуасини тартибга солиш.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Транспорт тизими, транспорт коммуникацияси, пассажир айланмаси, юк айланмаси, транспорт мажмуаси, ташиладиган юкларнинг ҳажми, юк ташишнинг ўртачи масофаси, статик ва динамик оғирлик.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1.1. Хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатилишида қайси транспорт самарали ҳисобланади?

1.2. Республиканинг нечта вилоятида МДХ давлатлари учун ҳаво йўллари мавжуд?

1.3. Транспортдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда нималарга эътибор берилади?

1-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда транспорт коммуникацияси ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Транспорт коммуникацияси тушунчасини ёрита олади.

1.2. Транспорт коммуникациясининг иқтисодиётдаги ўрнини кўрсата олади.

1- савол баёни: Темир йўл транспортининг иқтисодиётда тутган ўрни

Халқ хўжалигида темир йўл транспортининг йўловчилар ҳамда юк ташишда салмоғи катта. Республика темир йўлида бу транспорт тури МДХ доирасида қўшни давлатлар билан иқтисодий алоқаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон 1972 йилда қурилган Қўнғирот-Бейнов магистрали Қозоғистон орқали Россиянинг Марказий, Жанубий Урал минтақаларига туташган. Ховас-Арис магистрали ҳам мамлакатни Қозоғистон орқали Россиянинг Сибирь, Узоқ Шарқ минтақалари билан, Тошкент-Туркманбоши йўли Туркменистон билан боғлайди, Навоий – Нукус йўли Қозоғистон орқали Россияни боғлайди.

1995 йилда республикада халқ хўжалигига тегишли темир йўлларнинг узунлиги 6,6 минг км, шу жумладан, умумий фойдаланадиган қисмининг узунлиги 3,5 минг км ортиқ, асосан саноат корхоналарига тортилган (умумий фойдаланилмайдиган) темир йўлларнинг узунлиги 3,1 минг км.ни ташкил этди.

Ўзбекистонда дастлабки темир йўл 1886-88 йилларда Фароб станциясидан Самарқандгача ётқизилган (Красноводск-Чоржуй темир йўлининг давоми). Бу темир йўл 1895-97 йилларда Қўқонгача, 1899 йилда Тошкентгача етказилди. 1906 йилда Тошкент-Оренбург темир йўли ишга туширилди.

1994 йил ноябрда Ўзбекистон Республикасида жойлашган темир йўл корхоналари ва муассасалари негизида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси мамлакат мустақиллиги ва иқтисодиёти учун улкан аҳамиятга эга бўлган, Хитой, Корея, Япония, Эрон, Туркия ва /арбий Европанинг жануби билан туташтирадиган Трансosiё магистрали (Истанбул-Тошкент-Олмаото-Пекин) қурилишида ҳиссабой иштирок этмоқда. Бу магистралнинг Тажан-Сарахс ва Эронда Сарахс-Машхад қисмлари қурилиб фойдаланишга топширилди (1996й. 13 май) ва йўлда поездлар қатнови бошланди. Республика қурувчилари узунлиги 133 км бўлган Тожан-Сарахс йўлини қуришда фаол қатнашди. Ўзбекистон темир йўли келажакда бу катта йўлнинг марказий бўғини бўлиб қолади. Бу йўлдан Бухора-Бейнов орқали Европага, Тажан-Сарахс орқали Яқин Шарқ мамлакатларига чиқиш мумкин. Республика темир

йўл транспортини ривожлантириш истикболларининг Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти мамлакатлари (Эрон, Туркия, Покистон, Марказий Осиё давлатлари Афғонистон, Озарбайжон) ўртасидаги катта режасида белгиланган вазифалар бўйича ҳамкорлик йуналишлари ҳам ишлаб чиқилмоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» 50 мингдан ортиқ турли типдаги юк вағони ва Германияда тайёрланган рефрежераторларга, 1450 йўловчи ташиладиган вағонга эга. Компаниянинг темир йўлдан фойдаланишга масъул бўлган Тошкент, Фарғона, Бухоро, Орол бўйи, Қарши темир йўл бўлимлари бор. 2001 йил умумий фойдаланиладиган темир йўл транспортда 66,2 млн.т юк ташилди. 20 тоннали контейнерлар билан юк ташиш республикадаги 12 станцияда (Шумилов, Жиззах, Какар, Марғилон, Андижон, Раустон, Улуғбек, Тинчлик, Бухоро-2, Қарши, Ургенч)да амалга оширилади, келажакда Нукус темир йўл станцияси шулар жумласига киради.

Ташиладиган юкларнинг асосий қисмини қурилиш материаллари (умумий ташиладиган юк ҳажмининг 21%и), пахта толаси (3%), нефть ва нефть маҳсулотлари (35%), ғалла, цемент, кимёвий маҳсулотлар ва минерал ўғитлар, кўмир, сабзавот ва бошқа халқ хўжалиги юклари ташкил этади. Юк ташишда тепловозлар, йўловчилар ташишда тепловоз ва электропоездлар хизмат кўрсатади. 2001 йил темир йўл транспортда 18,4 млн. йўловчи ташилди. Йўловчиларга хизмат кўрсатишда, Айникса шаҳарлар атрофидаги қатновларда электропоездлардан тобора камроқ фойдаланилмоқда.

Ўзбекистонда транспорт турлари бўйича юк ташиш таркиби (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида).

Автомобиль транспорти ва йўллари. Республика халқ хўжалигининг барча тармоқлари ва мамлакат аҳолиси эҳтиёжларини қондириш даражасида ривожланган автомобиль транспортга эга. Халқ хўжалигининг саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, сув хўжалиги, алоқа, савдо, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалиги, маданият, муҳофаа ва бошқа тармоқларида ихтисослаштирилган йирик автотранспорт корхоналари мавжуд.

2-жадвал

**Ўзбекистонда транспорт турлари бўйича юк ташиш таркиби
(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)**

№	Соҳа	Йўловчи ташиш	Йўловчи айланмаси
1.	Автомобиль транспорти	0,5	6,9
2.	Қувур транспорти	0,03	11,6
3.	Темир йўл	8,6	5,2
4.	Ҳаво йўллари	90,9	76,3

3-жадвал

Ўзбекистонда транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси таркиби (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

№	Соҳа	Йўловчи ташиш	Йўловчи
---	------	---------------	---------

			айланмаси
1.	Темир йўл	0,5	6,9
2.	Ҳаво йўли	0,03	11,6
3.	Шаҳар электр транспорти	8,6	5,2
4.	Автомобиль транспорти	90,9	76,3

2001 йил республикада умумий фойдаланадиган автомобиль транспортида йўловчилар ташишга мўлжалланган 16,7 минг автобус, 5,5 мингдан кўпроқ енгил такси машиналари ишлади. Республика бўйича 2992 автобус маршрутларида (жумладан, 623 шаҳар, 1798 шаҳар, 572 шаҳарлараро) автобуслар қатнади. Автобуслар билан 6 млн. га яқин йўловчи ташилади. Республикада 27 автовокзал, 120 автостанция хизмат кўрсатади. Фақат шаҳарлардаги автобус маршрутларида турли марказдаги 3,65 минга яқин автобус қатнайди.

Ўзбекистон ва Қорақолпоғистон халқ хўжалиги тасарруфида турли мақсадларга мўлжалланган 200 миғга яқин юк автомобиллари, 45,4 минг автобус, 50,9 минг енгил автомобиль хизмат кўрсатади. Шунингдек, фуқароларнинг шахсий мулки бўлган 801,2 минг енгил автомобиль бор.

Юк ва йўловчилар ташувчи умумий фойдаланиладиган автомобиль транспортининг йирик корхоналари «Ўзавтотранс» давлат акционерлик корпорацияси таркибига киради. Корпорация 1993 йил январда ташкил этилган. Таркибида акциядорлар жамиятларига айлантирилган, йўловчи ташишни амалга оширийдиган 99, юк ташиш билан шуғулланадиган 99 ва аралаш 67 автокорхона бор. Бу автокорхоналарда 14 мингдан ортиқ автобус, 24,6 минг юк автомобили (10 мингга яқини ўзи ағдарувчи машиналар) бўлиб, уларда 2001 йили 420,6 млн.т га яқин юк ташилди. Бу жами транспорт турларида ташилган умумий юк ҳажмининг 24,7 фоизини автомобиль транспортида ташилган юкнинг 36,8 фоизини ташкил этади.

Корпорациясининг «Ўзташқитранс» савдо-транспорт бирлашмаси ва «Ўзбекавтотур» фирмаси халқаро юк ташиш ва йўловчилар қатновига хизмат кўрсатади. Кейинги йилларда корпорация аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатишни ривожлантирмоқда. Шаҳарлараро юк ташишни «Ўзшаҳарлараротранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналари амалга оширади. Автомобиль транспорти тизимида «Йўловчи» Ўзбекистон акциядорлик суғурта компанияси йўловчиларни суғурта қилиш ишлари билан шуғулланади. Кейинги йилларда бозор иқтисодиётидан келиб чиқиб, юк автомобиллари газ ёқилғиси билан ишлашга ўтказилмоқда.

Ўзбекистон ва Қорақолпоғистон Республикаси ривожланган, замонавий талабларга жавоб берадиган, халқаро, республика маҳаллий аҳамиятлига молик йўл хўжалигига эга. Йўл хўжалиги тармоқлараро 43,5 минг ишчи ва муҳандис-техника ходим банд. Республикадаги автомобиль йўлларининг жами узунлиги 175 минг км дан ортиқ. Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларининг узунлиги 53,4 минг км. Уларнинг жумладан 3843 километри халқаро, 1980 километри давлат (республика) аҳамиятлига, 23439

км маҳаллий (вилоят) аҳамиятга эга йўллардир. Шунингдек, республикада идоралар (корхона, жамоа хўжаликлари, хўжалик ташкилотлари) га қаршли йўллар ҳам мавжуд.

1992 йил 3 июлда «Автомобиль йўллари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. 1992 йил февралда Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва ундан фойдаланиш давлат-акциядорлик концерни («Ўзавтойўл») тузилди. Концерн таркибида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар автомобиль йўллари бошқармалари, 532 та йўлларни асраш ва улардан фойдаланиш бўлимлари, «Ўзйўллойиҳа» республика йўл ва иншоотлар қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш бўйича лойиҳа-қидирув институти, кўприк темир – бетон қурилмалари заводи ва бошқа корхоналар бор. ХХ-аср бошида Ўзбекистонда 27 минг км йўл бўлиб, асосан от-арава, карвон ва йўловчиларга мўлжалланган, шундан фақат 2 минг км га шағал ётқизилган эди. Республика мустақилликка эришгандан кейин мавжуд автомобиль йўлларни халқаро андозаларга мослаш, уларни сақлаш ва таъмирлаш, янги барпо этилаётган саноат районларини халқаро магистраллар билан боғлайдиган йўллар қурилиши масалаларига эътибор кучайди. Бу борада республика Хитой ва Покистонга чиқиш имкониятини берувчи Андижон-Уш-Эргайтом-Қашқар автомобиль йўлини ишга туширишда (1997йил 21июль) Ҳинд океанига чиқишга имкон берадиган Термиз-Хирот-Карачи автомобиль йўли қурилишида ўз улуши билан қатнашмоқда. Республиканинг ўзида Фарғона водийси билан Тошкент воҳасини Камчик давони (танкель) орқали боғлайдиган йирик автомобиль йўли ҳамда Қўнғирот-Бейнов автомагистралли қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Республикада жами йўлларнинг 95,6% ига қаттиқ қопламалар ётқизилган, жумладан, цемент-бетон қопламали йўллар 0,8%ни (336 км), асфальт-бетон қопламали йўллар 49,6% (21819км), қора шағалли ва қора қопламали йўллар 40,6% (17796 км)ни ташкил этади.

Ҳаво, сув ва бошқа транспорт воситалари. Ўзбекистон жаҳондаги кўп мамлакатларнинг пойтахтлари, йирик шаҳарлар, саноат марказлари билан ҳаво йўллари орқали боғланган.

Республиканинг ҳаво транспорти-фуқаро авиацияси тарихи 1920 йиллардан бошланади. 1924 йил 12 майда узунлиги 800 км бўлган Тошкент-Авлиёота (Жамбул)-Пишпек (Бешкек)-Олмаота маршрутида дастлабки йўловчилар ташиш рейси амалга оширилди. Ўша йили узунлиги 450 км бўлган Когон-Октукай-Дарғонота-Хива ҳамда Бухоро-Термиз-Душанбе ҳаво йўллари очилди. 1930 йилдан Тошкент –Москва йўлида самолётлар мунтазам қатнай бошлади.

Авиациядан қишлоқ хўжалиги зарарқунандаларига қарши кўрашда ва санитария мақсадларида ҳам фойдаланилди.

Республика мустақилликка эришганидан кейин 1992 йилдан собиқ иттифок тасарруфида бўлган Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси, фуқаро авиациясининг 243-таъмирлаш заводи, «Авиақурилиш»

бирлашмасига қарашли «Авиамахсусмонтажсозлаш» негизда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил этилди.

Республиканинг, айниқса, хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий, туристик алоқаларини йўлга қўйишда Ўз ҳаво транспорти муҳим роль ўйнамоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг бир қанча Европа ва Осиё, Америка мамлакатларида ваколатхоналари очилди. 1993-95 йилларда 18 та янги халқаро маршрутларда самолётлар қатнови йўлга қўйилди: 1993 йилдан Тошкентдан МДХ дан ташқари Лондон, Манчестер, Франкфурт-Майн, Тель-Авив, Шаржа, Жидда, Истанбул, Карачи, Дехли, Куала-Лумпур, Бангкок, Пёкин, Афина, Амстёрдам, Сеул ва Нью-Йорк шаҳарларига мунтазам халқаро авиарейслар, Халаб (Амппо), Сингапур ҳамда Осиё ва Европанинг кўпгина мамлакатларига йўловчи ташиш рейслари бажарилади.

«Ўзбекистон Ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Германия, Франция, Россия фирмалари билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда. 1993 йилдан шундай ҳамкорлик натижасида Европанинг йирик «Эрбас индастри» концернидан «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси сотиб олган «Эрбас»-А-310-300 автобуслари халқаро маршрутларда йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади.

«Ўзбекистон Ҳаво йўллари» авиакомпанияси ва Нукусдаги бўлинмаси хилма-хил типдаги ҳаво кемаларига эга: қишлоқ хўжалик ишларига мўлжалланган «АН-2», маҳаллий (республика ичида) ҳаво йўлларида қатнайдиغان «АН-24», «ЯК-40», халқаро классдаги «ИЛ-76», «ИЛ-62», «ИЛ-86», «ТУ-154», «А-310» каби самолётлар, вертолёт паркида «МИ-2», «МИ-8», «КА-26» каби машиналар бор. Республикада «АН-2» самолёти, «МИ-2», «МИ-8», «КА-26» вертолётларидан иборат махсус мақсадлардаги авиация парки қишлоқ хўжалиги, тиббий-санитария хизмати, метеорология, геология-қидирув, газ саноати ва бошқа соҳаларда унумли ишлатилади. 1996 йилдан «БОИНГ-757» ва «БОИНГ-764» самолётлари, маҳаллий ҳаво йўлларида ИЛ-114, Rj-85 самолётларидан фойдаланилмоқда.

«Ўзбекистон Ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси таркибида 12 замонавий аэровокзал (аэропорт)бор. Булар Тошкент, Самарканд, Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Нукус, Термиз, Урганч, Фарғона, Қарши, Қўқон шаҳарларида. Сергели, Учқудук, Зарафшон, Сариосиё, Шахрисабз, Кўнғирот, Турткул, Мўйноқ шаҳарларидаги аэропортлар вилоят марказидаги аэропортларга қарайди, «ЯК-40», «АН-24» самолётларини қабул қилишга мослаштирилган.

Вилоят марказларидаги аэропортлар «ТУ-154», Самарканд, Наманган, Урганч, Термиз аэропортлари «ИЛ-62», «ИЛ-76», Нукус аэропорти «ИЛ-86», «А-313» автобусларни қабул қилишга қодир.

Тошкент, Самарканд, Термиз, Нукус аэропортлари халқаро мақомга эга. Республика Хукумати қарорига кўра, янги йирик халқаро аэропорт, Учқудукда жаҳондаги энг илғор андозаларга мос келадиган катта аэропорт қурилиши бошланди.

XX-аср бошларида Амударё ва Орол денгизидаги сув йўллари бўйлаб юклар ва йўловчиларнинг анча қисми ташилган. 1924 йилда кема ва қайиқлар қатнайдиغان сув йўлларининг умумий узунлиги 887 км эди. Амударё харбий флоти, «Хива», «Меркурий» акциядорлик жамиятлари кемаларида, шунингдек хусусий қайиқларда йўловчиларга хизмат кўрсатилган, зарур юклар ташиб берилган. Ўша даврда Ўрта Осиё сув йўлларида умумий юк ортиш қуввати 7 минг т бўлган кема ва 50 баржа, умумий юк ортиш қуввати 24 минг т бўлган 1500 қайиқ бор эди. 1980 йилда Ўзбекистонда сув йўлларининг умумий узунлиги 2800 км га етди. Амударё Панжи (Тожикистон) бандаргоҳидан Мўйноққа қадар параходлар қатнови амалга оширилди.

Дарё сувининг камайиши ва Орол денгизининг қуриб бориши натижасида сув йўллари кескин қисқарди, аммо шунга қарамай 1980 йили дарё транспортида 1420 минг т. юк ташилди. Ўрта Осиё республикалари мустақилликка эришганларидан кейин Ўрта Осиё пароходчилиги Туркманистон, Ўзбекистон, Тожикистон ўртасида тақсимланди. 1994 йил май ойида Ўзбекистон Республикасида жойлашган дарё флоти бўлинмаларини бошқариш тартиби қайта ташкил этилди. Ўрта Осиё пароходчилигининг Ўзбекистондаги бўлинмалари негизида «Термиз дарё порти», «Хоразм дарё флоти», «Қорақалпоғистон дарё флоти» ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил этилди. «Ўзавтотранс» корпорацияси ҳудудида дарё флоти ишини мувофиқлаштириш бўйича бош бошқарма (Тошкентда) тузилди. Республикада Термиз дарё порти, Шарловук, Тўрткўл, Беруний, Қаратов, Хўжайли бандаргоҳлари, Амударё орқали Тўрткўл-Хонка, Чалиш-Беруний сузма кўприклари, Хўжайли кема таъмирлаш заводи ишлаб турибди. Термиз дарё порти йилига 2,5 млн. т. юкни қабул қилиш - жўнатиш қувватига эга. У Афғонистоннинг Хайратон бандоргоҳи орқали экспорт-импорт юкларини етказиб беришда халқаро аҳамиятга молик. Республика дарё флотида 150 га яқин теплоход, шунингдек баржалар, землесослар, сузувчи экскаваторлар, порт кранлари ва бошқа ёрдамчи кемалар, техника воситалари бор. Республика сув йўлларининг умумий узунлиги 1000 км га яқин. Халқ хўжалиги юклари асосан Термиз-Хайратон, Шарловук-Тўрткўл, Хўжайли-Тўрткўл, Хўжайли-Беруний, Қаратов-Тахиятош йўналишларида ташилмоқда. Ўзбекистоннинг порт ва бандоргоҳлари темир йўллар билан боғланган.

Республикада трубопровод транспорти ҳам алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистонда 20 км узунликдаги биринчи нефтепровод 1905 йил Чимён нефть қонидан Ванновск (ҳозирги Олтариқ) нефтни қайта ишлаш заводи тортилган. Кейинчалик Фарғона водийси, Сурхондарё вилоятида янги нефть қонлари очилиши билан транспортнинг бу тури жадал ривожлантирилди. Нефть қонларидан Фарғона ва Олтариқ нефтни қайта ишлаш заводларига умумий узунлиги 228,5 км бўлган нефтепроводлар қурилди. Республика жанубида-Сурхондарё вилоятида 1947 йил Лалмикор - Қумкўрғон ва 1969 йил Амударё- Аму-Занг линиялари барпо этилди (умумий узунлиги 40 км).

Қашқадарё янги нефть конлари очилганидан кейин 1967 йил /арбий-Тошлоқ-Қашқадарё стацияси (3,3 км) Шимолий Ўртабулок-Олтингургурт заводи (72 км) нефтепроволари ишга туширилди. 1994-1997 йилларда узунлиги 100 км бўлган Кўкдумалоқ-Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи нефтепроводи қурилиб, ишга туширилди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини хом ашё билан узлуксиз таъминлашга хизмат қиладиган Камчик давони орқали ўтадиган Хонобод-Ангрен нефтепроводи қурулишини лойиҳалаш ишлари олиб борилмоқда. Бухоро, Қашқадарё вилоятларида улкан газ конларининг топилиши ва ишга туширилиши билан Ўзбекистонда газпровод транспорти ривож топди.

Шахар йўловчилар ташиш транспорти

Республика шахарларида аҳолига йўловчиларни белгиланган маршрутларда ташийдиган жамоат кўча транспорти-автобус, трамвай, троллейбус, ер ости транспорт (метрополитен), енгил автомобиль транспорти (такси) хизмат кўрсатади. Шахар йўловчилар ташиш транспортининг ижтимоий тури XIX-асрнинг иккинчи ярмида йирик шахарларда пайдо бўлган кўпсонли извошлар эди. 1901 йилда Тошкентда конка - тор темир йўли изидан отлар судрайдиган бир вагонли аравачалар дастлабки шахар транспорти, 1912 йил биринчи трамвай қатнай бошлади. 1913 йили тор изли трамвай йўлининг узунлиги 38 км га етказилди. Унда 68 трамвай вағони қатнади, 27 млн. йўловчи ташилди.

Троллейбус қатнови 1947 йил Тошкентда бошланди (троллейбус йўли узунлиги 18 км, 10 та машина). Кейинги йилларда Самарқанд (1967), Олмалик (1968), Фарғона (1970), Андижон (1971), Наманган (1973), Бухоро (1987), Нукус (1992), Урганч (1997), Жиззах(1997) шахарларида ҳам троллейбуслар қатнай бошлади. Троллейбус йўлларининг умумий узунлиги 403 км (1998 Тошкент шахрисиз), шу шумладан, Андижонда (72,2 км) Бухорода (30,7 км), Наманганда (65,5 км), Нукусда (15 км) Олмаликда (53,2 км), Самарқандда (65,5 км), Фарғонада (56 км), Уранчда (5 км), Жиззахда (14 км), Тошкент шахрининг ўзида эса 296,5 км. 1997 йилда Хиванинг 2500 йиллигини нишонлаш арафасида Урганч шаҳрида аэропорт билан темир йўл вокзалини боғлайдиган троллейбус йўли ва 25 км ли Урганч-Хива троллейбус йўли ишга туширилди.

Трамвай қатнови Тошкент шаҳрида ривожланган. Трамвай йўлларининг узунлиги 293,1 км, 1995 йилда 23 маршрутда ўртача 293 трамвай (вагон) йўловчиларга хизмат кўрсатди. Тошкент шахрининг ўзида трамвай ва троллейбуслар бир кунда 1 млн. дан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатади.

Автомобиль йўловчилар транспорти муҳим ўринда туради. 85 шахар ва шахарчаларга ички шахар автобус ва енгил такси қатнови йўлга қўйилган, шахарларда 670 дан ортиқ маршрутда автобуслар қатнайди. Нукус шаҳарида 70-йиллик арафасида йўловчиларни янги маршрути автобуслари фойдаланишга топшириш асосида умумий ҳажмининг 75% дан кўпроғи автобус ва енгил ҳамда микроавтобус таксиларга тўғри келади.

Метрополитен йўловчиларга хизмат кўрсатишда табора катта аҳамият касб этмокда. Республикада метро қурилиши Тошкент шаҳрида 1972 йилдан бошланди. Унинг узунлиги 12,2 км бўлган «Собир Рахимов»-«Максим Горький» стациялари 1-йўлининг биринчи навбати 1997 йил 6 ноябрда, 4,6 км ли 2-навбати 1980 йил 18 августда ишга туширилди. Тошкент метрополитенининг иккинчи йўли «Машинасоз»-«Беруний» стациялари 1984-91 йилларда 4 навбат билан босқичма-босқич фойдаланишга туширилди (узунлиги қарийб 15 км). Тошкент метрополитенининг 3-йўли шаҳар марказини Юнусобод даҳаси билан боғлайди. Узунлиги 14 км бўлган бу йўл ҳам ишга туширилди. Метрополитенда суткасига ўртача 300-500 минг йўловчи ташилади.

Транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган маблағлар инвестициялар умумий ҳажмида муҳим ўрин эгаллади. 2010 йилда фақат автомобил йўллари қуриш ва реконструкция қилиш учун 378 миллион долларга тенг бўлган маблағ ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга қараганда 31,5 фоиз кўп демакдир. Шунинг ҳисобидан мамлакатимизда 270 километрлик замонавий автомобил йўли фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон миллий автомагистрალი лойиҳаси таркибига кирадиган цемент-бетон қопламали 222 километрлик автомобил йўлини қуриш ва реконструкция қилиш учун Осие тараққиёт банки билан 600 миллион доллар миқдорида кредит маблағларини жалб қилиш тўғрисида шартнома имзоланди.

2010 йилда халқаро транспорт логистика марказларини ривожлантиришга доир ишлар давом эттирилди. Навоий шаҳридаги аэропортда фойдаланишга топширилган «Навоий» халқаро интермодал логистика марказининг юк терминали орқали 50,1 минг тонна ёки 2009 йилга қараганда 3 баробар кўп юк ташилди.

Ҳаво транспорти ва темир йўл паркларини янгилаш ишлари давом эттирилмокда. Ўтган йили «Eyrbas industri» компаниясининг 6 та А-320-200 русумли самолёти, 8 та замонавий электровоз сотиб олинди, 1 минг 790 та юк ташийдиган ва 38 та йўловчи ташийдиган вагонлар қурилди, таъмирланди ва модернизация қилинди.

2011 йилги ва истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастурни амалга оширишда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш устувор йўналишга айланиши даркор.

Бу муҳим устувор вазифани изчил амалга ошириш учун 2015 йилгача бўлган даврга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, у иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакатимиз ҳудудларини истиқболли ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган дастур билан узвий боғлиқдир.

2011 йилда ушбу мақсадлар учун 2010 йилга қараганда 1,4 баробар кўп, яъни 547 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмаларни йўналтириш,

халқаро талаб ва стандартларга жавоб берадиган 302 километрлик автомобил йўллари фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Тошкент – Андижон автомобил йўлининг «Қамчиқ» довони орқали ўтадиган тоғли участкасини реконструкция қилиш, бу ерда 4 полосали, цемент-бетон қопламали йўл қурилиши бўйича ишларни жадаллаштириш зарурлигига қаратмоқчиман. Биз Фарғона водийси минтақаларини мамлакатимизнинг бошқа минтақалари билан йил давомида ишончли ва кафолатли боғлаб турадиган транспорт алоқасини таъминлашимиз зарур.

2011 йилда транспорт ва коммуникация қурилишига Осиё тараққиёт банки, Ислонд тараққиёт банки, Қувайт араб иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ва ОПЕК жамғармаси томонидан 152 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Жорий йилда темирйўлчиларимиз олдида ҳам улкан вазифалар турибди. Хусусан, Жиззах – Янгиер йўналиши бўйича электрлаштирилган икки йўлли темирйўл тармоғи ва Янгиер – Фарҳод йўналиши бўйича электрлаштирилган бир йўлли темирйўл тармоғи қурилишини ниҳоясига етказиш, Мароқанд – Қарши ва Қарши – Термиз йўналиши бўйича стратегик аҳамиятга эга бўлган темирйўл тармоқларини электрлаштириш лойиҳаларини амалга оширишга киришиш зарур. Бу, ўз навбатида, сарф-харажатларни 20 фоизга камайтириш ва йўловчи ҳамда юкларни манзилга етказиш тезлигини 1,3 баробар ошириш имконини беради.

2010 йилда ташкил этилган “Ангрен” логистика марказини янада ривожлантиришни кўзда тутиш, жорий йилда “Қамчиқ” довони орқали камида 5 миллион тонна юк ташишни таъминлаш зарур. Бунинг учун Ҳукумат ушбу марказнинг контейнер билан келадиган юкларни қабул қилиб олиш, сақлаш ва жўнатиш қувватини ошириш, уни Самарқанд автомобил заводида ишлаб чиқарилаётган “MAN” автотягачлари билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириши керак.

Шунингдек, ҳозирги вақтда халқаро транспорт логистикасининг глобал тармоғида барқарор ўрин эгаллаган “Навоий” аэропорти базасидаги Халқаро логистика марказини янада ривожлантиришни таъминлаш даркор. Жорий йилда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси мазкур аэропорт оператори бўлиш “Кореан Эйр” компанияси билан ҳамкорликда ҳаво қатновлари географиясини янада кенгайтириш, аэропорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва ҳажми тобора ортиб бораётган юкларни ташиш учун самолётлар сонини кўпайтириш ишларини давом эттириши зарур.

Ўзбекистон миллий автомобиль магистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳалар доирасида 302,5 километр узунликдаги йўлга замонавий қоплама ётқизилиб, реконструкция қилинди. Тошкент ва Бухоро шаҳарлари аэропортларининг маҳаллий йўналишларда хизмат кўрсатадиган йўловчи терминаллари фойдаланишга топширилди.

Тошкент — Самарқанд йўналишида мазкур икки шаҳар ўртасидаги 344 километр масофани атиги 2 соатда босиб ўтадиган, юқори тезликда ҳаракат қиладиган “Талго-250” йўловчи электр поездлари қатнови йўлга қўйилди.

Бу поездлардан фойдаланиш мақсадида темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш ва такомиллаштириш бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, 600 километр узунликдаги йўллар қайтадан тикланди, 68 километрдан иборат янги темир йўллар ётқизилди, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари темир йўл вокзаллари реконструкция қилинди ва қайтадан жиҳозланди.

Ўтган йил мобайнида телекоммуникация тизимини ривожлантиришга қаратилган бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш ишлари давом эттирилди. Хусусан, Жиззах — Булунғур йўналиши бўйлаб 73 километр узунликдаги оптик толали алоқа линияси ўтказилди, мобиль алоқа ва Интернет тармоғи кўлами тобора фаол кенгайиб бормоқда. Юртимизда аҳолига рақамли телевидение хизмати кўрсатиш ҳажми 38 фоизга етгани ҳам шу борадаги улкан ишларимизнинг амалий натижасидир.

2011 йилда логистика марказлари фаолияти жадаллашди. Хусусан, “Навоий халқаро интермодаль логистика маркази” орқали 50 минг тонна юк ташилди. “Ангрен логистика маркази” ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан Қамчиқ довони орқали 4 миллион 200 минг тонна, яъни 2010 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп юк ташилди.

2-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда республика транспорт мажмуасини тартибга солиш ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Транспорт мажмуасини моҳиятини ёрита олади.

2.2. Транспорт мажмуасини тартибга солиш механизмини тушунтира олади.

2-асосий савол баёни: Ўзбекистон Республикасида умумий фойдаланиладиган юк ва йўловчилар ташувчи транспортнинг барча темир йўл, автомобиль, авиация, шахар электр транспорт, дарё, трубопровод транспорти, шунингдек, умумий фойдаланилмайдиган - темир йўл, автомобиль, тасмали транспорт, осма арқон транспорти ривож топган. 2001 йил мамлакат ялпи ички маҳсулотнинг 8,8%и транспорт тармоқлари ҳиссасига тўғри келди. Транспорт тармоқларида банд бўлган ишчи-хизматчиларнинг ўртача йиллик сони 318,1 минг нафарни, жумладан, темир йўл транспортида 62,1 минг, сув, дарё транспортида 0,6 минг, автомобиль, шахар электр транспорти, юк ортиш- тушириш корхоналарида 303,8 минг нафарни ташкил этди. Мустақилликкача республика транспортининг асосий турлари собиқ иттифоқининг марказий вазирликларига ёки уларнинг Ўрта Осиё, Ўзбекистон бўйича ҳудудий бошқармаларига бўйсунган: темир йўл транспортига Ўрта Осиё темир йўл транспортига, Ўрта Осиё давлат параходчилиги бошқармаси, ҳаво транспортига Иттифок фуқаро авиация вазирлигининг Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси, умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортига ЎзССР автомобиль транспорти вазирлиги раҳбарлик қилган.

Республика мустақилликка эришгандан кейин транспортнинг халқ хўжалигига ва аҳолига хизмат кўрсатишини тубдан яхшилаш ва транспорт

бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадларида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси», «Ўзбекистон автомобиль транспорти», давлат акциядорлик корпорацияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат - акциядорлик компанияси ва бошқа идоралар ташкил этилди. Мамлакат транспорт корхоналари давлат иштирокидаги акционерлик компаниялари, корпорациялари, очиқ турдаги акционерлик, масъулияти чекланган жамиятларга, жамоа корхоналарига айлантирилди.

Республикада автотранспорт воситаларининг бир қисми жамоа хўжаликлари, фуқароларнинг мулки. Саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ўсиш, кенг миқёсдаги капитал қурилиши ва транспорт моддий - техника базасининг юксалиши билан юк ва йўловчилар ташиш ҳажмлари ҳам орта борди. Республикада умумий юк оборотида транспорт турларининг солиштирма хиссаси ҳам ўзгарди. Умумий фойдаланишдаги ва саноат транспорти турларида юк, автомобиль тарнспортида эса йўловчиларнинг асосий қисми ташилди.

Республикада транспорт иқтисодий районлар ва корхоналар, халқ, хўжалиги тармоқлари ўртасида, шунингдек, мамлакатларо иқтисодий алоқаларни таъминлайди.

Республиканинг транспорт тизими темир йўл, автомобиль йўллари, замонавий ускуналар билан жиҳозланган вокзаллар, станциялар, юк омборлари ва бошқа инфратузилма бўлинмаларини қамрайдиган мураккаб халқ хўжалиги мажмуини ташкил этади.

Транспорт мажмуини тартибга солишда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

ташиладиган юкларнинг ҳажми;
 юк обороти;
 йўловчи обороти;
 юк ташишнинг ўртача масофаси
 ҳаракатдаги транспорт воситаларидан фойдаланишнинг техник кўрсаткичлари.

Бу кўрсаткичлар ҳар бир транспорт турининг хусусиятларига қараб ажратилади. Темир йўл транспорти техник-иқтисодий кўрсаткичларига кўра бўлинади: а) 1-вагонга тўғри келадиган статик ва динамик оғирлик; б) вагонларнинг айланиш вақти; в) техник ва участка тизими; г) юк вагонларининг ўртача суткалик меҳнат унумдорлиги.

Иқтисод қилиш, яъни тежаш натижасида олинган моддий ёки молиявий ресурс, вақт, фойда. Иқтисодиётнинг асл маъноси уй хўжалигини юритиш, хўжаликни бошқариш санъати.

Иқтисодиёт кенг маънода эса:

-хизмат кўрсатиш маблағларининг корхона миқёсидаги бошқариш субъектига боғлиқлиги;

-ишлаб чиқариш муносабатларининг жами (тизими), жамиятнинг ижтимоий базаси;

-мамлакат, республика, вилоят, туманлар хўжалиги, айрим бир тармоқ, масалан транспортнинг бир тармоғи - авто транспорти; саноат; қишлоқ хўжалиги;

-ишлаб чиқариш муносабатларини ва хўжалик тегишли тармоқлари (транспорт, савдо, қурилиш иқтисодиёти ва бошқалар) ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланадиган фан соҳаси, хўжаликнинг тегишли бўғинлари (корхона концерн, ассоциация иқтисодиётининг иқтисодий муаммоларини, бойликлар, ресурслар), масалан, меҳнат ресурсларининг турли хилларидан фойдаланишни ўрганадиган фаннинг мустақил соҳаси.

Иқтисодиёт фанлари ишлаб чиқариш муносабатларини, одамлар орасидаги муносабатларни ўрганади. Иқтисодиёт ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларига бўлган муносабатларнинг даражаси ва тавсифлари билан аниқланади.

Иқтисодиёт – бу, жамиятдаги иқтисодий муносабатларни ўрганадиган иқтисодий фанлар тизими (тармоқ иқтисодий фанлари – саноат, транспорт ва бошқалар; вазифаси, иши, хизмати ёки функциясига оид иқтисодий фанлар – молия, ҳисобчилик ҳисоби, табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти ва бошқалар).

Иқтисодиётнинг аниқ турларини ва амал қилиш механизмини талқин қилишдаги босқич - бошқарувнинг ташкилий тузилмаларини ва уларнинг вазифаларини таҳлил қилишдир. Хўжаликни бошқариш – умумлаштирилган меҳнатнинг маҳсули ва зарурий шартидир.

Меҳнат тақсимоти унинг ижтимоий хусусияти кучайиши жараёнида бошқарув фаолиятининг мустақил бир тури сифатида ажралиб чиқди. Бошқарувнинг ташкилий тузилмалари ва махсус органлари шундан келиб чиқади. Умумлаштириш мантикига мувофиқ фақат шундай тузилмалар ва бошқарув органлари яшаш ҳуқуқига эга бўлдики, буларсиз ишлаб чиқариш бўғинлари (транспорт хизмати, аҳоли транспорти воситаларига ТХК корхоналари ва унинг бўлинмалари)нинг ўзлари (корхоналар, концернлар, ассоциациялар, корпорациялар) муайян ўзаро алоқасидан келиб чиқувчи тармоқ жараёнларини ягона ижтимоий жараёнга қўшиш вазифаларини ҳал этишга қодир бўлмай қолмайди.

Иқтисодиёт мулкчилик шаклидан, тармоқ ва ҳудудларнинг тарихий даврларидан қатъи назар хўжалик юритишнинг бир қанча тамойилларига риоя қилиниши мустасно этади. Бу – натижалар ва ҳаракатларни ўлчаб бўлиш, бойликларни ҳисобга олиш ва улардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқарувчилар учун маълум рағбатлантириш имконини яратиш, демакдир.

Иқтисод аҳолининг турмуш даражасини кўтариш, жамиятнинг ижтимоий ва бошқа ҳаёт фаолиятларини тараққий эттириш билан тавсифланади. Шундай экан, Ўзбекистон аҳолисининг ҳозирги даражасига нисбатан анча юқори, жамиятимизнинг эса ижтимоий фаоллиги ўта баланд. Шу туфайли халқимизнинг шахсий мулки, шу жумладан, шахсий автомобиллар ортиб бормоқда.

Корхона фаолияти деганда унинг бажарадиган иши, маълум бир йўналишда ишлаши, автомобиль транспорти ёки автомобилларга ТХК, корхона жамосининг ижтимоий ҳаракати, мақсадга эришиш учун жамоа аъзоларига таъсир этиш, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш дастурининг бажарилишига ҳаракат қилиш, хўжаликни юритиш, хўжаликни бошқариш, ақлий ва жисмоний кучлардан, корхона маблағларидан фойдаланиш каби вазифалар тушинилади. Ушбу мақсадларга эришиш учун корхонани ташкил этувчи одамлар гуруҳларининг фаолиятлари ўзаро мувофиқлаштирилади.

Корхонанинг иқтисодий ва хизмат кўрсатиш фаолияти даражаси фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари - маблағдан олинадиган даромад, хизмат кўрсатиш сифати, даромад ёки тушумнинг ўсиш суръати, меҳнат унумдорлиги, фойда, бажариладиган хизматлар ҳаракати ва шу каби билан баҳоланади.

Корхонанинг фаолияти кўп қиррали ва уни бошқариш санъати унинг иқтисодиётидадир. Ҳар қандай корхона тизим куришини ифодалайди:

-бошқариш тизими, ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш), таъминот, захира, жўнатувчи, қабул этувчи ва шунга ўхшашлар.

Корхонанинг мақсади унумдорликни оширишда ва харажатларни пасайтиришда, хизмат кўрсатиш сифатини оширишда, истеъмол баҳосини ва доирасини кенгайтиришда ва хизмат кўрсатишни реклама қилишда, хизмат ёки маҳсулот турини топишда, эҳтиёжни қондиришда ифодаланади.

Корхонанинг иқтисодий фаолиятини яхшилаш учун хизмат кўрсатувчилар, айниқса унинг менежерлари кўпгина қоидаларни, жараёнлар ва тавсифларни билишлари керак. Улар натижасида меҳнат (хизмат кўрсатиш)нинг тартиби бирлашсин, шакллари ривожлансин, хизмат кўрсатишнинг унсурлари провард натижага ижобий таъсир этиб, самарадорлик ошсин. Корхонанинг самарадорлигини ошириш ва фойдани кўпайтириш каби билан ёрдами билан хизмат кўрсатиш тамойиллари, унсурлари ва воситалари корхона менежменти моҳияти ва мазмунини ифодалайди.

Албатта, корхона фаолияти мураккаб тизим ва ҳар хил кўринишдаги фаолиятдир: ташкилий-бошқариш, муҳандислик-менежерли, ҳисобга олиш-иқтисодий, назорат-тафтиш, тадқиқот лойиҳали- тадқиқот ва бошқа фаолиятнинг умумий саволларидан тузилган.

Корхона бўлинмалари ичида ўзаро бир-бирига боғлиқ тизим бири-бирига таъсир кўрсатади, шу жараёнларга, яъни таъсир этувчи ташқи омиллар ҳам бор. Корхонанинг ички фаолияти хизмат кўрсатишни бажаришда, ходимлар, ускуналар, воситалар, асбоблар ва бинолар билан таъминлашда намоён бўлади.

Ташқи омиллар (мижозлар, йўловчилар, мулкдорлар, эҳтиёт қисмлар материаллар) дан бирортаси бўлмаса, корхона фаолияти қийинлашади, баъзи ҳолларда корхонада иш тўхтаб қолади, корхона маблағлари (авторанспорт, ускуналар)нинг техник тайёрлик даражаси пасаяди.

Корхонанинг хизмат кўрсатиш фаолиятини такомиллаштириш хизмат жараёнларини ташкил этишни яхшилаш, меъёрий-техник таъминлаш,

эгилувчан ёки эпчил бошқариш тизимини яратиш, эҳтиёт қисм ва материаллар билан таъминлаш, бажариладиган иш сифатини ошириш, корхона ходимларининг малакасини ошириш ва бажариладиган ишларни сифати ва унуми оширидан ходимлар манфаатдорлигини таъминлаш, уларни рағбатлантириш, чора-тадбирларини ишлаб чиқишда намоён бўлади.

Корхонанинг хизмат кўрсатиш ва бошқариш таркибини танлаш, шакллантиришда тизимнинг таркибий усуллари орасидаги нисбатан ва ўзаро таъсирни аниқлаш, хизмат кўрсатиш жараёнларини мақбуллаштириш ҳамда замонавий технологик жараёнлар яратишда ўз ифодасини топади.

Корхонанинг хизмат кўрсатиш фаолиятини самарали ташкил этишда қуйидагиларга эътибор бериш ўта муҳим; иш тартибини танлаш; хизмат кўрсатиш ва бошқа ишлар бир маромда бажарилишини таъминлаш; энг қўлай бўлинмалар тузилишини ишлаб чиқиш; корхонанинг барча бўлинмалари билан энг самарали бошқариладиган усулларни ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш; корхона захираларини мақбул даражада бошқариш.

Корхонани мақсадга мувофиқ фаолият кўрсатишини таъминлаш масалаларининг кўпчилигини оммавий хизмат кўрсатиш назарияси усулларини қўллаш орқали ҳал қилиниши мумкин.

Бу жараёнда, шунингдек, хужжатларнинг шакл ва айланиш жараёнларини тўғри танлаш ва такомиллаштириш, хизмат кўрсатишни бошқаришга, мулкнинг турли шакллари ишлатишга ва меҳнатни илмий асосда ташкил этиш усулларига эътибор бериш зарур. Бунда, тўғри танланган бошқарув аппарати ходимларига кўп нарса боғлиқ. Уларнинг мақсадга мувофиқ иш юритиши корхонанинг хизмат кўрсатиш фаолиятини таъминлайди.

Юк ва йўловчиларни ташиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш, корхона менежментининг муҳим вазифаси.

Корхонанинг истиқболда муваффақиятли фаолият кўрсатишини таъминлашда қуйидагиларга риоя қилиш керак:

- транспорт ва техника хизмати кўрсатиш жараёнини технологик жиҳатдан қайта қуриш ва автоматлаштириш иш жараёнига, юқори малакали ходимларни жалб этишга ўтиш;

- корхона ходимлари учун қулай меҳнат шароитни яратиш, юқорирок иш ҳақи белгилаш, бир қанча номоддий рағбатлантириш шакллари жорий қилиш;

- корхона фаолиятининг самарадорлигини доимий назорат қилиш, унинг барча бўлинмалари ишини мувофиқлаштириш;

- мунтазам изланиш ва янги бозорларни ўзлаштириш.

Шу билан бирга корхонанинг тараққий этиш мақсадларини аниқлаш, бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим:

- энг муҳим масалаларни, улар навбати ва ечимининг кетма-кетлигини аниқлай билиш;

- корхонанинг устувор ривожланиш ишланмасини тайёрлаш – хўжалик масалалари тизими ва уларни ечиш йўллари;

- ҳар хил даврларга мўлжалланган муаммоларни ечмоқ учун чора-тадбирлар тизимини тайёрлаш;
- зарур бўлган неъматларни ва уларни таъминлаш манбаларини баҳолаш;
- қўйилган масала ва топшириқларнинг бажарилиш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш.

Корхона истиқболли фаолият кўрсатиши учун устувор бошқаришга алоҳида эътибор бериш лозим. Бунинг учун бизнеснинг бош мақсадини ишлаб чиқиш, омиллар таъсир кўрсатиб турган шароитда корхонанинг тараққий этиш натижаларини башорат қила билиш, натижалар параметрларидан оғмаслиги учун устувор ривожлантиришни қўллаш керак. Юқоридаги чора-тадбирлар кундалик фаолиятда тезкор бошқариш орқали рўёбга чиқарилиши шарт.

2012 йилда 517 километрлик автомобиль йўллари, иккита йирик транспорт боғламаси, 544 погон-метр кўприк ва йўл ўтказгичларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун Республика йўл жамғармасидан 360 миллион АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги, ўтган йилга нисбатан 12,5 фоиз кўп маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда.

Ўзбек миллий автомагистралини модернизация қилиш нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун улкан стратегик аҳамиятга эга эканини инобатга олган ҳолда, ушбу лойиҳани амалга оширишда Осиё тараққиёт банки, Ислонд тараққиёт банки, Араб Мувофиқлаштириш гуруҳи аъзолари сингари халқаро молия тузилмалари фаол иштирок этмоқда.

Мазкур ташкилотлар томонидан 742 километрлик автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш, йўл қурилиши бўйича замонавий техника сотиб олиш учун 1 миллиард 400 миллион долларга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди.

Фақат 2012 йилнинг ўзида ушбу мақсадлар учун 109 миллион доллар миқдоридagi маблағни ўзлаштириш, 165 километр цемент-бетон қопламали йўлларни фойдаланишга топшириш, жумладан, Қамчиқ довони орқали ўтадиган йўлни реконструкция қилиш мўлжалланмоқда.

“Ўзавтойўл” давлат акциядорлик компанияси, Республика йўл жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ажратилаётган маблағларни самарали ўзлаштириш ҳамда автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш юзасидан белгиланган кўрсаткичларни сўзсиз бажариш бўйича амалий чоралар кўриш вазифаси топширилади.

Темир йўллар коммуникацияларини янада ривожлантириш, Мароқанд — Қарши ва Қарши — Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш бўйича лойиҳалар амалга оширилишини жадаллаштириш зарур. Шу билан бирга, Тошкент — Самарқанд темир йўл линияси участкасида ободонлаштириш ишларини давом эттириш ҳамда юқори тезликда ҳаракатланадиган йўловчи поездларнинг ишончли ва хавфсиз қатновини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш даркор. “Ўзбекистон темир йўллари”

компанияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур ишларни амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши, уларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикасида умумий фойдаланиладиган юк ва йўловчилар ташувчи транспортнинг барча темир йўл, автомобиль, авиация, шахар электр транспорт, дарё, трубопровод транспорти, шунингдек, умумий фойдаланилмайдиган - темир йўл, автомобиль, тасмали транспорт, осма аркон транспорти ривож топган. 2010 йил мамлакат ялпи ички маҳсулотнинг 7,7 фоиз транспорт тармоқлари ҳиссасига тўғри келди.

Республика мустақилликка эришгандан кейин транспортнинг халқ хўжалигига ва аҳолига хизмат кўрсатишини тубдан яхшилаш ва транспорт бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадларида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон автомобиль транспорти», давлат акциядорлик корпорацияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат - акциядорлик компанияси ва бошқа идоралар ташкил этилди. Мамлакат транспорт корхоналари давлат иштирокидаги акционерлик компаниялари, корпорациялари, очик турдаги акционерлик, масъулияти чекланган жамиятларга, жамоа корхоналарига айлантирилди.

Транспорт мажмуини тартибга солишда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: ташиладиган юкларнинг ҳажми; юк обороти; йўловчи обороти; юк ташишнинг ўртача масофаси; ҳаракатдаги транспорт воситаларидан фойдаланишнинг техник кўрсаткичлари.

7–мавзу: Агросаноат мажмуи, унинг тараққиёти ва юксалиш йўллари

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Агросаноат мажмуаси (АСМ)–иқтисоднинг кўп қиррали тармоқғи сифатида.
2. Агросаноат мажмуаси ривожланишининг асосий муаммолари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Агросаноат мажмуи, агробизнес, агросаноат интеграцияси, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалик дастурлари, қишлоқ хўжалиги тармоқлари, аграр муносабатлар, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш дастурлари, моддий-техник база, ҳосилдорлик.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1.1. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида агросаноат мажмуини ривожлантириш йўналишлари аниқлаш.

1.2. Қишлоқ жойларда замонавий агросервис хизматини ташкил этиш асосларини яратиш.

1-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда агросаноат мажмуининг моҳияти ва таркибий қисмларини ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Агросаноат мажмуи тушунчасини изоҳлаб бера олади.

1.2. Агросаноат мажмуи таркибини очиб бера олади.

1- савол баёни: Халқимиз тумуш фаровонлигини яхшилашда, умуман, мамлакат иқтисодиётини мустақкамлашда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг аҳамиятли беқиёс эканлиги барчамизга маълум. Агросаноат мажмуининг тараққиёти нафақат озик-овқат таъминотини яхшилашда, балки муҳим хом ашё сифатида мамлакат индустриясининг тараққиёти учун ҳам асосий омилдир. Маълумки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон қишлоқларидаги хилма-хил хўжаликларда қарийб 4,5 миллион гектар майдонда деҳқончилик билан шуғулланилади. Ана шунча кенгликдаги зироатни ўстиришда катта ва кичик техника воситалари деҳқонга қудратли қанот бўлади. Мустақиллик йилларида бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинган «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» ва «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниялари ана шу ҳаётий тармоқни мукамал ва самарали техника воситалари билан таъмин этишни асосий фаолият сифатида белгилаб олишган.

Республика Президенти Ислом Каримов айтганидек, қишлоқ хўжалигини иш самарадорлиги юқори бўлган, замонавий техника воситалари билан лизинг асосида таъминлаш тизимининг жорий этилиши олдинга ташланган муҳим қадам бўлади. Тўғри, лизинг тизимини қўллаш кўлами ҳозирча унчалик кенг эмас, лекин шу нарса аниқки, қишлоқ меҳнаткашларини техника билан таъминлашнинг бу усули катта истиқболга эга.

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, қишлоқ хўжалик самарадорлигини юксалтиришнинг асосий омили сермеҳнат юмушларни техника гарданига юклашдир. Жаҳон тажрибаси тармоқ ишлаб чиқаришининг барқарорлиги, юқори унумдорлиги ишлаб чиқариш кучларининг комплекс ривожланиши, илмий-техника тараққиёти, моддий-техника базасининг кучлилиги ва кадрлар учун шарт-шароит яратилганлиги билан бевосита мутаносиблигини кўрсатади.

Буни фермерлар мисолида ҳам қуриш мумкин. Масалан, бир фермерга АҚШ да Ўртача 150 гектар экин майдони тўғри келади. Бу кўрсаткич Канадада 190, Буюк Британияда 70, Францияда 35, Ирландияда ва Люксембургда 33, Данияда 32, Олмонияда 18, Голландияда 17, Италияда 8 гектарга тенгдир. Ер, техника, фан ютуқларидан унумли фойдаланилгандагина натижалар юқори бўлиши мукинлигини улар амалда исботлашди. Умуман, тармоқдаги иқтисодий кўрсаткичлар техникадан оқилона фойдаланишга ва унинг сифатига қўп жиҳатдан боғлиқ дейишимизга тўла асос бор.

Маълумки, Ўзбекистон Републикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 январдаги қарорига биноан қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқариш мақсадида «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси ташкил этилган эди. Бу тузилма таркибига 16 та корхона, 9 та қўшма корхона, 17 та минтакавий техника маркази, 72 та туман ва туманлараро бўлинмалар, шу жумладан, машина-трактор парклари ва савдо уйлари киради.

Шуни таъкидлаш керакки, 2001 йил натижаларига назар ташласак, компанияга қарашли корхоналар анча мураккаб даврни бошдан кечирганлиги аён бўлади. Кетма-кет рўй берган сув тақчиллиги пировард натижаларга таъсир этмай колмади. Аксарият жойларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини аввалги йиллардагига нисбатан амайтирмаслик, эришилган маромни йўқотиб қўймаслик учун кураш кетди.

Кейинги йилларда компания ривожланган давлатларнинг тармоқ техникаси ишлаб чиқарадиган фирмалари билан ҳамкорлик килаётганлиги ҳам ижобий самара бермоқда. Масалан, 9 та қўшма корхона ишга туширилди ва бугунги кунда жаҳон талабларига жавоб берадиган техника воситалари ишлаб чиқармоқда. «ЎзКейстрактор», «ЎзКейссервис», «Агрохим» корхоналари шулар жумласига киради. Масалан, улар томонидан фақат ўтган йилнинг ўзида мамлакатимиз агросаноат мажмуига 2760 та трактор, 971 та тележка, 100 та пахта териш машинаси, 118 та плуг, 994 та борона, 80 та пичан ўрадиган комбайн, 1066 та культиватор ва 1 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар ва бошқа техника воситалари ва уларнинг муайян қисмлари етказиб берилди. Шу жумладан, лизинг асосида 2 мингта трактор ва 404 та тележка ишлаб чиқарилиб, деҳқонларга жўнатилди. Республикада ҳозирги пайтда нуфузли компания ва фирмалар вакиллари билан ҳамкорликда бир қанча қўшма корхоналар тузиш бўйича лойиҳа изланиш ишлари олиб борилмоқда. Германиядаги «КЛАСС» ва «КЮН» фирмалари билан «Тошқишлоқмаш» ҳиссадорлик жамиятида ем-хашак ўриш комбайни, «Ўзқишлоқмаш» ҳиссадорлик жамиятида ғалла экадиган сеялка, «Агрегат заводи» корхонасида фрезерлик культиватори ишлаб чиқариш учун тайёргарлик кўрилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги узлуксиз ва ўзаро чамбарчас тизимга эга. Бу илмий - тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини бажариш, конструкторлик ишлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва кетма-кетликни таъминлайди. Айни пайтда тармоқнинг илмий-тадқиқот, лойиҳа институтлари ҳамда конструкторлик бюрolari мавжуд. Компания муаммолар ечимини таъминлайдиган дастурлар ишлаб чиқиб, республика илмий – техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши (собик фан ва техника давлат қўмитаси) билан ҳамкорликда иш олиб борди. Ўтган йили умуман компания бўйича 25 миллиард 255,9 миллион сўмлик техника воситалари, 622,5 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Эришилган ижобий силжишлар қаторида корхоналарнинг дебитор ва кредитор қарзлари камайганлигини тилга олиш мумкин.

Компаниянинг чет эл сармоясини жалб қилишдан, умуман, унинг инвестиция фаолиятидан мақсади баъзи корхоналардаги ишлаб чиқариш техникасини янгилашдир. Масалан, яқин келажакда Тошкент трактор заводи, Агрегат заводи, Мотор заводи, Технолог ҳиссадорлик жамиятларида хориж сармоясини жалб этиш, замонавий талабларга жавоб берадиган техника воситалари ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Ҳозиргача компанияга қўшма

корхоналар устав жамғармасини шакллантириш учун 28,2 миллион АҚШ доллари миқдорига чет эл сармояси олиб кирилди.

Хукуматимизнинг маҳаллий ашёдан маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича дастурига кўра, «Кейс» пахта териш комбайнлари ва тракторларига бутловчи қисмлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ўтган йили «ЎзКейсмаш»да пахта териш машиналарининг замонавий бўйлаш мажмуи ва бошқа баъзи қисмлари таъмирланди. «Тошқишлоқмаш»да корхонасида пахта териш машинасининг бункери, унинг баъзи қисмларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Тармоқ техникаси учун гидроцилиндрлар тайёрлайдиган чет эл дастгоҳи сотиб олинмоқда.

Агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7,7 ва 12,4 фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 37 фоиздан 49 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30,1 фоиздан 17,5 фоизга тушди.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши камайиб бораётган бир шароитда ушбу соҳада маҳсулот етиштириш юқори суръатлар билан кўпаймоқда.

2010 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробар ошгани ҳам шундан далолат беради.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжалиқларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодийтимизнинг аграр секторида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда.

Пахта ва ғалла каби стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди, қайта ишлаш тармоқлари ва ички бозорни сут, гўшт, картошка, сабзавот каби энг муҳим озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун мустаҳкам хомашё базаси яратилмоқда.

Махсус ишлаб чиқилган кенг кўламли дастурни изчил амалга ошириш ҳисобидан ерларнинг мелиоратив ҳолати муттасил яхшиланмоқда. Фақат 2010 йилнинг ўзида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди ва бу 724 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 208 та мелиоратив қудуқларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, қарийб 14 минг километрлик коллектор-дренаж тизимини таъмирлаш, қайта тиклаш ва 335 та замонавий мелиорация техникасини харид қилиш имконини берди.

Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари, шунингдек, Марказий Фарғона худуди ва Қорақалпоғистон Республикасида ирригация ҳамда мелиорация иншоотларини қайта тиклаш учун 2010 йилда

халқаро молия институтларининг 62 миллион доллардан зиёд маблағлари жалб қилинди ва ўзлаштирилди.

Амалга оширилган ана шундай кенг миқёсдаги ишлар натижасида 260 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини, фермер ҳамда дехқон хўжалиқларининг даромадини ошириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда 2011 йили 6 миллион 800 минг тонна ғалла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта, 8 миллион 200 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Шу билан бирга, 6 миллион 600 минг тонна сут, 1 миллион 500 минг тоннадан ортиқ гўшт, 3 миллиард 500 миллион дондан зиёд тухум тайёрланди.

2011 йили 3 минг 800 дан ортиқ фермер хўжалиги пахта етиштириш бўйича шартнома мажбуриятини бажара олмади. Натижада 120 миллиард сўмликдан ортиқ ёки 160 минг тоннадан зиёд пахта хом ашёси кам етказиб берилди. Агар бу кўрсаткични экспорт қилиш мумкин бўлган пахта толасига айлантирадиган бўлсак, бой берилган фойда ҳажми, пахтани қайта ишлашдан олинадиган мой, шрот, кунжара ва бошқа маҳсулотларни ҳисобга олмаганда ҳам, йўқотиш қарийб 100 миллион долларни ташкил этади.

Ўтган йили 1 минг 500 та фермер хўжалиги давлат захирасига ғалла сотиш бўйича 18 миллиард сўмлик ёки 62 минг тонна ҳажмидаги шартнома мажбуриятини бажармади.

Ана шу масалалар юзасидан ҳар бир вилоят ва туман бўйича тегишли хулосалар чиқарилиши керак. Бунда, энг аввало, фермер хўжалиқларига ер майдонларини узоқ муддатга ижарага бериш бўйича белгиланган тартибга риоя қилинишини, шу борада қонун бузилишларига йўл қўймасликни таъминлаш зарур.

2-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда агросаноат ривожланишининг асосий муаммолари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1 Агросаноат мажмуасидаги муаммоларини айта олади.

2.2 Агросаноат мажмуасидаги муаммоларини бартараф этиш йўллари оча олади.

2-асосий савол баёни: Агросаноат мажмуи (АСМ)-қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан банд бўлган халқ хўжалиги тармоқларининг жамланмасидир. АСМга кирувчи тармоқларнинг барчаси пировард натижада муҳим вазифани мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиқ хом ашёси билан таъминлаш вазифасини бажаради.

АСМ таркибида учта соҳа ажралиб туради:

қишлоқ хўжалиги ва унга алоқадор тармоқлар учун ишлаб чиқариш воситалари етказиб берадиган, шунингдек, қишлоқ хўжалигига ишлаб-

чиқариш техника хизмати кўрсатадиган саноат тармоқлари (масалан, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги);

қишлоқ хўжалигининг ўзи;

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш (тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, ташиш, сотиш) билан банд бўлган тармоқлар.

Бозор иқтисодиёти шароитида бу инфратузилмани ривожлантириш мамлакат аҳолиси эҳтиёжини қондирш билан бир қаторда мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантирувчи кучга айланиши мумкин.

Мустақиллик йилларида АСМда жуда кўп ютуқларга эришиш билан бирга, албатта, камчиликларга ҳам йўл қўйилди, иқтисодий ислохотлар жараёнида янги муаммолар ҳам юзага чикди. Эндиги вазифа-ушбу муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг ечимини топишдан иборат. Аграр секторнинг бундан кейинги ривожланишида қуйидаги муаммоларга эътибор бериш зарур: ўн бир йиллик тажриба шуни кўрсатадики, барча бўғинларда кадрлар янгича ишлашга, бозор муносабатларига тўлиқ мослаша олмаётирлар. Бу, Айниқса, туманлар ва хўжаликлар миқёсида кўпроқ кўзга ташланмоқда. Тўғри, ҳар йили кадрлар ўқуви ўтказилмоқда, аммо аксарият раҳбар кадрлар иш юритишни бозор муносабатлари асосида эмас, балки, эскича – маъмурий-бўйруқбозлик асосида олиб бормоқда;

Аграр соҳа учун муҳим масала бўлган экология масалалари ислохот жараёнида бирмунча четда қолмоқда. Ваҳоланки, бу муаммо ўзига эътиборни талаб қилади. Бугунги кунда тупроқ унумдорлигининг пасайиб бориши, оғир техника ва самараси паст технологиялар қўлланилаётганлиги оқибатида тупроқ структурасининг бузилиши, шўрланиш даражасининг ортиб бориши шундан далолат бермоқда. Шунингдек, аҳолини экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ҳам алоҳида эътиборни талаб қилади;

Баъзи иқтисодчилар, қишлоқ хўжалигида ислохотларни қўшимча маблағ сарфламасдан олиб бориш мумкин, деган фикрларни илгари сурмоқдалар. Уларнинг фикрига қўшилиш қийин. Негаки, ривожланган мамлакатлар тажрибасига қарасак, уларнинг кўпчилигида фермерлар даромадининг 40-50 ва ҳаттоки 60 фоизини ташкил қилади. Шуни ҳисобга олиб, аграр соҳани кўллаб-қувватлаш фондини ташкил қилиш ва унинг маблағи қишлоқ аҳолисининг ижтимоий ҳаёти, экология мувозанатини сақлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилиши зарур.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш молия-кредит механизмини такомиллаштиришни талаб қилади. Чунки, хўжаликларнинг тўғридан-тўғри кредит олишлари ниҳоятда мураккаб, айниқса, узоқ муддатли кредитлар ҳажмининг камайиб кетиши натижасида хўжаликлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва янгилаб бориш имкониятлари чегараланиб қолмоқда. Албатта, лизинг тизимининг тузилиши бу муаммони бироз енгиллаштиради, аммо барча турдаги асосий воситаларни қамраб олмаган.

Қишлоқ хўжалиги моддий таъминоти, техника, минерал ўғит, ёқилғи мойлаш материаллари билан таъминланиши бугунги кун талаблари даражасида эмас, моддий-техника ресурсларининг нархи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархига нисбатан бир неча баробар юқори ва тез ошиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги учун керакли саноат молларига нарх белгилашни ҳам тартибга солиш лозим. қишлоқ хўжалик корхоналарига сервис хизмати кўрсатиш талаб даражасида эмас, шунингдек, хизмат ҳақларининг баҳоси ниҳоятда юқори. Ўзлари қабул қилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун тайёрлов ташкилотлари вақтида ҳақ тўламаётганлиги натижасида хўжаликларнинг молиявий ҳолати оғирлашмоқда, бунинг устига инфляция оғирлиги ҳам бутунлай қишлоқ хўжалиги корхоналари елкасига тушмоқда.

Қишлоқ хўжалигини қийин аҳволдан олиб чиқиш учун қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган барча соҳалар унга ўз ёрдамини кўрсатиши зарур. Шундагина улар қишлоқ хўжалигидан арзон ва сифатли хом ашё оладилар, ўз навбатида, қишлоқ уларнинг маҳсулотлари учун муҳим бозор вазифасини бажаради.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда иқтисодий эркинлаштириш жараёни кечмоқда, эндиликда бу жараёнда аграр секторни бошқаришдан уни тартибга солишга ўтиш, нарх-навони эркинлаштириш билан бирга уни давлат томонидан тартибга солиш тақозо этилади. Шунинг хисобга олиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг пастки ва юқориги нархлари чегарасини давлат томонидан назорат қилиш тизимини яратиш зарур.

Иқтисодий ислохотлар Ўзбекистонда, биринчи навбатда, аграр секторда бошланди. Бунинг ўзига хос рамзий маъноси бор, чунки аҳолининг 60% дан кўпроғи, иш билан банд аҳолининг 44%и қишлоқ жойларда яшаб, меҳнат қилмоқда, ЯИМнинг 30%и, валюта тушумининг 55%и, товар маҳсулот алмашинувининг 70 фоизи, озиқ-овқат маҳсулотларининг 90%и аграр сектор ҳиссасига тўғри келади.

1991 йилнинг 11 январидан мамлакатдаги шахсий ёрдамчи хўжаликларни янада ривожлантиришга оид қўшимча тадбирлар белгиланди. Президент кўрсатмаси асосида яна 1 миллион 221 минг 477 оилага суғориладиган пахта далаларидан 137 минг 246 гектар ер қўшимча томорқа сифатида бўлиб берилди. Бундай амалий ғамхурлик ғайрат-шижоатли одамлар ҳаракатига канот бағишлади.

Шахсий ёрдамчи ва томорқа хўжаликлари уюшмаси ташкил этилиши лозим. Кейинчалик эса шу асосда деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси юзага келади, яъни шахсий ёрдамчи хўжаликлар замирида деҳқон ва фермер хўжаликлари шаклланади. Уларни имтиёзли солиққа тортиш, ўз маҳсулотларини экспорт қилиши учун қулай шарт-шароит яратиб бериш, хўжалик аъзоларини нафақа ва пенсия билан таъминлашга доир тартиблар жорий этилади.

Иқтисодий тизимнинг таянчига айланиб бораётган минглаб деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолияти бу тармоқнинг истиқболи биз ўйлагандан

кўра порлоқ эканидан далолат беради. Унинг тарихи эса, шахсий томорқа хўжаликларига, 1989 йилнинг ёзида давлатимиз рахбари узоқни кўзлаб бошлаган кенг кўламли ишларга бориб тақалади.

Мулкчиликнинг барча шаклларига, шахсий ташаббус ва хусусий тадбиркорликка ўша мураккаб даврда асос солинган.

Бугунги кунда (2003й.) мамлакатимиз 240 мингдан ортиқ микрофирма, кичик ва ўрта корхоналар ташкил этилиб ва 3 миллиондан зиёд деҳқон-фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда. Улар қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 78 фоизини етиштириб бермоқда.

Кейинги пайтда мамлакатимизда хусусий мулки қишлоқ жойларда қарор топтириш, уни ривожлантириш ва ҳимоя қилиш борасида жиддий ишлар амалга оширилди. Шу Ўзбекистон Республика Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Хусусийлаштирилган корхоналарнинг корпоратив бошқармасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, айнан ушбу ҳужжатлар замирида юртбошимизнинг «Кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш ва унда хусусий мулк етакчи ўрин эгаллашини таъминлаш зарур» деган ғояси ётади.

Бу ғоя эса, чуқур илмий ва ҳаётий мулоҳазалардан келиб чиққан бўлиб, миллий иқтисодиётимизнинг агросаноат мажмуида мулкий тузилишни ўзгартиришни кўзда тутаяди.

8–мавзу:”Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция сиёсати”

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Миллий иқтисодиётга инвестиция жалб қилишнинг аҳамияти.
2. Инвестиция фаолиятининг шаклланиши ва тартибга солиниши.
3. Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўллари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: инвестиция, капитал қурилиш, инвестициялар, бозор инфратузилмаси, қурилиш дастури, ишлаб чиқариш қувватлари, капитал қурилиш, асосий фондлар, ноишлаб чиқариш фондлари, капитал қўйилмалар.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1. Ислохотларни чуқурлаштириш даврида давлатнинг инвестиция сиёсатининг асосий йўналишларини кўрсатиш.
2. Давлатнинг инвестиция сиёсатини изоҳлаш.

1-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда миллий иқтисодиётга инвестиция жалб қилишнинг аҳамияти тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида инвестицияларни жалб қилиш заруриятини очиб бера олади.

1.2. Капитал қурилишни такомиллаштириш вазифаларини ўргана олади.

1- савол баёни: Инвестиция - иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фаолият объектларига қўйиладиган моддий ва номоддий неъматлар ва уларга нисбатан бўлган мулкчилик. **Инвестиция турлари.**

Капитал инвестициялар-асосий фондларни яратиш ва такрор ишлаб чиқариш учун қўйиладиган инвестициялар

Инвестицияли инвестициялар-техника ва технологиянинг янги авлодига яратиш ва тадбиқ этишга қўйилган қўйилмалар

Ижтимоий инвестициялар-инсон салоҳияти, билими ва ишлаб чиқариш тажрибасини ривожлантиришга қўйилган қўйилмалар

Инвестор - ўз маблағлари, қарз маблағлари ва жалб қилинган бошқа маблағларни сармоялайдиган ҳамда мулкий бойликларни ва инвестиция фаолияти объектларини сармоялайдиган шахс .

Инвестиция фаолияти субъектлари:

- 1) жисмоний ва юридик шахслар-ўз резидентлари;
- 2) жойлардаги давлат хокимияти органлари ва давлат бошқарув органлари;
- 3) хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар чет-эл юридик шахслари ва фуқаролари, ҳамда фуқаролиги йўқ бўлган шахслар;

Инвестицион фаолият– инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган инвестицион фаолият субъектлари ҳаракатининг йиғиндиси

Инвестицион ресурсларга қуйидагилар киради:

- 1) пул ва бошқа молиявий маблағлар, кредитлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар;
- 2) ҳаракатдаги кўчмас мулк;
- 3) интеллектуал мулк объектлари;
- 4) ер ва бошқа табиий ресурсларга бўлган эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқи;
- 5) республика қонунчилигига тўғри келадиган бошқа бойликлар.

Инвестициялар –асосий фондларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган жараёнлар (ресурслар харажатларга айланади). Инвестициялар қисқа муддатли (1 йилгача) ва узоқ муддатли (1 йилдан ортиқ) инвестицияларга бўлинади.

Инвестицион фаолият объектлари:

- асосий фондлар ва айланма маблағлар;
- қимматли қоғозлар;
- фан-техника маҳсулотлари;
- мақсадли пул маблағлари;
- мулк ҳуқуқи ва интеллектуал мулк ҳуқуқи

Инвестицион фаолият субъектлари:

- инвесторлар;
- буюртмачилар;
- ишни бажарувчилар;

- инвестицион фаолият объектларидан фойдаланувчилар;
- инвестицион фаолиятнинг бошқа иштирокчилари.

Инвестициялар жараёни - пул маблағларини жамғариш, яъни молиялаш манбаи маблағларнинг ишлатилиши

Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади.

Ушбу инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Шу борадаги умумий қўйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори эса 2 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этди.

Барча молиявий манбалар ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун йўналтириладиган инвестициялар ҳажми 3 миллиард 800 миллион доллардан ошгани ёки 2010 йилдаги барча капитал қўйилмаларнинг 37,5 фоизини ташкил этгани принципиал муҳим аҳамиятга эгадир.

Инвестиция дастури доирасида 2010 йилда 200 дан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Жумладан, йилига 50 мингта автомобил ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “М-300” русумидаги енгил автомобил ишлаб чиқаришни ўзлаштириш”, 200 минг тонна калий ўғитлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “Деҳқонобод калий ўғитлари заводи қурилиши”, “Хонжиза конида полиметалл рудаларга ишлов бериш” каби йирик лойиҳалар, Навоий кон-металлургия комбинати, “Навоийазот” компаниясининг бир қатор янги объектларини барпо этиш ишлари ва бошқа лойиҳалар ниҳоясига етказилганини таъкидлаш жоиз.

2010 йилда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан эришилган битимлар доирасида 19 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Ана шу лойиҳалар доирасида жаҳон бозорида харидоргир бўлган замонавий маҳсулот ишлаб чиқарадиган 7 та корхона фойдаланишга топширилди.

2011 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2010 йилга нисбатан 11,2 фоиз кўп демакдир. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 23,9 фоизни ташкил этгани мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг жадал фаоллашиб бораётганидан далолат беради.

Иқтисодиётимизнинг реал секторига қарийб 2 миллиард 900 миллион доллар ҳажмида хорижий инвестициялар жалб қилинди, уларнинг 78,8 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари ва улардан фойдаланиш борасида ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.

Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи мамлакатимизнинг ички манбалари ҳисобидан — корхоналар ва аҳоли маблағлари, инвестиция

жараёнларида тобора фаол иштирок этаётган тижорат банклари кредитлари, шунингдек, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан шакллантирилмоқда.

Жами инвестицияларнинг 73,5 фоизидан ортиғи ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилмоқда. Инвестицияларнинг қарийб 45,3 фоизи замонавий, юксак самарали асбоб-ускуналар харид қилишга йўналтирилгани, айниқса, муҳимдир.

Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида ҳисобот даврида ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Жумладан, “Женерал Моторс Павертрэйн Ўзбекистон” қўшма корхонасида юқори технологиялар асосида автомобиль двигателлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, автомобиль генератори ва компрессорлари ишлаб чиқариш бўйича қувватлар барпо этилди, энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш бўйича учта лойиҳа амалга оширилди.

Шулар қаторида “Зенит электроникс” қўшма корхонасида “Самсунг” кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтда маиший газ плиталари, кондиционерлар, электр пилесослар ва бир қанча бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

“Муборак газни қайта ишлаш заводи” унитар шўъба корхонасида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида пропан-бутан аралашмаси қурилмасининг биринчи навбатини, Самарқанд вилоятида “MAN” юк ташиш машиналари ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуанинг дилерлик марказини бунёд этиш ишлари якунига етказилди.

Навоий иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмасини барпо этиш, Ўзбекистон — Хитой газ қувурининг учинчи йўналиши каби йирик лойиҳаларни амалга оширишда қурилиш-монтаж ишлари қизғин паллага кирди.

Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зона муваффақиятли фаолият юрита бошлади, унинг ҳудудида янги ташкил этилган корхоналарда спидометрлар, автомобиллар учун ўтказгичлар, компрессорлар, рақамли телевизион тюнерлар, энергияни тежайдиган лампалар, ёритиш ускуналари, диодли лампалар, модемлар, полиэтилен ва полипропилен қувурлар, косметика воситалари ҳамда тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда инвестиция фаолиятининг шаклланиши ва тартибга солиниши ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1 Инвестицияларни классификациялай олади.

2.2 Инвестиция фаолиятини тартибга солиш механизмини ёрита олади.

2-асосий савол баёни:

Инвестицияларнинг мазмун-моҳияти бўйича замонавий қараш нуқтаи назарларининг ўрганилиши шуни кўрсатадики, иқтисодий фанларнинг турли бўлимлари ва амалий фаолиятда улар турлича талқин этилади.

Инвестициялаш мақсадлари, соҳалари, сафарбар этилиш объектлари, ҳаракат йўналишларидан келиб чиқиб, инвестициялаш тушунчаси ўзига хос маънода ишлатилади. Молия нуқтаи назаридан, фақат капитални йўқотиш rischi мавжуд бўлган пул шаклидаги инвестициялар янги активларини вужудга келтиради.

Инвестицияларнинг таснифи (классификацияси)га мувофиқ ва улар молиялаштириш манбаларининг ишончлилигига қараб рисклар мажмуаси ўзгариб боради.

Инвестициялар капиталнинг барча шакллари (ссуда, акциядорлик, тадбиркорлик)дан фарқли ўлароқ, бутун рисклар мажмуини хис этади ва капитал қийматининг йўқотиш riskини минималлаштиришни назарда туттади. Капиталдан фарқли ўлароқ, инвестициялар аниқ ва ноаниқ бўлган рисклар билан онгли равишда тўқнашади ва боғланади. Инвестицияларнинг мамлакатлараро кўчиб юриши ноаниқ рисклар ва ноаниқлик даражасини оширади.

Инвестициялар инвестициялаш мақсадлари ва улар билан боғлиқ рисклардан келиб чиқиб қуйидаги турларга бўлинади: венчур; бевосита; портфел; аннуитет. Қўйиш объекти бўйича: мол-мулк; инвестиция; молиявий. Инвестициялаш субъектлари бўйича: давлатга қарашли; корпоратив; хусусий. Қайта ишлаб чиқариш бўйича: соф; путурдан кетишни қопловчи; ялпи. Қаратилган соҳа ва объектлари бўйича: капитал; инновация; ялпи. Ҳаракат йўналиши бўйича: янги лойиҳаларга; кенгайтиришга инвестициялар; инвестициялар.

Инвестицияларнинг мазмуни, аниқ манбалардан маблағ олишга, капитал қийматини сақлашни riskи даражаси ва бўлажак самарага эришишни ҳисобга олган ҳолда уларнинг асосли қўйилишини билдиради. Ана шу белгиларга кўра, инвестициялар бошқа қўйилмалардан фарқ қилиши мумкин. Булар барчасининг асосида капиталнинг ҳаракатланиш жараёни ётади. Капиталнинг ҳаракат қилиш жараёнига жалб этилиши инвестициялар моҳиятини акс эттиради. Инвестициялаш жорий қиймати сақлаш, келгуси жамғармаларни таъминлаш мақсадида капиталлашувга қаратилади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инвестициялар назарда тутилган ва тутилмаган, аммо эҳтимоли бор рисклар ҳамда кўзланаётган самараларни баҳолаш асосида, ўз ва ўзга маблағлар қийматининг капиталлашуви ва жамғарилишини таъминлаш мақсадида молиявий ва реал активларга боғланишидан далолат беради.

3-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш йўллари ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1 Хорижий инвестицияларнинг моҳиятини ёрита олади.

3.2 Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш йўллари очиқ бера олади.

3-асосий савол баёни: Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муҳим устувор йўналиш – чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратишдир.

Ўзбекистонда инвесторлар учун, айтиш мумкинки, кўп жихатдан бекиёс, ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган, деб айтишга барча асосларимиз бор. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар хажми йилдан йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2011 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2 миллиард 200 миллион доллардан ортиғи ёки 73 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади. Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳисобидан иқтисодиётимизнинг кўплаб тармоқларида 70 тадан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда. Бу, авваламбор, газни қайта ишлайдиган замонавий завод қуришни ўз таркибига олган Қандим гуруҳи конларини, шунингдек, Хаузак ва Шоди конларини ўзлаштириш, истиқболли углеводород хомашё конларида геология-қидирув ишларини олиб бориш бўйича йирик лойиҳалардир.

Айни вақтда Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси барпо этиш, Қорақалпоғистон Республикасида цемент заводи қуриш, Тошкент вилоятида турли мато ва тикувчилик маҳсулотлари, тайёр дори препаратлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳалар ҳам шулар қаторига киради. Булар – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан барпо этиладиган истиқболли объектларнинг бир қисми, холос.

2012-йилда мамлакатимизда инвестициялар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этди.

2012 йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011-йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Ўзида умумий қиймати 1 миллиард 600 миллион доллардан ортиқ бўлган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, 205 та йирик инвестиция объекти қуриб битказилди.

2012-йилда қурилиши нихоясига етказилган энг йирик объектлар Навоий иссиқлик электр станциясида Япониянинг “Мицубиси” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 478 мегавольт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмасининг ишга туширилди.

**9—мавзу: Республика қурилиш мажмуи
Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:**

1. Қурилиш, унинг халқ хўжалигида тутган ўрни ва аҳамияти.
2. Қурилиш индустрияси.
3. Қурилиш тизими.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: қурилиш индустрияси, қурилиш моддий-техника базаси, қурилиш материаллари, капитал қурилиш, капитал сарфлар, қурилиш ишларининг самарадорлиги, молия-қурилиш корпорациялари.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1.1. Давлатнинг инвестиция сиёсатида қурилиш тизимини ўрни ва аҳамиятини чуқурроқ ўрганиш.

1.2. Қурилиш индустриясини халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига таъсирини кўрсатиш.

1-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда қурилишнинг халқ хўжалигида тутган ўрни ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Қурилиш соҳаси туғрисида тушунча бера олади.

1.2. Қурилиш соҳасининг халқ хўжалигида тутган ўрнини ўргана олади.

1- савол баёни:

Қурилиш республикадаги моддий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоқларидан бири. Республика иқтисодиётида ялпи ижтимоий маҳсулот таркибида солиштирма ҳиссасига кўра саноат ва қишлоқ хўжалигидан кейин 3-ўринда туради. Ялпи ички маҳсулотнинг 7,8%и, халқ хўжалигида банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг 10,34%и қурилиш ишлари билан машғул.

Қурилиш халқ хўжалигининг барча тармоқларига хизмат кўрсатиб, асосий фондларнинг қайта такрор ишлаб чиқариш учун шароитларни таъминлайди, халқ хўжалигининг мақбул таркибини барпо этиш, ишлаб чиқарувчи кучларни мақсадга мувофиқ жойлаштириш, республиканинг янги табиий бойликларини ўзлаштириш, бўш меҳнат ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишга ёрдам беради.

Республикада қурилиш ишлари пудрат, субпудрат ва қисман хўжалик усулларида олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасида қурилиш мажмуига республикадаги қурилишга хизмат қиладиган барча муассаса, ташкилот, ишлаб чиқариш бошқармалари ва корхоналари, яъни лойиҳалаштиришдан тортиб, бино ва иншоотларни фойдаланишга топширгунча хизмат қилувчи босқичлар киради. Турли хўжалик соҳалари алоқаларининг кучайишини тармоқлараро қурилиш саноати таъминлайди.

Ҳозирда, республикада қурилиш саноати қишлоқ хўжалиги ва транспорт сингари муҳим аҳамият касб этмоқда. Қурилиш саноати завод- фабрикалар, кон-қарьерлар, канал-сув омборлари, йўл-туннеллар, муассаса-корхоналар, уй-жойлар ва ҳоказолар қуришни ўз ичига олади.

Қурилиш саноати қурилиш ва доимий кадрлар билан иш кўради. Унинг маҳсулотлари битказилган ва фойдаланишга топширилган бино ва иншоотлардир. Буларнинг ҳаммаси республиканинг жуғрофий муҳити, жойларнинг иқлими, тузилиши, ер ости сувлари, геологик ва сейсмик ҳолати ва бошқа омиллар ҳисобга олинади. Масалан, республикамиз сейсмик фаол районда жойлашганидан бино ва иншоотларни 9 ва 10 балли силкинишларга бардош берадиган қилиб қуриш талаб этилади.

Қурилиш саноатининг маҳсулотлари саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва ҳоказоларга ҳамда уй-жой хўжалиги, маданий-маиший, маориф ва соғлиқни сақлаш муассасалари ривожланишга хизмат қилади.

Қурилиш саноати тараққиёти табиий ва меҳнат ресурсларининг жуғрофий хусусиятларини чуқур илмий таҳлил қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Ўзбекистонда қурилиш ишларининг муваффақияти барпо этилган қурилиш ташкилотлари фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Назорат саволлари:

2-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда қурилиш индустрияси тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1 Қурилиш индустриясининг моҳиятини тушуна олади.

2.2 Қурилиш индустриясини ривожланиш йўллари кўрсата олади.

2-асосий савол баёни: Ўзбекистон Республикасида қурилиш индустриясининг негизини давлат, акциядорлик, ширкат, хусусий, қўшма ва бошқа пудрат қурилиш-монтажи ташкилотлари, шунингдек, ўз моддий-техника ва ишлаб чиқариш базасига, малакали ишчи ва мутахассис кадрларга эга бўлган корхоналар, транспорт ва бошқа ёрдамчи хўжаликлар ташкил этади. Ўзбекистонда 245 монтаж-қурилиш трести, 196 қурилиш саноати корхонаси, 1882 қуйи пудрат ташкилоти, 3 мингга яқин кичик корхона, 64 лойиҳа ва илмий ҳамда қурилиш соҳасига мослаштирилган илмий-тадқиқот институти фаолият кўрсатади. Қурилиш-монтаж ишларининг деярли барчасини ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотлари амалга оширади.

Республиканинг қурилиш ташкилотлари ихтисослаштирилган корпорация, компания, бирлашма, трестлар ва бошқармаларга уюшган. Қурилиш моддий-техника базасининг муҳим таркибий қисмини қурилиш материаллари саноати ташкил этади.

Қурилиш индустриясида йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталларидан кўпроқ фойдаланилмоқда. Бино ва иншоотларнинг йирик қисмларини, уй пойдеворлари, девор панеллари, зинопоялар ва бошқаларни завод усулида тайёрлайдиган янги тармоқлар пайдо бўлди. Қурилиш тобора бино ва иншоотларни монтаж қилиш жараёнига айланиб бормоқда. Биноларнинг зилзилабардошлиги таъминланган. Қишлоқ жойларида лойиҳалаш-қурилиш тамойиллари ўзгарди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича саноат мажмуалари ўрнига кичик фирмалар қурилмоқда. Иморатларни тиклашда енгил конструкциялар кўпроқ

қўлланилмоқда, хўжаликлар қўрғонларини қуришда уй-жойлар билан бир пайтда маданий-маиший муассасалар, ишлаб чиқариш бинолари комплекс фойдаланишга топширилади. Қурилишда жами жараёнларни қамраб олган қишлоқ қурилиш комбинатлари барпо этилган.

Ўзбекистонда қудратли иқтисодий салоҳиятни барпо этишдаги муваффақиятлар бевосита қурилиш билан боғлиқ. 1924-95 йилларда 5,5 минг км. темир йўл, 1500 дан ортиқ йирик давлат саноат корхонаси, 40 га яқин магистрал канал, 54 йирик сув ва сел омбори қурилди, 2 млн. га дан ортиқ суғориладиган ерлар ўзлаштирилди, 29 млн. га яйловга сув чиқарилди.

1995 йилда жами манбалардан ўзлаштирилган капитал маблағлар 82,2 млрд. сўмни, жумладан унинг 47,0 млрд. сўмини қурилиш-монтаж ишларига сарфланган маблағлар ташкил этди. Капитал маблағлар таркибида давлат хиссаси 57%га тушди. Уй-жой қурилиши кенг миқёсларда олиб борилди ва молиялашнинг жами манбаларидан фойдаланилди.

Республика мустақилликка эришганидан сўнг капитал қурилиш янги дастур асосида давом эттирилди. Республика иқтисодиёти учун муҳим бўлган автомобиль, олтин қазиб олиш, нефть ва бошқа саноат тармоқларида янги корхоналарни қуриш бошланди. Барча вилоятларда саноат корхоналари, уй-жойлар, маданий-маиший бинолар, бозор ва садо расталари, ҳаммом, чойхона, касалхона, маҳалла марказлари, масжидлар қурилди, Ўнлаб меъморий мажмуалар, тарихий ёдгорликлар, мадрасалар, масжидлар таъмирланди.

Капитал маблағларнинг 66,8%и ишлаб чиқариш, 33,2%и ноишлаб чиқариш объектлари йўналишда сарфланди. Қурилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Хорижий фирмалар билан ҳамкорликда Тошкент, Самарканд, Бухоро шаҳарларида халқаро классдаги меҳмонхоналар қурилиши ва таъмирлаш ишлари бошланди. Республика тарихида биринчи марта капитал қурилиши соҳасига чет эл инвестициялари жалб этилди. Капитал маблағлар таркибидаги хорижий инвестициялар хиссаси 16%ни ташкил этди.

Қишлоқ жойларда хусусий уй-жойларни қуриш бўйича кенг қўламли дастур амалга оширила бошлаганидан буён, яъни сўнгги икки йил давомида 15 мингдан зиёд оила ҳар томонлама қулай янги уй-жойларга эга бўлди.

Фақат ўтган йилнинг ўзида намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метрга тенг бўлган 7 минг 400 та хусусий уй-жой қуриб битказилди. Бу мақсад учун 576 миллиард сўмликдан ортиқ инвестициялар йўналтирилди, уларнинг 63 фоиздан зиёдини марказлаштирилган манбалар ва “Қишлоқ қурилиш банк” маблағлари ташкил этади.

Жорий йилда умумий тураржой майдони 1 миллион 200 минг квадрат метрдан ортиқ бўлган 8 минг 510 та яқка тартибдаги уй-жой қурилиши режалаштирилган, бу эса ўтган йилга нисбатан 15 фоиз кўпдир.

3-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда қурилиш тизими тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1 Қурилиш тизимининг моҳиятини тушуна олади.

3.2 Қурилиш тизимини ривожланиш йўллари кўрсата олади.

3-асосий савол баёни:

Қурилиш тизимининг органлари қуйидагилардан иборат: «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» корпорацияси, «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси, «Ўздеҳқончиликқурилиш», «Ўзжамоахўжаликқурилиш» давлат ширкат бирлашмалари, «Тошкентуй-жойинвестқурилиш» корпорацияси ва бошқалардир. Сув хўжалиги ва мелиоратив ишларни «Ўзсувқурилиш» давлат концерни олиб боради. «Ўзтрансқурилиш», «Ўзавтойўл» концерни, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ҳам қурилиш ишларини бажаради.

«Ўзсаноатхўжаликқурилиш» давлат корпорацияси республика саноат қурилиши, уй-жой ва бошқа ижтимоий мақсадлардаги объектларни қуриш билан шуғулланади. қурилиш ташкилотлари, қурилиш индустрияси корхоналари, транспорт, лойиҳа-конструкторлик ва бошқа ташкилотларни ихтиёрий асосларда бирлаштиради.

«Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси республика халқ хўжалигининг барча тармоқларида монтаж ва махсус қурилиш ишларини олиб боради. Технологик жиҳозлар, электр таъминоти объектлари, автоматика, алоқа тизимлари, металл ва йиғма темир-бетон конструкциялари, иссиқлик изоляцияси жиҳозлари, лифт ва кўтаргичлар, саноат печлари ҳамда қувурлари ва бошқаларни монтаж қилади, кўради. Уюшма таркибида ихтисослаштирилган трест, «Ўзэлектромонтаж», «Ўзсантехгазмонтаж», «Ўзиссиқликмонтаж», «Ўзсаноатвентилияция», «Ўзпўлатконструкция», «Фарғонанефтькимёмонтаж» трестлари, «Ўзбекнефтмонтаж» бошқармаси, Тошкент енгил металл конструкциялари, Тўйтепа металл конструкциялари, Тошкент санитария жиҳозлари заводлари, «Ўзмонтажлойиҳа» институти ва бошқалар бор.

«Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмаси қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадларидаги қурилиш ишларини олиб боради. Республика қишлоқ қурилиши вазирлиги ва «Ўзжамоахўжаликқурилиш» бирлашмасининг айрим ташкилотлари негизида ташкил этилган. Бирлашма қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини яратиш ва мустаҳкамлаш, жамоат бинолари, мактаблар, йирик касалхоналар, савдо марказлари, клуб ва маданият саройлари, боғчалар, маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари ва бошқалар қурилишида катта ютуқларни қўлга киритди.

«Ўзжамоахўжаликқурилиш» ширкат бирлашмаси қишлоқ туманларида, жамоа хўжаликларида уй-жой, жамоат ва маданий-маиший объектлар, ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши бўйича бош пудратчи.

Ўзбекистон Республикаси кўп тармоқли қурилиш материаллари саноатига эга. Цемент, асбест-цемент, деворбоп материаллар, юмшоқ ёпғич ва гидроизоляция материаллари, табиий тошлардан қоплама материаллар, норуда қурилиш материаллари, қурилиш керамикаси, иссиқлик изоляцияси

материаллари, оҳак, гипс, боғловчи материаллар ва улардан буюмлар, санитария-гигиена жиҳозлари, полимер хом ашёдан қурилиш материаллари ва буюмлар, темир бетон конструкциялари ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари мавжуд. Тармоқ корхоналарида 100 дан ортиқ номдаги асосий маҳсулот турлари тайёрланди.

Қурилиш материаллари саноати тармоқлари юксак механизациялашган ва халқ хўжалигининг қурилиш материалларига бўлган талаби тўла қондиради. Хорижий инвесторлар иштирокида янги қўшма корхоналар қурилмоқда, ишлаб турган корхоналар замонавий технология билан жиҳозланиб, кенгайтирилмоқда.

Ўзбекистонда табиий хом ашёдан қурилиш материаллари сифатида фойдаланиш тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Айниқса, бинолар қурилишида хом ғишт, гувала, ёғоч, синч, оддий тупроқдан тикланадиган пахса асрлар давомида асосий қурилиш материаллари бўлиб келган. Хумдонларда пиширилган ғишт, сопол, чинни кошин, ганч, йўнилган гранит, мрамар тошлар сарой, мадраса, масжид, работлар қурилишида кенг қўлланилган.

Цемент саноати. Республикадаги қурилиш индустриясининг биринчи корхонаси 1913 йил қурила бошлаган Хильково цемент заводидир. Республикада цементга эҳтиёж ошиб борганидан кейин 1932 йилда Қувасой цемент заводи ишга туширилди.

Республика цемент саноати тармоғида йилига 5 млн. тоннадан кўпроқ цемент ишлаб чиқарадиган 5 йирик корхона ишлайди. Цементнинг ҳамма асосий турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Цемент корхоналарида шифер, абоцемент қувурлар, минерал пахта ва ундан тайёрланадиган буюмлар, цемент-қум черепицалари ва бошқа маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Тоштарошлик (тошга ишлов бериш). Табиий тошлар (мрамар ва гранит) дан ишланган қоплама материаллари ва банклар Марказий Осиё меъморчилигида кўп ишлатилган.

Қоплама тошлар захиралари, хилма-хиллиги ва ранги бўйича Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида етакчи ўринда. Республикада 30 дан ортиқ мрамар, гранит, трювертин, туф ва бошқа жинслар конлари топилган. Республикада норуца ва қоплама материаллар тармоғида тошга ишлов беришадиган 19 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

Деворбоп материаллар саноати соҳасида қурилишда ишлатиладиган оловбардош ва иморат ғиштининг асосий қисми яланғоч 2-ғишт заводи, Янгийўл 8-ғишт заводи ва бошқа заводларда чиқарилади. 1990 йиллар бошидан ғиштни янги технология асосида тайёрлаш бўйича экспериментал цехлар ишга туширилди.

Керамика саноати тармоқларида Ангрен керамика комбинати ва Тошкент қурилиш материаллари комбинатида барча турдаги сопол кошинлар, санитария-қурилиш фюанси, гипс, канализация қувурлари, малойиҳа буюмлари ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Шиша-ойна саноти соҳасида «Қувасойшиша» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва /азалкент шиша-ойна заводи ишлайди. Бу корхоналарда йўлига 212 млн. дона консерва шиша идишлари, 80 млн. дона бутилка, 2 млн.м² дераза ойнаси ишлаб чиқарилади.

10 – мавзу: Республикада бошқариш тизимини такомиллаштириш йўллари

1. Ўзбекистоннинг давлат иқтисодий асослари
2. Ҳукумат ва унинг иқтисодиётни бошқарув вазифалари

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: давлатнинг иқтисодий асослари, ялпи ишлаб чиқариш, иқтисодий сиёсат, иқтисодий мустақиллик, ҳукумат, ҳукуматнинг иқтисодий вазифалари, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимият органлари, муниципал мулк.

1-савол бўйича дарснинг мақсади: Давлат иқтисодий асослари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Ўзбекистоннинг давлат иқтисодий асосларини изоҳлаб бера олади.
- 1.2. Иқтисодий сиёсат асослари ўргана олади.

1-асосий савол баёни: Республикада иқтисодиётнинг асосини ташкил этувчи ишлаб чиқариш соҳасига алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу соҳанинг энг асосий тармоғи саноатнинг анъанавий ривожланган турлари-қишлоқ хўжалик машинасозлиги, кимё саноати кабилар билан бир қаторда мутлақо янги саноат соҳаларини ташкил этиш зарур. Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Унинг асосий бўғини бўлган пахтачилик энг рентабеллидир. Шу сабабдан келажакда ҳам пахтачиликни ривожлантириш, унинг тармоқ инфратузилмасида қулай, мос ҳажмини, салмоғини аниқлаш, шунингдек тола сифатини тубдан яхшилаб, дунё стандарти даражасига келтириш энг долзарб муаммодир. Давлат иқтисодий сиёсатининг асослари қуйидагилардир:

а) қисқа муддат (5-10 йил) ичида республикамизни хом ашё ишлаб чиқарадиган давлатдан дунё бозорларида рақобат қила оладиган, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган мустақил иқтисодиётга эга, қудратли давлатга айлантириш;

б) истеъмол бозорини аввало ички ресурслар ҳисобига тўлдириш, аҳолининг озиқ-овқат, кундалик саноат товарларига бўлган эҳтиёжини жуда қисқа вақт ичида тўлиқ таъминлаш;

в) аҳоли даромадларининг нарх-наво билан мутаносиблигини таъминлаш, бунинг учун зарур бўлган ижтимоий даъво-ҳақларни амалга ошириш;

г) пухта ишланган қонунларга асосланган ҳолда давлат суверенитети (дахлсизлигини) таъминлаган, биринчи навбатда халқимиз манфаатларини ҳимоя қиладиган тенг ҳуқуқли, ўзаро фойдали ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиш;

д) ички истеъмол бозори химоясини таъминлаш, давр талабига жавоб берадиган молия-пул сиёсатини ишлаб чиқиш ва ҳоказо.


2-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда Ўзбекистон республикаси ҳукумати тушунчаси ва таркиби ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1 Ҳукуматнинг иқтисодийни бошқаришдаги вазифаларини тушуна олади.

2.3 Ҳукуматнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги аҳамиятини очиб бера олади.

2-асосий савол баёни:



1 чизма. Республикада иқтисодиёт ва статистика органларининг ташкилий тузилишини такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан давлат бошқарув органлари қуйидагича:

1. Ўзбекистон фуқароларининг умумий сайлов йўли билан танланадиган Президент.

2. Умумхалқ сайлови сайлайдиган—Ўзбекистон Халқ депутатлари, уларнинг Олий Мажлиси, шу оралиқда Олий Мажлис Президиуми, тегишли хайъат ва кўмиталари.

3. Вазирлар Маҳкамаси—унинг раиси Президент ҳисобланади.

Хукумат иқтисодий вазифаларининг асосийларини қуйидагича ифодалаш мумкии:

Иқтисодий тизим (яъни бозор иқтисодиёти)нинг ҳуқуқий асосларини ва ижтимоий муҳитни яратиб бериш.

Мулк даҳлсизлигини таъминлаш.

Рақобат ҳалоллигини сақлаш ва уни ҳимоя қилиш

Даромад ва миллий бойликларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш

Миллий маҳсулот таркибини ўзгартириш мақсадида ресурслар тақсимотини тартибга солиш

Иқтисодиётни барқарорлаштириш, иш билан таъминлаш, инфляция жараёнларини назорат қилиш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ўтиш даврининг хусусиятларининг ҳисобга олган ҳолда тегишли чора-тадбирлар, хусусан, аҳолининг маълум бир табақаларини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш

11–мавзу: Иқтисодиётни бошқаришда молия - кредит дастаклари

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Давлат бюджети: асосий кўрсаткичлар ва миқдорий баҳолаш муаммолари.

2. Давлат бюджетининг бирламчи тақчилиги ва қарзнинг ўз-ўзини яратиш механизми.

3. Иқтисодиётнинг молия-кредит дастаги сифатида солиқлар тизимининг ўрни ва аҳамияти.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: молия тизими, пул-кредит сиёсати, молия-кредит тизими, давлат бюджети, бюджет тақчиллиги, ижтимоий суғурта жамғармалари, суғурта, марказий банк, иқтисослаштирилган банклар, фонд биржалари, валюта биржалари.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1.1. Бюджет тақчиллигини бартараф этиш йўллари аниқлаш.

1.2. Иқтисодиётни бошқаришда молиявий кредит йўллари ёритиш.

1-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда давлат бюджети: асосий кўрсаткичлар ва миқдорий баҳолаш муаммолари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Давлат бюджети тушунчасини изоҳлаб бера олади.

1.2. Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичларни тушунтириб бера олади.

1- савол баёни: Давлат қарзи–аввалги давлат бюджети тақчиллигига тенг бўлган давлатнинг қимматли қоғоз эгалари олдидаги давлат қарзлари, давлат ички қарзлари-давлатнинг қимматли қоғоз эгалари бўлмиш фуқаролар фирмалар, ташкилотлар одидаги қарзларидир. Ташки қарзлар- давлатнинг чет эл фуқаролари, фирмалари ва ташкилотлари олдидаги қарзлари. Хусусий қарзлар- нодавлат секторининг хусусий қимматли қоғоз эгалари олдидаги қарзларининг умумий ҳажми.

Давлат қарзлари ва хусусий қарзлар- “Даромад-харажат” айланмасининг таркибий элементидир. Даромадлар ортган сайин, уй хўжаликлари, фирмалар, давлат ва бошқалар томонидан ишлатилиши лозим бўлган жамғармалар ҳам ортиб боради.

Қарзларни ташкил қилиш- харажат қилувчи шахсларга жамғармаларни бериш механизmidир. Агар истемолчилар ва бизнес қарз беришга лаёқатли бўлмасалар, хусусий қарзлар ортиб бораётган жамғармалар ҳажмини абсорбировка қилиш учун етарли тезликда ўсмайди ва вазифа давлат қарзининг ошиши ҳисобига амалга оширилади. Акс ҳолда иқтисодиёт ресурсларининг тўлиқ бандлик шароитидан чиқиб қолади.

Бюджет тақчиллиги–давлат даромадлари ва харажатлари ўртасидаги фарқдир. Бюджет тақчиллиги ва қарзни баҳолаш қуйидаги омиллар таъсирида мураккаблашади:

Одатда давлат харажатлари ҳажмини баҳолашда иқтисодиётнинг давлат секторидаги амортизация ҳисобга олинмайди, Бу эса бюджет тақчиллиги ва давлат қарзларини объектив тарзда ошишига олиб келади.

Давлат харажатларининг муҳим моддаларидан бири қарзлар бўйича % ларни тўплаб аста-секин асосий қарзни ўчириш. Давлат харажатлари давлат қарзининг номинал фоизларини эмас, балки реал фоизларини ўз ичига олиши шарт.

Бюджет тақчиллигининг ортиши, давлат харажатлари қарз бўйича тўланадиган инфляциян фоизларнинг кўпайиши ҳисобига ўсишидан юзага келади. Баъзан бир вақтнинг ўзида давлат бюджетининг номинал тақчиллиги ва қарзи ўсиб, реал дефицит ва қарз эса пасайиб бораётганини ҳам кузатиш мумкин. Бу хил вазият давлатнинг бюджет солиқ сиёсати самарадорлигини баҳолашда қийинчиликлар келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам бюджет дефицитини баҳолашда инфляция ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Одатда, давлат бюджети дефицитларини макроқўламда баҳолашда, орттирмаларига эга бўлиши мумкин бўлган маҳаллий бюджетлар ҳисобга олинмайди. Кўп ҳолларда маҳаллий ҳокимият органлари федерал бюджет

ҳисобига ундирилувчи солиқларни пасайтириш мақсадида атайлаб маҳаллий бюджетларга тегишли маълумотларни бузиб кўрсатадилар. Бу хил қонуният фискал децентрализайиялаш кўзатилган барча ўтиш давридаги иқтисодиётлар учун ҳос. Натижада эса федерал бюджет тақчиллигини баҳолашда ошириб кўрсатилиши кузатилади.

Индустриал ва ўтиш давридаги иқтисодиётда баҳоланаётган (расмий) давлат бюжети тақчиллигидан ташқари унинг Марказий банк ҳамда давлат ташкилотлари ва тижорат банкларининг квази-фискал фаолиятига асосланган яширин дефицети ҳам мавжуд. Квази фискал операциялари қаторига қуйидагилар киради:

А) Тўлиқ банликнинг давлат ташкилотлари томонидан молиялаштирилиши ва банк ссудалари ёки ўзаро қарзларни тўплаш ҳисобига иш ҳақининг бозор ставкаларида юқори равишда тўплаш;

Б) Иқтисодий ислохатларнинг бошланғич даврида Марказий банкда ажралиб чиққан нотижорат банклари жамғармалари, яъни ҳозирда ишламаётган ссудалар (уй хўжаликлари, фирмалар ва ҳоказоларга ажратилган кредитлар). Бу кредитлар асосан Марказий банкнинг имтиёзли кредитлари ҳисобига тўланади, бунда “ёмон қарзларнинг” ўтиш давридаги иқтисодиёти учун аҳамияти каттадир.

В) Марказий банк томонидан валюта алмашинуви курсини барқарорлаштиришдан юзага келган чиқимларини, давлатга фойсиз имтиёзли кредитлар (буғдой, гурунч, кофе ва бошқалар харид учун) бўйича харажатларнинг молиялаштирилиши;

Яширин бюджет тақчиллиги ҳақиқий бюджет тақчиллиги ва давлат қарзининг ҳажмини камайтириб кўрсатади, купинча атайлаб (масалан, сайловдан олдин) ҳамда давлатнинг ҳар бир йил учун мувозанатлаштирилган бюджетнинг “қаттиққўл” курси қолибларидан келиб чиққан ҳолда. Демак бюджет тақчиллиги ва давлат қарзининг мутлақ ўлчамлари ўзоқ муддатга ишончли макроиқтисодий кўрсаткич бўла олмайди, устига-устак ЯММ билан бир қаторда қарзларнинг ҳам ўсиши ҳисобга олинса...

Бюджет тақчиллигини турғунликка ва давлат қарзи ошишига олиб келувчи ассосий сабаблар қуйидагилар:

А) ҳарбий ёки бошқа ижтимоий келишмовчиликлар шароитида давлат харажатларининг ошиши. Бюджет тақчиллигини ўзоқ муддат давомида молиялаштириш, пул массасининг ортиб кетиши ҳолатини четлаб ўтган ҳолда, инфляцион босимнинг юмшатиш имконини беради;

Б) иқтисодиётнинг даврий пасайишлари ва ўрнатилган стабилизаторлар;

В) иқтисодиётни стимуллаштириш мақсадида солиқларнинг қисқартирилиши.

2-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда давлат бюджетининг бирламчи тақчилиги ва қарзни ўз-ўзини яратиш механизми ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1 Давлат бюджетининг тақчиллигини тушуна олади.

2.2 Давлат бюджетидаги қарзни яратилиш механизмини ола олади.

2-асосий савол баёни: Иқтисодий ўсиш омилларидан бири қарзнинг ЯММ нисбатидир. Бу нисбат динамикаси қуйидаги омилларга боғлиқ: қарз бўйича тўланадиган %лар катталигини белгиловчи, реал % ставкаси катталиги; реал ЯММнинг ўсиш суръатлари; давлат бюджетининг бирламчи тақчиллиги умумий дефицит ва қарзлар бўйича тўланадиган %лар йигиндиси ўртасидаги фарқдан иборат.

Давлат бюджетининг бирламчи тақчиллигини қарз бўйича молиялашда қарз ҳам, у бўйича хизмат кўрсатиш коэффициенти ҳам ортади, яъни иқтисодиётдаги “қарз салмоғи” ҳам ортиб боради.

Бирламчи ортиқчаликнинг ортиши қарз ўз-ўзини яратишнинг олдини олиши мумкин.

$$\begin{aligned} \text{ВД умумий} &= (G+N+F)-T \\ \text{Бирламчи ВД} &= (G+F)-T \\ N &= D+Rr \end{aligned}$$

бу ерда: G- давлат хариди; F-трансфертлар; T-бюджетга келиб тушувчи солиқлар; N-қарз бўйича туловлар; D-қарз катталиги; Rr-реал % ставкаси. Давлат қарзининг ўз-ўзини яратиш механизмини қуйидагича ифодалаш мумкин: бирламчи қарздорликнинг ўсиши давлат заёмларининг эмиссия қилинишига олиб келади, бу эса давлат қарзининг янада ошишига олиб келади. Натижада қарз бўйича тўловлар кўтарилади, умумий тақчиллик юзага келади, давлат яна янги заёмларни чиқаради, бу ҳол эса қарзнинг ва у бўйича тўловларни ошишига олиб келади.

Агар реал % ставкаси ЯММнинг ўсиш суръатидан юқори бўлса, давлат қарзининг ортиб бориши бошқариб бўлмайдиган бўлиб қолади, чунки реал ЯММнинг ҳар бир ўсиши қарз бўйича %ларни тўлаш учун сарфланиб, қарз оғирлигини ифодаловчи қарз ЯММ нисбатининг ортиб кетишига сабаб бўлади.

Қарзнинг ЯММ нисбатини камайтириш учун қуйидаги иккита шароит мавжуд бўлиши лозим: реал фоиз ставкаси, реал ЯММнинг ўсиш суръатидан кичик бўлиши шарт.

ЯММдаги бирламчи бюджет ортиқчалигининг ўсиши доимий бўлиши керак. Давлат бюджети бирламчи тақчиллигининг мавжудлиги «қарз салмоғи» ортишининг омили ҳисобланади.

Солиқларнинг ортишини ўсиб бораётган қарз бўйича хизмат кўрсатиш шarti бўлиб келиши меҳнатга, янгилик киритишга, инвестициялашга бўлган лаёкатнинг пасайишига олиб келади.

Қарз бўйича хизмат кўрсатиш графигига риоя қилиш учун давлат солиқлар кўринишида N дан кам бўлмаган суммани йиғиши лозим. Бу эса Nнинг ЯММ нисбати даромадга солинадиган солиқ ставкасининг қуйи чегараси эканлигини билдиради.

$$NY \leq T/Y$$

бу ерда: У-жами даромад.

Давлат қарзи бўйича хизмат кўрсатишдан ташқари бошқа харажатлар ҳам молиялаштирилиши кераклиги учун

$$T/Y \{ G/Y + N/Y + F/Y$$

ҳолати бюджет соҳасида босим ортиб боришини исботлайди.

Солиқларнинг ортишини ўсиб бораётган қарз бўйича хизмат кўрсатиш шарти бўлиб келиши меҳнатга, янгилик киритишга, инвестициялашга бўлган лаёқатнинг пасайишига олиб келади.

Шунинг учун йирик давлат қарзларининг мавжудлиги нисбатан иқтисодий ўсиш имкониятларини чегаралайди.

Бу чегаралашларни четлаб ўтиш учун, давлат заёмларни босиб чиқариб, улардан келган даромаддан «эски қарзларни» қоплаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Давлат доимо солиқларни ошириш, давлат қарзини қайта молиялаш ёки бюджет тақчиллигининг монетаризацияси ўртасида танлаш имкониятига эгаллигини ҳисобга олиб, давлатга салмоқли қарзларнинг мавжуд бўлишига қарамадан унинг инқирозга юз тутиши ҳавфи деярли йўқ.

Давлат бюджет дефицитини узок муддат давомида молиялаш % ставкасини оширади, бу эса ўз навбатида, инвестицион харажатлар камайишига олиб келади. Хусусий секторда ё истеъмол, ё инвестицион товарлар ишлаб чиқарилиши сиқиб чиқарса, бугунги авлоднинг яшаш даражасига таъсир қилмайди. Лекин келажак авлодга кичик ҳажмдаги асосий ишлаб чиқарувчи фондлар мерос бўлиб қолади ва ўз навбатида бу даромадлар даражасининг пасайишига олиб келади. Бу хил таъсир давлат харажатларни асосан истеъмол харажатлари (ижтимоий трансфертлар, укувчилар учун субсидиялар ва хоказо) ни кўтариш ҳисобига оширидганда рўй беради. Давлат инвестициялари (сармоялари) хусусий сармоялар каби иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш потенциалини мустаҳкамлайди. Агар давлат харажатлари, инвестицион харажатлар (масалан, сармояларнинг автострадалар курилишига, соғлиқни сақлаш тизимида, таълимга жалб этилиши) кўринишга ўтса, у ҳолда келажак авлод кўлига ўтадиган ишлаб чиқарувчи кучлар камаяди. Уларнинг тузилиши, таркиби эса давлат капитали улушининг фойдасига ўзгаради. Лекин шу билан бирга истеъмол учун мулжалланган хусусий инвестициялар сиқиб чиқарилиши мумкин, бу эса аҳолининг жорий истеъмоли чегараланишига олиб келади.

3-савол бўйича дарснинг асосий мақсади: Талабаларда иқтисодиётнинг молия-кредит дастаги сифатида солиқлар тизимининг ўрни ва аҳамияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1 Солиқ тизимининг моҳиятини тушуна олади.

3.2 Солиқ тизимининг иқтисодиётдаги ўрнини очиб бера олади.

3-асосий савол баёни: Республикамиз иқтисодиётида улкан ўзгаришлар бошлангандан бери долзарб, кўпгина бахсларга сабаб бўлаётган масалалардан бир-солиқлар масаласидир. Хўш нима учун шундай?

Солиқлар мураккаб ва кўп қиррали категориядир. Давлат улар ёрдамида ижтимоий эҳтиёжларни кондириш ва ўз харажаталарини қоплаш учун мажбурий равишда қийматнинг бир қисмини олиб қўяди.

Солиқ тизими-муайян шароитда давлат фойдасига ундириладиган солиқлар мажмуидир, уларни йиғиб олиш йўллари ва усулларининг ташкил этилишидир. Солиқ тизимига солиқ турлари, солиқ имтиёзлари, солиқлар миқдори, солиқ ундириладиган даромадларни аниқлаш киради.

Солиқ тизимининг вазифаси қуйидагилардир:

А) солиқ тўловчилар билан давлат ўртасида даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш;

Б) ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги фаолиятни рағбатлантириш ва четлаб ўтиш;

В) аҳолининг муайян табақаларига ижтимоий имтёзлар бериш.

Солиқлар ва уларнинг миқдори муҳим аҳамият касб этади. Юқоридаги фикрларни давом эттириб, шуни айтиш мумкинки, солиқлар, авваламбор марказлашган ресурсларни шакллантирувчи асосий унсурдир. Солиқлар охир оқибатда ижтимоий-иқтисодий тизимнинг самарали ишлашини таъминлаши керак. Унинг учун улар қулай бўлиши лозим. Солиқларнинг қулайлиги қуйидагиларга аҳамият беришни тақозо этади:

Маҳсулот қийматидан маълум бир қисмининг солиқ шаклида олиб қўйилиши ишлаб чиқарувчи даромадини камайтиради, шу билан бирга уни йўқолган даромадини қоплаш мақсадида фаолроқ фаолият кўрсатишга рағбатлантиради. Инглиз иқтисодчиси Мак Куллох шундай деган эди “солиқларнинг ортиши хусусий одамга, унинг оиласининг ўсиши ва харажатларининг кўпайишига қандай таъсир этса, миллатга ҳам шундай кучли таъсир кўрсатади. Солиқларнинг доимий ўсиб бориши, тadbиркорлик, ижодкорлик, ривожланиш ва иқтисод қилишга шароит яратиб беради. Агар солиқлар енгил бўлганда эди, улар бундай самарали бўлмас эди”

Бошқа томондан, даромаднинг жуда ҳам пасайиб кетиши меҳнат фаолиятини сусайтиради. А.Трусевнинг фикрича, ишлаб чиқарувчи фаолиятига солиқларнинг ижобий таъсири қуйидаги ҳолларда бўлмаслиги ёки салбий таъсир қилиши мумкин:

А) агар иш куни ўзун бўлсада, унинг янада ўзайтирилиши руҳий физиологик сабабларга кўра, меҳнат интенсивлигининг пасайишига олиб келса;


Б) агар ишлаб чиқарувчи солиқлар натижасида маҳрум бўлган моддий неъматларни кўпайтиришдан дам олишни юқори қўйса;

В) агар туловчи барибир меҳнат натижалари солиқлар орқали олиб қўйилади, деб меҳнат фаолиятини оширишни фойдасиз деб топса (бу ҳолда солиқлар ишлаб чиқаришнинг қисқариши ва меҳнат эмиграциясига олиб келади).

Шундай қилиб, гап шундай солиқ миқдорини ўрнатиш ҳақида кетаяптики, у меҳнат фаолиятининг пасайишига эмас, балки унинг жонланишига ёрдам берсин ва мана шу асосда солиқлардан келадиган тушумларнинг ошишига олиб келсин. Худди мана шу кирраси орқали солиқлар тизими ёрдамида иқтисодий ва тadbиркорлик фаолияти ривожини тартибга солиш мумкин. Шу ерда солиқ объекти ва солиқ солиш манбаи хусусида бир оз сўз юритишга тўғри келади. Солиқ объекти даромад ва мол мулкдан иборат бўлади. Масалан, ялпи даромад, иш ҳақи, ер солиқ объектларидир. Солиқ объекти иккига булинади: турли манбалардан келган пул даромадлари, даромад келтириши мумкин бўлган мол-мулк. Солиқ объектини кўупайтириш билан солиқларнинг умумий ҳажмига таъсир қилиш мумкин.

Солиқ назариясининг энг муҳим масалаларидан бири солиқ миқдори масаласидир. Солиқлар миқдорининг иқтисодий фаолиятга таъсири қандайлигини Лаффер эгри чизиғида яққол куриш мумкин. Эгри чизик ўртача солиқ миқдори билан бюджетга тушумлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни кўрсатади.

Лаффер эгри чизиғи



Бу ерда: OR -бюджетга солиқлар орқали тушадиган тушумлар;

ON -солиқ миқдори;

N^x -қулай солиқ миқдори, унда бюджетга тушадиган тушумлар энг юқори бўлади;

R_{max} -бюджетга тушадиган тушумларнинг энг юқори миқдори.

Артур Лаффер гипотезасига кўра, солиқ миқдори ошиб кетса, солиқлардан тушадиган тушумлар камаяди. Бунда солиқлардан даромадни яшириш ҳоллари кучаяди.

Республикамиз улкан иқтисодий ўзгаришлар даврида турганлиги учун мана шу ўзгаришларнинг моҳиятини тушуниб етиш керак. Солиқларни кўриб чиқишдан олдин уларнинг вазифалари ва мазмунини билиш лозимдир. Солиқларнинг асосий вазифаларидан бири унинг йуналтирувчилик

вазифасидир. У маълум харажатларни молиялаштириш учун давлат ва маҳаллий ресурсларни шакллантиради.

Даромад солиғи олинаётган вақтда солиқ объекти корхонанинг ҳисобот давридаги ялпи даромади ҳисобланади.

Солиқ солиш мақсадларида корхонанинг ҳисоблаб чиқилган ялпи даромади маҳсулотларни, ўзга моддий бойликларни реализация қилишдан тушум йигиндисидан ҳамда реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялар натижасидан иборат бўлади.

Харид моллари билан савдо қилувчи корхоналар учун солиқ солиш мақсадларида сотишдан олинadиган даромадлар дейилганда реализация қилинган товарларнинг сотиб олинган ва сотилган қиймати ўртасидаги фарк тушунилади.

12–мавзу: Республикада бозор инфратузилмасининг асосий йўналишлари

Кўриб чиқилadиган асосий саволлар:

1. Бозор иқтисодиётини тартибга солиш зарурлиги ва йўллари.
2. Бозор муносабатларининг Республика иқтисодий мустақиллигига таъсири.
3. Бозор иқтисодиётига ўтиш дастури ва унинг асосий йўналишлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: бозор иқтисодиёти, соф бозор иқтисодиёти, давлат корхоналари, давлатнинг солиқ сиёсати, меҳнат унумдорлиги, ишсизлик, инфляция, пул муомаласи, давлат бюджети, иқтисодий ислохотлар, сиёсий барқарорлик, иқтисодиётни таркибий ўзгаришлари.

Мавзуда кўриб чиқилadиган муаммолар:

1.1. Бозор инфратузилмасининг такомиллашувини миллий иқтисодиётга таъсирини кўрсатиш.

1.2. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек моделини ўзига хос хусусиятларини таърифлаш.

1-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзбек модели ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Бозор иқтисодиётини тартибга солиш зарурлигини тушуна олади.

1.2. Бозор иқтисодиётини тартибга солиш йўлларини ўргана олади.

1- савол баёни: Ҳозирги кунда бирорта ҳам мамлакатда соф бозор мавжуд эмас. Барча мамлакатларда иқтисодиёт озми-кўпми тартибга солинади. Агар иқтисодиёт давлат томонидан тартибга солинмас экан, ишлаб чиқариш соҳасида албатта инқироз ҳолатлари вужудга келади. Ҳозирги кунда ривожланган бозор хўжаликларида давлатнинг у ёки бу даражада иқтисодиётга аралашуви мавжуд. Лекин барча ривожланган мамлакатларда ҳам давлатнинг иқтисодиётга аралашуви бир хил эмас. Масалан, Швеция, Финляндия каби мамлакатларда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви кенг миқёсда бўлиб, бу асосан ижтимоий соҳага тегишли янги ижтимоий

демократизм сиёсатидир. Англия, Италияда эса давлат иқтисодиётга ҳам аралашади.

Бозор иқтисодиётининг асоси товар ишлаб чиқарувчиларнинг қай даражада эркинлиги билан белгиланади. Агар товар ишлаб чиқарувчилар мутлақо эркин бўлишса, бозор муносабатлари ривожланган бўлади ва шу билан бирга инқирозга олиб келиши мумкин. Масалан, АҚШда қишлоқ хўжалигининг ривожланишига давлат уч хил усулда: қонун йули билан, маъмурий йул билан, иқтисодий йўл билан аралашади. Шунини таъкидлаш керакки, агар иқтисодиётни самарали иқтисодиётга айлантirmoқчи бўлсак, бозор шароитида ҳам уни тартибга солиш албатта лозим бўлади.

Солиқлар орқали тартибга солиш шунга асосланган: бирорта маҳсулот кўпроқ ишлаб чиқарилиши лозим бўлса, шу маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга камроқ солиқ солинади, агар шу маҳсулотни камроқ ишлаб чиқариш лозим бўлса, кўпроқ солиқ олинади.

Кредит орқали эса ишлаб чиқарувчиларга кредит бериш миқдорини камайтириш ёки кўпайтириш, фоизини ўзгартириш натижасида таъсир кўрсатилади.

Бозор иқтисодиётини тартибга солишда баҳолар айниқса катта ўрин тутади. Давлат томонидан олиб борилаётган нарх сиёсатида қараб мақбул равишда иқтисодиётни бошқариш мумкин.

2-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда бозор муносабатларини иқтисодий моҳияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1 Бозор муносабатларининг моҳиятини ўргана олади.

2.2 Иқтисодий мустақиллик ва унга бозор муносабатларининг таъсирини очиқ бера олади.

2-асосий савол баёни: Бозор иқтисодиётига ўтишнинг бошланғич даврида салбий оқибатлардан қочиб бўлмайди. Ишлаб чиқаришнинг бирмунча пасайиши асосан «А» гуруҳ маҳсулотлари ва саноат қурилишида кўзга кўринади. Ишсизлар сони бир оз ортади. Аҳолининг моддий аҳволи баҳолар ошиши натижасида ёмонлашади.

Фақат Ўзбекистоннинг ўзида бозор муносабатларига ўтиш билан ишсизлар сони, ҳисоб-китобларга қараганда, 2—2,5 баробар кўпайиши мумкин. Бу салбий оқибатларнинг олдини олиш учун эса ижтимоий ҳимоя қилиниш механизми зарурдир. Бу ижтимоий ҳимоя доирасига асосан ишсизлар, меҳнатга яроқсиз кишилар, кўп болали оилалар киради. Давлат бу тоифа кишиларни ижтимоий ҳимоя қилишни икки йўл орқали амалга ошириши мумкин:

Кам таъминланган кишиларнинг меҳнат билан ўзларининг молиявий аҳволларини бирмунча яхшилашлари учун шароит яратиш.

Марказлашган ҳолда ночор кишилар ва оилаларни маблағ билан таъминлаш.

Агар биринчи йўл рағбатлантиришга асосланса, иккинчиси ижтимоий компенсация қилишга асосланган. Бу ўринда асосий масала ишсизликни

йўқотиш муаммосидир. Ўзбекистон аҳолисини иш билан таъминлашнинг оқилона йўлларини топиш учун аввало фаол таркибий сиёсат ўтказиш лозим. Бунинг учун барча имкониятларни ишга солиш ва янги иш жойларини ташкил этиш билан чет эл давлатлари сармояларини жалб қилиш керак.

3-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда бозор иқтисодиётига ўтиш дастури ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1 Бозор иқтисодиётига ўтиш йўлларини тушунтириб бера олади.

3.2 Бозор иқтисодиётига ўтишнинг аҳамиятини очиб бера олади.

3-асосий савол баёни: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий дастурининг энг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: бозор муносабатларига ўтиш; иқтисодий дастурнинг асосий мазмунини ташкил этади. Бу принципга мувофиқ бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш керак. Авваламбор, ўзини оқламаган маъмурий-буйруқбозлик бошқарув принципларидан, ўта марказлаштирилган тақсимлаш тизимидан, шаклланган текисчилик ва боқимандалик кайфиятидан қатъиян воз кечиш лозим; бозор муносабатларига ўтиш инсоннинг ижодий ва меҳнат салоҳиятини намоён қилишга, боқимандаликни бартараф этишга, йўқолиб кетган эгалик туйғусини қайта тиклашга имкон беради. Фақат бозоргина маҳсулот ишлаб чиқарувчининг ҳукмини бартараф этиб, республиканинг ғоят катта бойликларидан самарали фойдаланишни таъминлай олади.

Бу борада бугунги кунда республикамиз иқтисодиёти олдида турган энг муҳим масалалар қуйидагилардан иборат:

— давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўли, янги пайдо бўлаётган нодавлат, яъни ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган ва аҳолига хизмат кўрсатаётган хусусий, акционерлик, жамоа ва бошқа корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан аралаш кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш;

— нарх-наволарни босқичма-босқич эркинлаштириш, монополияга қарши қаттиқ сиёсат ўтказиш, давлат корхоналарнинг фаолиятини тижоратлаштириш ҳисобига рақобат муҳитини вужудга келтириш;

— бевосита хўжалик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш, товарлар, сармоя, иш кучи ва бошқа бозорларни шакллантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш, бозор инфратузилмасини вужудга келтириш, бозор шароитида ишчи кадрлар тайёрлаш.

13–мавзу: Иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Давлатнинг иқтисодий функциялари ва унинг бозор иқтисодиёти ривожланишига аралашуви зарурлиги.
2. Давлат томонидан юритиладиган макроиқтисодий сиёсатнинг кўринишлари.
3. Давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг ўсиши.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилиши, давлатнинг иқтисодий вазифалари, фискал сиёсат, монетар сиёсат, макроиқтисодий сиёсат, бюджет, пул-кредит сиёсати, дотация, субвенция, субсидия, халқ хужалиги баланси..

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1.1. Давлат томонидан юритиладиган макроиқтисодий сиёсатнинг иқтисодиётга таъсирини аниқлаш.

1.2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солинишининг аҳамиятини ёритиш.

1-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда бозор иқтисодиётини ривожлантиришда давлатнинг аралашувини зарурлиги ҳақида тушунча ҳосил қилиш

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Давлатнинг иқтисодий функцияларини очиб бера олади.

1.2. Давлатнинг бозор иқтисодиётига аралашуви зарурлигини тушунтира олади.

1-асосий савол баёни: Давлатнинг иқтисодий вазифалари кўп ва турли хилдир. Шунинг учун бизнинг таҳлилимизга асос сифатида давлатнинг кўйидаги иқтисодий фаолиятларини қараб чиқамиз.

Биринчидан, давлатнинг айрим иқтисодий вазифалари бозор тизими ривожланишини энгиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадига эгадир. Бу соҳага давлатнинг кўйидаги икки фаолиятини киритишимиз мумкин:

1. Бозор тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлайдиган ҳуқуқий база ва ижтимоий муҳитни таъминлаш;

2. Рақобатни ҳимоя қилиш;

Иккинчи гуруҳ вазифаларини бажаришда давлат бозор тизими фаолиятини кучайтиради ва турлайди. Бу ерда давлатнинг кўйидаги учта вазифаси асосий аҳамиятга эга.

1. Даромад ва бойликларни қайта тақсимлаш;

2. Миллий маҳсулот таркибини ўзгартириш мақсадида ресурслар тақсимотини тартибга солиш;

3. Иқтисодиётни барқарорлаштириш, яъни иқтисодий конъюктуранинг эгилувчанлиги натижасида пайдо бўладиган ишсизлик ва инфляция даражаларини назорат қилиш ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш;

Давлат бозор иқтисодиётининг самарали фаолият кўрсатиши учун асос бўладиган айрим хизматларни ва ҳуқуқий базани таъминлаш вазифаларини олади. Ҳуқуқий базаларни таъминлаш асосан хусусий корхоналарга ҳақ-ҳуқуқлар бериш, хусусий мулкчиликни аниқлаш ва шартномаларни бажаришни назорат қилиш ва шунингдек бошқа соҳаларда намоён бўлади.

Бозор иқтисодиётида рақобат асосий тартибга солувчи механизм бўлиб ҳисобланади. Бу ишлаб чиқарувчилар ва ресурсларни етказиб берувчиларни ўзига бўйсинтирадиган ягона кучдир. Бозор тизимида бўйсинадиган ишлаб чиқарувчилар рақобат натижасида фойда олишни режалаштиради. Кимки бу қонунни бузса зарар кўради ва оқибатда батамом тугатилиши мумкин.

Рақобат шароитида истеъмолчи-бу хўжайин, бозор-уларнинг таъминотчиси (агенти), корхона эса-уларнинг хизматкори ҳисобланади.

Монополиянинг ўсиши бу вазиятни тезда ўзгартиради. Монополия рақобат билан алмашинар экан сотувчилар бозорга таъсир қилиши мумкин ёки ўзларининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда нархларни ошириш орқали мамлакатга зарар олиб келади.

Бозор тизими ривожланиши билан мамлакат аҳолиси оладиган даромадлар ва қиладиган харажатлари ўртасида номутаносибликлар пайдо бўлади. Бу каби муаммоларни ҳал қилишда давлат асосий аҳамиятга эгадир. Яъни, давлат жамиятдаги даромадлар номутаносиблигини камайтириш вазифасини бажаради. Бу вазифалар бир нечта сиёсий тадбирлар ва дастурларда ўз ечимини топган. Биринчидан, трансферт тўловлари орқали ёрдамга мухтож, боқиманда, ногирон ва ишсизларни нафақалар билан таъминлайди. Иккинчидан, давлат бозорга аралашуви орқали даромадлар тақсимланишини ўзгартиради. Фермерларга кафолатланадиган баҳо ва минимал иш ҳақи тўғрисидаги қонунчилик давлатнинг айрим гуруҳ аҳолиларининг даромадларини тенглаштириш мақсадида баҳони тартибга солиб туришга мисол бўла олади. Бундан ташқари аҳолидан олинадиган даромад солиқларининг фоизлар бўйича табақаланиши ҳам кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилаётган дастурлардан биридир.

Иқтисодчиларга бозор фаолияти бузилишининг икки ҳолати маълум. Биринчидан, керак бўлмаган товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда қандай ресурслар бўлишидан қатъий назар иқтисодий жиҳатдан фойдалилигини аниқлашда ажратиб кўрсата олмайди. Биринчи ҳолатда ресурсларни тусланиши билан ёки қўшимча самара, иккинчидан эса давлат ёки ижтимоий манфаатга боғлиқ.

Олдинги мавзуларда кўрдикки рақобатли бозор тизимининг қулайликларидан бири бўлиб ресурсларни самарали тақсимлаш экан. Ёки бошқача айтганда, ҳар бир турдаги товар ва хизматларларни ишлаб чиқаришда ресурслар тўғри ёки мақбул тақсимланади. Шу билан бирга рақобатли бозордаги ресурсларнинг самарали тақсимланишида яширинча равишда камчиликлар ҳам мавжуд. Яъни, ҳар хил турдаги товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилишда қўшимча самара ёки товланиш бўлмайди деб ҳисобланади. Товланиш товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган имконият ва харажатлар учунчи бир томонга яъни бевосита сотувчи ёки сотиб олувчи бўлмаган томонга ўтади. Товланиш шунингдек қўшимча самара деб ҳам юритилади. Чунки, у бозор олди-сотдисидида қатнашаётган индивид ёки гуруҳлар ҳисобига тўғри келадиган имконият ва харажатларни билдиради.

Товланиш харажатлари товарларни ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилишда учинчи бир томондан кутилмаган харажатлар пайдо бўлиши товланиш харажатларини билдиради. Бу харажатларнинг кўпгина қисми атроф муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ. Давлат харажатларининг товланиши

натижасида ресурсларнинг номутаносиб тақсимланишини олдини олиш учун қонунлар ва ўзига хос солиқлар қабул қилади.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти ривожланишига аралашувидан асосий мақсади, иқтисодиётга янги демократик усуллар билан раҳбарлик қилиш, барча хорижий мамлакатлар билан самарали иқтисодий интеграцияга ўтиш, ИТТ ютуқларидан самарали фойдаланиш асосида ресурслардан самарали фойдаланиш йўлга қўйиш ва аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришдир.

2-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда давлат томонидан юритиладиган макроиқтисодий сиёсат ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1 Давлатнинг макроиқтисодий сиёсатининг аҳамиятини очиб бера олади.

2.2 Макроиқтисодий сиёсатининг кўринишларини изоҳлаб бера олади.

2-асосий савол баёни: Бозор иқтисодиёти шароитида давлат мамлакат иқтисодиётига бевосита аралашади. Давлатнинг мамлакат иқтисодиётига аралашуви макроиқтисодий сиёсат орқали амалга оширилади. Бу сиёсатларга биз асосан қўйидагиларни киритамиз: 1. Бюджет; 2. Пул-кредит; 3. Дотация; Субвенция; Субсидия; 4. Халқ хўжалиги баланси; 5. Солиқ механизми; 6. Чегараланган баҳолар ва бошқалар.

Давлат бюджет харажатларини (давлат харажатлари ва трансерт тўловлари) кўпайтирилиши ёки қисқартирилиши орқали мамлакат иқтисодиётига аралашади. Давлат томонидан тартибга солишнинг бевосита усуллари ёки бюджет сиёсатига товар ва хизматларнинг давлат хариди, ЯММ ни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш ижтимоий дастурларни ишлаб чиқариш ва амалга ошириш давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар қисмидаги мутаносибликни таъминлаш, ишлаб чиқарувчиларга молиявий ёрдам шакллари кўрсатиш, нархлар устидан назорат ўрнатиш, экспорт ва импорт қилинадиган товарларга квоталар ўрнатишдан иборат. Аввалом бор у мамлакатда пул массасини тартибга солишга қаратилган ва унинг асосий вазифаси бўлиб нархлар ва реал миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига мос келадиган пул эмиссиясидан иборат. Бу сиёсатнинг асосий воситаси бўлиб, Марказий банк томонидан амалга ошириладиган ҳисоб ставкасини тартибга солиш, тижорат банкларининг мажбурий равишда Марказий банкда сақлайдиган резерв нормасини ўзгартириш, қимматбаҳо қоғозлар бўйича очик бозордаги операцияларни йўлга қўйиш ва шунингдек бошқа тадбирлардан иборат.

Давлат томонидан хўжаликларга кўрсатиладиган молиявий ёрдамлар дотация, субвенция ва субсидия шаклларида олиб борилади.

Дотация-бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан қайтариб олмаслик шарти билан хўжаликларнинг зарарларини қоплаш, шунингдек маҳаллий бюджетлар мутаносиблигини таъминлаш учун ажратилган пул маблағларидир.

Субвенция-қатъий мақсадлар учун бериладиган дотация тури бўлиб, ундан фойдаланиш шарти бузилганда уларни қайтариб олиш мумкин.

Субсидиялар - бу пул ёки натура кўринишидаги ёрдам тури бўлиб, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан кўрсатилади. Субсидиялар бевосита ва билвосита бўлиш мумкин. Тўғри субсидиялар капитал қўйилмалар, илмий тадқиқотлар, кадрларни қайта тайёрлашларга ажратилган маблағлар. Эгри субсидиялар солиқ имтиёзлари, имтиёзли шартларда кредитлар бериш, пасайтирилган божхона божлари.

Баланс - бу икки қисмдан иборат бўлган иқтисодий ҳисоб-китобдир. Биринчи бўлимда, ресурсларни ташкил этиш манбалари, иккинчисида улардан фойдаланиш йўллари кўрсатилади. Бозор иқтисодиёти шароитида кўп қиррали солиқлар тизимидан фойдаланилади. Аҳоли давлат бюджетига ҳар ойда олган даромадларига қараб даромад солиғи тўлайди, корхоналар эса олган фойдасига қараб фойдадан солиқ тўлайдилар. Давлат бозор тизимининг фаолият кўрсатишида баҳо механизмидан, хусусан чегараланган баҳолардан кенг фойдаланилади. Жумладан чегараланган баҳолар аҳолини химоя қилиш мақсадида айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига белгиланган. Чегараланган баҳо унинг ҳақиқий қийматларидан бир неча бароварига кам бўлиши мумкин. Давлат чегараланган баҳони белгилашда унинг бозор баҳосидан юқори ва кам белгилаши мумкин.

3-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда давлатнинг иқтисодиётга аралашувини зарурияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг моҳиятини очиб бера олади.

3.2. Давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг заруратини тушуна олади.

3-асосий савол баёни: Товар ва хизматларнинг индивидуал истеъмолдаги хусусиятларини қараб чиқадиган бўлсак, аввалом бор бу товарлар маълум бир миқдорда бўлади, яъни индивидуал сотиб олувчилар учун қулайдир. Бундан ташқари бу товарларни сотиб олувчилар товар қийматиغا мос равишда нархларни тўласагина унга эга бўлиши мумкин, аксинча бўлган шароитда эса ушбу товардан олиши мумкин бўлган имкониятга эга бўлмайди.

Айрим турдаги товар ва хизматлар мавжуд, яъни давлат ёки ижтимоий манфаат деб аталадиган товарларни бозор тизими умуман ишлаб чиқаришни мўлжалламаган чунки уларнинг хусусиятлари индивидуал истеъмолчиларга мўлжалланган товарларнинг хусусиятлари тескаривар. Бундан ташқари ижтимоий манфаатлар бўлинмайди ва уларни индивидуал истеъмолчиларга сотиш мумкин эмас. Масалан бундай товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга давлат химояси сув тошқинларини тартибга солиш, ҳашоратларга қарши ва бошқалар. Жамият ушбу хизматлардан манфаат олиш учун уларни давлат ишлаб чиқариши керак.

Бундан ташқари шундай хизмат турлари мавжудки. уларга қандайдир миқдорда нарх белгилаш мумкин. Масалан, кўча ва автомагистраллар, милиция ва ёнғинга қарши кураш, кутубхона ва музей, профилактик медицина хизматлари ва бошқалар.

Демак, бозор тизимидаги баҳо ижтимоий манфаатларни кўзлаб ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларга бўлган ресурсларни ажратмас экан, у ҳолда уларни ишлаб чиқариш механизми қандай олиб борилади.

Ушбу товар ва хизматларнинг ишлаб чиқаришга зарур бўладиган ресурслар тақсимоти асосан Давлат орқали гуруҳ ёки жамоа қарорларида қабул қилинади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак демократик давлатларда сиёсий усул яъни овоз бериш орқали аниқланади. Ижтимоий манфаатлар истеъмолчини ҳажми давлат сиёсатини билдиради. Сиёсий ареналарда қабул қилинган бу гуруҳ қарорлари уй хўжаликлари ва корхоналарининг бешта фундаментал саволларга берган жавобларига қўшимча бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий манфаатларининг ишлаб чиқариш учун шахсан индивидуал истеъмолдаги қандай ресурслар қайта тақсимланади? Тўлиқ бандлик шароитида фаолият кўрсатаётган иқтисодиётда давлат олдида ижтимоий манфаатдаги товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун индивидуал истеъмолдаги товарларнинг ишлаб чиқаришдан ресурсларни ажратиш муаммоси туради. Оддий усул бўлиб, хусусий тармоқдан товарларни ажратиб олиш учун хусусий талабни қисқартирилади. Бунга асосан уй хўжаликлари ва корхоналардан солиқларни олиш орқали эришилади. Уй хўжаликлари ва корхоналар кам даромад олиш натижасида ўзларининг инвестицион ва истеъмол харажатларини камайтиришади. Қисқача айтганда, солиқлар хусусий истеъмолдаги товар ва хизматларга бўлган талабни қисқартиради, бу ўз навбатида ресурсларга хусусий талабни қисқаришига олиб келади.

Давлат бу солиқларни тақсимлашда ижтимоий манфаатдаги товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни эътиборга олади ва шу соҳага маълум бир қисмини йўналтиради.

14–мавзу: Давлат сиёсатида ижтимоий мажмуа

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш.
2. Соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш ва иқтисодиётда тутган ўрни.
3. Соғлиқни сақлаш соҳасини халқаро амалиёти ва истиқболи.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: ижтимоий ҳимоя, ҳайрия жамғармаси, ижтимоий сиёсат, моддий ҳимоя, ижтимоий суғурта жамғармаси, ижтимоий ҳимоя шакллари, пенсия жамғармаси, оталиқ ёрдам, ижтимоий ёрдам ташкилотлари, ижтимоий таъминот.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1.1. Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоянинг аҳамиятини очиқ бера олади.

1.2. Ижтимоий таъминот шаклларининг бозор муносабатлари шароитидаги заруриятини кўрсатиш.

1-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларда аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Давлатнинг иқтисодий функцияларини очиб бера олади.

1.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йўналишларини ўргана олади

1- савол баёни: Мамлакатимизда вужудга келаётган макроиқтисодий вазиятга ҳамда иқтисодиётнинг амалда юксалишига асосланиб, биз энг аввало, биринчидан, иш ҳақининг энг кам миқдорини 3,5 баробар оширишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйишимизга ҳақлимиз. Иш ҳақи энг кам миқдорининг бундай оширилиши иқтисодий юксалишнинг Бошқа омиллари билан қўшилиб, шу даврда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадни 1,8-2,0 баробар оширишга имкон беради.

Иккинчидан, аҳолии даромадларини ошириш билан бир қаторда уларнинг харид қувватини ҳам ошириш зарур. Бунинг учун пулнинг қадрсизланишига қарши қаратилган қатъий чораларни куриш ва яқин беш йил ичида пулнинг қадрсизланиш даражасини 6-8 % камайтиришга эришиш зарур. Асосан мамлакатимизда ишлаб чиқаришни юксалтириш ҳисобига ички истеъмол бозорини кундалик зарур товарлар билан мунтазам ва ишончли тарзда тўлдириш чора- тадбирларини амалга ошириш даркор. Шу мақсадда саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида истеъмол товарларининг улушини яқин беш йил ичида 60 % га етқарзиш зарур.

Учинчидан, аҳолини ижтимоий муҳофазалашнинг амалдаги механизмини танқидий баҳолаш ва мустаҳкамлаш, унинг аниқ тоифадаги кишиларга қаратилишини кучайтириш лозим.

Давлат томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳажми ва миқдорини кўпайтириш билан бир вақтда ҳақиқатда ёрдамга муҳтож бўлган кишилар ва оилаларни ижтимоий ёрдам олишларини таъминлаш лозим.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимида ёлғиз қариялар, нафақахўрлар ва ноғиронларнинг талаблари ва эҳтиёжларига алоҳида эътибор бериш лозим.

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот органлари яқин беш йил ичида ёлғиз нафақахўрлар ва ноғиронларнинг уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш, уларни дори-дармонлар ва махсус муолажа билан таъминлаш, қариялар ва ноғиронлар уйларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора- тадбирларини ишлаб чиқишлари зарур.

Ноғиронларни тўлақонли фаол ҳаётга қайтариш учун уларнинг жисмоний имкониятларини ҳисобга олиб, уқитиш, қайта уқитиш ва ишга жойлаштиришни ташкил этиш лозим.

Шунингдек, ноғирон болаларни тиббий, ижтимоий жиҳатдан мадад бериш ва меҳнат қобилиятини тиклашни, касб ўргатиш ва сунгра ишга жойлаштиришнинг кўзда тутадиган махсус Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур.

Тўртинчидан, янги иш жойларини барпо этиш ва аҳолининг иш билан оқилона бандлигини таъминлаш бўйича фаол сиёсат ўтказиш керак. Бу борада ишсизликнинг олдини олиш, меҳнатга яроқли ҳар бир фуқаро ўз меҳнатидан даромад топиб, эҳтиёжларини қондириши, турмуш даражасини,

оиласи ва болалари фаравонлигини ошириши учун зарур шарт-шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Бешинчидан, ижтимоий инфратузими, аввало, қишлоқ жойларида янада ривожлантириш, аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш юзасидан қабул қилинган Давлат дастурини бажариш керак.

2-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш ва иқтисодиётда тутган ўрни тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1 Соғлиқни сақлаш соҳасини бошқаришни ўргана олади.

2.2 Соғлиқни сақлаш соҳасини иқтисодиётда тутган ўрни ёрита олади.

2-асосий савол баёни: 2010 йилда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва ушбу тизимда сифат ўзгаришларини амалга оширишни таъминлаш борасидаги ишлар давом эттирилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган ва республика ҳамда вилоятлар шошилишч тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасалари тармоғи шаклланди.

Барча вилоятлар марказларида катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ҳар бир туманда энг замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу қишлоқ врачлик пунктларининг сони 2000 йилга нисбатан 2 баробар кўпайиб, 3 минг 200 тадан ошди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича юксак самарали замонавий тиббиёт муассасаларининг мустаҳкам тизими яратилгани шу йўлдаги муҳим қадам бўлди.

Вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида скрининг марказлари ташкил этилди ва уларнинг фаолиятини таъминлаш учун 2010 йилнинг ўзида 4 миллион доллардан ортиқ маблағ йўналтирилди. 2010 йилда 116 минг нафардан зиёд бўлажак она скрининг марказларида тиббий кўрикдан ўтказилди.

Шу билан бирга, перинатал марказлар тармоғи ҳам жадал ривожланмоқда. Ўтган ўн йил давомида юртимизда 11 та перинатал марказ ташкил этилди. 2010 йилда уларда 158 минг нафардан ортиқ, яъни 2000 йилга нисбатан 10 баробар кўп она ва бола тиббий кўрикдан ўтказилди.

Бунинг натижасида кейинги ўн йилда мамлакатимизда оналар ўлими коэффиценти 33,1 промилледан 19,7 промиллега, болалар ўлими коэффиценти эса 18,9 промилледан 10,1 промиллега тушди. Туғма ва ирсий касалликлар билан туғиладиган болалар сони қарийб икки баробар камайди.

Шу йилларда аҳолининг юқумли касалликлар, жумладан, сил, гепатит каби оғир турдаги ва бошқа хасталикларга чалинишининг умумий даражаси анча пасайди. Бундай натижаларга эришишда шифокорлар ва тиббиёт ходимларининг меҳнатини моддий рағбатлантиришни кучайтириш, уларнинг касб тайёргарлиги даражасини ошириш, мамлакатимиз фармацевтика саноатини жадал ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам муҳим

омил бўлмоқда. Биргина 2010 йилнинг ўзида 32 номдаги янги дори препаратларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга қараганда 23 фоизга кўпдир.

2010 йилда стационар тиббиёт муассасаларида қўшимча равишда 1 минг 630 та ёки 2009 йилга нисбатан қарийб 2,5 марта кўп даволаниш ўринлари фойдаланишга топширилди.

Ҳисобот даврида соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш учун жами 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди, бунинг 1 триллион 700 миллиард сўми бюджет

3-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга соғлиқни сақлаш соҳасини халқаро амалиёти ва истиқболи тўғрисида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1. Соғлиқни сақлаш соҳасини халқаро амалиёти моҳиятини тушунтира олади.

3.2. Соғлиқни сақлаш соҳасини истиқболини ёрита олади.

3-асосий савол баёни: Соғлиқни сақлаш ривожланишининг халқаро амалиётини таҳлили этиш тиббиёт тузилмасини ўз вақтида қараб чиқиш ва уни тартибга солиш масалаларини хал этиш зарурлигини кўрсатади.

Масалан, инглиз тилида сўзлашадиган бешта йирик мамлакат (Австралия, Буюк Британия, Канада, Янги Зеландия, ва АҚШ) соғлиқни сақлаш тизими кейинги ун йиллик мобайнида давлат хизматчилари ва врачларнинг фаолиятидан норозилик туфайли жидий ўзгаришларга учради. Ушбу мамлакатлар кўпчилигининг расмий шахслари консенсусга эришиш ва ўзгаришларни қўллаб қувватлаш мақсадида коалицияни шакллантириш учун ислохотларни моделлаштириш ва стратегия билан шуғулланадилар. Соғлиқни сақлашга харажатлар камайтирилишига уриниш унинг сифат жиҳатдан яхшиланишига эътибор ортиши билан мувофиқлаштирилиши кераклиги тўғрисидаги нуқтаи назар кучаймоқда.

Ривожланган мамлакатлар тизимларининг энг сўнги кўрсаткичларини такослаш шуни кўрсатадики, бунда бир неча йил мобайнида соғлиқни сақлаш тўғрисидаги бахсларда устунлик қилувчи уч параметр қўлланади. Улар қиймат, хизматлардан фойдаланиш ва натижалар. Айрим солиштиришлар учун маълумотлар базасига киритилган 29 мамлакат маълумотларидан, айримлари учун эса фақат «катта еттилик» мамлакатлари (Канада, Франция, Германия, Италия, Япония, Буюк Британия ва АҚШ) маълумотларидан фойдаланилди.

Соғлиқни сақлаш ижтимоий йўналтирилган соҳа тармоги сифатида бозор механизми амал қилинишини бузиб кўрсатувчи бир қанча хусусиятларга эга. Улар орасида тиббий хизматларнинг кўпчилик турлари «ижтимоий товар» хоссасига эга эканлиги, мижозларнинг бу соҳада тегишли маълумотларга эга эмаслиги, тиббий ёрдамнинг асосий турларини олишдаги тенглик тамойилини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Соғлиқни сақлашни бозор муносабатлари асосида йўналтириш халқаро тажрибасини қўллаш ушбу соҳанинг қатъий жиҳатдан характерли бир қанча янги белгиларида ўз аксини топади.

2011 йилда соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасидаги ишлар изчил ва тизимли асосда давом эттирилди.

Даволаш-профилактика муассасаларини реконструкция қилиш, уларни замонавий лаборатория, диагностика ва даволаш жиҳозлари билан таъминлаш учун қиймати қарийб 137 миллиард сўмлик бюджет маблағлари ҳамда 136 миллион долларлик хорижий имтиёзли кредит ва грантлар йўналтирилди.

Умуман олганда, кейинги ўн йил мобайнида соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган бюджет маблағлари ҳамда имтиёзли кредит ва грантлар 750 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида қабул қилинаётган изчил чора-тадбирлар кейинги ўн йилда аҳолининг умумий касалланиш кўрсаткичларини сезиларли даражада қисқартириш имконини берди. Ҳар юз минг кишига ҳисоблаганда, ижтимоий хавфи катта бўлган касалликларга чалиниш ҳолатлари, жумладан, туғма нуқсонлар билан туғилиш — 32,4 фоизга, юқумли касалликлар — 40 фоизга, юқори нафас органларининг ўткир инфекциялари билан оғриш — 4,2 баробар камайди. Дифтерия, паратиф, полиомиелит, безгак касалликларига чалиниш ҳолатларига бутунлай барҳам берилди.

2011 йилда 5,9 миллион нафар хотин-қиз ҳар йили ўтказиладиган тиббий кўрикдан, қарийб 150 минг ҳомиладор аёл скрининг текширувидан ўтказилди. Қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган 243 мингдан ортиқ ҳомиладор аёл поливитаминлар билан бепул таъминланди. Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш даражаси қарийб 100 фоизни ташкил этди.

Юртимиз таълим ва тиббиёт муассасаларини замонавий талаблар ва халқаро андозалар асосида ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни тизимли амалга ошириш мақсадида 2011 йилда бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ташкил этилди ва у 2012 йилнинг биринчи кунларидан иш бошлади.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида биз эришган бундай катта ютуқлар ўтган йили Тошкентда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” мавзuidaги халқаро симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан юксак баҳоланди.

15–мавзу: Меҳнат бозорини тартибга солиш ва аҳоли бандлиги муаммолари

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Меҳнат ресурслари, таркиби, унумдорлиги уларнинг аҳамияти.
2. Қишлоқ хўжалигида меҳнат бозори.
3. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги даражасини фойдаловчи кўрсаткичлар.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: меҳнат ресурслари, таркиби, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқаришнинг даврийлиги, меҳнат бозори, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат қилиш эквиваленти, меҳнат ресурсларининг ортиқчалиги, меҳнат ресурсларининг етишмаслиги.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

- 1.1. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш йўлларини кўрсатинг?
- 1.2. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи қандай омиллар мавжуд?

1-савол бўйича дарс мақсади: Талабаларга меҳнат ресурслари уларнинг таркиби ва унумдорлиги тўғрисида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1 Меҳнат ресурслари тушунчасини изоҳлаб бера олади.
- 1.2. Меҳнат ресурсларининг таркиби ва унумдорлигини ўргана олади.

1-асосий савол баёни: Аҳолининг меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган кишиси меҳнат ресурслари ҳисобланади. Уларга 15 га кирган ўсмирлар, 16-55 ёшгача бўлган аёллар, 16-60 ёшгача бўлган эркаклар ҳамда пенсия ёшидаги меҳнатга қобилиятли бўлган фуқаролар киради. Шу масала «Меҳнат кодексида» «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» кодекс ва қонунда батавсил ёритилган.

Меҳнат унумдорлиги юқори бўлган корхоналарда, тармоқларда иқтисодиёт даражаси юқори суръатлар билан ривожланган бўлади. Шунинг учун бу масалага яъни меҳнат унумдорлигини юксалтиришга республикамиз ҳукумати доимо катта эътибор бермоқда. Меҳнат ресурслардан фойдаланиш масалаларини ҳал этишда унинг бир қанча хусусиятларига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш унинг унумдорлиги об-ҳаво шароитларга бевосита боғланган. Ишлаб чиқаришнинг даврийлиги (сезонлиги) ундаги ишларни механизациялашганлик даражасининг нисбатан пастлиги ҳам муҳим масаладир. Қишлоқ хўжалигида фуқароларнинг меҳнат қилиш қобилияти тор доирада ихтисослашмаган. Бу тармоқда меҳнат қилаётганларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Меҳнат ресурслари ўзларининг анча вақтини, қобилиятни шахсий хўжалик ташкил этади ва бошқалар. Бу уларни бир қанча мисоллар билан исботлаш жуда зарур.

2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш масаласини ҳал қилиш ҳам эътиборимиз марказида бўлди.

Худудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўрнининг 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилди.

2-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга қишлоқ хўжалигида меҳнат бозорининг фаолияти тўғрисида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Қишлоқ хўжалигида меҳнат бозорининг аҳамиятини тушуна олади.

2.2. Қишлоқ хўжалигида меҳнат бозорининг фаолият юритишининг аҳамиятини очиб бера олади.

2-асосий савол баёни: Қишлоқ хўжалигида фуқароларнинг меҳнат қилиш қобилиятини таклифи ҳамда уларни ишга олиш (сотиб олиш) яъни иш билан таъминловчилар ўртасида юз берадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини амалга оширадиган манзил (худуд) меҳнат бозори эканлигини далолат беради. Меҳнат бозорида ўзларининг меҳнат қилиш қобилиятини таклиф этувчи фуқаролар бир томонда уларни ишга олишга қаратилган, яъни ишга олувчи корхоналар иккинчи томонда учрашиб меҳнат олашув (меҳнатни олди-сотди) жараёнини амалга оширувчилар қатнашдилар. Меҳнат бозори иқтисодий муносабатларини амалга оширувчи бозорлар тизимининг муҳим таркибий қисмидир.

Меҳнат бозорида талаб ва таклиф қонунларининг талабларини бажарилишини таъминлаш мақсадида қўйидаги ҳолатга шакллантирилиши лозим.

1. Меҳнат бозорида ҳар қандай бозордагидек, кишини меҳнат қилиш қобилиятини олди-сотди қилиш жараёни эркин рақобат асосида таъминланиши лозим (меҳнат қилиш қобилиятини сотишни хоҳлаганлар сотишга) беришга, уни сотиб олувчи корхоналарга эса олиш, сотиб олиши имкониятларига шароит яратилиши керак.

2. Масалан меҳнат қилиш қобилиятини олди-сотди жараёнини амалга оширилиши натижасида меҳнат қилиш қобилиятини берувчилар (сотувчилар) унга эгаллик қилиш ҳуқуқларини сотиш эвазига иш ҳаққи (баҳосини) олишлари, меҳнат қилиш қобилиятини олувчилар эса ҳақ тўлаш эвазига меҳнатга эгаллик қилиш ҳуқуқини сотиб олиш имконияти яратилиши зарур. Сотиб олувчи ишчини меҳнат қилиш қобилиятига эгаллик қилиш, ундан унумли фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

3-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда меҳнат ресурслари ва меҳнат унумдорлиги тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1 Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни ўргана олади.

3.2 Меҳнат унумдорлигини тушунтира олади.

3-асосий савол баёни: Меҳнат ресурслари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун улардан йил давомида тўлиқ, самарали фойдаланиш лозим. Улардан қандай фойдаланилаётганликни бир қанча кўрсаткичлар ёрдамида аниқлаш мумкин. Энг аввало меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти. У ҳақиқатда ишлаб чиқаришда ишлаган меҳнат ресурсларининг миқдорини (кишиларни) меҳнат ресурсларининг мавжуд бўлган миқдорига тақсимлаш йули билан аниқланади. Унда кўйидаги формуладан фойдаланиш мумкин.

$$MP = MP_{и} / MP_{м};$$

бунда: $MP_{и}$ - ҳақиқатда ишлаган меҳнат ресурслари(киши);

$MP_{м}$ - мавжуд бўлган меҳнат ресурслари.

Меҳнатга қобилиятли бир кишининг 1 йилда, 1 ойда ўртача ишлаб чиқаришда қатнашган вақти. Уни аниқлаш учун ишлаб чиқариш жами сарфланган иш вақтини (киши кунлари, соатларида) шуни сарфланган (ишлаган) жами меҳнат ресурсларининг умумий миқдорига тақсимлаш лозим. Уни кўйидаги тенглик ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$MP_{ив} = \frac{\sum C_{ив}}{\sum MP_{и}};$$

унда: $MP_{ив}$ - ўртача ишлаб чиқаришда қатнашган вақти (к/к/с);

$\sum C_{ив}$ - жами сарфланган иш вақти (к/к/с).

Юқоридаги кўрсаткичлар қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳамда учун унумдорлигини меҳнат унумдорлиги даражаси қандай аҳволда эканлигини аниқлаш ва уларни тўлиқ таҳлил қилиш имкониятини беради. Шунча асосланган ҳолда келажакда меҳнат ресурсларидан яхши фойдаланиш ошириш чора-тадбирларини белгилашга жуда катта ёрдам кўрсатади.

16-Мавзу. Миллий иқтисодий ривожланишининг макроиқтисодий дастурларини тузиш.

Ажратилган соатлар-2соат.

Асосий саволлар.

1. Иқтисодий тизимлар тавсифи ва уларнинг моделларини турлари.
2. Макростратегиялар танлашнинг хорижий тажрибаси. Макростратегик дастурлар.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: иқтисодий тизимлар, иқтисодий моделлар, иқтисодиётнинг барқарорлиги, доиравий моделлар, бозор механизми, макростратегия, макростратегик дастурлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, америкача модел, японча модел, шведча модел.

1-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда иқтисодий тизимлар тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Иқтисодий тизимлар тушунчасини изоҳлаб бера олади.

1.2. Иқтисодий тизимлар моделларини тушунтира олади.

1-асосий савол баёни: Инсон ва жамиятнинг фаолияти учун маълум шарт шароитлар зарур бўлади. Бундай шароитлар корхона ва ташкилотлар, бошқарув идоралари, уй хўжалиги фаолиятида яратилади ва амалга оширилади. Инсоният учун зарур бўлган неъматлар ва объектив тарзда тарк топган иқтисодий муносабатларни такрор ишлаб чиқариш учун умум жараёни иқтисодий тизимни ташкил топади. Ҳамда инсоният тузилишининг асоси ҳисобланади.

Ҳар бир мамлакат ўзини ижтимоий-иқтисодий, тарихий ва миллий хусусиятларини объектив акс эттирувчи иқтисодий тизимни акс эттиради. Иқтисодий тизимлар асосан ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчилик шакллари ва иқтисодий фаолиятни бошқариш усули билан фарқланади. Уларни шартли равишда 3 турга ажратиш мумкин:

1. Устун даражада мулкка асосланган бозор тизими бўлиб, унда хўжалик юрутувчи субъектларнинг фаолиятлари давлат томонидан умуман тартибга солинмайди, Иқтисодиётнинг барқарорлиги ва тараққий этиш бозор механизми ёрдамида амалга оширилади. Эркин нархлар ва рақобат бозор механизмини ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб ҳисобланади.

2. Маъмурий буйруқбозлик тизими ҳисобланиб, биринчисига бутунлай қарама қарши. Бу тизимда ишлаб чиқариш воситалари асосан давлат мулки ҳисобланади. Давлат томонидан ресурслар, маҳсулотлар ва даромадларнинг барча доиравий айланиши кўрсатмали солиштириш воситаси орқали қатъий бошқариб борилади.

3. Аралаш тизим ҳисобланиб ҳозирги замон тараққий этган мамлакатларига тегишли. Бу тизимда мулкчиликнинг барча шакллари (хусусий, жамоа, давлат ва бошқалар) тенг ҳуқуқга эга бўлиб, унда иқтисодий фаолиятни бошқариш бозор механизми ва давлатнинг кенг аралашуви ёрдамида амалга оширилади.

Турли мамлакатларда бозор ва давлат муносабатлари бир ҳил эмас. Масалан: Кўпчилик Европа мамлакатларида иқтисодиётни бошқаришда давлат сезиларли ўрин эгалласа, АҚШ да аксинча, кенг имкониятлар хусусий тадбиркорликка берилган.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, агарда иқтисодий тизимлар мулкчиликнинг қандайдир бир шаклга устун даражада асосланган бўлса, улар барқарорлик ва ўз-ўзида ривожланиш хусусиятига эга бўлмайди. Бунда у ҳоҳ хусусий ҳоҳ у давлат мулки бўлмасин. Шунинг учун ҳам аралаш иқтисодий тизимни шакллантириш ва янада ривожлантириш жаҳоннинг барча мамлакатларига хос бўлган йўналиш ҳисобланади ҳамда бунда давлатга тақсимлаш ва қайта тақсимлашда кенг ваколатлар берилади.

2-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга макростратегик дастурлар тўғрисида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1 Макростратегияларни танлашни изоҳлаб бера олади.

2.2 Макростратегик дастурларнинг аҳамиятини очиб бера олади.

2-асосий савол баёни: Ҳозирги замонда соф иқтисодий системага асосланган давлатни топиб бўлмайди. Ҳар бир тизим хўжалик юретишнинг миллий моделига эга. Маъмурий буйруқбозлик совет, хитой моделлари мавжуд эди. Шулардан энг машҳурларини санаб ўтамиз.

Америкада модел - тадбиркорлик фаоллигини тақдирлаш, фаол аҳолини бойитиш асосига тузилган. Кам таъминланганларни қисман енгиллаштириш ва ёрдам бериш кузда тутилган. Бу модел меҳнат унумдорлигини юқори бўлишига ва шахсий муваффақиятга эришишга асосланади.

Японча модел - аҳолини яшаш даражасини (шу жумладан иш ҳақи даражаси) меҳнат унумдорлигидан орқада қолиш билан характерланади. Шу асосда дунё бозорида таннархни пасайишига эришилади. Бу модел миллий ўз-ўзини англашга, миллатни қизиқиш билан ҳар бир инсоннинг қизиқишдан устун бўлса мамлакатнинг гуллаб яшнашида маълум йўқотишлар ҳисобига бўлади.

Шведча модел-кучли ижтимоий сиёсатга асосланади. Бу давлат кўлида асосий фоидаларнинг 4 фоизгина бўлади, давлат харажатлари эса ЯИМнинг 70 фоизни ташкил этади. Харажатларнинг ярмидан кўпроқ ижтимоий эҳтиёжларга ишлатилади. Швецияда солиқлар миқдори жуда юқори, шунинг ҳисобига аҳоли турмуш даражаси энг юқори давлат ҳисобланади. Бундай модел «функционал ихтисослаш» деган ном олган. Ҳусусий корхоналарга юклатилган, аҳолини юқори турмуш даражасини таъминлаш эса (бандлилик, таълим, ижтимоий суғурта) давлатга юклатилган.

Режали иқтисод 1990 йилларга ўзини имкониятларини йўқотди.

Ўзбекистон 1991 йил мустақил бўлгандан кейин бозор иқтисодиётига ўтишнинг реформаси ишлаб чиқилади. Аралаш иқтисодиёт вужудга келди.

Президентимиз томондан аралаш тизимнинг миллий модели ишлаб чиқилди. Ижтимоий ҳимояланган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлатни қуришга киришилди. Юқорида кўрсатилган моделлар асосида макростратегиялар танлаш мумкин.

Республикамизда социал-иқтисодий ривожланишда 5 тамойилга асосланади:

1. Иқтисодни сиёсатдан устунлигини таъминлаш.
2. Ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш.
3. Давлат асосий ислоҳатчи.
4. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш.
5. Кучли ижтимоий ҳимоя.

Макростратегик дастурлар ишлаб чиқишнинг асосий йуналишлари.

Макростратегик дастурларга:

-давлатнинг ижтимоий сиёсати бўйича - дастурлар:

-аҳолини турмуш даражасини стратегик ривожлантириш.

-аҳолини такрор ишлаб чиқариш ишчи кучи ва бандлилик дастурлари.

-ижтимоий соҳа тармоқларни ривожлантириш дастурлари.

-илмий-техника тараққиёти дастурлари.

-экология бўйича дастур ва ҳоказолар.

17–мавзу: Стратегик режалаштириш ва ҳудудий иқтисодиётнинг муаммолари

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Ҳудудий стратегияни роли.
2. Ҳудудий стратегияни таркиби ва тузилиши.
3. Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муқобил стратегияни излаш.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Ҳудудий инновацион стратегия, ҳудудий илмий-техник фаолият, инновацион ривожланиш, ҳудудий стратегиялар, меҳнат потенциали, такрор ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури, илмий-техника ресурслари, илмий-техник жиҳозлаш, маҳсулотлар ҳажми.

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

- 1.1. Ҳудудийларни ижтимоий-иқтисодий чегаралаш муаммолари.
- 1.2. Ҳудудни илмий-техник потенциалнинг иқтисодиётга таъсири.

1-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга ҳудудий стратегиянинг аҳамиятини очиб бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Ҳудудий стратегия тушунчасини изоҳлаб бера олади.
- 1.2. Ҳудудий стратегиянинг аҳамиятини очиб бера олади.

1-асосий савол баёни: Ҳудудий–инновацион стратегия макро ва микроинновацион стратегиялари оралиғидаги стратегия ҳисобланади. Унинг роли шундан иборатки, ҳар қандай ишлаб чиқариш ва инновацион жараён ўзининг ҳудудий жойлашувига эгадир. Давлат даражасидаги макростратегия марказлашган ресурсларни аниқ, ҳудуддаги корхона ва ташкилотларга жойлаштириш йўли билан амалга оширилади. Бу корхона ва ташкилотлар маҳаллий ашёлар, ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурслар, ишлаб чиқаради, илмий инфратузилмалардан фойдаланадилар. Агар кўрсатилган элементлардан биронтаси етарли даражада ривожланган бўлмаса, унда мазкур ҳудудда макроинновацион стратегияни амалга ошириш чегараланиб қолади.

Макродаражадаги ҳудудий муоммоларни ҳисобга олишни зарурий қирраларидан бири бу-ҳар қандай давлатки алоҳида ҳудудларни ривожлантиришга аҳамият беришидир.

Ҳудудий стратегияни шакллантириш ва амалга ошириш зарурлигини мувофиқлаштирувчи тўртта асосий омилни ажратиш мумкин:

- макроинновацион стратегияларни ҳудудий аспекти;
- ҳудудни ривожлантиришни давлат сиёсати;
- ҳудудлар ривожланишини шахсий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник мақсадлари;
- корхоналарни микроинновацион стратегиялари;

Ҳудудий ривожланиш даражаси ва илмий-техник комплекслар функцияси:

-илмий-техник парклар технополисларни куриш ва молиялаштириш, жойлаштириш режаларини ишлаб чиқади;

-илмий-техник фаолиятни ҳудудий бошқарув органларига раҳбарлик қилади.

Янгилик киритиш комплекси вазифалари ва тузилишидаги фарқлар кўпроқ ҳудудни илмий-техник ривожланиш даражасига боғлиқ булади. Ҳудудларни бу белгиларга кўра шартли равишда 3 та гуруҳга бўлиш мумкин: юқори, ўрта ва кучсиз ривожлаган.

Юқори даражадаги ҳудудларни илмий-техник стратегияси аввало илмий потенциалдан фойдаланишга йўналтирилган. Бошқа йўналиш эса илмий-техник қарорларни шакллантириш ва экологик вазиятни яхшилашдан иборатдир. Чунки яхши ривожланган ҳудудларда экологик вазият талабга жавоб бермайди. Ўрта даражада ривожланган ҳудудлар энг аввало ўзини илмий-техник соҳаларини ва саноатини кўтариш, ривожлантиришдан манфаатдордирлар. Бу ҳудудлар энг мувофиқ стратегиялар бирикмасини топишлари керак:

-технологик санчиш;

-юқори даражада ривожланган ҳудудларда самарасиз ҳисобланадиган, лекин бозорда барқарор талабга эга бўлган ишлаб чиқаришни оралик синфини ўзлаштириш.

Кучсиз ривожланган ҳудудлар ўзини стратегияси мавжуд табиий ресурслардан, иқлимий хусусиятлардан ишга қаратилади. Асосий вазифа - шунинг асосида малакали кадрлар ва меҳнат ресурслар билан таъминлаш. Агар ҳудудда меҳнат ресурслари керакли даражадан ортиқ булса, бунда кўшимча иш жойларини ташкил этиш ва кўп ишчи талаб этиладиган корхоналарни барпо этиш вазифаси вужудга келади. Охирги вазифа юксак даражада ривожланган ҳудудлардаги корхона филиалларини ривожлантириш ҳамда лицензия ва патентлардан фойдаланиш ҳисобига ҳал қилиниши мумкин.

2-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларда ҳудудий стратегияларнинг таркиби ва тузилиши тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Ҳудудий стратегияларнинг таркибини ўргана олади.

2.2. Ҳудудий стратегияларнинг тузилиши очиб бера олади.

2-асосий савол баёни: Ҳудудда меҳнатни такрор ишлаб чиқариш имкониятлари коэффициенти кўйидагича аниқланиши мумкин:

$$K_{ТВВ} = Чст/ЧЗ \quad (1)$$

бу ерда:

Чст-ишлаб чиқаришда банд бўлган талабалар сони.

ЧЗ-ноишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган талабалар сони.

Коэффициент катталиги малакали илмий кадрлар резерви мавжудлигини кўрсатади. Агар Ктвв кўрсаткичи юқори бўлса худудий марказни олий ўқув юртларини ўзида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Илмий-педагогик кадрларни ривожланиши коэффициенти профессор-ўқитувчилар сонини худуддаги банд бўлган аҳоли сонига бўлиш орқали топилади:

$$\text{Крипс} = \text{Чпс}/\text{ЧЗ} \quad (2)$$

бу ерда:

Чпс-профессор ўқитувчилар сони.

ЧЗ-банд бўлган аҳолини сони.

Крипс катталигича худуддаги илмий-техник даражаси потенциалини асосий индикатори ҳисоблананди.

Илмий-текшириш меҳнат потенциали даражаси қўйидагича топилади.

$$\text{Крпис} = \text{Чнии}/\text{ЧЗ} \quad (3)$$

бу ерда:

Чнии - ИТИ ва Кб да банд бўлганларнинг сони

ЧЗ- банд бўлганларнинг умумий сони.

Бу коэффициент тармоқ ва академик илмий изланиш ва конструкторлик ташкилотлар базасида марказларни ташкил этиш имкониятларини баҳолашга ёрдам беради. Аҳолини умумий маълумотлилик даражаси қўйидагича аниқланади:

$$\text{Коу} = \text{Чво}/\text{ЧЗ} \quad (4)$$

бу ерда:

Чво-олий маълумотлилар сони.

ЧЗ-банд аҳолини умумий сони.

Мазкур коэффициент худудни умумий интеллектуал муҳитини тавсифлайди.

Кадрларни илмий техник концентрация даражаси қўйидагича аниқланади:

$$\text{Ккнк} = \text{Чзн}/\text{Пр} \quad (5)$$

бу ерда:

Чзн-илмий соҳада банд булган сони шунингдек илмий педагогик кадрлар ҳам.

Пр-худуд майдони.

Ккнк коэффициенти худуд майдонини илмий техник меҳнат ресурслар билан таъминланганлигини кўрсатади.

ожланиши коэффициентини аниқланг.

3-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси тўғрисида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1 Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишни ўргана олади.

3.2 Худудда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини қўллашнинг моҳиятини очиб бера олади.

3-асосий савол баёни: Худудни ишлаб чиқариш-техник ва илмий-техник ресурслар билан жиҳозланганлиги кўрсаткичлари.

Мазкур кўрсаткичлар гуруҳи қўйидагиларни аниқлайди:

-ишлаб чиқариш - техник жиҳозланганлик даражаси:

$$K_{пто} = \Phi_{со} / \Phi_{п} \quad (6)$$

бу ерда:

$\Phi_{со}$ - корхонани асосий фондларини қиймати. Булар ишлаб чиқариш-техник жиҳозланиш учун мураккаб маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

$\Phi_{п}$ - худуддаги ишлаб чиқариш объектларидаги асосий фондларнинг умумий қиймати.

Мазкур коэффициент корхонани ишлаб чиқариш аппаратини Худудга янгиликлар киритишини шакллантиришда фойдаланиш имкониятини тавфсифлайди:

-илмий-техник жиҳозланганлик даражаси:

$$K_{ито} = \Phi_{нт} / \Phi \quad (7)$$

бу ерда:

$\Phi_{нт}$ - ИТИ ва КБ лардаги асосий фондлар қиймати, шунингдек алоҳида олий ўқув юртларидагилар ҳам.

Φ -худуддаги ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларининг асосий фондлари қиймати.

Кито ёрдамида худуднинг илмий-техник базасини баҳолаш мумкин бўлади.

-тажриба синов қувватлари билан таъминланганлик:

$$K_{оэо} = \Phi_{оэ} / \Phi_{н} \quad (8)$$

бу ерда:

$\Phi_{оэ}$ - тажриба синов корхоналарнинг асосий фондлари қиймати.

$\Phi_{н}$ - ИТИ, КБ, олий ўқув юртларининг асосий фондларини қиймати.

18–мавзу: Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш йўллари

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Ташқи иқтисодий алоқалар стратегияси ва ташқи савдо обороти.
2. Ташқи иқтисодий алоқалар ҳамда экспорт ва импорт таркиби.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: ташқи савдо алоқалари, ташқи савдо обороти, иқтисодий ҳамкорлик, ташқи иқтисодий алоқалар, экспорт-импорт операциялари, хорижий инвестициялар, ташқи иқтисодий алоқалар, экспорт, импорт, хорижий инвестициялар, дотация, халқаро ташкилотлар

Мавзуда кўриб чиқиладиган муаммолар:

1.1. Ташқи савдо оборотининг ташқи иқтисодий алоқаларни мустақамлашдаги аҳамияти.

1.2. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг иқтисодий ўсишга таъсири.

1-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга ташқи савдо алоқалари ва ташқи савдо обороти тўғрисида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Ташқи савдо алоқаларининг аҳамиятини очиб бера олади.

1.2. Ташқи савдо обороти ва унинг аҳамиятини тушунтира олади.

1-асосий савол баёни: Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги ички стратегияси қўйидагиларни ўз ичига олади: экспорт-импорт операцияларини марказлаштирмаслик; давлат эҳтиёжлари учун зарур товарларининг экспорти ва импорти устидан назоратни кучайтириш; давлат учун стратегик муҳим бўлмаган товарлар экспортини осонлаштириш; экспортнинг хомашёвий йўналишини бартараф этиш, хорижий инвестициялар оқимининг кенгайишига кўмаклашиш.

Мустақил Республиканинг ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги янги сиёсати жаҳондаги жуда кўп мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқаларни кенгайтиришда ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон ва Европа иттифоқи ўртасида тўқимачилик маҳсулотлари савдоси бўйича битим тузилган. Ўзбекистонда Европа Иттифоқининг «Таъсис» техникавий кўмаклашиш дастурлари муваффақиятли ривожланмоқда.

Ўзбекистон экспортининг асосий маҳсулотлари: пахта толаси (пахта толаси экспортни бўйича жаҳонда АҚШдан кейин 2-ўринни эгаллайди), машиналар, уларга жиҳозлар ва эҳтиёт қисмлар ва қора металллар, минерал хомашё, ўғит, пилла, пахта чиқиндилари, ўсимлик мойи, ип газлама.

Ўзбекистонда 30 дан ортиқ, маҳсулот тури четдан келтирилади. Буғдой, гўшт ва сут маҳсулотлар, сут ва сут маҳсулотлари, шакар, мойли ўсимликлар уруғлари ва мевалар, чой, кофе, ширинликлар, картошка, фармацевтика маҳсулотлари, кийим-кечак, трикотаж, чарм, пойабзал, автомобиллар (енгил, юк ва махсус ишларга мулжалланган), қора ва рангли металллар ҳамда улардан ясалган маҳсулотлар, телерадиоаппаратура, машиналар, ускуна-жиҳозлар импортнинг асосий бандларини ташкил этади. Мамлакат четдан оладиган жами товарларининг 18,2% дан кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этди. Бозор иқтисодиёти муносабатларининг қарор топиши даражасига қараб республиканинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобига қондиришнинг узоқ муддатли режаси белгиланган.

Ўзбекистон ҳукумати кўрган чора-тадбирлар натижасида республикада ғалла етиштириш кескин кўпайди, шу ҳисобдан ғалла импорти 2 марта, гуруч импорти 10 марта, умуман озиқ-овқат маҳсулотлари импорти жиддий қисқарди. Аҳоли жон бошига экспортнинг миқдори жиҳатидан Ўзбекистон

МДХга олдинги ўринларда. Ўзбекистоннинг ташқи савдо баланси актив сальдога эга.

2-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1 Ташқи иқтисодий алоқаларнинг моҳиятини ўргана олади.

2.2 Экспорт ва импорт таркибини изоҳлаб бера олади.

2-асосий савол баёни: 2010 йилда ташқи савдо ва тўлов баланслари ҳам сезиларли даражада муस्ताҳкамланди.

Ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида экспортнинг умумий ҳажми 10,8 фоиз, ташқи савдо балансининг ижобий салдоси эса 1,8 баробар ошди ва 4 миллиард 200 миллион долларни ташкил этди. Мамлакатимизнинг олтин-валюта захираси ҳам шунга мувофиқ равишда кўпайди.

Республика учун хорижий сармоядорларни иқтисодиётни барқарорлаштириш ва янада ривожлантириш дастурларини амалга оширишга жалб этиш, чет эллик тадбиркорлар ва халқаро ташкилотлар билан ишлаб чиқариш соҳасида фойда кўриб ишлашни таъминлайдиган лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестиция фондиди ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақсадлар учун инвестицияларнинг турли манбалари, уларнинг турли шакллари ва усуллари, узоқ ва қисқа муддатли кредитлар, бевосита қарзлар, дотациялар, ишлаб чиқариш-тижоратчилик фаолиятини ривожлантиришда ҳиссадор бўлиб қатнашиш ва бошқалардан фойдаланилмоқда. Хорижий сармоядорлар иқтисодда туб таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга оширишда, техника ва технологияни янгилаш жараёнларини жадаллаштириш, биринчи навбатда ишлов берувчи саноатни ривожлантиришда ёрдам бермоқда. Хорижий фирмалар, халқаро ташкилотлар республиканинг кимё, газ, нефть саноати, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича йирик инвестиция лойиҳаларида иштирок этмоқда.

АҚШ, Германия, Франция, Туркия, Европа тикланиш ва тараққиёт банки катта ҳажмда энг янги машина ва ускуналар ҳамда технологиялар импортини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини марказлаштирилган ҳолда харид қилишни молиялаш, Кўкдумалоқ газ-нефть конини ўзлаштириш лойиҳаларини кредитлаш бўйича битимларни имзолади. Айниқса Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриш, Қашқадарё ва Наманган вилоятларидаги нефть конларини ўзлаштириш бўйича Франция билан муносабатлар фаол ривожланмоқда.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан Мурунгов олтин конларидан олтин, кумуш ва бошқа нодир металллар олишга ёхтиёрлик «Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон- АҚШ кўшма корхонаси қурилишини молиялаш ва бошқа молия манбаларини мувофиқлаштириш бўйича битимлар имзоланди (лойиҳа қиймати 150 млрд. доллар). Бу корхонанинг Ўзбекистон томонидан муассислари Ўзбекистон Геология давлат кўшма ва Навоий кон-металлургия

комбинати, АҚШ томонидан, «Ньюмонт Майнинг корпорейшн» компанияси, лойихани амалга оширишда Фарбдаги йирик банклар ҳам иштирок этмоқда.

19-Мавзу. Иқтисодий ривожланишда пуллик хизматлар

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Пуллик хизматлар соҳасининг иқтисодий ривожланишдаги роли ва уни тартибга солиш усуллари.

2. Ўзбекистон Республикасида пуллик хизматларни ривожлантириш кўрсаткичлари таҳлили.

3. Пуллик хизматлар соҳасини ислоҳ қилиш ва янади ривожлантириш йўналишлари.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: пуллик хизматлар, бозор инфратузилмаси, ижтимоий инфратузилмаси, ялпи ички маҳсулот, хусусий корхоналар, пуллиу хизматлар динамикаси, пуллик хизматлар таркиби, пуллик хизматлар ҳажми, хизматлар экспорти, хизматлар импорти.

1-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга пуллик хизматлар соҳасининг иқтисодий ривожланишдаги роли ва уни тартибга солиш усуллари тўғрисида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Пуллик хизматлар соҳасининг иқтисодий ривожланишдаги ролини очиб бера олади.

1.2. Пуллик хизматлар соҳасини тартибга солиш усуллари тушунтира олади.

1-асосий савол баёни: Агар анъанавий иқтисодиётда хизматлар соҳаси ишлаб чиқариш элементларининг ҳаракатига кўмак бериб келган бўлса, иқтисодиётнинг ўсиш ва мураккаблашуви илмий-техника тараққиёти жадаллашуви билан бу соҳа жуда зарур, ҳаттоки истиқболда иқтисодиётнинг асосий омилига айланади. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва рақобатлаштириш биринчи навбатда ишлаб чиқаришнинг технологияларга, ахборотга ва алоқа воситаларига, фақат шундан сўнггина хом ашё ва меҳнат ресурсларига талабини ошириди.

Ўзбекистон иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш маълум қийинчиликлар билан боради ва баъзида янги муаммоларни туғдиради. Ўтиш даврида республика иқтисодиётида муаммолар қуйидагилар билан белгиланади:

- маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш;
- иқтисодиёт нисбатан бир томонлама – хом ашё ишлаб чиқаришга ихтисослашганлиги шароитида ресурслардан оптимал фойдаланиш, шунингдек, уларни максимал фойдали экспорт қилиш;
- миллий иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, юқори технологияни, тармоқларни ривожлантириш;
- асосий техникаси жисмоний ва маънавий эскирган корхоналарни қайта жиҳозлаш;

- кадрларни бугунги талаблардан келиб чиқиб тайёрлаш ва қайта қуриш;
- капитал ва янги технологиялар етишмаслиги туфайли хорижий инвестицияларни жалб қилиш;
- иқтисодиётнинг ижтимоий структурасини ўзгартириш, мулкдорлар ва тадбиркорлар синфини шакллантириш;
- иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлиги тармоқларни ҳимоя қилиш, ижтимоий беқарорликни камайтириш учун аҳолининг яхши таъминланмаган табақаларини муҳофаза қилиш;
- бозор ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш.

Шуни таъкидлаш зарурки, директив иқтисодиёт даврига нисбатан давлатнинг иқтисодий жараёнларга таъсири камайиши натижасида давлат иқтисодиётни бошқариш ва бошқа хизматлар кўрсатишни янги шаклланган институтларига топширади. Шу туфайли айнан шу даврда иқтисодиётнинг уларга талаби кескин сезилади.

Юқоридаги санаб ўтилган муаммоларни ўтиш даврига хос бўлган хизматлар соҳаси зарурлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз.

Иқтисодиётни маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтказиш, ислохотларнинг мураккаблашуви ва илмий стратегик (ривожланиш стратегияларини белгилаш, уларни амалга ошириш йўлларини ишлаб чиқиш, реал ҳаракатларнинг аниқ режаларини ишлаб чиқиш), ҳуқуқий, сиёсий базалар яратилишини тақозо этади. Бу муаммо хизматлар соҳасига ҳам тўлиқ тааллуқлидир.

Бунда давлат фаолияти биринчи даражали аҳамиятга эга бўлсада, жойларда ислохотларни ўтказишда ҳуқуқий, банк-консалтинг ва бошқа хизматларнинг аҳамиятли кескин ошади.

Ресурслардан оптимал фойдаланиш муаммолари аста-секин давлатнинг таъсир доирасидан чиқади. Бу табиийдир. Чунки ресурслардан самарали фойдаланиш муаммоси ишлаб чиқарувчиларнинг, яъни улардан фойдаланувчиларнинг муаммосидир. Ахборот, алоқа хизматларига энг кўп эҳтиёжни ташқи савдо соҳаси сезади. Шуни айтиш жоизки, 1991 йилга қадар республика ташқи иқтисодий алоқалар юритмаган, шу сабабли иқтисодий фаолиятнинг бу соҳасини янгидан ўзгартиришга тўғри келмоқда.

Бу ҳолатда хорижий фирмалар ташқи бозорга ихтисослашганлиги, катта тажрибага эга бўлганлиги учун ҳам юқори позицияда турадилар. Бу соҳада мамлакат фирмалари ва мутахассисларнинг устун бўлиши стратегик вазифа ҳисобланади. Миллий иқтисодиёт структурасини ўзгартириш фан сифими юқори бўлган тармоқларни ривожлантириш, инвестициялаш муаммоси билан чамбарчас боғланган. Бу вазифани ҳал этишда давлат структуралари ва хорижий фирмалар ҳамда миллий иқтисодий субъектларнинг ҳамкорлиги нисбатан самарали ҳисобланади. Уларнинг самарали ҳамкорлик қилиши фақатгина ривожланган хизматлар сектори шароитида мумкин бўлади. Бу жиҳатдан Ўзбекистон жуда олдинга чиқди. Мулкчилик ва эркин тадбиркорликни шакллантириш бозор иқтисодиётига ўтишдаги қонуний жараёндир. Лекин бу жараён эркин, табиий жиҳатдан жуда секин рўй беради

ёки сунъий тезлаштирилганда ижтимоий зиддиятлар кучайишига, жамиятнинг жуда бой ва жуда камбағалларга табақаланишига олиб келиши мумкин. Бу жараёни оптималлаштириш учун ижтимоий сиёсатни ривожлантириш керак. Бу соҳада маҳаллий бошқарув органлари, вилоят ва туман хокимиятларининг роли кескин ошади. Бу ҳол, Айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида яққол кўзга ташланади.

Давлатнинг ролини эътироф этган ҳолда шуни қайд қилиш керакки, нодавлатлар хизматлар сектори ривожлантирилмас экан, жамиятнинг бюрократлашуви даражаси кучайиб бораверади. Бу структураларни шакллантиришда давлатнинг имтиёз бериш сиёсати ижтимоий ислохотларнинг ишончли базасини вужудга келтиради. Бу хизматлар характерига кўра, ҳақ тўланмайдиган хизматлардир.

Хизматлар соҳасининг Ўзбекистон иқтисодиётидаги аҳамиятли иқтисодий ислохотлар ва миллий иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилганлиги билан ҳам белгиланади.

Ҳар қандай иқтисодиётдаги хизматлар соҳасининг аҳамиятли бу соҳа тартибга солинишини зарур қилиб қўяди.

Бошқа бозорларга хизматлар билан кириб бориш товарлар билан кириб боришдан кўра қийинроқдир.

Энг янги турдаги хизматлар бу соҳалари бўлган банк иши, телекоммуникациялар, ахборот ва бошқалар устидан назорат ўрнатиш миллий суверинитетга хавф туғдириши мумкин. Чунки бу хизматлар орқали замонавий ишлаб чиқариш бошқарилади.

Шу сабабли мамлакатда хизматлар соҳасини тартибга солиш тадбирлари ишлаб чиқилади.

2-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга Ўзбекистон Республикасида пуллик хизматларни ривожлантириш кўрсаткичлари таҳлили тўғрисида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Ўзбекистон Республикасида пуллик хизматларни ривожлантириш кўрсаткичларини ёрита олади.

2.2. Республикада пуллик хизматларни ривожлантириш кўрсаткичлари таҳлилини қила олади.

2-асосий савол баёни: Мустақиллик йилларида хизматлар соҳаси, жумладан, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш бошқа тармоқлардагига нисбатан барқарор ривожланади. Капитал сиғими юқори бўлмаган ва унча мураккаб бўлмаган технологияларни талаб этувчи хизмат соҳаси тармоқларининг нисбатан юқори суръатлар билан ривожланиши натижасида бу соҳа ичида таркибий ўзгаришлар рўй берди. Бу сифат ўзгаришлари йўналишига, шунингдек, давлатнинг бозор ислохотларини жадаллаштиришга қаратилган кўп томонлама иқтисодий сиёсати ҳам таъсир кўрсатади. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши, бу жараёнларнинг қонуний ўтказилиши, кичик ва ўрта бизнесни

ривожлантириш, хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш ва хизматлар соҳалари савдо ва умумий овқатланишда, миллий хизматда (молия ва кредитда) мамлакат ҳамда хорижий фирмаларнинг фаолиятини кучайтиришнинг иқтисодий механизмини яратиш бўйича катта ишлар қилинди. Хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида маиший хизмат кўрсатиш, савдо объектларининг хусусийлаштирилиши, кўпгина транспорт корхоналарнинг акциядорлик жамиятларига айлантирилиши хизмат кўрсатиш соҳаси барча тармоқларида хусусий капиталнинг кенг иштирок этишини, бу соҳага бозор муносабатларини кенг жорий қилиш ва Рақобат муҳитини яратишни таъминлади.

Рақобат хусусий ва давлат корхоналари, мамлакат ва хорижий фирмалар ўртасида ривожланди.

Маълумки, хизматлар бозорининг ривожланиши талаб ва таклиф механизмлари билан чамбарчас боғланган. Хизматларга талабнинг моддий асоси бўлиб ишлаб чиқариш соҳаси ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, қулай инвестиция муҳитини талаб этади. Саноат ва қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ўсиш хизматларга талаб ўсишни келтириб чиқаради. Иқтисодий қонунларга кўра, бозорда маълум бир вақтда таклиф этилган хизмат ёки товар уларга талаб туғилишига олиб келади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, республикада хизматлар соҳаси улар таклифига боғлиқ равишда ривожланиб бормоқда. Масалан, ички бозоримизда мобил телефон алоқаси хизматида талаб бу хизматни таклиф этувчи хорижий фирмалар пайдо бўлиши билан юзага келди. Кейинги йилларда таклиф қилинаётган хизматлар доираси ва имконияти кенгайиши билан хизматларга талаб кескин ўсди. Республикада хизматлар соҳаси ривожини ўрганиш учун маълум кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилди. Бу кўрсаткичларни таҳлил қилиш хизматлар соҳаси ривожини характерлаш имконини беради.

Ўзбекистонда хизматлар кўрсатиш нисбатан тор соҳани ўз ичига олади. Расмий статистикада савдо, умумий овқатланиш ва қурилишга алоҳида тармоқлар сифатида қаралади.

4-жадвал

Ялпи ички маҳсулот таркибининг ўзгариши (ЯИМга нисбатан%)

	1994	1995	1996	1997	1998	1999
1. ЯИМ	100	100	100	100	100	100
2. Жами қўшилган қиймат	91,8	86,8	85,6	87,6	85,6	85
А) товарлар	51,5	45,2	40,2	43,9	41,7	41,9
Б) хизматлар	40,3	41,6	45,4	43,7	43,9	43,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳа	2,1	2,3	2,5	2,3	2,25	2,3
Транспорт сақлаш ва алоқа	5,8	7,3	6,7	6,5	6,8	6,46

Аммо бу иқтисодиёт ривожланишининг самардорлигини англамайди, чунки моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ҳиссаси пасайиши натижасида келажакда хизматларга талаб пасайишига олиб келиши мумкин. Тармоқлар бўйича аҳоли даромадларининг ўсиш хизмати кўрсатиши билан банд корхоналар рентабеллигини белгилайди.

1990-1996 йиллар давомида номинал иш ҳақи саноатда 4,6 марта, қурилишда 3,53 мартага, соғлиқни сақлашда 3,94 мартага ошди. Айниқса меҳнат ресурсларининг 40% и банд бўлган қишлоқ хўжалигида аҳоли даромадларининг ошиши хизматлар, хусусан пуллик хизматларга талаб ортиши учун муҳим омилдир. Қуйидаги жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики, пуллик хизматлар ҳажми 1995 йилга қадар пасайиб борган.

5-жадвал

Ўзбекистонда пуллик хизматлар динамикаси

	1995	1996	1997	1999	2000
1. Жорий нархларда (млрд.)	15	34	70,3	189,4	305,4
2. Аввалги даврга нисбатан таққослама нархларда фоиз ўзгариши.	-25,8	9,9	21,3	12,6	18,6

1996 йилдан эътиборан пуллик хизматлар ҳажми ўсиб 2000 йилда 18,6%ни, 97 йилда 21,3%ни ташкил этган. Бу пуллик хизматлар секторида Рақобат жараёнлари кучайганлиги, хизматлар таклифи ошганлиги, хусусий сектор ривожланганлиги, аҳоли даромадлари кўпайганлиги умумий иқтисодий вазият яхшиланиб бориши натижасидир.

6-жадвал

Пуллик хизматлар таркиби (умумий ҳажмига нисбатан, %)

	1998	1999
1. Йўловчи транспорти	35	34,6
2. Уй-жой ком. Хизматлари	4,6	4,1
3. Маиший хизматлар	14,8	15,4
4. Бошқарув (соғлиқни сақлаш, дам олиш, маданият)	45,6	45,9

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш умумий ҳажмда йўловчи ташиш хизматлари етакчи ўринда туради (34,6). Шунингдек, маиший хизматлар ҳиссаси ҳам юқори бўлган (15,4%). Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш, дам олиш ва маданият хизматлари ҳиссаси ўсиб борапти. Агар 2000 йилда республикамиз бўйича жон бошига ўртача 12340,2 сўмлик маиший хизмат кўрсатилган бўлса Сирдарёда бу кўрсаткич 4477,4 сўмни ташкил этган, холос. Фақат бу кўрсаткич 7 вилоятдагина умум республика даражасининг

50%идан, Бухоро вилоятида эса 90%идан юкори. Бу борадаги сумма Тошкент шаҳри ҳисобига катта.

Бунга туризм хизмати кўрсатувчи фирмалар, коммунал хизмат корхоналари меҳмонхоналар, аэропортлар, йўловчи транспорти корхоналари йирик шаҳарларда жойлашганлиги, қишлоқ хўжалик жойларида хизмат кўрсатиш корхоналари яхши ривожланмагани ҳам сабаб.

7-жадвал

Аҳоли жон бошига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми

	1999 й.	2000 й.	2000 йилга нисбатан фоиз ҳисобида	Республика умум даража ҳисобида %
Ўзбекистон Республикаси	7787,6	12340,2	112,5	100
Қорақалпоғис- тон Республикаси	3406,5	5152,1	113,1	41,75
Вилоятлар				
Андижон	6398,9	10715,8	138,3	86,83
Бухоро	7431,1	11417,4	112,1	92,5
Жиззах	3950,5	5677,1	106,8	46
Қашқадарё	3115,7	5789,5	134,0	46,9
Навоий	6032,6	8770,7	117,3	71
Наманган	3656,0	6131,6	131,1	49,69
Самарканд	5146,5	7715,7	113,7	62,92
Сурхондарё	3841,9	5907,8	106,3	47,87
Сирдарё	3058,2	4477,4	107,1	36,12
Тошкент	6070,2	8975,2	108,2	72,73
Фарғона	4777,4	7485,3	113,7	60,65
Хоразм	6509,1	8746,4	104,5	70,85
Тошкент ш.	25720,0	42043,1	108,6	340,7

Жадвалдан кўриниб турибдики, 1994-1996 йилларда хизматлар экспорти ҳажми ўсиб борган, 96-99 йилларда эса пасайиб кетган. Бу хизматлар экспортига қартер рейсларда йўловчи ташиш, туристик хизматлар киради. Жами экспорт хизматлар экспортидан тезроқ қисқаргани учун улуши ўсиб, 1995 йилда 9,5%ни ташкил этган.

8-жадвал

Хизматлар экспорти ва импортининг жами экспорт

	1994	1995	1996	1997	1998	1999
1. Жами хизматлар экспорти (млн. АҚШ доллари)	141	287,7	379,4	361,1	310	30,8
2. Жами экспортдаги улуш, %	5,24	6,27	8,26	8,23	8,79	9,5
3. Жами хизматлар экспорти	6,7	14,48	19,4	337,2	164,1	269,6
4. Импортдаги улуш, %	4,75	5,03	0,2	7,45	5	8,7

Хизматлар импорти мутлақо янги турдаги хизматлар кўрсатувчи хорижий фирмалар (интернет, мобил, телефонлар ва х.к) мамлакат бозорига кириши туфайли кескин ошди ва 2000 йилда жами импортнинг 8,7% ини ташкил этди. Жадвал маълумотларидан хизматлар савдоси бўйича мамлакатимиз ижобий натижага эга эканлиги кўринади. Агар туризм ва бошқа хизмат турлари кескин ривожлантирилса, мамлакат валюта захираларини янада кўпайтириш учун замин яратилган, қўшимча иш жойлари очилган булар эди.

Таҳлилга яқун ясаб, пуллик хизматларни ривожлантириш борасида юқорида қайд этилганидек қатор муаммолар борлигини таъкидламоқчимиз.

3-савол бўйича дарсинг мақсади: Талабаларга пуллик хизматлар соҳасини ислоҳ қилиш ва янади ривожлантириш йўналишлари тўғрисида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1. Пуллик хизматлар соҳасини ислоҳ қилишни тушунтира олади.

3.2. Пуллик хизматлар соҳасини янади ривожлантириш йўналишларини айта олади.

3-асосий савол баёни: Пуллик хизматлар соҳасини ислоҳ қилиш ва янади ривожлантириш мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотларнинг ва ечилаётган стратегик вазифаларнинг ажралмас қисмидир. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида пуллик хизматларни ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни эътиборга олиш зарур. Бу омиллар республикамизнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқади. Бу масалаларни пуллик хизматларнинг айрим соҳалари бўйича кўриб чиқамиз.

Туризмни ривожлантиришдан республикамиз куйидаги манфаатларни кўради:

-Янги иш жойлари ва корхоналар очилади (1996 йилда туризм соҳасида 30 минг киши ишлаган). Айрим ҳисобларга кўра, туризм республикада иқтисодий фаол аҳолининг 5%ини иш билан таъминлаши мумкин.

-Кўпгина даромад ва тушумларга эга бўлади. 1998 йилда республика туризм соҳаси 271,2 минг хорижий туристларга хизмат кўрсатиб, 325,4 млн. сўм тушумга эга бўлди.

-Маҳаллий товарлар учун янги бозорлар пайдо бўлади.

-Маҳаллий инфратузилма, комунал объектлар ва хизматлар модернизация қилинади.

-Янги касблар ва технологиялар ўрганилади.

-Жамият атроф муҳит ва маданий мерос муаммоларини ва уларни ҳимоя қилиш заруриятини чуқурроқ ҳис этади.

-Ердан фойдаланишга янгича ёндашув шаклланади.

Ушбу манфаатлар эътиборга олиниб, туризм соҳаси ислоҳ қилинади. Бу ислохотлар 4 босқичдан ўтади.

1-босқич - 1992 йил. Республика Президенти фармонига кўра, «Ўзбектуризм» миллий комплекси тузилди.

2-босқич-1993-1995 йиллар. Туризм соҳаси инфратузилмаси ривожлантирилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бунда муҳим роль ўйнайди. Янги туристик маршрутлар очилди.

3-босқич. 1995-1997 йилларда бу хизмат соҳасида фаол хусусийлаштириш жараёнлари борди. 1996 йилда «Ўзбектуризм»нинг 90% туристик объектлари нодавлат секторига берилди.

1998 йилдан Ўзбек туризми иқтисодий ислохотларнинг тўртинчи босқичига кирди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 августдаги қарорига кўра, «Ўзбектуризм» тугатилиб Ўзбекистон хусусий туристик фирмалари асоциацияси тузилди. 1999 йилда Республика Президентининг «Республикада туризмни 2005 йилга қадар ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Бу дастурга кўра, иқтисодиёт тармоғи сифатида миллий туризм олдида турган асосий вазифа Ўзбекистон туристик комплексини янада ривожлантириш ва унинг халқаро туризм тизимига интеграциялашувидир. Бунинг учун соҳадаги ислохотлар стратегияси ва тактикаси ўзгаради, туристлар оқими 15% га ошади. Туризм инфратузилмасини янада ривожлантириш, янги турдаги туристик хизматларни ўзлаштириш, янги авиалинияларнинг очилиши бу соҳа ривожини таъминловчи муҳим шароитлардан биридир.

Иккинчи бир муҳим пулли хизматлар соҳаси коммунал хизматлардир. Уй-жойлар хусусийлаштирилгандан сўнг бу соҳадаги энг муҳим қадам коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари уй-жойдан фойдаланиш корхоналари ширкатларининг ташкил қилиниши бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги ПФ-2832 - сонли фармони коммунал хизматлар ривожидан янги босқични очиб берди. Энди уй-жой таъмири масалалари билан уй-жой мулкдорлар ширкатлари тегишли пудрат шартномалари бўйича контракт асосида шуғулланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бу фармон асосида «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Ушбу қарорга кўра, уй-жой мулкдорлари ширкатлари тузиш жадвалига риоя этиш учун 1991 йилгача қурилган кўп қаватли бинолар маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига мукамал тамирдан чиқариладиган бўлди. Бу ширкатлар тузилаётганда ва рўйхатдан ўтаётганда тегишли йиғимларни тўлашдан озод этилдилар. Улар банкда у ҳисоб варақаларига даромаднинг қўшимча манбаларига эга.

Бу тадбирлар коммунал хизматларнинг сифатини оширишга, таннархини пасайтиришга қаратилган.

Соғлиқни сақлаш соҳасида пуллик хизматларни ривожлантириш янги босқичга кирапти. Пуллик тиббий хизмат доирасининг суғуртасини ривожлантиришни заруратга айланмоқда.

Тиббий суғуртани ривожлантириш эса пенсия жамғармасига ажратма ва ушланмалар ставкаларни кўриб чиқилишини талаб этади. Айни пайтда бепул, давлат бюджети томонидан молиялаштириладиган, кафолатланган тиббий хизматлар сақланиб қолади.

20-Мавзу. Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда бизнеснинг ўрни

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Иқтисодий барқарорликда бизнеснинг ўрни.
2. Маҳаллий ресурсларни қайта ишлашда кичик ва ўрта бизнес.
3. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш истиқболи.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: бизнес, тадбиркорлик, тадбиркорлик бизнеси, истеъмол бизнеси, меҳнат, капитал, материаллар, маҳаллий ресурслар, капитал маблағлар, хусусий сектор, кичик бизнес, ўрта бизнес.

1-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга иқтисодий барқарорликда бизнеснинг ўрни тўғрисида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Иқтисодий барқарорликда бизнеснинг ўрни очиқ бера олади.
- 1.2. Хусусий сектордаги кичик бизнеснинг улушини аниқлай олади.

1-асосий савол баёни: Бозор иқтисодиёти бизнесга асосланган иқтисодиётдир. Бизнес бирор фаолият юзасидан бўлган муносабат, ишбилармонларнинг иқтисодий муносабатидир. Бизнес билан шуғулланувчиларни ишбилармонлар ёки бизнесменлар деб юритадилар (инглизча business - иш, man – одам).

Бизнес муносабат сифатида бир қатор белгиларга эга: бизнесчилар ўз манфаатларига эга, фойда олишга интиладилар, хатарли ишга қўл уришга тайёр, ташаббускор, ишнинг сиру асрорларини биладилар, ўзаро иқтисодий алоқалар маданиятини эгаллаган бўладилар, уларнинг алоқалари ҳамма иштирокчилар учун наф келтиради. Бизнес – бу рухсат этилган, жамият аъзоларига наф келтирувчи фаолият билан шуғулланиб, пул, даромад топишни билдиради. Бизнес кенг маънода қонуний йўл билан даромад топишга қаратилган фаолиятдир. Бизнес ўз субъектларига эга. Улар яқка тартибда бизнес билан шуғулланувчилар, тадбиркорлик жамоаси ва уюшмаси, истеъмолчилар ва давлатнинг иқтисодий идоралари.

Бизнеснинг энг асосий унсури тадбиркорликдир. Тадбиркорлик бизнеси – бу маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсташ орқали даромад топишни кўзловчи фаолиятдир. Шунга кўра у ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, тижорат иши ва тижоратда воситачилик қилишни ўз ичига олади.

Бизнесга бозор орқали талаб-эҳтиёжни қондирувчи фаолият ҳам киради. Истеъмолчиларнинг бизнесда иштирок этишдан манфаати товар ва хизматларни сотиб олишларидир. Тадбиркорлик бизнесидан фарқлироқ истеъмолчи бизнесида ҳамма фуқаролар қатнашади, уларнинг талаб-эҳтиёжларини бозор орқали қондириш зарурияти фаол тадбиркорликни талаб қилади. Бизнесга тадбиркорликдан ташқари пул ёки қимматбаҳо буюмларни банкка қўйиб, даромад топиш ёки ерни ижарага бериб пул топишлар ҳам киради, лекин бу фаолият соҳаларида яратувчилик йўқ, яъни ҳеч бир нарсани яратмай, у бойликдан бойлик яратишдан иборат.

Бизнес муносабатининг иккита асосий талаби бор. Биринчидан, бизнес иштирокчилари мустақиллик, эркинликка эга бўлишлари шарт. Аммо бу бизнес субъектларининг мустақиллиги билан чекланмайди, балки ҳар бир субъектнинг бошқа субъект, яъни ўзи алоқа қиладиган субъект манфаатлари билан ҳисоблашиш, унинг шакллари ва ҳатти-ҳаракатларини билаш ва тўғри тушинишни ҳам талаб қилади. Субъектларнинг бизнес юзасидан бўлган муносабатлари белгиланган тартиб қоидалар доирасида бўлади ва буни давлат назорат қилади. Иккинчидан, бизнес алоқаларидаги субъектлар манфаатларини муросали муносабатда бўлиш талаб қилинади. Муроса иш юзасидан бир-бири билан алоқа қилувчилар ўзаро мажбуриятларини тўлиқ бажаришларини, ҳатти-ҳаракатлари ҳар икки томонга зарар келтирмаслиги уларнинг эркинлигини бузилмаслигини тақоза этади.

Бизнеснинг энг асосий жиҳати – бу тадбиркорликдир.

Товарлар ва товарлашган хизматларни яратиш бозор иқтисодиёти учун бирламчи бўлганидан унинг асосини тадбиркорлик ташкил этади. Тадбиркорлик иқтисодиётнинг ҳаракатга келтирувчи кучи ҳисобланади.

Тадбиркорлик – мулк субъектларининг моддий ва пул маблағларини амалда хўжалик айланмасига тушириб, даромад топишга мўлжалланган иқтисодий фаолиятидир. Тадбиркорлик умуман пул топиш эмас балки яратувчилик фаолияти орқали даромад топишни билдиради. Пул топиш ёлланиб ишлаш, ерни ижарага бериб рента олиш, пулни банкка қўйиб фоиз олиш орқали ҳам бўлади. Тадбиркорлик мавҳум нарса эмас, балки аниқ мақсадга қаратилган фаолият бўлиб аниқ шахслар ҳатти-ҳаракатида намоён бўлади. Тадбиркорлик иши билан шуғулланувчи шахслар тадбиркор ёки ишбилармон деб юритилади.

Тадбиркорликнинг муҳим белгилари ва амал қилиш тамойиллари қуйидагича:

1. Мулк муносабатларни иштирокчиси бўлиш, ишлаб чиқариш омиллари ва яратилган товарларга эгаллик қилиш.
2. Иқтисодий эркинлик, хўжалик фаолияти турини танлаш, уни ресурслар билан таъминлаш, олди-сотди ишларини юритиш, ишлаб чиқаришни бошқаришда эркинлик.
3. Иқтисодий ҳатти-ҳаракатлар учун мажбуриятни ўз зиммасига олиш; иш натижасига жавоб бериш, таваккал қилиб иш юрита олиш, иқтисодий хатарли ишга қўл уриш.

4. Фойда олишга интилиш; фойдага эришиш чора-тадбирларини кўриш, олинган фойдани ўз билганича ишлатиш.

5. Тижорат сирига эга бўлиш; бизнесга оид ва ўзгаришларга ошкор этилмайдиган маълумотларни сир тутиш.

6. Рақобат курашида қатнашиш; бозорда амал қилувчи қоидаларга риоя этган ҳолда ҳалол рақобатда қатнашиб, унинг фирром, ёввойи усулларидадан воз кечиш.

7. Ҳалоллик билан иш юритиш, қаллоблик, фирромлик ва алдамчиликка мойил бўлмаслик. Имижга эга бўлиш, бошқаларга ишониш ва бошқаларнинг ишончини қозониб шаън-эътибор орттириш, фирма номини эъзозлаб, унга путур етказмаслик, фирмани обрўсизлантирмаслик.

Тадбиркорликнинг ижодий фаолиятга айланишини таъминлайдиган сабаблари ҳам бор: иқтисодий келажак ва тақдирнинг тадбиркорнинг ўз кўлида бўлиши, ишбилармонлик фаолияти шахсий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиши, ўз иши услубини фаол ишбилармонлик тарзига сингдириш, қисқа вақт ичида фаровонлигини ўз меҳнати билан таъминлай олиш, ишбилармонлиги билан эл назарига тушиш, обрў эътиборга эга бўлиш.

Тадбиркорликни шакллантириш учун иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа муайян шароитлар яратилиши керак. Иқтисодий шароитларга қуйидагилар киради: товарга бўлган тақлиф ва талаб; харидор сотиб олиши учун товар турларининг мавжудлиги; харидор сотиб олиши учун керак бўлган пул ҳажмининг мавжудлиги; ишчиларнинг маошига, яъни сотиб олиш имкониятига таъсир кўрсатувчи ишчи жойларининг, ишчи кучларининг ортиқчалиги ёки етишмовчилиги.

Пул ресурсларининг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш имкониятлари, киритилган капиталдан олинаётган даромад миқдори ва ўз ишбилармонлик операцияларини молиялаштириш учун олинмоқчи бўлган кредит миқдори иқтисодий шароитга таъсир этади.

Бу ишларнинг барчаси билан бозор инфраструктурасини ташкил қилган турли хилдаги ташкилотлар шуғулланади. Тадбиркорлар шундай ташкилотлар билан алоқа ўрнатиб, тижорат операцияларини амалга оширади. Молия хизматини кўрсатувчи банклар, хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, ёқилғи, энергия, машина ва ускуналар, инструментлар билан таъминловчилар; товарни харидорга етказувчи улгуржи ва чакана савдогарлар; касбий, юридик бухгалтерия хизматларини, воситачилик хизматини кўрсатувчи фирма ва корхоналар; ишчилар кучини ёллашда ёрдам берувчи ишга жойлаш агентликлари; ишчи ва мутахассис хизматчиларни тайёрлаётган ўқув юртлари; реклама, транспорт, суғурта агентликлари; алоқа ва ахборотни узатиш воситалари ушбу ташкилотлар тизимини ташкил этади.

Тадбиркорликнинг шаклланиши иқтисодий ва ижтимоий шароит билан чамбарчас боғлиқ. Тадбиркорлик шаклланишининг иқтисодий шароитига ижтимоий шароит яқин туради. Ижтимоий шароит, аввало, харидорларнинг диди ва модага жавоб бера оладиган товарларни сотиб

олишга интилиши билан белгиланади. Турли босқичларда ушбу талаб ўзгариб туриши мумкин. Бунга ижтимоий-маданий муҳитга боғлиқ бўлган ахлоқий ва диний меъёрлар жиддий таъсир кўрсатади. Ушбу меъёрлар харидорларнинг турмуш тарзига ва у орқали товарларга бўлган талабига бевосита таъсир этади. Ижтимоий шароит шахснинг ишга бўлган муносабатига ўз таъсирини ўтказди, бу эса, ўз навбатида, бизнес таклиф этаётган маошнинг миқдорига, меҳнат шароитига бўлган муносабатга таъсир этади.


Тадбиркорлик фаолиятининг шаклланишида ишбилармон ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш масалаларини ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун тадбиркорлик фаолиятини олиб боришнинг замонавий услубларини ўрганишни ташкил этиш, ходимларни ўқитиш ва қайта ўқитиш, уларни ривожланган мамлакатларга малака ошириш учун юбориш, ишбилармонларни ўқитиш учун ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил этиш, тадбиркорлик сектори учун ходимларни танлаш бўйича маслаҳат марказларини очиш керак.

Ҳар бир тадбиркорлик фаолияти тегишли ҳуқуқий муҳитда кечади. Шунинг учун керакли ҳуқуқий шароит яратиш катта аҳамиятга эга. Бу нарса биринчи навбатда тадбиркорлик фаолиятини тартибга келтирувчи фармонлар ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароит яратиб берувчи қонунларнинг мавжудлиги, яъни корхоналарни рўйхатдан ўтиш жараёнининг қисқа ва оддий бўлиши; тадбиркорликни давлат бюрократизмидан ҳимоя қилиш; солиқ қонунчилигини такомиллаштириш; Ўзбекистон ва чет эл ишбилармонларининг ҳамкорлик фаолиятини ривожлантиришдан иборатдир. Шу билан бирга бунга кичик тадбиркорлик ишларига кўмаклашиш ҳудудий марказларини ташкиллаштириш, статистика шакли ва ҳисоб-китобини такомиллаштириш киради. Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий кафолати масаласи билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. (22)

Шундай қилиб, тадбиркорлик деганда унинг ўтмишдаги қўпол ёввойи шакллари эмас, балки замонавий турлари, яъни маданийлашган шакллари тушинилади. Ҳозирги замон тадбиркори энг аввал бозорни талабгир товарга тўйдира оладиган товар ишлаб чиқарувчилардир. У янгиликни жорий эта оладиган, ишлаб чиқариш омилларидан оқилона фойдаланиб, иқтисодий ўсишни таъминлайдиган, ўзининг ва ўз жамиятининг бойлигини ошира оладиган, кишиларнинг фаровонлигига ҳисса қўша оладиган бўлиши зарур.

Тадбиркорлик фаолияти турлари хилма-хилдир. Фаолият мақсади, тури ва йўналишларига қараб тадбиркорлик фаолиятининг ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий ва консалтинг турларини ажратиш мумкин.

Қайд этилган ушбу тадбиркорлик фаолиятининг ҳар бир тури кичик турларга бўлинади. Мавжуд тадбиркорлик фаолияти турларини чизма шаклида қуйидагича ифода этиш мумкин .



2-чизма. Тадбиркорлик фаолияти турлари

2-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга маҳаллий ресурсларни қайта ишлашда кичик ва ўрта бизнес тўғрисида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 2.1. Маҳаллий ресурслар тўғрисида маълумот бера олади.
- 2.2. Маҳаллий ресурсларни қайта ишлашда кичик ва ўрта бизнес ўрнини ёрита олади.

2-асосий савол баёни: Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади.

Бу мақсадни амалга ошириш учун иқтисодий ислохотлар ўтказилди, унинг ролини ошириш учун йирик институционал асослар яратилди. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва уни кафолатловчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, тадбиркорларга кўмаклашувчи нодавлат ташкилотлар,

корхоналар шулар жумласига киради. Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес корхоналари мажмуини ташкил этиш муваффақиятли бормоқда.

Кичик бизнес фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар давлатга боғлиқ бўлмаган ҳолда, яъни катта капитал маблағларсиз ўзлари иш жойларини жорий этишлари, ҳозирги даврда бизда вақтинчалик мавжуд бўлган товарлар танқислигини камайтиришлари ва ҳаттоки, бу танқисликни бутунлай йўқотишлари мумкин. Ҳозирги жамиятимизда кичик корхоналар фаолиятини айрим кишиларнинг эҳтиёжларини қондириш сари йўналтириш зарур. Бу нарса маиший хизмат кўрсатиш ҳамда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш соҳаларида яққол кўринмоқда. Кичик корхоналар технология янгиликларини жорий этишда ҳам ғоят катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш, аҳолини, биринчи навбатда, ёшларни ишга жойлаштириш муаммосига ғоят катта эътибор берилмоқда.

2012 йилда мамлакатимизда комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб 1 миллионта янги иш ўрни ташкил этилди. Бу иш ўринларининг 62 фоизга яқини қишлоқ жойларда яратилди. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 485 минг киши, касаначиликнинг барча шаклларини кенгайтириш ҳисобидан эса 218 минг киши иш билан таъминланди. Янги иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш 2013 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган мақсадли вазифаларни хал қилишнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади.

2013 йилда 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган. Муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мазкур масалани ҳал этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу соҳаларда қарийб 500 минг иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда. (3)


Банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашда касаначиликнинг турли шаклларини, биринчи навбатда, касаначилар ва корхоналар ўртасидаги кооперацияни меҳнат шартномалари асосида кенгайтириш, оилавий бизнесни ривожлантириш катта резерв ҳисобланади. Мазкур соҳалар ҳисобидан 280 мингдан ортиқ кишини ишга жалб қилиш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда аҳоли даромадларининг ошиб бориши билан унинг таркиби ўзгариб, тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад барқарор ўсиб бораётгани алоҳида эътибор берилмоқда.

2012 йилда ушбу кўрсаткич 51 фоизни ташкил қилди кишилар даромадининг ярмидан кўпи биринчи навбатда тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнес ҳисобидан шаклланимоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда қўллаб-қувватланиши натижасида унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотигаги улуши йилдан йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2000 йилда, ялпи ички маҳсулотнинг

карийиб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 48,2 фоизни, 2009 йилда 50,1 фоизни, 2010 йилда 52,5 фоизни, 2011 йилда эса 54 фоизни, 2012 йилда 54,6 фоизни ташкил этди ёки 2000 йилга нисбатан 24 фоизга ўсди. (1 - диаграмма)



1 диаграмма. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ялпи ички маҳсулотдаги улуши динамикаси

Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 54,6 фоиздан ортиб бораётганига қарамасдан, бу соҳа реал иқтисодиётда, авваламбор саноатда етакчи ўринни эгаллай олмаётганини таъкидлаш зарур.

9 жадвал. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиёт соҳалари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салмоғи, фоизда

Фаолият соҳалари	2006	2007	2008	2009	2010
Саноат	10,0	10,9	13,2	14,6	16,9
Қишлоқ хўжалиги	85,7	93,9	97,5	97,8	97,9
Чакана товар айланмаси	43,7	45,7	48,3	48,1	46,5
Пулли хизматлар	52,5	50,8	50,2	48,5	48,7


Жадвалдан кўринадики, 2010 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салмоғи қишлоқ

хўжалигида 97,9 фоиз, пулли хизматлар кўрсатишда 48,7 фоиз, чакана товар айланмасида 46,5 фоизни ташкил этгани ҳолда, саноат ишлаб чиқаришида атиги 16,9 фоизга етган холос. Ушбу вазифани ҳал этиш учун ҳозирги кунда **“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун қонун қабул қилиниб**, ушбу қонунда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг бир қатор йўналишларини белгилаб берилди .



3 - чизма. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш йўналишлари

2012 йилда, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиявий манбалар ҳисобидан ажратилган кредитлар 2011 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, 5 трлн.346 млрд.сўмни ташкил этди. Ушбу ажратилган кредитларнинг 1 трлн.172 млрд.сўми микрокредитлар бўлиб, уларнинг ҳажми 2011 йилдагига нисбатан 1,5 баробарга ўсди. (2 - диаграмма)



2 - диаграмма. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар динамикаси

Шунингдек:

- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга жами 978,2 млрд.сўм;
- ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 1 трлн. 43,3 млрд.сўм;
- имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан 42,3 млрд. сўм;
- халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг кредит линиялари ва грантлари ҳисобидан 181,7 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида банк тизимига юклатилган вазифалар тўлиқ ижро этилди. Жумладан, 2012 йил мобайнида:

- оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга 97,8 млрд.сўм;
- хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадларига 491,7 млрд. сўм;
- шахсий ўрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олишга жами 77,6 млрд.сўм;
- мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, паррандачилик асаричилик ва балиқчиликни ривожлантиришга 339,8 млрд.сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Шу билан бирга, Халқ банки ҳамда “Микрокредитбанк” томонидан 2012 йилда халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалари жамғармаларининг (Германия) “Хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш бўйича қайта тикланувчи кредит жамғармаси” маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси, Навои, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги тадбиркор аёлларга бошланғич капитални шакллантириш учун 267,8 минг евро миқдорида микрокредитлар ажратилди.

3-савол бўйича дарсинг мақсади: Талабаларга кичик бизнесни ривожлантириш истиқболи тўғрисида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1. Кичик бизнесни ривожлантириш истиқболи тўғрисида маълумот бера олади.

3.2. Кичик бизнесни ривожлантириш йўналишларидаги хориж тажрибасини ёрита олади.

3-асосий савол баёни: Республикамизнинг иқтисодий тараққиёти, иқтисодий мустақиллиги, халқининг фаровон турмуш даражаси, меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожини билан боғлиқдир. Бу ҳолат эса корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини рағбатлантириш даражасининг ривожланиши билан тавсифланади.

Истикболда иқтисодиёт тармоқларида ҳам ўзгаришлар юзага келади. Бу ҳолат ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши асосида рўй беради.

10- жадвал. Республика ЯИМда ҳудудлардаги кичик корхоналарнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушининг истиқболди ўсиб бориши (фоиз ҳисобида)

Республика ҳудудлари	2000	2005	2010	2015	2015/2000 нисбатан ўсиши
Ўзбекистон Республикаси	31,0	38,2	52,1	66,1	213,2
Қорақалпоғистон	26,9	48,9	57,9	66,9	248,7
Вилоятлар:					
Андижон	32,9	38,7	49,9	61,1	185,7
Бухоро	33,0	44,4	51,1	57,8	175,2
Жиззах	37,1	64,4	73,0	79,8	215,1
Қашқадарё	25,8	38,4	45,8	58,4	226,4
Навоий	21,5	20,9	33,5	46,1	214,4
Наманган	33,4	51,4	75,4	81,4	243,7
Самарқанд	44,3	54,5	68,3	78,9	178,1
Сурхондарё	39,1	45,9	64,8	81,7	208,9
Сирдарё	38,9	58,8	72,5	80,6	207,2
Тошкент	34,0	36,3	45,6	54,9	161,5
Фарғона	32,0	43,9	64,7	82,3	257,2
Хоразм	34,2	54,2	78,3	81,9	239,5
Тошкент ш.	41,5	54,3	70,2	79,1	190,6

Умумий саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда истиқболда ўзгаришлар саноат соҳасига талаб натижасида содир бўлади, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарни ривожланиши ҳисобига бу соҳа янада юксалади. Савдо айланмасининг тўлиқ мувофиқлашуви натижасида бу соҳада кўрсаткич улуши пасайиши содир бўлади.

Ҳудудларнинг машинасозлик ва металга ишлов бериш, енгил саноат, айниқса, трикотаж, тикувчилик буюмлари, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган соҳаларида кичик бизнеснинг ўрни ва улуши етарли даражада

эмас. Барча сохада ишлаб чиқариш фаоллиги тенглашсагина, ижобий натижаларга эришилади.

Республикада кичик корхоналар томонидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсишини яратилган имкониятлардан фаоллик билан фойдаланиш эвазига таъминлаш мумкин.

Ҳисобларга кўра, 2015 йилга бориб, республика бўйича кичик бизнеснинг ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улушини 61,1 фоизга етказиш, кичик тадбиркорлик корхоналарининг йиллик маҳсулот ишлаб чиқаришининг ўсиши 2,5 фоиздан кам бўлмаган ҳолатдагина амалга ошади (9-жадвал).

Бунинг учун ҳудудлардаги кичик тадбиркорлик корхоналарининг республика бўйича ишлаб чиқарилган ЯИМдаги улушининг истиқболда жадвалдаги ҳолатда ўсиб боришига эришиш зарур (11 - жадвал).

11 - жадвал. Истиқболда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик корхоналари томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши (миллион сўм ҳисобида)

Республика ҳудудлари	2000	2005	2010	2015	2015/2000 нисбатан ўсиши
Ўзбекистон Республикаси	892573,0	956838,2	1089938,7	1223039,2	137,0
Қорақалпоғистон	18786,6	22919,6	24982,3	27045	143,9
Вилоятлар:					
Андижон	70178,8	74249,1	82,564,9	90880,7	129,5
Бухоро	46619,4	51934,0	55413,5	58893,1	126,3
Жиззах	31281,6	39821,3	43245,9	46670,5	149,2
Қашқадарё	61485,8	69233,0	74356,2	79479,4	129,3
Навоий	50919,4	60084,8	74505,1	88925,4	174,6
Наманган	24940,4	25065,1	29100,5	33135,9	132,9
Самарқанд	67851,2	74772,0	85090,5	95409,0	140,6
Сурхондарё	82241,4	87833,5	104434,0	121034,5	147,2
Сирдарё	34155,4	40952,3	46562,7	52173,1	152,8
Тошкент	110782,4	112665,7	123143,6	133621,5	120,6
Фарғона	104838,6	117314,3	141715,6	166116,9	158,5
Хоразм	36708,7	44050,4	54666,5	65282,6	177,8
Тошкент ш.	219770,8	247901,4	287813,5	327426,6	148,9

Албатта бу кўрсаткич ривожланган давлатларда, масалан, АҚШда 75 – 82 фоизни, Японияда 81 фоизни, Италияда 74 фоизни ташкил этади. Республикада кичик бизнеснинг бундай кўрсаткичларга эришиши тадбиркорлик фаоллиги орқали амалга ошади. Истиқболда кутиладиган натижалар, асосан, кичик тадбиркорликнинг фаол ривожланиши эвазига рўй беради. Бу эса улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорининг ўсиш динамикасини таъминлайди.

Худудлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг истиқболда ўсиб бориш динамикасини корхоналар миқдорини ўсиб бориш ҳолати бўйича таҳлил этсак, бу ҳолат қўшимча янги кичик корхоналарнинг ташкил этилиши ҳисобига амалга ошади.

Яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган худудларда ялпи худудий маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсиши таъминланади. Жумладан, кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига истиқболда кўзланган натижаларга эришиш таъминланади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушининг юқори бўлишига боғлиқдир. (6)

Шундай қилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши билан мамлакатда ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш вазифасини бевосита ҳал қилиш эришилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим соҳага айланади.

Иқтисодиётимизнинг устивор йўналишлардан бири – аҳоли бандлигини ошириш, иш кучидан мақсадли фойдаланиш, фойдали меҳнатга лаёқатли аҳолининг илмий салоҳиятини оширишга қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда. (12- жадвал)

12-жадвал. Ўзбекистонда янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес субъектларининг улуши

Кўрсаткичлар номи	2009	2010	2011	2012
Янгидан ташкил этилган иш ўринлари, минг киши	661	940,5	950	1000
шу жумладан:				
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда	374,3	391,8	600	640
Фоиз ҳисобида	57,0	41,7	65	64
Жами иқтисодиётда банд бўлганлар сонига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида	72,7	74,3	74,8	75,7

2012 йилда республикаимизда жами банд бўлганларнинг 20 фоизи давлат, 80 фоизи нодавлат, шунингдек 75,8 фоизи хусусий соҳада меҳнат қилмоқда. Ушбу статистик рақамлар таҳлили давлат корхоналарида ишловчиларнинг сони қисқариб, хусусий соҳада бандликнинг ортиши юз бераётганлигини кўрсатади. Бу эса республикаимиз ҳукумати томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши, шунинг

асносида аҳолининг бандлигини оширишга қаратилган иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга оширилаётганидан далолат беради.

Мамлакат аҳолисининг иш билан бандлиги даражасини ошириш ва меҳнат бозорини тартибга солиш соҳасидаги қуйидаги йўналишлар бўйича ишлар амалга оширилмоқда:

- иқтисодиётни ривожлантириш негизида янги иш ўринлари яратилмоқда;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар очилиб, бу фаолият қизғин қўллаб-қувватланмоқда;
- аҳолининг меҳнат фаоллиги, оилавий ижара.деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш негизда аҳолининг ўзини ўзи иш билан банд қилиш даражаси оширилмоқда;
- аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат бозори такомиллаштирилмоқда. Бунинг учун зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни тугатиш ёки ихтисосини ўзгартириш ишлари олиб борилмоқда.

21-Мавзу. Миллий иқтисодиётни Марказий Осиё мустақил давлатлари трансформацияси

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

21.1. Марказий Осиё мустақил давлатлари трансформацияси ва жаҳон иқтисодига ҳамкорлигини иқтисодий тартибга солиш йўналишлари

21.2. Ўрта Осиё мамлакатларида трансформация жараёнининг назарий ва услубий негизлари

21.3. Марказий Осиё давлатларида трансформация ва глобаллашув муаммолари

Мавзу бўйича таянч иборалар ва тушунчалар: Марказий Осиё мустақил давлатлари трансформацияси, Ўрта Осиё мамлакатларида трансформация, қайта туб ўзгаришлар стратегияси, институционал қопқонлар, «фалаж қилиб даволаш».

1-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга Марказий Осиё мустақил давлатлари трансформацияси ва жаҳон иқтисодига ҳамкорлигини иқтисодий тартибга солиш йўналишлари тўғрисида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Марказий Осиё мустақил давлатлари трансформацияси тўғрисида маълумот бера олади.

1.2. Жаҳон иқтисодига ҳамкорлигини иқтисодий тартибга солиш йўналишлари ёрита олади.

1-асосий савол баёни: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон давлат раҳбарларининг Тошкент учрашувида Марказий Осиё мамлакатларининг истиқлолга эришганидан кейинги биринчи ўн йиллиги «ўта масъулиятли ва улкан тарихий аҳамиятга эга давр» эканлигини таъкидлади. Бу даврда мустақил давлатчиликни барпо этиш билан биргаликда, трансформация

(яъни иқтисодий тизимларни қайта шакллантириш асосида бир ижтимоий тизимдан иккинчисига ўтиш) ҳамда жаҳон хўжалигига интеграция жараёнлари энг долзарб вазифалар қаторидан жой олди.

Ушбу жараёнларнинг дастлабки босқичида хорижий янги мустақил давлатларнинг кўпчилигида ишлаб чиқариш ва даромад соҳаларида кескин пасайиш юз берди. Иқтисодиёт бўйича 2001 йил Нобель мукофоти совриндори Ж.Стиглиц ана шу ҳолатни таърифлаб бундай дейди: «Россиядаги ва собиқ иттифоқ (СИ) таркибида бўлган бошқа кўпчилик мамлакатлардаги ислохотларнинг муваффақиятсизлиги фақатгина тўғри иқтисодий сиёсатни амалга ошира олмаслик билан боғлиқ эмас. Уларнинг негизи чуқурроқ бўлиб, бозор иқтисодиёти асосларини тушуниб етмасликка, шунингдек, институтцион ислохотлар асосларини етарлича англаб етмасликка бориб тақалади... Ушбу давлатларнинг кўпчилиги жиддий ютуқларга эриша олмаслиги самаралироқ иқтисодий сиёсат олиб бориш учун уларда имкониятлар борлигидан ҳам далолат беради».

Бу мамлакатларнинг ҳар бирида ўтган давр ичидаги тажрибаларни ўрганиш бу борада муайян хулосаларга келиш ва бозор ислохотларини ўтказишда самаралироқ йўлларни танлаш учун зарур. Бироқ ана шу муаммолар атрофидаги фикр-мулоҳазалар ҳамда мунозаралар асосан Марказий ва Шарқий Европа (МШЕ) мамлакатларида, Россияда, камроқ даражада эса бошқа Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) аъзоларидаги ўтиш даврини таҳлил қилишдан иборат бўлиб қолди. Марказий Осиёдаги беш давлат бу борада энг кам эътибор берилган мамлакатлар жумласидандир. Фақат кейинги пайтлардагина чет элларда шу мамлакатлар ҳақида ҳам баъзи нашрлар пайдо бўлди, лекин уларнинг тажрибасини яна ҳам чуқурроқ ва ҳар томонлама ўрганиш ҳамон долзарб бўлиб турибди.

Иқтисодий ўсиш, айниқса СИ республикалари орасида, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми 2001 йилда 1991 йил даражасидан ошиб, 103 фоизга кўпайиши негизидаги омилларни ўрганиш – ўтиш иқтисодиётига асосланган мамлакатлар учун назарий ва амалий жиҳатдан баъзи янги сабоқларни бериши мумкин. С.Фешер ва Р. Сахей фикрларига кўра, «Ўзбекистон собиқ шўро мамлакатлари орасида «ЯИМ ўсишига ўтиш даври тамойилларининг стандарт тавсияларини тўлиқ қабул қилмаган ҳолда эришган икки давлатнинг биридир». Халқаро валюта фонди (ХВФ) экспертлари Ўзбекистондаги «иқтисодий ўсиш жумбоғи» ни ечишга бир неча бор уриниб кўришди. Лекин бу ўринишлар асосан неоклассик монетаризм ғоялари нуқтаи назаридан олиб борилди. Бу борадаги бир томонлама чекланганликни бартараф этиш учун эса ана шу жумбоққа баҳо беришда бошқа бир назарий-услубий ёндашиш ҳам талаб этилади.

Ўтиш даври ҳамда иқтисодиёт глобаллашуви шароитида иқтисодий ривожланиш омиллари нималардан иборат? Айни бир хил ислохотлар мажмуи ўтиш давридаги турли мамлакатларда нима учун турлича натижа бермоқда? Ўзбекистон иқтисодий модели ва тажрибаси ҳам ички, ҳам ташқи

иқтисодий сиёсат борасида нима учун «ўтиш даври жумбоғи» даражасида ўрганилмоқда?

Ана шу саволларга жавоб беришдан олдин ҳар бир мамлакатда тизимлар трансформацияси ва дастлабки шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг тадрижий сабоқларини ҳар томонлама ва чуқурроқ ўрганиш талаб этилади. Шундагина «амалга ошириладиган сиёсат бошқа бир вазиятда бошқача натижаларга олиб келиши мумкин бўлармиди?» - деган саволга жавоб бериш имкони бўлади. ЯИМ ўсишига катта таъсир қилган эркинлаштириш ва макроиқтисодий барқарорлик жараёнлари билан бирга дастлабки шарт-шароитларни ҳам ҳисобга олиш ўтиш даври мамлакатларига нисбатан ўтган асрнинг 90- йиллари иккинчи ярмида қўлланила бошланди. Фақат яқиндагина, ХВФ ва Жаҳон банки ҳисоботларида ва нашрларида [de Melo, Dengzer, Geld ва Tenev (1997 й); Wolf (1997 й); Havtllrshrn, Гzvorskг ва van Ruden (1998 й.); oeck ва Kostal (1998 й.); Zetelmeyer (1998 й); Taube ва Zetelmeyer (1998 й)] амалга оширилаётган ислохотларда дастлабки шарт-шароитларнинг иқтисодий юксалишга таъсири бирмунча таҳлил қилина бошланди.

Лекин шунга қарамай, тизимлар трансформацияси жараёнида маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичларини белгиловчи омил сифатида дастлабки шарт-шароитнинг мутлақ ва нисбий аҳамиятига оид масала хусусида баҳс-мунозаралар давом этмоқда ва бу масалани янада чуқурроқ ўрганишга эҳтиёж сезилмоқда. Бу борада фақат рақамлар билан кифояланиш етарли эмас, зеро биргина миқдорий кўрсаткичлар орқали мунозарани ҳал этиб бўлмайди.

Бироқ таъкидлаб ўтиш жоизки, Марказий Осиё мамлакатларида иқтисодий тизимларни қайта шакллантириш ҳамда бу мамлакатларнинг жаҳон иқтисоийётига интеграциялашув жараёнларини қиёсий тадқиқ ва таҳлил қилишда минтақанинг ўзида ва ундан ташқарида тўпланган тажриба етарлича ўрганилмаган.

Марказий Осиё давлатлари миллий бозорларининг институтционал ва таркибий тайёрлиги, шунингдек: банк-молия тизимининг ривож топган институтлари етарли эмаслиги; экспортга йўналтирилган рақобатбардош қайта ишлов саноатининг маҳсулоти камлиги; ушбу мамлакатларнинг олдинги тизимдан мерос қолган ва ишлаб чиқариш кучлари технологик жихатдан жаҳон андозаларидан орқада қолган иқтисодининг таркиби; ташқи савдо, валюта сиёсати ва ташқи қарз муаммолари етарли даражада эътиборга олинмаган.

2-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга Ўрта Осиё мамлакатларида трансформация жараёнининг назарий ва услубий негизлари тўғрисида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Ўрта Осиё мамлакатларида трансформация жараёнининг назарий негизларини айта олади.

1.2. Ўрта Осиё мамлакатларида трансформация жараёнининг услубий негизлари ёрита олади.

2-асосий савол баёни: Иқтисодий жараёнларда трансформация жараёнларининг таҳлилига етарли институтционал эволюцион нуқтаи назардан ёндашилмаган. Ўтиш даври иқтисодиётини бошидан кечираётган мамлакатлардаги иқтисодий сиёсатни кўпчилик чет эллик муаллифларнинг чоп этилган назарий ва амалий тадқиқотларида кузатиш мумкин. Жараёнларда макроиқтисодий эркинлаштириш ва барқарорлаштиришнинг тайёр қолипларига ортикча урғу беришини, шунингдек, иқтисодиётда ўтиш даврини бошидан кечираётган алоҳида олинган ҳар бир мамлакатда мавжуд бўлган ўзига хос шароитлар атрофлича ҳисобга олинмаслигини кузатиш мумкин. Бундан ташқари, иқтисодий ривожланишнинг узоқ муддатли стратегик ва истиқболли вазифаларини етарлича баҳолай олмаслик ва устуворлик қисқа муддатли вазифаларга берилган.

Ўтиш даврининг дастлабки ўн йиллиги тизимларни қайта ташкил этиш, яъни марказлаштирилган тарзда режалаштиришга асосланган маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган ислохотларга амалда анча мураккаб ҳамда тасаввуримизда нисбатан узоғроқ давом этадиган жараён эканлигини кўрсатди. Иқтисодий сиёсат борасидаги етакчи хорижий тадқиқотлар бўйича ўтиш даврига оид турли муаммолар юзасидан нашр этилган адабиётларда ҳамон бир қатор масалалар ўз ечимини топганича йўқ. Фикр-мулоҳазалар турлича бўлиши ва сиёсий иқтисодга ёки эконометрик таҳлилларга асосланганликдан қатъи назар, улар бу мамлакатлар тавсия қилинган иқтисодий сиёсатни етарли даражада амалга оширмаганлари учун тизимлардаги ўзгаришлар жараёнида жиддийроқ тўсиқларга дуч келганликларини кўрсатиб беришга мўлжалланган.

Услубий нуқтаи назаридан «институтцион қопқонлар» ибораси киритилган. бу ибора ўтиш даврида эволюцион тараққиёт қонунларини етарли эътиборга олмаслик натижасида иқтисодий сиёсат билан мавжуд иқтисодиёт ўртасида юзага келадиган қарама-қаршиликлар оқибатларини изоҳлаш учун қўлланилади. «Институтцион қопқонлар» нинг жудаям калтис шакллари шу ҳолларда намоён бўладикки, унда сиёсий ўзгаришлар ижтимоий ва иқтисодий институтлар даражаси ва табиатига мос келмайди, давлат ва халқ янги имкониятлардан керакли даражада фойдаланишга тайёр бўлмайди. Ана шундай ҳолатда қутилган натижалар билан воқеалик ўртасида, харажатлар билан даромадлар, имкониятлар билан мақсадлар ўртасида катта тафовутлар юзага келади.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда амал қилинган стратегия ва сиёсат тизимлардаги ўзгаришлар оқибатида мутлақо турлича, баъзи ҳолларда эса тескари натижаларга олиб келиши мумкин бўлади. Шу маънода барча мамлакатлар ўтиш даврининг илк босқичида, гарчи турли даражада ва кўринишларда бўлса ҳам, «қопқонлар» га илинди (юқори ёки гиперинфляция, давлат бюджетидаги юқори дефицит; ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши ва саноатнинг инқирози; камбағаллашувнинг

жадаллашиши ва даромаддаги тенгсизлик). Буларнинг кўпларига ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш интизоми барбод бўлганлиги, шунингдек, глобаллашувга хос бўлган «қопқонлар» (ташқи савдода ҳамда молиявий тангликлар, жорий операциялар ҳисобидаги узлуксиз дефицит, капиталнинг четга чиқиб кетиши ва ташқи қарзнинг тобора кўпайиши олдида ожизлик) сабаб бўлди. Ўтиш даври ҳамда глобаллашув «қопқонлар»и, яъни тизимларни қайта шакллантиришдаги «қопқонлар» дастлабки шарт-шароит билан амалга оширилаётган сиёсат ўртасида номувофиқлик кўпроқ содир бўлган давлатларда хатарлироқ кечди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш кўламлари ва унинг ялпи пасайиш сабаблари ўтиш даврининг илк босқичларидаёқ намоён бўлади, булар турли усуллар, шу жумладан, статистикадаги ва услубиятдаги мавжуд хатолар билан ҳам изоҳланади. Бироқ ЯИМ миқдорини ўлчашда кўшимча яна уч гуруҳ омилларни эътиборга олиш керак. Булар 1) бошланғич институционал, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар; 2) ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши (собиқ СЭВ) ва унинг парчаланиши; 3) давлат назоратининг бекор қилиниши натижасида юзага келган саросималик ва тизим парчаланишидаги «қопқонлар» билан боғлиқ бошқа ҳолатлар. Маҳсулот ишлаб чиқарилишининг пасайиши сабабларини аниқлаш ва тизимли ўзгариш билан боғлиқ бошқа «қопқонлар»ни уйғунлаштириш учун танланган ва олиб борилган сиёсатни унинг мавжуд институтчионал ва бошқа омиллар билан мувофиқлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш муҳим ва зарур.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатлардаги ўта қаттиқ макроиқтисодий барқарорлашув ҳам реал ЯИМ ҳажмига салбий таъсир ўтказади.

Шуни таъкидлаш керакки, тубдан эркинлаштириш сиёсати иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларда ишлаб чиқариш ва тўлов балансига салбий таъсир кўрсатди. Тизим ўзгаришлари жараёнида, «очиқ эшиклар «иқтисодига анча эҳтиётлик билан ёндашган, ташқи ва ўз ички бозорларида юз бераётган ўзгаришларга прагматик тарзда муносабатда бўлган мамлакатлар иқтисодий ўсиш нуқтаи назаридан қаралганда камроқ шикастландилар. Шу билан бир вақтда амалда туб ислохотлар ўрин олган ички ва ташқи сиёсат фаолиятини ялпи эркинлаштирган давлатлар кўпроқ даражада зарар кўрди.

Туб ислохотлар ва инвестицияларнинг камайиши. Капиталнинг четга чиқиб кетиши анча сезиларли бўлди ва баъзи ҳолатларда ташқи молиялаштиришнинг умумий ҳажмидан ҳам ошиб кетди. Ички ва ташқи хусусий инвестицияларни бир меъёردа кўпайишини таъминлай олмаган мамлакатларда инвестицияларнинг камайиши, айниқса, кўпроқ салбий натижаларга олиб келди. 17-жадвалда ўтиш даври мамлакатларининг турли гуруҳларига оид бир қатор иқтисодий кўрсаткичлар келтирилган.

Хусусийлаштириш ва капиталнинг четга чиқиб кетиши. «Фалаж қилиб даволаш» тарафдорлари илгари сурган учта асосий унсурнинг бири эркинлаштириш ва макроиқтисодий барқарорлик сингари жадал

хусусийлаштиришдан иборат эди. Бу, ўз навбатида, тизимларни қайта шакллантиришда жиддий силжишларга олиб келди. Хитой ва Вьетнам тажрибаси айти пайтда шуни кўрсатадики, ўтиш даврининг бошларида йирик миқёсда хусусийлаштирамасдан туриб ҳам бозор ислохотлари соҳасида жиддий ютуқларга эришиш мумкин экан. Туб ислохотлар йўлидан борган мамлакатларда ўтиш даврининг дастлабки босқичида молиявий институтларнинг етишмаслиги, хусусийлаштиришдаги «ваучер» шакллар, жамият бойликларини яшириш ва ошқора эгаллаб олиш ҳамда катта миқдорда капиталнинг четга чиқиб кетиши маҳсулот ишлаб чиқишнинг камайишидаги муҳим сабаблардан бири бўлди.

13 жадвал

Иқтисодий ўтиш даврига хос мамлакатлар ва Марказий Осиё давлатларига оид макроиқтисодий кўрсаткичлар, (1989-2001 йилларда)

Ўтиш даври мамлакатлари (А) тўртта хар гуруҳи ва Марказий Осиё	Маҳсулот ишлаб чиқариш, %	Инвестициялар (ЯИМга нисбатан ялпи ички инвестициялар ҳажми), %	Инфляция	Монетизация коэф. ва (М2/ЯИМ)	Бюджет дефицити
А					
1.МШЕ мамлакатлари	-3,1	23	72,8	-18	-4,5
2. Болтиқ бўйи мамлакатлари	-28,5	26	120,6	-41	1,8
3.МДХ мамлакатлари (4-б бунга кирмайди)-	-27,4	26	384,2	-52	5,7
4.Ҳарбий ҳаракатлар борган МШЕ ва СИ мамлакатлари	-50,8	22	576,8	-52	-7,0
Б					
Ўзбекистон	4,7	28,5	257,5	-50	5,5
Қирғизистон	-33,1	20,8	163,1	-50	-9,7
Қозоғистон	-26,4	24,3	406,9	-57	4,9
Туркменистон	-34,1	...	584,2	-58	-1,6
Тожикистон (ҳарбий ҳаракатлар ҳисобига олинди)	-51,1	26,4	390,5	-54	-8,8

Ўтиш даврининг дастлабки босқичида бюджет сиёсатининг аҳамияти.

Баъзи тадқиқотларда (B.G.Schwartz (1994 й.) иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларда бюджетнинг қисқариши билан маҳсулот ишлаб

чиқариш ўртасида ўзаро яқин алоқадорлик борлиги қайд этилмайди. Ваҳоланки, МШЕ ва МДХ мамлакатлари, хусусан, Марказий Осиё давлатлари маълумотлари таҳлили натижасида маълум бўлдики, ана шу икки ҳолат бир-бири билан чамбарчас боғланган. Шунингдек, бюджет омилларидан маҳсулот ишлаб чиқариш кескин камайишига йўл қўйилмаган (масалан, Польша ва Ўзбекистонда).

Молиявий воситачилик ва иқтисодий ўсиш. Schuumpeterybyu (1912 й.) таъкидлашича, иқтисодиётни ривожлантиришда банклар ғоят муҳим аҳамият касб этади. Зеро, улар пул омонатларидан фойдаланувчи компанияларни яхши танлай олади. Ушбу фикрга кўра, банк сектори омонотларнинг тақсимланишига таъсир кўрсатган ҳолда фоизлар ўзгариши орқалигина эмас, балки бошқа йўллар билан ҳам иқтисодиётни ривожлантириш суръатларига самарали туртки бериши мумкин. Шундай қилиб, Шумпетернинг молия ва тараққиёт бўйича мулоҳазалари унумдорликнинг ўсиши ва технологиянинг ўзгаришига банк фаолияти биринчи навбатда таъсир этади, деган фикрни келтириб чиқаради. Кейинчалик маълум қилинган назарий моделларда ҳам (Diamond [1984й.]), Boyd ва Prescott(1986 й), King ва Levine (1993й), Levine (1997 й)) банклар ва иқтисодий фаоллик ўртасидаги боғлиқлик таъкидлаб ўтилган.

Ушбу назария амалиётдаги далиллар билан ҳам тасдиқланади: ўтиш даври иқтисодиётидаги барча мамлакатларда ЯИМнинг пасайиш жараёни молия секторининг қисқариши билан бирга содир бўлди. Тадқиқот натижаларида шу нарса аён бўлдики, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиши қанчалик жадал бўлса молиявий воситачиликнинг қисқариш даражаси шунчалик юқори бўлади. Ўтиш даври жараёнида молиявий воситачиликнинг пасайиб кетиши маҳсулот ишлаб чиқаришга бир қанча йўллар орқали таъсир қилиши мумкин. Молиявий воситачиликнинг бўшашиб кетиши маҳсулот ишлаб чиқаришда катта талафатларга сабаб бўлган учта асосий кўринишда содир бўлади. Булар - тўлов тизимидаги узилиш, реал секторидаги жамғарма ва амалда инвестиция сифатида ишлатилган маблағлар ўртасидаги фарқ ҳамда банк-кредит секторининг инқироzi.

3-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга Марказий Осиё давлатларида трансформация ва глобаллашув муаммолари тўғрисида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

3.1. Марказий Осиё давлатларида трансформацияси тўғрисида маълумот бера олади.

3.2. Марказий Осиё давлатларида глобаллашув муаммолари ёрита олади.

3-асосий савол баёни: Марказий Осиё республикаларида собиқ иттифок парчаланиб кетишидан олдинги шарт-шароитни, шунингдек, ишлаб чиқариш омиллари билан бирга нисбий иқтисодий афзалликларни ҳамда мавжуд муаммоларни ўрганиш натижаси шундан далолат берадики, бу ҳудуддаги мамлакатларда аҳвол турлича бўлган. Бир томондан, инвестицияларнинг камлиги ҳамда тугал ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш

тизими бузилганлиги, оқибатда республикаларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муайян путур етганлиги кўзга ташланади. Иккинчи томондан эса, хусусий тадбиркорликка юқори даражада мойиллиги бўлган малакали аҳолининг мавжудлиги, табиий бойликлар, кўп меҳнат талаб қилинадиган ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги аҳолисининг нисбатан катта улуши, шунингдек, жаҳон бозорига чиқиши мумкин бўлган товарлари борлигидир. Бироқ синчиклаб ўрганиш натижасида шу нарса аниқландики, Марказий Осиё давлатларининг ҳар бири учун бу ҳолат турлича аҳамият касб этади.

Аҳоли ва меҳнат. Минтақа юқори малакали ва маданиятга бой бўлган кўп миллатли аҳолига эга. Лекин шу билан бирга, аҳолининг тез ўсиши (асосан балоғатга етмаган болалар сонининг ўсиши) бошқа жойларга кўчиб кетиш хисобига саноатда, айниқса, унинг юксак технологик тармоқларида ишчи кучининг камайиб кетишини тўла қоплай олмай қолди. Оқибатда нохуш вазият рўй берди: меҳнатга яроқли аҳоли тўлиб-тошган бир шароитда қишлоқ жойларида ва кичик шаҳарчаларда янги иш ўринларига талаб катта бўлган бир пайтда замонавий саноат тармоқларида ишчи кучи етишмайди.

Табиий бойликлар ва атроф-муҳит. Марказий осий ўзининг табиий бойликлари, айниқса нефть, газ, рангли ва қимматбаҳо маъданлари, хусусан, олтини билан ажралиб туради. Бироқ етиштирилган маҳсулотнинг аксарият қисми минтақадан жаҳон бозоридагидан анча паст нархлардан олиб чиқиб кетилган. Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ва Жанубий Қозоғистон колхоз ва совхозлари асосан пахталик билан шуғулланган. Сув ресурсларининг ҳаддан ташқари катта қисми пахтачиликка хизмат қилиш жараёнида совурилган ва натижада Орол денгизи фожиасига - XX асрнинг энг катта экологик инқирозлардан бирига йўл қўйилган.

Инвестициялар, ишлаб чиқариш ва истеъмол. Собиқ иттифоқ даврида Марказий Осиёдаги барча республикаларда, амалдаги инвестициялар ҳиссаси мамлакат бўйича ҳисобланганда анча юқори (Қозоғистон бундан мустасно). Бинобарин, бу республикаларнинг ўша давридаги қолоқлигига асосий сабаблардан бири ҳам шу бўлган. Бунга Марказий Осиёни табиий бойликлар ва қишлоқ хўжалик хом ашёлари базасига айлантириш стратегияси ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатди. Савдо-сотик ва маиший хизматни кўшиб ҳисобланганда учинчи сектор, яъни хизмат кўрсатиш соҳаси ғоят мужмал тарзда ташкил этилганлиги анча миқёсда яширин иқтисодиётнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бироқ тадбиркорлик соҳасидаги фаолият ишлаб чиқаришда, ишчи ўринлари ва даромадда мавжуд бўлган катта тафовутларни йўққа чиқара олмади. Оқибатда ижтимоий-иқтисодий қолоқлик юзага келди, аҳоли жон бошига ҳисобланганда маҳсулот ишлаб чиқариш, даромадларни тақсимлаш, турмуш даражаси ва сифати жиҳатидан улар собиқ иттифоқдаги барча республикалар орасида энг паст ўринга тушиб қолди.

Собиқ иттифоқда миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш тизими хомашё нархлари билан тайёр товарлар нархи ўртасидаги номуносивлик, товар айланмаси билан субсидиялар, солиқларнинг турли-

туманлиги, шунингдек, олинган фойданинг нотўғри тақсимланиши натижасида кўп жихатдан вазиятнинг ёмонлашувига сабаб бўлди. Айтиб бериш керакки, пайтда маъмурий буйруқбозлик тизими туфайли иттифоқдош республикалар ташқи дунё билан алоқалари чекланганлиги сабабли бир-бирига қаттиқ боғланиб қолди. Уларнинг ҳажми ва ресурслар билан таъминланганлигидан қатъи назар барча МДХдаги барча давлатлар, шу жумладан, Россия ҳам қатта йўқотишларга учради. Улар маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мутлақо бошқача муносабатли янги жамиятга аста-секинлик билан ўтишга ноқобил эдилар.

Собиқ иттифоқ давридаги Марказий Осиё республикалари ривожланишда эришган муваффақиятларини инкор этмаган ҳалол таъкидлаш керакки, қизил империянинг парчаланиши 15 республиканинг барчасида ишлаб чиқариш ва истеъмол қатта тушқунлик билан чуқур иқтисодий тангликнинг асосий сабабларидан бири бўлиши шубҳасиз эди. Собиқ иттифоқ емирилишининг Марказий Осиё республикаларига зарбаси улар «субсидияланувчи» бўлганликлари учунгина эмас, асосан иқтисодий жихатдан бир-бирларига ҳаддан зиёд мутеликлари туфайли жуда сезиларли бўлди. Чунки тақсимлаш ва қайта тақсимлаш тартиби 1970 йиллардан бошлаб Туркменистон, Ўзбекистон ёки Қозоғистоннинг фойдасига эмасди. Бироқ шаклланган алоқаларнинг узилиши мазкур мамлакатларда ҳам оғир оқибатларга олиб келди. Масалан, совет иттифоқининг парчалангач савдо айирбошлашнинг кескин бузилиши ва молиявий операцияларнинг издан чиқиши республикалар сиёсий мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодий вазиятни сезиларли даражада ёмонлаштирди.

Ўтказилган тадқиқотлар давлатлар ўз мустақилликларига эришганларидан сўнг юз берган иқтисодий жараёнларни, шу жумладан, инқироз ва унинг вақти, чуқурлигини яхшироқ тушунишга ва бу инқироздан кейинги йилларда чиқиш йўллари белгилашга ёрдам беради. қайта тикланишни талаб этади. У яна шуни тасдиқлайдики, ислохот стратегияси бозор ислохотларининг ва глобал иқтисодиёт уйғунлашувининг босқичма-босқичлиги асосида нисбий мавжуд имтиёزلардан юқори даражада фойдаланиш мақсадида ҳар бир муайян мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши зарур.

22-Мавзу. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти ва Марказий Осиё давлатларининг глобал иқтисодиётга қўшилиш сиёсати

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

- 1.1. Ташқи савдо ва глобал иқтисодиётга қўшилиш сиёсати
- 1.2. Давлатларнинг ўзаро савдоси ва минтақавий ҳамкорлик

Мавзу бўйича таянч иборалар ва тушунчалар: ташқи савдо, ташқи савдонинг баланси, қолдиқ, тўлов баланси, қўшма тадбиркорлик, хорижий инвестиция, глобал иқтисодиёт, халқаро савдо, минтақавий ҳамкорлик.

1-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга ташқи савдо ва глобал иқтисодиётга қўшилиш сиёсати тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Ташқи савдонинг заруриятини тушунтира олади.

1.2. Марказий осиё мамлакатларининг глобал иқтисодиётга қўшилиш сиёсатини ёрита олади.

1-асосий савол баёни: Собиқ иттифоқ тарқалгач Марказий Осиёдаги беш давлат Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар учун минтақа ва жаҳон микёсидаги интеграцияга очик бўлишга интилди.

Умумий ҳажмида маълумотлари Марказий Осиё давлатларининг 1991-2000 йиллардаги импорти ва экспорти МДХ мамлакатлари ва жаҳоннинг бошқа мамлакатлари улушини ўзаро таққослаш имконини беради (23-жадвал). Бунда мустақил тараққиёт ва тизимни қайта қуриш бошланишида савдо фаоллиги даражаси камайиши сабабларини ўрганиш жоиз.

Иттифоқ даврида ҳам, у тарқалгандан кейин ҳам ташқи савдо Марказий Осиё мамлакатларида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Уларда экспорт ва импортнинг ялпи миллий маҳсулотга нисбатан кўрсаткичи ўртача МДХ дагига қараганда анча юқорироқ бўлган.

Ташқи савдо айланмаси нуқтаи назардан мустақил давлатларда учта турли босқични ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи босқич (1991 йилдан 1994 йилгача) собиқ иттифоқнинг парчаланиши ҳамда ўзаро савдо ҳажми ва улушининг кескин камайиб кетиши бартараф этилиши билан боғлиқ.

Иккинчи босқич (1995 йилдан 1998 йил 18 августгача) анъанавий савдо шериклари билан оқилона муносабатни сақлаб туриш ва дунёнинг қолган қисми билан алоқаларни кучайтиришни давом эттиришга турлича уринишлардан иборат.

Учинчи босқич (1998 йил 18 августдан 2001 йилгача) жаҳон иқтисодиёти ва Шарқий Осиё молиявий инқирозларининг салбий таъсири билан боғлиқ. Уларнинг таъсири Россия пул бирлигининг девалвация қилиниши туфайли анча кучайди ва анъанавий бозорларда Марказий Осиёда ишлаб чиқарилган товарларнинг рақобатбардошлик даражасига ҳам таъсир этди.

Ҳар уч даврда ҳам Марказий Осиё давлатлари ўз ташқи савдоларининг жуғрофияси ва товар таркибига оид қийинчиликларга дуч келди, бу эса, умумий ташқи савдога салбий таъсир қилди.

Жаҳон доирасидаги ва минтақавий инқирозлар Марказий Осиёдаги барча давлатларнинг импортига ҳам салбий таъсир қилиб, ташқи савдонинг умумий ҳажмини 1998 йилги нархларда ўн йилликгидан энг паст даражага келтириб қўйди. Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар билан рўйхатга олинган савдонинг кескин камайиши бундай таназзулнинг бош омили бўлди, савдо ҳажми саккиз йил олдингидан деярли саккиз баробар камайди.

Уша йилларда мамлакатларнинг жаҳондаги (МДХ дан ташқари) мамлакатлар билан ташқи савдоси нисбий улуши ошди. Кучли таназзул

натижасида 1991-1995 йилларда Марказий Осиё давлатларининг умумий савдо ҳажмида анъанавий савдонинг улуши олис хорижий мамлакатлар билан бўлган савдо улушига тенглашди. Шундан кейинги йилларда собиқ иттифоқ давлатлари билан савдо улуши жаҳоннинг бошқа қисми билан савдо улушидан ҳам камайиб кетди ва уларнинг ўртасидаги тафовут кўпайди. Ташқи савдонинг ушбу икки сементи ўртасидаги нисбат ўзгариб, 1991 йилдаги 7:1 нисбатдан 1997 йилда 1:1,3 га тушди, яъни жаҳоннинг бошқа қисми билан савдо ҳажми ошди. Анъанавий савдо улуши мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда кескин пасайди. Бу асосан Россия билан савдо айланмаси камайиши билан боғлиқ. 1997- 1998 йилларда, айниқса, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистоннинг Россия билан савдо айланмаси 1991 йилдагидан анча кам бўлди. Бу кўрсаткич Қозоғистон ва Қирғизистон учун ҳам муҳим эди, лекин 1998 йилги инқироздан кейин бу мамлакатларда ҳам савдо айланмаси бўйича кескин камайиш тамоёили қўзга ташланди.

2-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга давлатларнинг ўзаро савдоси ва минтақавий ҳамкорлик тўғрисида тушунча бериш.

Идентив ўқув мақсадлари:

1.1. Давлатларнинг ўзаро савдоси аҳамиятини тушунтира олади.

1.2. Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлигини изоҳлай олади.

2-асосий савол баёни: Марказий Осиё давлатларида ўзаро савдо, улар мустақилликка эришгандан сўнг, иқтисодий жиҳатдан айниқса катта аҳамиятга эга бўлди. МДХда савдонинг умумий ҳажми мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда кескин камайишига қарамай, 1992-1995 йилларда уларнинг кўпчилигида йиллик ўртача ўзаро савдо ҳажми 1991 йилдаги даражадан юқори эди. Бу минтақада савдо тақсимотига ўзгариш киритиш имконини берди ва Қирғизистон ва Тожикистоннинг савдо соҳасидаги шериклари сифатида Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг мавқеини ошириб, қандайдир барқарорлаш икки эришишда ўзига хос омил бўлди.

1998 йилда Қирғизистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлди. Қозоғистон билан Ўзбекистонга ўзига Қирғизистондан қайта экспорт (ре-экспорт) қилинаётган истеъмол товарларидан саноат тармоқларини ҳимоя қилиш учун божхона - тариф чораларидан фойдаланишга мажбур бўлди. Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон бир вақтнинг ўзида Россия ва Беларусия Божхона Иттифоқига аъзо бўлиши, 2000 йил октябрида Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамиятининг шаклланиши Ўрта Осиёда минтақавий ҳамкорлик учун муайян қийинчиликлар келтирди.

Лекин, Марказий Осиё давлатлари янада мустақкам минтақавий ўзаро боғлиқликнинг объектив зарурлигини тан олган ҳолда савдо соҳасида ҳам, ресурсларни (сув, энергия ва бошқалар) бошқариш ва инфратузилмалар соҳасида ҳам минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантиришга қатъий эҳтиёж сезди. Бу ҳақда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат бошлиқларининг 2001 йил 28 декабрдаги учрашувида яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Ушбу учрашувда Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжажамиятини қайта тузиб, Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилотига айлантириш ҳақида келишиб олинди.

1994 йилдан бошлаб Марказий Осиёдаги барча давлатларнинг МДХ дан ташқари давлатлар билан умумий савдо ҳажмида экспорт кўрсаткичлари бўйича ҳам, импорт кўрсаткичлари бўйича ҳам жаҳоннинг қолган қисми улуши, айниқса, Ўзбекистонда (1998 йилда 73,4% ва 72,2%) тез ўсди. Савдонинг жуғрофий тақсимооти анча ўзгариб, собиқ ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашидан Европа Иттифоқи, Шарқий Осиё, Шимолий Америка ва Яқин Шарқ томон силжиди. 2000 йилда Марказий Осиё давлатларининг МДХдан ташқаридаги асосий шериклари биринчидан, Европа мамлакатлари (Германия, Буюк Британия, Швейцария, Нидерландия), сўнгра Шарқий Америка (АҚШ) ва Яқин Шарқ (Туркия, Эрон) мамлакатлари бўлди. Ташқи савдонинг умумий ҳажмида уларнинг улуши анча ошди.

Ташқи савдонинг товар таркиби муаммолари. Марказий Осиё давлатларининг экспорт товарлари асосан минерал ресурслар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан иборат эди. Қозоғистонда асосан нефть ва нефть маҳсулотлари, қора ва рангли металллардан, Қирғизистонда олтин, тамаки ва жун; Тожикистонда алюминий ва пахта толаси, Туркманистонда табиий газ, пахта, толаси, нефть ва нефть маҳсулотлари, Ўзбекистонда - пахта толаси, олтин, табиий газ ва рангли металллар экспорт қилинади. МДХнинг кўпчилик мамлакатларига экспорт товарларнинг шундай таркиби характерлидир).

Импортга келганда эса, асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа истеъмол моллари, шунингдек, нефть ва нефть маҳсулотлари (Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистонда, кейинги икки мамлакатда эса яна газ) дан иборат бўлган. Кейинчалик импорт таркибида дон, озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом ашё улуши камайиб, машина-ускуналар кўпая бошлади. Бирок мамлакат ичкарасида фойдаланиш учун импорт қилинаётган истеъмол товарларининг ўрнини қопловчи қайта ишлаш саноати товарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймай туриб импорт қилинадиган машиналар ва ускуналар улушини кўпайтириш баъзи давлатларда жорий операциялар хисоблари бўйича сурункали катта дефицитга, бошқаларида эса истеъмол моллари импортининг ҳаддан ташқари қисқартирилишига олиб келди.

Ташқи савдо ва рақобатбардошлик.

1998 йилнинг августида Россия рублининг девальвация қилиниши Марказий Осиё товарлари рақобатбардошлигига билвосита таъсир қилди. Айниқса, Россиянинг Европа ва Осиё бозорларига экспорти (ёнилғи, металллар) кўпайгани Қозоғистоннинг шундай товарларни экспорт қилишига кўпроқ таъсир ўтказди. Бошқа товарлар эса сифатсизлиги сабабли уларнинг валюталари девальвация қилингандан кейин ҳам МДХ дан ташқарида деярли сотилмай қолди. Бу экспортнинг рақобатбардошлиги ва хилма-хиллиги кўп жиҳатдан валюта алмашув курсининг ўзгаришига ва миллий валюталарнинг қадрсизланиши оқибатида нархларнинг нисбийлигига эмас, кўпроқ

тузилмалар ислохотига боғлиқлигини исботловчи далиллардир. Россияда рублнинг девальвация қилиниши Марказий Осиё давлатлари товарларининг

ички бозорда, Россия бозорида ва бошқа бозорларда рақобатбардошлигига катта салбий таъсир қилди.

Ташқи савдони янада кенгайтириш йўллари ва зарурлиги. Янги Марказий Осиёнинг собиқ иттифоқ таркибидаги республикалари давлат мустақиллигига эришгач, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш йўлида вужудга келадиган бир неча фундаментал муаммоларга ва турлича ташқи қийинчиликларга дуч келди. Бу муаммаларни ҳал қилиш йўли минтақавий ва глобал савдо-сотикни кенгайтиришдир. Бу Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан аввал савдо мижозлари, товарларнинг турлари ва транспорт транзит йўналишларини кенгайтириш ва ўзгартиришни ўз ичига олади. Булар ўта зарур. Лекин, бозор ислохотлари давом эттирилмаса ва ташқи савдо эркинлаштирилмаса, улар етарли самара бермайди. Жаҳон бозорига интеграция бўйича янги имкониятлардан қўпроқ фойдаланиш учун Марказий Осиё давлатлари, аввало, қуйидаги асосий масалаларнинг тегишли ечимини топишлари зарур: 1) корхоналар ўртасида бевосита ташқи савдони қўллаб-қувватлаш; 2) ташқи савдо ва инвестиция инфратузилмасини, айниқса, ички ва халқаро тўлов тизимини такомиллаштириш; 3) валюта алмашуви сиёсатини ислоҳ қилиш. Аск ҳолда инвестицияларни жалб этиб, ташқи савдо имкониятларидан тўла фойдаланиб бўлмайди.

23-Мавзу. Миллий иқтисодиётнинг глобаллашув ва валюта алмашув сиёсатидаги роли

Кўриб чиқиладиган асосий саволлар:

1. Глобаллашув муаммолари ва алмашув курси сиёсати
2. Валюта алмашув курсларининг кўплиги

Мавзу бўйича таянч иборалар ва тушунчалар: экспорт, импорт, ташқа қарз, хусусий кредитлар, расмий кредитлар, ташқи савдо, ташқи савдонинг баланси, қолдиқ, тўлов баланси, қўшма тадбиркорлик, хорижий инвестиция, глобал иқтисодиёт, халқаро савдо, минтақавий ҳамкорлик.

1-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга глобаллашув муаммолари ва алмашув курси сиёсати тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

- 1.1. Глобаллашув муаммоларини айта олади.
- 1.2. Алмашув курси сиёсатини ёрита олади.

1-асосий савол баёни: ХВФ маслаҳатчилари валюта алмашуви (конвертация)ни жорий этиш юзасидан шошилиш чораларини кўриш, ўтиш давридаги мамлакатлар учун энг яхши кўрсатмадир, деган яқдил фикрини билдирдилар. Валюта алмашуви эркинлаштирилиши бозор ислохотларининг бошланишида эмас, балки пировард нуқтасида амалга оширилиши кераклиги тўғрисида фақат санокли огоҳлантиришлар бўлган эди. Бу ёндашувлардан

бири ўтиш даврини валюта алмашувини эркинлаштириш билан бошлашни, иккинчиси тугалашни тавсия қилади. Ушбу икки ёндашувдан фарқлироқ ўзига хос янги ёндашув ҳам таклиф этилади.

Марказий Осиё давлатларини валюта алмашув сиёсатига қараб икки гуруҳга ажратиш мумкин. Қирғизистон билан Қозоғистон биринчи ёндашувни танлади, Ўзбекистон билан Туркменистон эса ислохотларни аста-секин амалга оширишни афзал кўрди. Валюта алмашув сиёсатидаги тафовутга қарамай, глобал ва минтақавий молиявий инқироз Марказий Осиёдаги деярли барча давлатларнинг нозик макроиктисодий барқарорлигига оғир таъсир кўрсатди. Бу жараёнга Россиядаги молиявий инқироз, айниқса, кучли салбий таъсир қилди. Бу пайтда Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистонда пулнинг қадрсизланиши кучайди. Қозоғистонда олтин-валюта захиралари анча камайди. Қирғизистонда катта миқдордаги ташқи қарзни тўлаш муаммоси пайдо бўлади. Россия инқирозига жавобан валюта алмашувини билвосита кучлироқ назорат қила бошлаган Туркменистон билан Ўзбекистонда тўлов баланси ва миллий даромадга салбий таъсир кузатилди.

Ҳозирги вақтда Марказий Осиё давлатларининг кумулатив ташқи қарзи (ўтиш давридаги ҳамма мамлакатларда ҳам шундай ҳол юз берган) ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигидаги шундай вазиятга тобора кўпроқ ўхшаб кетмоқда. Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатларда Россиядаги валюта инқирози (1998 йил, 18 август) тўлов баланси ўртасидаги бевосита боғлиқликни эслатди. Тобора кучайиб бораётган ташқи қарз муаммоси жорий операциялар, ҳисоблар ва капитал ҳаракати ҳисоблари бўйича сурункали тақчиллик билан боғлиқ бўлиб, халқаро захираларнинг тўпланишига тўсқинлик қилмоқда. Бинобарин, ташқи қарз муаммоларига оид чоралар балансни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатни талаб этади, яъни жорий ва капитал ҳисоблар бўйича тушумлар умумий харажатлардан кўп бўлиши керак. Стандарт тавсияларда кўпинча 1) экспортни рағбатлантириш ёки товарлар ва хизматлар импортини камайтириш йўли билан жорий операциялар ҳисобдаги тақчилликни камайтиришга; 2) импорт ўрнини босишга қодир бўлган ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноатнинг экспортга мўлжалланган тармоқларига кўмаклашиш учун бевосита хорижий инвестицияларни, хусусий ва расмий кредитларни жалб этиш йўли билан капитал ҳаракати ҳисоби бўйича салбий қолдиқни камайтириш чораларини кўриш; 3) қутилмаган ташқи салбий таъсир натижасида иккала ҳисобда ҳам салбий салдо ҳолатида тўловсизликдан қутулиш учун халқаро расмий захираларни етарли даражада сақлаб туриш кўзда тутилади.

Ташқи қарз динамикасини баҳолаш ҳамда келажак учун зарур тавсияларни олиш учун самарали таҳлилий восита сифатида қуйидаги асосий тенгламалар ва моделлардан фойдаланилади.

Биринчи - соф ташқи қарзлар ҳажмини (хорижий валютанинг келиши ва кетиши балансига қараб ижобий ёки салбий) аниқлайдиган тенглама. Миқдор жиҳатдан у капиталнинг соф оқими, капитал оқими бруттоси, минус

ўтган йилги амортизация билан тўпланган хорижий қарз қолдиғининг фоиз тўловлари ўртасидаги тафовут сифатида ўлчанади. Уни қуйидаги математик тенглама билан ифодалаш мумкин:

$$BT = dD - rD \quad (1) \quad \text{ёки} \quad BT = (d - r) D \quad (1)$$

Бунда: D -тўпланган ташқи қарзнинг умумий ҳажми;
 d -ташқи қарзнинг кўпайиш фоизи;
 dD -соф капитал оқими ёки ташқи қарз умумий ҳажмининг кўпайиши;
 r -ташқи қарзга тўланадиган ўртача фоиз;
 rD -ташқи қарз бўйича йиллик тўловларнинг умумий миқдори.

Тенглама 1) ушбу давлат билан хорижий давлат ўртасидаги капитал ҳаракати натижасида ҳар бир йил доирасида хорижий валюта миқдорининг камайиши ёки кўпайишини кўрсатади. Агар $d > r$ бўлса, мамлакатга валюта келади, лекин $d < r$ бўлса, хорижий валюта мамлакатдан чиқиб кетади. Бошқача айтганда, ташқи қарз жалб этилган капиталдан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлса, у ҳолда r кўпайган тақдирда ҳам BT ижобий бўлади, ташқи қарз қарздор мамлакатнинг на қисқа муддатли, на узоқ муддатли тараққиёт истикболига салбий таъсир этмайди.

Бу концепция заминидаги асосий ғоя шундан иборатки, мамлакат унинг ҳисобини йилма-йил эмас, балки ташқи қарз олинган анча узоқ муддат доирасида баланслашиши лозим. Бироқ бу мамлакат ҳар бир давр доирасида қарзнинг тўлов даражасини менсимаслиги керак, деган маънони билдирмайди. Бундан ташқари мамлакатнинг тўлов қобилияти ва қарзларини тўлашга қудрати етиши тўғрисидаги хулоса пировард натижада пулнинг жорий ёки бир қанча йил давомида тўлаш муддатларини аниқ кўрсатиб, мамлакат олган мажбуриятлар ҳажми тўғрисидаги ахборотга асосланиш лозим. Буни қуйидаги эконометрик тенглама билан ифодалаш мумкин:

$$(D_t - D_{t+1}) = Y_t - rD_t - C_t - G_t - G_t \quad (2)$$

Бунда: $(D_t - D_{t+1})$ - t давридан $t+1$ давригача ташқи қарздаги соф ўзгариш;
 Y_t - t давридаги ЯИМ (соф пул ўтказиш киритилган);
 rD_t - t даври учун тўла фоиз тўлови;
 C_t - t давридаги истеъмол;
 G_t - t давридаги ички инвестиция;
 G_t - t давридаги давлат харажатлари.

2) тенгламадан келиб чиқадики, қарз миқдори маълум вақт давомида мамлакатда ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва истеъмолни камайитириш, ички инвестициялар ва давлат харажатларини камайитириш ҳисобига камайитирилиши мумкин. Лекин мамлакат бир даврдан иккинчи давргача бундай қилишга қодир бўлмаса ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш, истеъмол, ички инвестиция ва ҳукумат харажатлари ташқи қарзни тўлаш учун зарур

миқдордан кам бўлмайдиган даражага етса, у ҳолда мамлакат қарз инқирозига учрайди.

$$C_t + T_t + Q_t - Y_t < dDt - rDt \quad (3)$$

Бунда: dDt - мамлакатга келган хорижий валютанинг t давридаги жами оқими;

rDt - ташқи қарзни тўлаш натижасида t даврида мамлакатдан чиққан хорижий валюта оқими;

$dDt - rDt$ - t давридаги ВТ.

Турли ташқи ва ички мураккаб омиллар d ва r га таъсир қилиши, бу эса ташқи қарз муаммосининг кескинлашувига олиб келиши мумкин. d ва r учун хос бўлган тамойиллар қуйидагича: Аввал мамлакатнинг умумий қарзи кам бўлган ва унинг кўпайиш даражаси d , юқори тенденцияли бўлиши мумкин. Аммо D кўпайганда, d камаю бошлайди, чунки ташқи қарзни тўлаш мамлакатга қўшимча капитал оқими ҳажмига тенглашади.

Иккинчидан, ташқи қарз тўпланишининг дастлабки босқичи r нисбатан кам бўлади (кўпинча нисбатан анча кам бўлади), чунки, бу босқичда асосий манба муддатли ва тўлаш шартлари жиҳатидан имтиёзли расмий хорижий ёрдамдан иборат бўлади. Лекин кейинчалик r тез ўсиши мумкин. Бу тижорат банкларида бозор шартлари асосида олинган қисқа муддатли тижорат кредитлари билан боғлиқ

Мамлакат ташқи қарзлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаган пайтда дефолтдан холис бўлиш учун бундай вазиятни олдиндан кўришга имкон берадиган муайян воситаларга эга бўлиш муҳим. Тегишли тенгламалар (1)-(3) дан фойдаланиш ташқи қарз кўпайишининг асосий сабабларини миқдорий ўлчаш учун фойдали бўлиши ва ташқи қарз хусусида тўғри иқтисодий сиёсатни танлашга кўмаклашиши мумкин.

Икки чеклашни таҳлил қилиш моделларидан расмий ёрдамга эҳтиёжни ва мамлакатнинг бу ёрдамдан самарали фойдаланиш қобилиятини аниқлаш учун фойдаланилади. Бу моделлар умуман ташқи қарзни улчаш учун ҳам фойдалидир. Қарздор мамлакатларнинг кўпчилигида иккита асосий чеклаш мавжуд: инвестиция имкониятларига нисбатан ички жамғармаларнинг етишмаслиги ва товар импортида валютага бўлган эҳтиёжга нисбатан хорижий валютанинг етишмаслиги. Бу чеклашларни бартараф этиш учун мамлакат қўшимча равишда хорижий валютани жалб этади. Бу эса кейинчалик ташқи қарзнинг кўпайишига олиб келади. Қарзнинг кўпайишини қуйидаги тенглама билан ифодалаш мумкин:

$$dD/D = rD + M - E \quad (4)$$

Бунда: dD/Dt - қарз миқдорининг ўзгариши (биринчи ҳосила);

r - фоизнинг ўртача меъёри;

M - импорт;

Е - экспорт.

Шу тарика бир вақтнинг ўзида тўлов балансининг ҳар уч қисмида ҳам ташқи қарзнинг ўсиш ҳолатини ва муаммосини баҳолашга имкон берадиган ташқи қарзни бошқариш сиёсатини қўллаш ва миқдорий воситалардан фойдаланиш зарур. Шундай қилиб, ҳар томонлама ёндашувнинг умумий самараси ташқи қарзнинг сурункалилигини бартараф этишга ёрдамлашиши лозим.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар ташқи қарз муаммосидан ташқари ўз валюта бозорининг долларлашувида дуч келди. Янги миллий давлатларнинг кўпчилиги сингари Марказий Осиё давлатларида ҳам алмаштириладиган валюта жамғармасидан пулнинг қадрсизланишидан суғурталаш учун, валюта операцияларидан кўриладиган зарарни қоплаш учун, шунингдек, бошқа хатарлардан холи бўлиш учун фойдаланилмоқда. Бироқ бирор мамлакат хорижий валютадаги депозитларнинг шу мамлакат банк тизими барча депозитларига нисбатан долларлашиш даражасини тўла ўлчашга қодир эмас.

Савдони ва валютани эркинлаштирган, шунингдек, капитал ҳисоби ва жорий операциялар ҳисоби тўла конвертациялаштирилган ва ҳатто, молиявий инқироз чоғида ҳам шу сиёсатга амал қилишга уринган мамлакатларда анча қийин вазият туғилади. Босқичма-босқич ислоҳ қилиш ва валюта бозорларини аста-секин эркинлаштириш сиёсатини ўтказувчи мамлакатлар ҳам бир қанча ташқи зарбаларга учрайди, лекин бу зарбалар бошқача усулда ва билвосита шаклларга бўлади. Бу ҳол расмий ва норасмий бозордаги валюта алмашуви ўртасидаги тафовутнинг сезиларлилигида бўлишида намоён бўлади.

2-савол бўйича дарснинг мақсади: Талабаларга валюта алмашув курсларининг кўплиги тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.

Идентив ўқув мақсадлари:

2.1. Валюта алмашув курсларининг моҳиятини ёрита олади.

2.2. Алмашув курси сиёсатини ёрита олади.

2-асосий савол баёни: Ўзбекистон (Туркменистон) собиқ иттифоқ таркибидаги кенг доирадаги савдо чеклашларидан ва хорижий валютани назорат қилиш воситаларидан фойдаланиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишга уринаётган собиқ иттифоқнинг кам сонли мамлакатлардан биридир. Бу чоралар яқинда юз берган глобал ва минтақавий молиявий инқирознинг салбий таъсирини камайтириш имконини берди. Лекин вақтда улар катта норасмий товар ва валюта бозорларини вужудга келтирди.

Алмашув курсларининг хилма-хиллиги маълум маънода кўпгина ривожланаётган мамлакатларга хосдир. Ўтиш давридаги деярли барча мамлакатлар тизимларни қайта ташкил этиш чоғида шу муаммога дуч келди. Уларда кўп ёки муайян валюта алмашув курси мавжуд бўлди. Булар: ҳукумат томонидан белгиланадиган норасмий бозордаги алмашув курси жамоат секторининг барча операциялари ва хусусий сектор операцияларининг бир қисми расмий бозорда расмий алмашув курсида, айни пайтда хусусий сектор

келишувларнинг қолган қисми яширин бозорда норасмий алмашув курсида амалга оширилди. Накд ва накдсиз пуллар учун турлича алмашув курси монополиячилик банк тизимининг мавжудлиги ва чинакам тижорат банклари йўқлигининг бевосита натижасидир. Параллел алмашув курси эса хорижий валюта бозорининг бўлганини ифодалаб, бу давлат томонидан ўрганилган савдо ва молия чеклашларининг натижасидир. Жорий операциялар ва капитал ҳисоблари бўйича операцияларга ҳукумат томонидан қўйилган кенг чеклашларга жавобан кенг миқёсли ва узоқ муддатли норасмий бозорлар вужудга келади. Бундай чора-тадбирларнинг асосий сабаблари маълум индустриал, ташқи савдо ва валюта сиёсати билан боғлиқ. Ҳукумат баъзи тармоқлар ва корхоналар учун қулай шароит яратиб бериш, жумладан, валюта алмашуви курсининг паст ставкаларидан фойдаланишга имтиёз бериш йўли билан уларни тўғридан-тўғри ёки билвосита қўллаб-қувватлаши мумкин. Тарифлар, савдо чеклашлари ва тўсиқларнинг мавжудлиги норасмий валюта бозори пайдо бўлиши учун етарли эмаслигини таъкидлаш керак. Экспорт ва импорт операцияларининг иштирокчилари хорижий валютадан эркин фойдаланар эканлар, савдо чеклашлари алмашув курси сегментлашувини келтириб чиқармайди. Улар хорижий валютага талаб ва таклифларга таъсир ўтказса ҳам операцияларнинг ҳар хил турларига ғов бўла олмайди. Фақат ҳукумат сиёсати хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш ҳажмига миқдорий чеклашларни (уни кўпинча меъёрий белгилаш дейишади) белгилаш йўли билан турли операциялар ўртасида чеклашлар барпо қилади. Хорижий валютага қондирилмаган эҳтиёж яширин бозорни вужудга келтиради, унда валюта қиймати айни пайтдаги таклиф билан белгиланади. Кўпчилик эътироф этган фикр шуни кўрсатадики, миллий валютанинг ҳақиқий қимматлашуви ва бунинг оқибатида яширин бозорда курснинг ўзгариши ички бозорда ҳукуматнинг валюта алмашувини меъёрлаштириши (чеклаши) натижасида девалвация қилинган алмашув курси билан пулнинг қадрсизланиши суръати ўртасидаги фарқ кўпаяди. Шу тариқа параллел алмашув курслари ҳукуматнинг валюта бозорини сегментациялаш ва меъёрлаштириш воситаси билан валютани назорат қилиш сиёсатининг қўшимча маҳсулидир.

Алмашув курси билан пулнинг қадрсизланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик анча мураккаб. Кичик иқтисодийда алмашув курси ўзгаришидан олдин ички нарх даражаси ўзгаради. Алмашув курси нархга икки йўл билан – товарлар импорти ва инфляция эҳтимолининг иқтисодий агентлар томонидан ҳисобга олиниши («инфляцион қутулиш»). Таъсир қилади лекин алмашув курси ўзгариши (девалвация) натижасида ички нарх тўлиқ кўтарилмаглиги мумкин. Бундаш ҳолатга олиб келадиган икки омил мавжуд:

а) хорижда талаб катта бўлган, шунга қарамай мамлакат ичкарисида ишлаб чиқарилаётган ва истеъмол қилинаётган ҳамда хорижий товарлар билан бевосита рақобат қилмаётган товарлар. Бундай товарларнинг нархи алмашув курси ошгандан кейин биров кечикиб кўтарилади ва ички валютанинг қадрсизланиши ставкасига тўла мос келмайди;

б) хизмат ва ишлаб чиқариш омиллари нархлари кўп ҳолларда ташқи нархларга бевосита боғлиқ бўлмайди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АГРОИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

«УМУМИЙ ИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ

**«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИ» ФАНИДАН МУСТАҚИЛ
ИШ ТОПШИРИҚЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ
КЎРСАТМА**

Тузувчи: Аллаярова М.Қ.

ГУЛИСТОН - 2010

Аллаёрова М.Қ. «Ўзбекистон миллий иқтисодиёти» фанидан мустақил иш топшириқларини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатма. – Гулистон, 2010 - 16 б.

Ушбу услубий кўрсатма 5340100 – «Иқтисодиёт» бакалаврият таълим йўналиши учун мўлжалланган. Унда талабаларга мавзуларни мустақил ўзлаштириш бўйича тавсиялар берилган. Услубий кўрсатма иқтисодиёт факультети Ўқув Методик Кенгаши йиғилишида (3-баённома, 23 ноябр – 2010 йил) тасдиқланган.

Такризчилар: доцент Сатторкулов О.Т.
 к.ў. Абдувоҳидов А.А.

Кириш

Ушбу мустақил иш топшириқларини бажариш бўйича услубий кўрсатма Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлигининг 34-сонли (21.02.05) бўйруғига ва ГулДУда ишлаб чиқилган махсус Низомга асосан ишлаб чиқилган. У 72 соатга мўлжалланган. мустақил ишнинг мақсади талабаларда муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Мустақил ишнинг мақсади талабаларда муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Талаба мустақил ишининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- мавзуни мустақил ўрганиш ва конспектлаш;
- мавзу бўйича намунавий реферат мавзуси ва режасини тузиш;
- мавзу бўйича илмий муаммо ва унинг ечими;
- мустақил иш мавзуси бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.

**«Ўзбекистон миллий иқтисодиёти» фанидан талаба томонидан
бажариладиган мустақил иш топшириқлари соатларининг
тақсимланиши**

№	Мавзулар	Ажратилган соат
1.	Ўзбекистон миллий иқтисодиёти тармоқ иқтисодиёти сифатида	4
2.	Миллий ҳисоблар тизимининг иқтисодиётда тутган ўрни	4
3.	Миллий иқтисодиётга таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар	4
4.	Миллий бойликнинг иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига таъсири.	4
5.	Макроиқтисодий вазиятнинг асосий йўналишлари	4
6.	Иқтисодий ўсишнинг ҳақиқий даражасини аниқлаш усуллари.	4
7.	Республиканинг саноат мажмуасининг таркиби.	4
8.	Транспорт мажмуасининг бошқа тармоқлар билан боғлиқлиги.	4
9.	Қурилиш мажмуаси, қурилиш тизими ва қурилиш саноати.	4
10.	Бошқариш тизимидаги ислоҳатлар.	4
11.	Иқтисодиётни бошқаришдаги молия-кредит йўллари.	4
12.	Бозор инфратузилмасининг асосий йўналишлари.	4
13.	Давлатнинг иқтисодиётга аралашув чегаралари.	4
14.	Ижтимоий мажмуанинг ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқлиги.	4
15.	Қишлоқдаги меҳнат бозори.	4
16.	Макроиқтисодий дастурларнинг бозор шароитидаги аҳамияти.	4
17.	Худудий иқтисодиётнинг муаммолари.	4
18.	Интеграцион йўналишнинг моҳияти.	4
	Жами:	72

1-мавзу: Ўзбекистон миллий иқтисодиёти тармоқ иқтисодиёти сифатида

1. Мавзуни мустақил ўрганиш ва конспектлаш.

1.1. Мавзуни ўрганишда эътибор берилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар: миллий иқтисодиёт, халқ хўжалиги комплекси, тармоқ хўжалиги тузилиши тармоқлар, корхоналар, уюшмалар.

2. Мавзу бўйича намунавий реферат мавзуси ва режаси

2.1. «Ўзбекистон миллий иқтисодиёти» фанининг ўрганиш объекти ва қўллаш усуллари.

Кириш

1. «Ўзбекистон миллий иқтисодиёти» фанининг предмети.
2. Фаннинг мақсад ва вазифалари.
3. Миллий иқтисодиётда қўлланиладиган усуллар

Хулоса

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

3. Мавзу бўйича илмий муаммо ва унинг ечими.

3.1. Ўтиш даврида миллий иқтисодиётдаги тармоқ хўжалигида иқтисодий ўзгаришларни изоҳлаш

3.2. Миллий иқтисодиётни тармоқ хўжалиги сифатида таҳлил қилиш

4. Мустақил иш мавзуси бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
3. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: 1997.
4. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти.-Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси», 2004.
5. Додобоев а. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Фарғона. 2004.

2-мавзу: Миллий ҳисоблар тизимининг иқтисодиётда тутган ўрни

1. Мавзуни мустақил ўрганиш ва конспектлаш.

1.1. Мавзуни ўрганишда эътибор берилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар: миллий ҳисоблар тизими, ялпи миллий маҳсулот, соф миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот шахсий даромад, ЯММни ҳисоблаш усуллари.

2. Мавзу бўйича намунавий реферат мавзуси ва режаси

2.1. Миллий иқтисодий фаолият – иқтисодий механизмларнинг ўзаро алоқадорлик ҳаракати сифатида.

Кириш

1. Макроиқтисодий кўрсаткичлар ва уларнинг тавсифи.
2. ЯММни харажатлар бўйича ҳисоблаш усули.
3. ЯММни даромадлар бўйича ҳисоблаш усули.

Хулоса

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

3. Мавзу бўйича илмий муаммо ва унинг ечими.

3.1. Миллий ҳисоблар тизимининг бозор иқтисодиётидаги ролини ёритиш.

3.2. Иқтисодий механизмларнинг иқтисодиётга таъсирини ўрганиш

4. Мустақил иш мавзуси бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999.

3. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: 1997.
4. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти.-Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси», 2004.
5. Додобоев а. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Фарғона. 2004.

3-мавзу: Миллий иқтисодиётга таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар

1. Мавзуни мустақил ўрганиш ва конспектлаш.

1.1. Мавзуни ўрганишда эътибор берилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар: иқтисодий омил, сиёсий омил, демографик омил, маданий омил, ички шарт-шароитлар, Эмбарго эълон қилиш, қулай режамллилик, уруш ҳолати, иш кучи миграцияси.

2. Мавзу бўйича намунавий реферат мавзуси ва режаси

2.1. Миллий иқтисодиётни амал қилишида ташқи ва ички омилларнинг ўрни ва аҳамияти.

Кириш

1. Милли иқтисодиётга таъсир этувчи ташқи омиллар.
2. Миллий иқтисодиётга таъсир этувчи ички омиллар.
3. Ташқи ва ички омилларнинг боғлиқлиги.

Хулоса

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

3. Мавзу бўйича илмий муаммо ва унинг ечими.

3.1. Ташқи омилларни амал қилинишини таъминлаш учун қандай ички имкониятлар яратилиши зарурлигини айтиш.

3.2. Ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий омилларнинг боғлиқлигини ёритиш.

4. Мустақил иш мавзуси бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
3. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: 1997.
4. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти.-Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси», 2004.
5. Додобоев а. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Фарғона. 2004.

4-мавзу: Миллий бойликнинг иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига таъсири.

1. Мавзуни мустақил ўрганиш ва конспектлаш.

1.1. Мавзуни ўрганишда эътибор берилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар: мамлакат миллий бойлиги, потенциал бойлик, реал бойлик, моддий хом-ашё ресурслари, иқтисодий тараққиёт даражаси, иқтисодий ўсиш, жон бўшига тўғри келадиган ЯММ, аҳоли турмуш даражаси.

2. Мавзу бўйича намунавий реферат мавзуси ва режаси

2.1. Моддий хом-ашё ресурслари миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини белгиловчи асос сифатида.

Кириш

1. Мамлакатнинг миллий бойлиги ва унинг таркиби..
2. Потенциал ва реал бойликнинг иқтисодиётга таъсири..
3. Иқтисодий ўсишнинг аҳоли турмуш даражасини кўратишдаги ўрни.

Хулоса

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

3. Мавзу бўйича илмий муаммо ва унинг ечими.

3.1. Мамлакат миллий бойлигини ижтимоий – иқтисодий ривожланиш даражасини қудрати сифатида ўрганиш.

3.2. Ўзак тармоқларнинг иқтисодиётдаги ўрнини ёритиш.

4. Мустақил иш мавзуси бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
3. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: 1997.
4. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти.-Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси», 2004.
5. Додобоев а. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Фарғона. 2004.

5-мавзу: Макроиқтисодий вазиятнинг асосий йўналишлари

1. Мавзуни мустақил ўрганиш ва конспектлаш.

1.1. Мавзуни ўрганишда эътибор берилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар: иқтисодий ислохатлар, иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш, мулкий ислохатлар, тармоқ хўжалигидаги силжишлар, устивор йўналишлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш.

2. Мавзу бўйича намунавий реферат мавзуси ва режаси

2.1. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохатларни чуқурлаштириш энг муҳим вазифа сифатида..

Кириш

1. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг яқунлари.
2. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг устивор йўналишлари.

Хулоса

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

3. Мавзу бўйича илмий муаммо ва унинг ечими.

3.1. Иқтисодиётда бўлаётга таркибий силжишларни изоҳлаш.

3.2. Ислохатларни янада чуқурлаштиришнинг мазмунини ёритиш.

4. Мустақил иш мавзуси бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.

2. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
3. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: 1997.
4. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти.-Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси», 2004.
5. Додобоев а. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Фарғона. 2004.

6-мавзу: Иқтисодий ўсишнинг ҳақиқий даражасини аниқлаш усуллари

1. Мавзунини мустақил ўрганиш ва конспектлаш.

1.1. Мавзунини ўрганишда эътибор берилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар: иқтисодий ўсиш, иқтисодий ўсишнинг кўлами, иқтисодий ўсишнинг суръати, аҳоли турмуш даражаси, истеъмол товарлари, ишлаб чиқаришнинг ҳажми, аҳолининг эҳтиёжлари, истеъмол саватчаси, халқ истеъмоли товарлари.

2. Мавзу бўйича намунавий реферат мавзуси ва режаси

2.1. Иқтисодий ривожланиш даражаси ва миллий бойлик.

Кириш

1. Иқтисодий ўсишнинг моҳияти ва унга таъсир этувчи омиллар.
2. Иқтисодий ўсиш даражасини аниқлаш усуллари.
3. Иқтисодий ўсишнинг шарти, натижаси ва кўрсаткичлари

Хулоса

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

3. Мавзу бўйича илмий муаммо ва унинг ечими.

3.1. Мамлакатнинг ҳақиқий иқтисодий ўсиш даражасини аниқлаш.

3.2. Ишлаб чиқариш жараёни ва иқтисодий ўсишнинг шарти ва натижаларини фарқлаш.

4. Мустақил иш мавзуси бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
3. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: 1997.
4. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти.-Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси», 2004.
5. Додобоев а. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Фарғона. 2004.

7-мавзу: Республиканинг саноат мажмуасининг таркиби.

1. Мавзунини мустақил ўрганиш ва конспектлаш.

1.1. Мавзунини ўрганишда эътибор берилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар: саноат мажмуаси, ёқилғи-энергетика мажмуаси, металлургия мажмуаси, киме саноати, ўзак тармоқлар, А гуруҳ, Б гуруҳ, саноат ишлаб чиқариш дастури.

2. Мавзу бўйича намунавий реферат мавзуси ва режаси

2.1. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида саноат мажмуасининг ўрни.

Кириш

1. Саноат мажмуасининг мазмуни ва таркиби.
2. Саноат тармоғининг бўлинмалари ва уларнинг мутаносиблиги.
3. Саноат ишлаб чиқариш дастури

Хулоса

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

3. Мавзу бўйича илмий муаммо ва унинг ечими.
 - 3.1. Янги хўжалик юритиш шароитида саноат ишлаб чиқаришини аҳамиятини очиб бериш.
 - 3.2. Саноат ишлаб чиқариш бўлинмаларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш.
4. Мустақил иш мавзуси бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати
 1. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
 2. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
 3. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: 1997.
 4. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти.-Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси», 2004.
 5. Додобоев а. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Фарғона. 2004.

8-мавзу: Транспорт мажмуасининг бошқа тармоқлар билан боғлиқлиги.

1. Мавзуни мустақил ўрганиш ва конспектлаш.
 - 1.1. Мавзуни ўрганишда эътибор берилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар: транспорт тизими, транспорт мажмуаси, ташиладиган юкларнинг ҳажми, юк обороти, пассажир оборот, юк ташишнинг ўртача масофаси, ҳаракатдаги транспорт воситаларини фойдаланишнинг техник кўрсаткичлари.
2. Мавзу бўйича намунавий реферат мавзуси ва режаси
 - 2.1. Транспорт тизимининг халқ хўжалигида тутган ўрни.

Кириш

1. Ўзбекистон республикасининг транспорт тизими.
2. Ўзбекистон транспорт тизимининг қонуний меъёрий базаси.
3. Транспорт мажмуасининг асосий кўрсаткичлари

Хулоса

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

3. Мавзу бўйича илмий муаммо ва унинг ечими.
 - 3.1. Транспорт мажмуасининг халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан боғлиқлигини кўрсатиш.
 - 3.2. Транспорт тизими бозор инфратузилмасини таркибий қисми сифатида деган иборани таҳлили қилиш.
4. Мустақил иш мавзуси бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати
 1. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
 2. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
 3. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: 1997.

4. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. -Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси», 2004.
5. Додобоев а. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Фарғона. 2004.

9-мавзу: Қурилиш мажмуаси, қурилиш тизими ва қурилиш саноати

1. Мавзуни мустақил ўрганиш ва конспектлаш.

1.1. Мавзуни ўрганишда эътибор берилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар: қурилиш мажмуаси, қурилиш индустрияси, қурилиш монтаж ишлари, қурилиш лойиҳалаш ишлари, қурилиш саноати, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш тармоқлари.

2. Мавзу бўйича намунавий реферат мавзуси ва режаси

2.1. Қурилиш мажмуасининг халқ хўжалигида тутган ўрни.

Кириш

1. Қурилиш мажмуасининг таркиби.
2. Қурилиш индустрияси қурилиш мажмуасининг асосий тармоғи сифатида.
3. Қурилиш монтаж ишлари қурилиш индустриясини ривожлантирувчи тармоқ сифатида

Хулоса

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

3. Мавзу бўйича илмий муаммо ва унинг ечими.

3.1. Қурилиш тизимидаги ўзгаришларга изоҳ бериш.

3.2. Монтаж ишларини қурилиш соҳасидаги ўрнини ёритиш..

4. Мустақил иш мавзуси бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. И.А.Каримов Ўзбекистон ХХI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
3. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: 1997.
4. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. -Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси», 2004.
5. Додобоев а. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Фарғона. 2004.

10-мавзу: Бошқариш тизимидаги ислохатлар.

1. Мавзуни мустақил ўрганиш ва конспектлаш.

1.1. Мавзуни ўрганишда эътибор берилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар: давлатнинг иқтисодий асослари, ялпи ишлаб чиқариш, иқтисодий сиёсат, иқтисодий мустақиллик, ҳукумат, давлат бошқарув органлари, маҳаллий шокимият органлари, муниципал мулк.

2. Мавзу бўйича намунавий реферат мавзуси ва режаси

2.1. Ҳукумат ва унинг иқтисодиётда тутган ўрни.

Кириш

1. Қонун чиқарувчи орган ва унинг ваколатлари.

2. Президент ва унинг ваколатлари.
3. Суд ҳокимияти ва ундаги ислохатлар.

Хулоса

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

3. Мавзу бўйича илмий муаммо ва унинг ечими.
 - 3.1. Ўзбекистон шукуматининг иқтисодий ривожлантиришдаги ролини ёритиш.
 - 3.2. Суд тизимидаги ислохатларни ёритиш.
4. Мустақил иш мавзуси бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати
 1. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
 2. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
 3. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: 1997.
 4. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти.-Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси», 2004.
 5. Додобоев а. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Фарғона. 2004.

11-мавзу: Иқтисодий бошқаришдаги молия-кредит йўллари.

1. Мавзунини мустақил ўрганиш ва конспектлаш.
 - 1.1. Мавзунини ўрганишда эътибор берилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар: молия тизими, пул-кредит сиёсати, молия-кредит тизими, давлат бюджети, бюджет тақчилиги, ижтимоий суғурта жамғармалари, суғурта, фонд биржалари.
 2. Мавзу бўйича намунавий реферат мавзуси ва режаси
 - 2.1. Молия муносабатлари ва молия тизими
- Кириш
1. Ўзбекистон республикасининг молия тизими.
 2. Давлат бюджети.
 3. Молия бозори ва фонд биржаси.

Хулоса

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

3. Мавзу бўйича илмий муаммо ва унинг ечими.
 - 3.1. Икки даражадаги банк тизими механизмини ёритиш.
 - 3.2. Бюджет тақчиллигининг сабалари ва бартараф этиш йўллари тушунтириш.
4. Мустақил иш мавзуси бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати
 1. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
 2. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
 3. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: 1997.
 4. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти.-Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси», 2004.

5. Додобоев а. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Фарғона. 2004.

12-мавзу: Бозор инфратузилмасининг асосий йўналишлари.

Мавзуни мустақил ўрганиш ва конспектлаш.

1.1. Мавзуни ўрганишда эътибор берилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар: инфратузилма, бозор иқтисодиёти, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, институционал инфратузилма, муқобил МТП, минибанк, фермер хўжалиги.

2. Мавзу бўйича намунавий реферат мавзуси ва режаси

2.1. Қишлоқ жойларда бозор инфратузилмасини такомиллаштириш йўллари.

Кириш

1. Инфратузилма моҳияти ва турлари.
2. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти.
3. Қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилманинг роли.

Хулоса

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

3. Мавзу бўйича илмий муаммо ва унинг ечими.

3.1. Бозор инфратузилмасининг иқтисодиётда тутган ўрнини ёритиш.

3.2. Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмага изоҳ бериш.

4. Мустақил иш мавзуси бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
3. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: 1997.
4. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти.-Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси», 2004.
5. Додобоев а. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Фарғона. 2004.

13-мавзу: Давлатнинг иқтисодиётга аралашув чегаралари.

1. Мавзуни мустақил ўрганиш ва конспектлаш.

1.1. Мавзуни ўрганишда эътибор берилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар: иқтисодиётни давлат томонидан бошқарилиши, давлатнинг иқтисодий вазифалари, фискал сиёсат, монетар сиёсат, бюджет, пул-кредит сиёсати.

2. Мавзу бўйича намунавий реферат мавзуси ва режаси

2.1. Давлат томонидан юритиладиган макроиқтисодий сиёсат кўринишлари.

Кириш

6. Иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришнинг зарурияти.
7. Давлат томонидан юритиладиган пул-кредит сиёсати.
8. Дотация, субсидия ва субвенциянинг иқтисодий моҳияти.

Хулоса

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

3. Мавзу бўйича илмий муаммо ва унинг ечими.

- 3.1. Давлат томонидан юритиладиган макроиқтисодий сиёсатнинг иқтисодиётга таъсирини аниқлаш.
- 3.2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишни аҳамиятини ёритиш.
4. Мустақил иш мавзуси бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати
 1. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
 2. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
 3. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: 1997.
 4. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти.-Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси», 2004.
 5. Додобоев а. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Фарғона. 2004.

14-мавзу: Ижтимоий мажмуанинг ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқлиги.

1. Мавзуни мустақил ўрганиш ва конспектлаш.
 - 1.1. Мавзуни ўрганишда эътибор берилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар: ижтимоий ҳимоя, ижтимоий сиёсат, хайрия жамғармаси, пенсия жамғармаси, ижтимоий ҳимоя шакллари, ижтимоий таъминот.
2. Мавзу бўйича намунавий реферат мавзуси ва режаси
 - 2.1. Бозор иқтисодиёти ва ижтимоий ҳимоя.

Кириш

1. Бозор шароитида ижтимоий соҳанинг аҳамияти.
2. Ижтимоий ҳимоя шакллари.
3. Ижтимоий суғурта ва хайрия жамғармалари.

Хулоса

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

3. Мавзу бўйича илмий муаммо ва унинг ечими.
 - 3.1. Бозор иқтисодиётидаги ижтимоий соҳани ривожлантириш зарурлигини ёритиш.
 - 3.2. Ижтимоий ҳимоя шаклларини тушунтириш.
4. Мустақил иш мавзуси бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати
 1. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
 2. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
 3. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: 1997.
 4. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти.-Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси», 2004.
 5. Додобоев а. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Фарғона. 2004.

15-мавзу: Қишлоқдаги меҳнат бозори.

1. Мавзуни мустақил ўрганиш ва конспектлаш.

1.1. Мавзуни ўрганишда эътибор берилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар: меҳнат ресурслари, меҳнат ресурслари таркиби, меҳнат бозори, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат ресурсларининг ортиқчалиги, меҳнат ресурсларининг етишмаслиги..

2. Мавзу бўйича намунавий реферат мавзуси ва режаси

2.1. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш.

Кириш

1. Меҳнат ресурсларининг моҳияти ва таркиби.
2. Қишлоқ жойларда аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари.
3. Меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари.

Хулоса

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

3. Мавзу бўйича илмий муаммо ва унинг ечими.

3.1. Меҳнат бозорининг фаолият юритиш механизмини ёритиш.

3.2. Қишлоқ жойларда ишсизликни бартараф этиш йўллари аниқлаш.

4. Мустақил иш мавзуси бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
3. И.А.Каримов Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
4. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: 1997.
5. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти.-Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси», 2004.
6. Додобоев а. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Фарғона. 2004.

16-мавзу: Макроиктисодий дастурларнинг бозор шароитидаги аҳамияти.

1. Мавзуни мустақил ўрганиш ва конспектлаш.

1.1. Мавзуни ўрганишда эътибор берилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар: иқтисодий тизимлар, иқтисодий моделлар, бозор механизми, макростратегик дастурлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, америкача модал, ўзбек модели японча модел, шведча модел.

2. Мавзу бўйича намунавий реферат мавзуси ва режаси

2.1. Макростратегиялар танлашнинг хорижий тажрибаси.

Кириш

1. Ўзбек моделининг иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли.
2. Америкача модел тажрибаси.
3. Японча ва шведча модел тажрибаси.

Хулоса

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

3. Мавзу бўйича илмий муаммо ва унинг ечими.

3.1. Иқтисодий тизимларни тавсифлаш.

3.2. Ўзбек моделини иқтисодий моҳиятини ёритиш.

4. Мустақил иш мавзуси бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.

2. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI асрга интиломқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
3. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: 1997.
4. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти.-Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси», 2004.
5. Додобоев а. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Фарғона. 2004.

17-мавзу: Худудий иқтисодиётнинг муаммолари.

1. Мавзуни мустақил ўрганиш ва конспектлаш.

1.1. Мавзуни ўрганишда эътибор берилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар: худудий инновацион стратегия, микро ва макро инновацион стратегия, меҳнат потенциали, илмий-техника ресурслари, тақрор ишлаб чиқариш.

2. Мавзу бўйича намунавий реферат мавзуси ва режаси

2.1. Худудий стратегиянинг иқтисодиётда тутган ўрни.

Кириш

1. Худудий стратегиянинг иқтисодиётдаги роли.
2. Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муқобил стратегияни излаш.

Хулоса

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

3. Мавзу бўйича илмий муаммо ва унинг ечими.

3.1. Худудий стратегиянинг таркибий йўналишларини аниқлаш.

3.2. Худудларни ижтимоий-иқтисодий чегаралаш муаммоларни ечиш.

4. Мустақил иш мавзуси бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI асрга интиломқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
3. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: 1997.
4. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти.-Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси», 2004.
5. Додобоев а. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Фарғона. 2004.

18-мавзу: Интеграцион йўналишнинг моҳияти.

1. Мавзуни мустақил ўрганиш ва конспектлаш.

1.1. Мавзуни ўрганишда эътибор берилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар: ташқи иқтисодий алоқалар, ташқи савдо баланси, актив ва пасив ташқи савдо баланси, экспорт ва импорт операциялари, хорижий инвестициялар.

2. Мавзу бўйича намунавий реферат мавзуси ва режаси

2.1. Жаҳон иқтисодиётида интеграцион йўналиш.

Кириш

1. Ташқи иқтисодий алоқалар стратегияси.
2. Ташқи савдо обороти.

3. Ташқи иқтисодий алоқаларда экспорт ва импорт операциялари.
Хулоса

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

3. Мавзу бўйича илмий муаммо ва унинг ечими.

3.1. Ташқи иқтисодий алоқаларни иқтисодий ўсишга таъсирини кўрсатиш..

3.2. Экспорт ва импорт таркибини ёритишх.

4. Мустақил иш мавзуси бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. И.А.Каримов Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999.
3. И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: 1997.
4. Ишмухаммедов А. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. -Т.: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси», 2004.
5. Додобоев а. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Фарғона. 2004.

Хорижий адабиётлар

1. Хаймон Д.Н. Современная микроэкономика: анализ и применение. Москва, Финансы и статистика, 2011 г.
2. Пассута В.И. Организация и нормирование труда на предприятиях. - Минск.: Новое знание, 2010.
3. Кузнецова В.В. Экономика сельского хозяйства. Ростов на Дону, 2008.
4. Бороздин. Земельные отношения и аграрная реформа. М.: Изд. Единства, 2011.
5. Тургаев А.К. Охрана труда в сельском хозяйстве. - М.: Академия, 2010.
6. Петранева Г.А. Экономика и управление в сельском хозяйстве. М.: Академия, 2009.
7. Илвини З.М. Рынок сельскохозяйственного сырья и продовольствия. Минск: БГЕУ, 2010.
8. Николаев В.С. Основы технологии сельскохозяйственного производства. Земледелие и растениеводство. М.: Былина, 2009.
9. Цынкин Ю.А. Агротаркетинг и консалтинг. М.: Юнити, 2008.
10. Осипов М.Ю. Основы предпринимательского дела. Москва, 2011 г.

“Ўзбекистон миллий иқтисодиёти” фанидави курс иши мавжуд эмас.

Мундарижа

Аннотация	3
Муаллифлар ҳақида маълумот	4
Маслаҳат ва тавсиялар.....	5
Талабаларнинг фанлардан қолдирган дарсларини қайта ўзлаштириши тўғрисида НИЗОМ.....	7
Талабаларнинг фанлардан қолдирган дарсларини қайта ўзлаштириши тўғрисида НИЗОМ	11
Фан бўйича талабалар билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезони ва рейтинг ишланмаси	16
Фан ишчи ўқув дастури	24
Фан дастури бажарилишининг календарь режаси	46
Фаннинг технологик харитаси	52
Фан бўйича мавзуларга оид амалий машғулотлар тўплами	79
Фан бўйича оралиқ ва якуний назорат бўйича саволлар вариантлари	90
Фан бўйича тест саволлари	99
Фан бўйича умумий назорат саволлари	121
Фан бўйича ишлаб чиқилган тақдимотлар	125

Глоссарий	174
Фан бўйича талаба мустақил ишлари мавзулари.....	177
Фан бўйича фойдаланилган адабиётлар рўйхати	177
Фан бўйича таянч конспект.....	178
Фан бўйича ўқув материаллари (маъруза матни, услубий кўлланма)	307
Хорижий адабиётлар.....	323
Фан бўйича курс иши мавзулари.....	324

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИ ФАНИДАН ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

М. АЛЛАЯРОВА

Гулистон - 2013

Масъул муҳаррир:

Тақризчилар: иқтисод фанлари номзоди, доцент О.Сатторқулов
иқтисод фанлари номзоди, доцент О.Райимбердиева

компютерда саҳифаловчи: М.Аллаярова

Босишга рухсат этилди ____ ____ 2014. Қоғоз бичими 60x84.
Times New Roman гарнитураси. Нашр б.т. 20,0.

707000, Гулистон шаҳри, 4 – мавзе,
Гулистон давлат университети,
Гулистон Давлат Университети босмахонасида чоп этилди